

**ХОТАМ УМУРОВ**

**ЁРУҒ ВА ЁНИҚ  
ҚАЛБЛАР**

**Хотира-эссеалар**

**Тошкент  
“Muharrir nashriyoti”  
2014**

УЎК: 821.512.133-4

КБК 83.3(5У)

У 47

- Арабиётчиносин

## Умуроғ, Ҳотам

Ёруғ ва ёниқ қалблар / Ҳ.Умуроғ; масъул мұҳаррір:  
Т.Ахмад — Тошкент: "Muhabbir nashriyoti", 2014. 208 б.

ISBN 978-9943-25-307-0

Ушбу китобда муаллифнинг Воҳид Абдуллаев, Орифжон Икромов, Пиримқул Қодиров, Нуриддин Шукуров, Ғайбулла ас-Салом, Ҳудойберди Дониёров, Ботирхон Валихўжаев каби севимли устозлари, эшони шайх Кутбиддинхон, Аҳад Ҳасан, Асад Мирзаев, Ҳакима Ҳасанова, Маъруфжон Икромов, Маҳбуба Камолова сингари қадрдонлари, Таънаберди Қурбонов, Рустам Ҳолмуродов, Аминжон Бакаев, Шавкат Махматмуродов, Жума Ҳамроев каби замондошлари ижодий портретларидан лавҳалар битилган. Ёруғ ва ёниқ қалбларнинг абадийликка даҳлдор қисматларидан баҳслар юритилган.

Китоб олий ўкув даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

10 42084  
2g!

Масъул мұҳаррір:  
Тошпўлат Аҳмад,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими, шоир

Тақризчилар:  
Абдураҳим Солиев,  
филология фанлари доктори,

Мавлон Бобохонов,  
филология фанлари номзоди

2013/150	Alisher Navoiy
A 12072	nomidagi
	(nomidagi) MK

ISBN 978-9943-25-307-0

© Ҳ.Умуроғ,  
"Muhabbir nashriyoti",  
Тошкент, 2014

## БИРИНЧИ ФАСЛ

### ЎЙФОҚ ДАРЁЛАР ҲАМИША МАДАДКОР АЗИЗИМИЗ

*Карвон ўтар, изи қолар.*

#### Мақол

Минг шукрки, мен ҳаётимда кўплаб қалб эгаларига, дилкаш эшонларга ҳам дуч келганман. Улардан бири – эшони шайх Кутбиддинхон (1906-1983) ҳазратларидир. У киши ўзларининг комусий билимлари, Зарафшон дарёсидек яратувчан меҳрлари билан мафтун қилгандилар. Инсонларга муносабатда, одобда беназир эдилар. Мулоқотда дилбарликлари ва донишмандликлари ила одамни маҳлиё килиб, сизни қийнаб турган муаммонгизни ечишининг осон йўлларини маслаҳат тарзида беминнат кўрсатиб берардилар. Тошкентнинг Собонидаги, Ургутнинг Мерганчасидаги хужраларига (етти ёшдан етмиш ёшгача ва ундан катталар) ким кирмасин, ёшлари улуғ бўлишига қарамасдан, ўринларидан туриб кутиб олардилар. Меҳмон(лар) ўтирган(лари)дан сўнг жудаям енгил тарзда, шошилмасдан ўринларига ўтирганларини билмай қолардингиз. Бунга кўплаб марта шоҳид бўлганман.

Мен у киши билан ўғиллари Муслиҳиддинхон туфайли танишганман. Тақдир тақозосига кўра 1971 йилдан Муслиҳиддинхон билан Самарқанддаги педагогика институтида “Ўзбек адабиёти” кафедрасида бирга ишлай бошладик. Акалари Баҳовиддинхоннинг менинг акам Орифжон Икромов билан кадрдонликлари Муслиҳиддин билан менинг орамизда дўстлик, ака-укалиқ ришталарининг тез ва осон боғланишига сабаб бўлди. Бу пайтларда Ҳазрат А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг “Тарихий этимологик луғатлар” бўлимида ишлардилар. Араб, форс-тоҷик, эски ўзбек ва туркий тилларининг мукаммал билимдони, моҳир матншунос ва манбашунос олим сифатида машҳур эдилар. У кишининг ҳамкорлигида яратилган икки жилдлик “Фарҳанги забони тоҷик” ва тўрт жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” бетакрорлиги билан хизматини ҳамон давом эттироқда, луғатшунослик илмининг тобора ривожига туртки бўлмоқда.

Сўзнинг ошкора ва яширин маъноларини шарҳлаш, луғавий ва матндағи мажозий (кўчма) маъноларини изоҳлаш – сўз сеҳрини ўрганиш борасидаги у кишининг ишлари ўша пайтлардаёқ луғатшунослигимиз қай ўзанда ривожланиши зарурлигининг башорати бўлганди. Афсуски бу меҳнатлари – кўчма сўзларнинг изоҳи ва мисоллари НАТИЛ ҳажмини қисқартириш ҳисобига бой берилган.

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” (НАТИЛ)нинг биринчи китобини бизнинг оиласизга “Энг азиз ва аржуманд фарзандларимнинг мутолааларига ушбу китобни тақдим этиб... Ҳамиша хизматларингиз улуғ ҳалқимиз олдида кутлуг бўлсин деб дуо ва саломлар билан М.Кутбиддин”, – дея чиройли дастхат ҳам бергандилар. Дуолари ҳамон тирик, ўзлари дастхатларида ёзганлариdek, “ҳамиша сихат ва саломатлик, шод ва хуррамлиқда бардавом бўлиш”лик насиб қилмоқда. Ҳазратнинг бу дуолари кучини ҳалигача ҳеч ким, гарчи айримлар харакат қилган бўлсалар-да, буза олмади.

Оллобердихон Самариддинхон ўғлининг “Шайх Кутбий мақоматлари” (Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2001.) китобида у кишининг соҳиби кароматлардан бири эканликларини тасдикловчи кўпгина нақлларга дуч келамиз.

Жумладан,

“...Эшони шайх сақланаётган камеранинг зулфини сирли равища мудом очилиб кетармиш. У киши (1937-1943 ва 1951-1955 йилларда икки марта “халқ душмани” тамғаси билан ноҳақ ҳибсга олинган – Ҳ.У.) соқчиларнинг кўзича ташкариларга чикиб, таҳорат ушатиб, намозларини ўқигач, яна ўз ўринларига қайтармишлар.

Қамокхона бошлиғи савол берибди:

– Эшон бобо, шунчалик эркин экансиз, қочиб кетишга имкониятингиз бор экан-ку! Нега бундай қилдингиз?

– Қоровул йигитнинг мен учун азият чекишини истамайман” (17-бет).

Кароматли эшон ҳазратлари беморлар дардига шифо беришда ҳам “Куръони карим” оятларига, ўтмишдаги тиб илмининг хулосаларига, Ибн Синоға ўхшаш олимларнинг асарларига таянардилар. Кўпинча шифолари ижобат бўларди. Биттагина мисол келтирай: Ҳазратнинг буйрак касаллигини

даволаш бўйича дастхатлари сақланган. Унда ёзадилар: “Олболу шарбати буйракнинг кум ва тошини чиқаришда ўта кераклидир ва у пешобни ҳайдайди. Олболунинг тўрт косаси олиниб, бир кеча ивитиб қўйилади. Эрталаб олти коса сувга қайнатилади. Қайнатмадаги сувнинг ярми қолганида, у сузиб олинади ва софлаб бир ярим килограмм новвот солиб яна қайнатилади ва киём қилинади. Эрталаб ва кечқурун истеъмол қилинади”. Мана шу кўрсатмага амал қилганларнинг барчаси тузалиб кетишганини биламиз... Ҳазрат ҳалқ табобатининг билимдони сифатида турлитуман касалликларни даволаш сирларини чуқур билардилар...

Ҳазрат 17 декабря Тошкентдан жиянлари ва күёвлари Исҳоқхон Носиров бошқарувидаги машинада Ургутга қайтаётгандарида... Жомбойдан ўтгач, Зарафшон дарёсига етай деган жойда тагидан поездлар ўтадиган баланд кўприкка чиқканларида... кўпrik усти музлагани, муз юзини чанг тўзионлар қоплагани учун билинмаганлиги ҳайдовчига панд берган ва машина рулга бўйсинмай сирпаниб, кўприкдан пастки жарликка ағанаган... Эшон бобо шаҳид ўтганлар.

18 декабря Ургутнинг Мерганча қишлоғида, ҳазратнинг ховлиларига тутап катта майдонда жаноза бўлди... Анча вактлар олдин Тожикистондаги дўст-у маҳбублари – домла Шариф эшон бобо Эшони шайхни зиёрат қилгани келганларида, у киши кўқисдан “Мабодо паймонам тўлиб ажалим етса, жанозани ўзингиз ўқийсиз,” – деб юборган эканлар. Башоратлари яна ижобат бўлди. Жанозани Шариф эшон бобо ўқидилар. Севимли ва қадрдан устозимиз Файбулло ас-Салом Эшон ҳазратлари ҳакида ўта таъсиричан маъруза қилдилар. Жанозага қатнашган йигирма мингдан ҳам кўп одамлар Эшони шайх тобутларини бир тошлиқ (саккиз чакирим) масофага кўтариб боришиди. Тобут гўё кема эди, у одамлардан иборат денгизда Чорчинор томон чайқалиб оқарди. Мерганча ҳам, бизлар ҳам бунчалик катта мотамни, Эшони шайхга бўлган ихлоснинг, хурматнинг, эъзознинг бунчалик буюклигини билмаган эдик. Бунга гувоҳ бўлгач, раҳнамо инсон қалбидаги меҳрнинг юксак ва кенглигига, унинг одамларга доимо зарур ва кераклигига ишондик, бу меҳрнинг минглаб одамлар қалбида, ақлида, имонида тирик эканлигининг шоҳиди бўлдик.

Шу боис ҳам, Академик шоир Гафур Гулом уч ёш катта бўлғанликларига қарамай, Эшони шайхни пир санардилар, муридлик эътиқодини бажариб, “Ҳазратим”, “Шайхим”, “Азизим” деб улуғлар эдилар. Ҳазрат билан ҳамсуҳбат, ҳамкор, ҳамфикр бўлғанлардан барчасининг оғзидан у киши ҳақида бол томарди. Ёлгон сўзлашга, ошириб сўзлашга имон йўл қўймасди. Файбуллоҳ ас-Салом Ҳазратни “Тирик комус, тасаввуф билағони” десалар, Эргаш Фозилов “Сахий, ёқимтой, камтарин олим”, дейдилар. Нажмиддин Комилов “Мискин табиатли инсон, илму одобда қалби дарё, беозор зот”, деса, Ҳамидулла Дадабоев “Оқил ва доно, айни пайтда, ўта камтарин ва хокисор инсон”, дейди. Ҳасан Кудратуллаев эса, шундай ёзадилар: “Агар мендан бирор: “Сен баҳтингни нимада деб биласан?” – деб сўраса, “Такдир мени яхши одамлар билан учраштирганида” – деб жавоб берар эдим. Ана шуларнинг саромади, сарвари менинг учун Кутбиддин эшон Муҳиддин ўғли ҳазратлариридир”...

Яхши одам ҳақида канча десак, сўзлар шунча юракдан қуюлиб келаверади. “Асосий гапни айта олмадим,” деган таассуротни уйғотаверади. Яна ёзишга даъват этаверади.

65 ёшларида “Мирзо Муҳаммад Меҳдиҳоннинг “Санглоҳ” асари (тадқиқот, таржима, шарҳ, транскрипция)” мавзусида номзодлик диссертациясини ёзиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эришган зот “Кутбий” таҳаллуси билан кўплаб ғазаллар, мухаммаслар, рубоийлар ёзганлар.

“Нозик ашъорфаҳм” (Файбуллоҳ ас-Салом) эгаси Эшони шайхнинг битта рубоийларини ва ғазалларидан битта байтни ўзларига хос бўлган мулојим оқангда ўқийлик:

Билимдан топади қийматин инсон,  
Юмшоқликдан келар саодат ҳар он.  
Агар шу иккисин киритсанг қўлга,  
Иzzатда яшайсан: тинч ва фаровон...

\* \* \*

Кел, эй кўнгил, иковлон ишни ўнглаш йўлин излайлик,  
Тилу дил бўлса ҳамранг, тез муродга етказур доим.

Иккаласида ҳам бани одам учун сабоқлар берилган. Иккаласида ҳам бу сабоқ эзгуликка, гўзалликка бурканган.

Иккаласи ҳам самимий дилдан тугилгани учун ўзга кўнгилларни жўширади, билимдон ва хокисорлик, тил ва дил бирлигини хукмрон туйгуга айлантиради, алал-оқибат, одамийликка етаклади: саодатга, муродга етишнинг йўлини кўрсатади...

11 йил ноҳак қамоқда ўтирган, Сибир, Жанубий Оренбург, Уральск ўрмонларида совуқда котган, “халқ душмани” тамғаси босилиб калтакланган, азобланган, хўрланган бўлишларига карамай, Эшони шайх тақдирга тан берганлар, совет тузумини каргамаганлар, кек сакламаганлар, унга ҳатто ёмонликни раво кўрмаганлар. “Биз ҳеч кимга гина-кудрат килишга ҳақли эмасмиз. Расуллulloҳ: “Ўзингизга раво кўрмаганни, бировга раво кўрманг” - деганлар, ўғлим!” дея насиҳат қилганлар. Ёмон ниятдан, ёмонликнинг барча кўринишларидан воз кечиб яшаганлар ва шундай яшашга чорлаганлар. Шу боис, Нақшбандия тариқатининг сабр-тоқат ва беозорлик, яхшилик ва эзгулик қоидаларига тўлиқ амал қилиб яшаган нурли сиймонинг умр тарихи ҳаммага асқотадиган, ҳаммани комилликка чорладиган, ҳаммага намуна бўладиган тарихdir.

Хуллас, оқиллар айтганидек, ҳаёт барҳаётлик учун кураш экан, у қанчалик қийинчиликлар, тало-тўплар, нобопликлар, кувончу шодликлар ичida ўтмасин, ўзликни англаш ва уни кўплаб инсонлар учун ибрат килиб қолдириш абадийликка дахлдор этаркан. Унинг хотираси ҳамма вакт азиз ва муқаддас бўларкан. Эшони шайх Кутбиддинхон ҳазратларининг умрлари ҳам ибратли умрdir. Унинг ҳар бир лаҳзаси – сабоқ. У кишидаги хулқу одоб, сабру тоқат, илму шоирлик, устозу шогирдлик (пиру муридлик), камтарлигу мулойимлик, ўғиту ҳикматлар ҳар биримизга ўзлигимизни англашда, уни поклик, ҳалоллик, одамийлик, эзгулик билан бойитишда маънан мададга келаверади. Ҳа, Ҳазрат “тонг қадар поқу нурдай мусаффо” (Исомиддин Салоҳий) бўлиб қалбларимизда яшайверадилар. У киши “Шарқимиз монанд ҳамиша тирик” (Нажмиддин Комилов)дирлар.

Вафотларига 29 йил бўлди. Ҳамма вакт бўлганидек бугун ҳам ҳазратни истаган-кўмсаған одамларнинг қалбида мулойим ва донишманд қиёфаларида тириладилар; кўмакка келадилар ва одамийликка чорлаб дуо қиласдилар.

2012.

## УЛУФ МУРАББИЙ

Ўқитувчи жамият маънавий  
муҳитининг мураббийсидир.

Ҳамқурсимиз Мунирабонунинг туғилган кунини нишонлашга бир гурӯҳ талабалар йўл олдик. Ўшанда, бўлажак кайнотамни биринчи бор 1963 йилнинг июн ойида кўрганман. Сиёб бозорининг бикинида жойлашган 8-март З-тор кўчасига бурилганимизда у киши бошяланг, оқ сурплик куйлак ва иштонда кўчага чеълаклаб сув сепардилар. Бу иш у кишининг ёз ойларидағи ҳар кунги одатлари экан. 70 ёшдан ошганларига қарамай, анча ёш, чайир ва меҳнаткаш эканликлари яққол кўзга ташланарди.

Анчагина муддат ўтгач, у кишини зиёрат қилиш учун хужраларига кирдик. Хужраларининг тахмони китобларга тўлиқ эди. Хонтахта устида ҳам арабча ёзувдаги китоблар тўдаси турарди. “Қуръони карим”нинг очик юзида хатчўп бор эди. Ўрнилардан чакқонлик билан турдилар, ҳаммамиз билан икки кўллаб кўришдилар. Ўтирганимиздан сўнг, узоқ дуо қилдилар, ўқитувчилик касбини улуғлаб, ўқишимизга, дўстлигимизга барака тиладилар ва зиёфатни юқори қаватдаги хонада давом эттиришимизга чорладилар...

Кейинчалик у кишининг 16 ёшдан бошлаб ўқитувчиликка бел боғлаганларини, жадид мактабидан совет мактабига кўприк бўлганларини, 50 йилдан ортиқ фидойилик билан таълим-тарбия берганларини, ноёб устоз даражасига кўтарилганларини, хаттотлика беназир эканликларини билиб олдим.

Авлиёқул Абдусамадов (1892-1981) Самарқандда туғилиб, 90 йилга яқин умр кўрганлар. Иш фаолиятларини 1908 йил ноябрь ойидан Шаҳрисабз шаҳридаги “ИСЛОҲ” мактабида ўқитувчиликдан бошлаганлар. Вилоят маорифи 1914 йилда бу вазифадан озод этиб, Самарқанддаги “МАОРИФ” номли мактабга ўқитувчиликка юборган.

1917 йилдан Самарқанддаги 10-сон таянч мактабида ўқитувчи ва мудир бўлиб ишлаганлар. 1928-1930 йилларда Самарқанд шаҳридаги Хотин-қизлар тожик мактабида, 1930-1955

йиллар нафакага чиккунларигача Самарқанд шахридаги 10-мактабда ўқитувчилик қилганлар.

1939 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони берилган. Маориф ташкилоти, вилоят партия комитети ва Ижроия қўмитаси томонидан ўнлаб фахрий ёрликлар билан тақдирланганлар, патефон (1934), радио (1938), фотоаппарат (1940) билан мукофотланганлар. Шогирдларидан бир киши академик, 8 киши профессор, 50 дан зиёд фан номзодлари бўлиб этишишган.

Қайнатам меҳрли ва барчага ғамхўр одам эдилар. 30 йилга яқин кузатган бўлсам-да, бирон марта овозларининг баланд бўлганини, биронтага кўпчилик ичida танбеҳ берганларини кўрмаганман. У кишининг бирон кишига, ўзгага озор берганларини ҳам эшифтмаганман. У кишида мулойимлик етакчи хислат эди. Қовок солгандарини ҳеч кўрмаганман, ҳаммани ҳаммавақт очиқ юз билан, билинар-билинмас кулгулари ила кутиб олардилар. Турли ҳикоятларни, ҳадиси шарифларни келтириб, кўнгли коронгу кишиларнинг ҳам дардига малҳам улашиб, қалбини ёритиб юборардилар. Бу хислатлари билан инсонпараст сифатида кўпнинг назарига тушган эдилар. У кишини авлиё санардик. Исмларига ҳар жиҳатдан мос эдилар. Қайнатам араб ёзувини мукаммал билардилар. Унинг ҳар қандай кўрининишини кийналмасдан ўқирдилар, гўзал килиб кўчирардилар. Ҳусниҳатлари чиройлилиги билан ўзига мафтун киласади.

Айтишларича, устоз Воҳид Абдулла “XVI-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти” докторлик диссертациясига багишлаб яратган кўргазмали қуролларнинг матнини Авлиёқул муаллим кўчирган эканлар. Бу кўргазмалардаги чуқур билимга асосланган ҳусниҳат озарбайжонлик алломаларни койил қолдирган ва улар ҳайратлари тошиб, шу бетакрор кўргазмаларнинг ўзигаёқ докторлик даражасини берса арзиди, деган эканлар.

Докторликни мувафақкиятли ёқлаганларини табриклиш учун келган ва катта даврага айланган йигилишда Воҳид Абдулла Авлиёқул муаллимни – устозларини ардоклаб, устларига чопон кийгизганларини, устозу шогирднинг ибратли муомилаларини ҳамон эслайдиган гувоҳлар ҳали ҳам кўп...

Агар Сиз Шоҳизинда қабристонига кирсангиз, жарсанг ва мармар тошлардаги дилбар ҳуснихатда ёзилган арабча ёзувларга кўзингиз тушса, билингки, уларнинг барчасини қайнотам ёзганлар. Тошлардаги арабча ёзувлар бир-бирини такрорламайди, ҳар бирида у кишининг маҳорати мана-ман деб туради, Сизнинг зътиборингизни дарров ўзига жалб этади.

Шуниси диққатга сазоворки, у киши ҳеч вақт магрурликка берилмасдилар, камтарлик доимо у кишини безаб турарди. Кўп гапирмасдилар, камсукум, оққўнгил, ҳалол одам эдилар. Энг олижаноб фазилат саналмиш – оддийликнинг, сабру қаноатнинг эгаси эдилар. То бирон нарсани сўрамасангиз, гапирмасдилар. Гапиргандарида эса масаланинг моҳиятини оча оладиган сўзларнигина ишлатардилар. Умрларининг охиригача пиёда юришдан қолмадилар. Аллоҳдан ўзгага муҳтожликни сезмадилар. Ёлғон гапиришдан сақландилар. Буларнинг барчаси Куръони карим, ҳадиси шарифларни чуқур билганлари ва амалиётларида доимо таянганлари сабабли эди. Дунёвий ва диний илм у кишида шундай бирлашган эдики, ҳар бир харакатларини маънодор, сабоқли, таъсирчан бўлишига сабаб бўларди; умрлари давомида ёниб яшаганларининг адоксиз кучкувати эди.

Қайнотам ёзувчи Садриддин Айний билан маслакдош бўлганлар. Кўплаб мuloқotлар килишган, борди-келдилари бўлган.

Маълумки, Садриддин Айнийнинг “Сўдхўрнинг ўлими” асарида ўтакетган хасис образи яратилган. Лекин ҳозирга қадар хасисликни Садриддин Айнийга нисбат берувчиларни, Садриддин Айнийнинг яшаш тарзидан, меҳмон кутишидан, бозор қилишидан хасислик аломатларини топиб ҳикоя қилувчиларни учратиш мумкин.

Ҳолбуки, Садриддин Айнийда хасислик хислати бўлмаганини, у ўта тадбиркор, тежамкор, оқил инсон эканлигини қайнотам ҳам далиллар билан исбот қиласдилар. У киши иккита ҳолатни ҳикоя қилиб бергандилар.

Биринчиси. Садриддин Айний бозорга бориб, шолғом олмокчи бўлибди. Баъзилар пули кўп ёзувчи шолғомнинг каттакатталарини – кичкина косадек келадиганларини харид қилса керак, деб ўйлабдилар. Бошқа сотувчилар эса пули кўп одам

тўғри келганини, катта-кичик аралаш турган тўпни олсалар керак, деган тушунчага бориб, шолғомларини таклиф килишибди. Лекин Садриддин Айний шошилмасдан, ҳамма шолғомларни назардан кечиргаёт, узок савдолашиб, пиёладек-пиёладек келадиган шолғомларни сотиб олибди. Бундан кўпчилик таажжубга тушибди ва улардан битта гапдонроги Садриддин Айнийга савол берибди: “Домла, Сизни бой ёзувчи дейишади, лекин узок савдолашиб шолғомни ўртачасини олдингиз. Бунинг сабаби борми?” Садриддин Айний жавоб айтибди:

“Укахон, шолғомнинг майдаларини олсангиз, кўпи пўчокқа чиқиб кетади. Каттасини олсангиз, арчиб ярмисини қозонга соласиз, ярмисини эртанги овқатга солгунингизгача, ҳамма витаминалари ҳавога учиб кетади. Ўртачаси яхши бўлади, пўчоғи ҳам кам бўлади, барча витамини ҳам овқатни мазали қилади, ҳам шамоллашга қарши даво бўлади!”

Иккинчиси. Садриддин Айний ҳаммаёқ тинчиганидан сўнг то тонггача ишлашга ўрганганд экан. Ўнинчи лампали чироғнинг шишаси тепасига кичкина дегча (қозонча) осилар, чироғдан чиқаётган иссиқликка қозончадаги овқат ҳил-ҳил бўлиб тонг арафасида пишар ва уни ёзувчи саҳар пайти тановул килар экан...

Бу фикрлардан шу нарса аниқки, ёзувчи жиноятчини, хасисни тасвиirlар экан, албатта, ўзи жиноятчи, хасис бўлиши шарт эмас. У яратаБтган ўша жиноятчининг, ўша хасиснинг киёфасига кириб, уларнинг ҳаётида бўлиши мумкин бўлган ҳамма ҳолатларни тирилтириш кудратига эга. Чунки ҳар биримизда бўлганидек, ёзувчидаги ҳам ҳамма инсоний хусусиятларнинг куртаги мавжуд.

Иккинчидан, ҳар қандай бадиий асар умумлашма характеристерда бўлар экан, унинг асосида ҳеч вакт бир шахс (муаллиф)нинг конкрет ҳаёти, аниқ автобиографияси ётмайди, ундан бадиий ҳақиқат туғилмайди.

Шунинг учун ҳам “Олтин гул” автори К.Паустовский “Автобиографик қиссада мен ўзимнинг ҳақиқий ҳаётимни тасвиirlайман. Бироқ бошқа адиллардаги сингари менда ҳам кўшимча биография бор. Бу биография реал эмас, уни яшамаганман. У фақат менинг истак ва тасаввурларим оламидагина мавжуддир”, - дейди. – “Уни тасаввуримда ҳар қандай тасодифлардан моне ҳолда, истак-ҳохишим асосида

кандай яратган бўлсам, асаримда ҳам худди шундайлигича тасвирламоқчиман”.

Кўринаяптики, автобиографик характердаги ижод билан санъат бошқа-бошқа нарса экан. К.Паустовский автор образи иккинчи бор реаллашганди ўзида танлашни, умумлаштиришни, жамлашни тўғри тушунади. Чунки автобиографик фактлардан кучсиз нусха юзага келади, у санъат асари бўлиши учун қайта ишланиши, ижодий тасаввур билан бойиши, умумлаштирилиши зарур. Айни пайтда, тасвирланаётган хотира ва кечинмаларни ўз шахсидан ажратиши, уларни объективлаштириши лозим. У ҳақиқатан ўз бошидан кечирган воқеалар, хотираларни жонлантирганда ҳам, ўзини бу хотиралар орқали жонланувчи воқеаларнинг иштирокчиси сифатида эмас, балки гувоҳи сифатида тутиши керак. Унинг шахсини эмас, умумлаштирилган, кўпчиликка хос бўлган хусусият, вазият, кечинмаларни бериши ва китобхонда бу – муаллиф турмушининг ҳужжати деган тасаввурни уйғотмасликка интилиши керак.

Демак, асарда тасвирланган қаҳрамон билан ҳаётдаги муаллиф-инсон ўртасида катта фарқ бор. Гарчи “Болалик”даги Мусо, “Кўрган кечирганларим”даги Назир, “Ўтган кунлар”даги Отабек, “Судхўрнинг ўлими”даги Қори Ишкамба образлари асосида Ойбек, Назир Сафаров, Абдулла Қодирий, Садриддин Айнийларнинг маълум даражада автобиографиялари ётса ҳам, уларда ижодкорнинг шахсияти мухри босилган бўлса ҳам, уларни Ойбек – инсон, Назир Сафаров – инсон, Абдулла Қодирий – инсон, Садриддин Айний – инсон билан бараварлаштириб юбормаслик керак.

Хуллас, ёзувчи ўзининг автобиографиясидан, кўрганларидан, кузатишларидан, ўқиганларидан, фикр ва хиссиятлари йигиндисидан фойдаланган ҳолда бўлиши мумкин бўлган ҳаётни – уйдирма ҳаётни яратади. Бу бадиий ижоднинг азалий ва ўзгармас қонунларидан, сирларидан биридир, уни англаган кишигина – бадиий асарни ҳам, уни яратган санъаткорни ҳам объектив баҳолай олади...

6 июль 1981 йил. Соат 11.00. Уйимизга хабар келди: қайнотамнинг мазалари қочибди, бизларни сўрабдилар. Тушга яқин етиб бордик. Қайнотамнинг барча фарзаандлари сухбатлашиб ўтиришарди. Катта ўғиллари Усмон ака қайнотамни

еллиб ўтиардилар. Биз хонага киргач, шарпамизни эшитган қайнотам кўз очдилар. Бизларнинг ҳол-аҳволимизни сўрадилар. Бизлар эса тезрок соғайишларини тиласа қилдик.

Орадан озгина фурсат ўтди. Қайнотам ётган хоналари деразаси очик, очик деразанинг ташқарисида бизлар у кишининг овозларини, нафасларини эшитиб каравотда ўтиардик. Шу пайт бир “пуф” деган овоз эшитилди. Биргина “пуф” билан у кишининг жонлари узилди: бирон бир талвасага тушмадилар, ҳатто безовта бўлганларини ҳам сезмадик. Мулойим ўлим топдилар. Жудаям енгил, осоиышта ўлимни Аллоҳ раво кўрди. Фарзандларидан, яқинларидан рози-ризолик сўраб, ўз хонадонларида дунёдан ўтдилар... Нияти пок, ўзи пок инсоннинг ўлими ҳам пок бўлишини кўрдим. Ўзгани қийнамаган одамнинг жон бериши ҳам осон бўлишини англадим. Ўзгаларни ибрати билан тарбиялаган буюк муаллимнинг тақдирни охиригача гўзал ва мукаммал кечганига икror бўлдим. Бу умр – буюк эди, ибраторумуз эди, яратувчан эди, ишончли эди, чиройли эди, саховатга тўла эди, юксак маданиятли эди, олийжаноб ва самимий эди, ёник ва ёруғ эди. Унинг нури бугунимизни ёритишга қодир, “Банда қандай яшаши керак?” деган саволга реал (аник) жавобдир.

2013.

## “ВОХИДИ ДАВРОН...”

*Воҳид Абдулло ҳаёттарвар эди,  
Барчамизга соябон, сарвар эди.  
Меҳришиз осмонида ахтар эди,  
Илмишиз уммонида гавҳар эди...*

*Воҳид Абдулло ҳаёт, ўлган эмас,  
Бу қаломни оқигӣ аҳли ҳеч демас.  
Чунки у юз ёки минг, ҳеч бир эмас,  
Орқасида қолди қанча аҳли баҳс,  
Офтоб ҳам баҳсига қилгай ҳавас...*

Тожи Қораев

Академик Воҳид Абдуллаев ижодий портретини яратиш йўлидаги кадамлар 1960 йилларда бошланди. Худойберди Дониёров ва Раҳмонкул Орзибековларнинг “Атоқли олим, меҳрибон устоз” мақоласи В.Абдуллаев таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан эълон қилинди<sup>1</sup>.

Кейинчалик В. Абдуллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” (XVII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача) асари матбуотда кенг таҳлил ва тадқиқ қилинди<sup>2</sup>. Дастребаки мақолаларда, жумладан, Ҳамид Сулаймоннинг “Воҳид Абдуллаев”, Файбулла Саломов, Тўхта Бобоев, Барот Бойқобиловларнинг “Илм хосияти”, Сурат Ориповнинг “Самарқанд фозилларининг

<sup>1</sup> Дониёров X., Орзибеков Р. Атоқли олим. меҳрибон устоз. “Совет мактаби”, 1962, №12. 72-75 бетлар.

<sup>2</sup> Бердиёров X., Орзибеков Р., Салоҳиддинов И. Ўзбек адабиёти тарихи (Самарқанд олимларининг китоби) – Ленин йули, 1965. 26 марта; Мирзаев С., Валихўжаев Б., Шукуров Н., Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихининг яна бир кўзгуси // Совет мактаби, 1965 №7, 70-72 бетлар; Сулаймонов X., Мирзаев С., Валихўжаев Б., Орзибеков Р. Адабиётшунослигимизга қўшилган муносабиҳ ҳисса. Ўзбекистон маданияти, 1965, 24 февраль.

3. Ҳамид Сулаймон. “Воҳид Абдуллаев”. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966 йил, №3, 78-80 бетлар; Саломов F., Бобоев Т., Бойқобилов Б. Илм хосияти. Ўзбекистон маданияти, 1966 йил 26 август; Орипова С. Самарқанд фозилларининг сардори. Ленин йули, 1967 йил, 26 февраль.

<sup>4</sup> Баҳриев З. Бобокалон шаҳарнинг фуқароси (очерк). Ўқитувчилар газетаси, 1970 йил 25 октябрь.

сардори” каби изланишларида Воҳид Абдулла ҳаёти ва ижоди мухтасар тарзда сарҳисоб килинади<sup>3</sup>.

Домла ҳақидаги биринчи очерк – “Бобокалон шаҳарнинг фуқароси” номи билан 1970 йилда нашр этилди<sup>4</sup>. Воҳид Абдуллаевнинг «Машраб ва унинг замондошлари» тадқиқоти ва “Алишер Навоий Самарқандда” китобига тақризлар Бухорода эълон қилинди<sup>1</sup>.

В.Абдуллаевнинг илмий-ижодий салоҳияти юксалган сари унинг ҳақидаги тадқиқотлар, юбилей мақолалар ҳам сон жихатдан кўпайиб борди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги бўлиб сайланиши, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фаҳрий унвонига сазовор бўлиши устознинг шуҳратини оламга ёди. Унинг 60 йиллиги муносабати билан турли нашрларда – журнал ва газеталарда, илмий-тадқиқот тўпламлари ва илмий ходимларнинг янги асарларида ўзбек, рус ва тожик тилида туркум тўйхатлар, табрикномалар, шогирдларининг дил изхорлари, мақолалари эълон қилинди<sup>2</sup>. Унинг сарҳисоби бўлиб, филология фанлари номзоди Раҳмонқул Орзибеков ва библиограф М.П.Изосимованинг “Ўзбекистон олимлари библиографиясига доир материаллар” сериясида “Воҳид Абдуллаевич Абдуллаев” рисоласи чоп этилди; биринчи марта домланинг ҳаёти ва фаолияти кўрсаткичлари илмий тарзда жамланди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Воҳид Абдуллаев таваллудининг 80 йиллиги муносабати туфайли унинг “Сайланма”си Б.Валихўжаев ва С.Мирзаевнинг “Сержозиба аллома”<sup>4</sup> номли кириш сўзи билан босилиб чиқди. Шу йилнинг ўзидаёқ шу санага кичик бир тўёна тарзида Б.Валихўжаев ва Р.Воҳидовнинг “Эзгулик – умр

<sup>1</sup> Ҳамидов Т. Машраб ва унинг замондошлари // Бухоро ҳақиқати, 1965 йил 23 февраль; Қораев Т., Ҳамидов Т., Расулов О., Воҳидов Р. Адабиётимиз бузруквори ҳақида рисола. Бухоро ҳақиқати, 1969 йил 11 февраль.

<sup>2</sup> Каранг: “Воҳид Абдуллаевич Абдуллаев”, “Фан”, Т., 1973 йил, 39- 41 – бетлар.

<sup>3</sup> Воҳид Абдуллаевич Абдуллаев. (Тузувчилар: филология фанлар номзоди Р.О.Орзибеков ва библиограф М.П.Изосимова). Т., “Фан”, 1973 йил.

<sup>4</sup> Б.Валихўжаев, С.Мирзаев. Сержозиба аллома – Воҳид Абдулла. – “Сайланма”, Т., Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат насприёти, 1992 йил, 3-8 бетлар.

мазмуни”<sup>1</sup> рисоласи зълон қилинди. У “Воҳид домладан талабалик йилларида сабоқ тинглаган, ҳамон унинг ўғитларига таяниб иш кўраётган икки шогирднинг дил дафтаридағи айрим лавҳалардан таркиб топган” мўъжаз китобдир.

Унда устознинг болалик ва ўкувчилик, домлалик ва устозлик йиллари; олимлик, адиблиқ, жамоатчилик фаолияти, “Алишер Навоий ҳәёти ва Самарқанддаги фаолияти”, “Алишер Навоий ва Коҳий Самарқандий”, “XIX асрда Бухорода навоийхонлик ва Навоий издошлари”, “XVI-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Жомий ва ўзбек адабиёти” каби гўзал тадқикотлар, “Самарқанд сайли”, “Бедор қўшиклар” каби шеърий китоблар қизиқарли тадқик қилинади, ибратли, зарур сабоқлар чиқарилади. “Воҳид домланинг қутлуғ номи, эзгулик ишлари, порлок хотираси мангулликка дахлдор ҳолат – ходисалар сингари барҳаётдир. Воҳид домла яшашда давом этмоқда”, - деб бор ҳақиқат, ҳәётий хулоса исбот қилинади.

1992 йилда Воҳид Абдуллонинг “Бедор қўшиклар” номи остида шеърлари зълон қилинди. Унда Шавкат Холматов ва Үтамурод Нурмуҳаммевларнинг “Фозиллар сардори”<sup>2</sup> тадқикоти босилган ва Воҳид Абдуллаевнинг ҳәёти ва фаолияти муҳтасар тарзда ёритилган: Воҳид домланинг Алишер Навоий номидаги СамДУ ректори сифатида бажарган ишлари, унинг илмий раҳбарлиги ва ҳакамлигига ёқланган юздан ортиқ диссертациялар, “XIII-XVII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти” монографияси, “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги, “Хоксор ва Нишотий”, “Асрлар нафаси”, “Алишер Навоий Самарқандда” каби тадқикотлари обзор қилинади. Воҳид Абдуллаевнинг ўттизинчи йиллардан бошланган поэтик ижоди тавсифланади. Унинг фаол жамоатчилик, моҳир ташкилотчилик, жонкуяр устозлик, бедор шоирлик салоҳияти умумлаштирилади.

“Адабиёт илмининг алломаси” номли қизиқарли китобда академик Воҳид Абдулла замондошлари нигоҳида жонланди. Унда Бектош Раҳимов, Ботурхон Валихўжаев, Барот Бойқобилов, Матёкуб Кўшжонов, Неъмат Абдуллаев, Раҳим Муқимов, Сергей

<sup>1</sup> Б.Валихўжаев, Р.Воҳидов. Эзгулик – умр мазмуни, Т., “Фан”, 1992.

<sup>2</sup> Воҳид Абдулло. Бедор қўшиклар (Тўпловчи Юсуф Абдуллаев), Т.,Faғур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992 йил.

Иванов, Фозила Сулаймонова, Наримон Хотамов, Раҳим Воҳидов, Тоҷи Қораев, Қамбар Ота каби дўстларнинг, ҳаммаслақларнинг, шогирдларнинг, қавму қариндошларнинг эсадаликлари ўрин олган. Китоб охирида Воҳид Абдуллаевнинг илмий, ижодий ишлари рўйхати илова қилинган.

Тўпламда Воҳид Абдуллаевнинг “камтар, хокисор, камсукум, захматкаш олимлиги” (Н.Хотамов), “Воҳиди даврон, алломаи замон зот”лиги (Б.Валихўжаев), “ажойиб инсон”лиги (Р.Муқимов), “эл севган академик” (Г.Абдуллаев) эканлиги, “инсонийликни шарафлаган улуғ инсон”лиги (Р.Воҳидов), “Аҳли дошишлар сардори” (Б.Ўринбоев) ва “Жаннатий устозлиги” (С.Алиев) жонли мисоллар орқали очиб берилган. Бир жумла билан айтганда, китобда Устознинг ўгит ва сабоқлари ёркин аксини топган.

Дарвое, инсоннинг тириклиги унинг ҳужайраларида тинимсиз харакат қилаётган қонга боғлиқ. Кон томирларда юрганида инсонни борлигича намоён этади, завқу шавкка кўмади, яратиш, бунёд этишга, эзгулик ва инсонийлик хислатларини юзага чиқаришга сабаб бўлади. Агар ўхшатиш жоиз бўлса, мен устозим Воҳид Абдулладек алломаларни томиримизда юрган қонга, қалбимиздаги инсонийлик туйғуларининг энг аслларига қиёс этган бўлардим. Сабаб улар берган илм, тарбия, насиҳат, сабоқларнинг бутунги ҳаётимиз учун заруратга айлангани, харакатимиз ва фаолиятимизга йўналиш бераётганидир.

Академик Воҳид Абдуллаев ҳакидаги асар ва мулоҳазаларнинг қисқача сарҳисобидан қуидаги хуносалар туғилди:

1. Воҳид Абдуллаевнинг ижодий портрети ҳали тўлиқ ва мукаммал ишланмаган. Бу портрет шунчалик бой ва кўпкірралики, унинг моҳиятини кашф этиш XXI аср зиммасига тушади. Демак, устоз илмининг, ашъорининг, мураббийлик ва арбоблик санъатининг – ижодий меросининг умрбоқийлигини кашф этиш, ундан тинимсиз озиқланиш тўхтамайди, у харакатда экан, кўпдан-кўп ёшларни янгидан ўзига маҳлиё эта беради. Ҳар биримизнинг қонимизга, қалбимизга энг зарур ва керакли бўлган неъматларни бераверади; жисму руҳимизни поклайверади, бунёдкорликка ва эзгуликка етаклайди.

2. Йиллар ҳисобига Алломадан узоқлашганимиз сайни, олим ва инсон, ҳаёт ва жамият фалсафаси моҳиятини тушуни

даражамиз ошгани сайин, ўтганларнинг сабоқларини “ҳазм” қила борганимиз сайин – Вохид Абдуллаевичнинг биз илгари етарли эътибор бермаган одамийлик фазилатлари, илмий-педагогик салоҳиятлари, устоз сифатидаги ноёб хислатлари ярқ этиб нур сочаверади. Сизни ва мени ўзига мафтун қиласверади. Ана шу кашфдан асарлар туғилаверади, қалблар тұлаверади.

3. Инсон Вохид Абдулла каби ўзлигини халқига, Ватанига, Билим даргоҳига, оиласига, шогирдларига баҳшида қилиб яшасагина, захматли меҳнат ҳисобига илмий кашфиётлар яратиб, комил инсонлар жамоасининг ақлу қалбига озиқ берсагина – унинг иккинчи умри бириңчисига қараганда жуда күп карра жалб этаркан, әзъозланаркан, улуғланаркан, хотираларда қайтадан тирилар экан.

Шу сабоқлар ҳаммага насиб қылсын! Вассалом!

1993.

## ҚАРЗДОРЛИК

Даставвал, инсон табиати манзараларинининг бир кўринишига диққатингизни қаратмокчиман; мана, тингланг: Инсон туғилди. Йиғлаб, унга мушток одамларни кулдириб дунёга келди. Бегуноҳ ва пок. Киндиги кесилгандан бошлаб, ўз тақдирига эга олам яралди. Ҳа, оламдан олам бунёдга келди.

Ўсгани, улғайгани, умр (такдир)ни яшагани сайин қарздорлиги ҳам ошиб бораверади. Яратгандан, ота-онадан, опа-сингилдан, ақа-уқадан, кавму қариндошдан, дўст-биродарлару устозлардан, қўни-қўшнилардан, танишлару ҳамкаслардан; табиат ва жамиятдан, замину осмондан... қарздор эканлигини чуқуроқ англаб бораверади ва бу қарзларни узмасдан яшаш маъносиз ҳаёт кечиришга тенг эканлигини илғаб, тан олиб, асослироқ англаб ўсоверади...

Демак, қарзни узишга улгуриш – яхшиликларни қайтариш лозим. “Эҳсон – яхшиликнинг жазоси, мукофоти – факт яхшиликдир” (Изоҳ: Ҳаёти дунёдан иймон ва эзгу амаллар билан ўтган кишининг охиратдаги мукофоти жаннатдир. Эҳсон калимасининг лугавий маъноси – чиройли амал қыммоқдир), – дейилади Раҳмон (55) сурасининг 60-ояти (мўъжизаси)да. Бунга хиёнат қилиш – ўз умрига хиёнат қилишга олиб боради; жоҳилликка, сотқинликка, ёмонликка, гуноҳкорликка, мутепарастликка, ҳаромга етаклади. Тириклиги баракасиз ўтади. Ишончли ҳадисда

айтилганидек, “Қарзини узмай дунёдан ўтган одам, то қарзи узилгунча қабрида кишинланган холда ётади”. Шундай экан, қарзни узишга улгuriш лозим, одамлар! Алкисса, инсонийликнинг барча маъноси эзгуликларда, яхшиликларда жамулжам эканини қанчалик эрта тушунсак ва чиройли амаллар қилмоққа киришсак, шундай яшаш ҳаёт тарзимизга айланса инсонларга, табиятга, жамиятга керакли одамга айланамиз, гуноҳларимиздан покланамиз. Ҳаёт (такдир) мазмунини теранроқ англаймиз, ўзлигимизни кашф этамиз... Шунга улгурган киши – дунёдан кулиб, одамларни эса йиғлатиб, янги оламга ишонч билан кетаверар экан!

Ана шу ишончга содикман. Шу туфайли алломай замон, бобарокат устоз Воҳид Абдуллодан ҳам қарздорман ва шу қарзимни узиш ҳаракатида, амалиётида давом қилмоқдаман...

## 1. САМАРҚАНДНИНГ ЎЗИДАИ КАТТА МУАЛЛИМ!

*Ёзгум газалу қўшиқ-лапарлар,  
Сўзларки – сизни деб чопарлар.  
Мехри дилингизга йўл топарлар,  
Завқимига камоли завқ ортарлар.*  
*Воҳид Абдулло*

60-йилларнинг бошида устоз Воҳид Абдуллодан “XVIII ва XIX асрнинг биринчи ярми адабиёти” курсидан маъruzалар тингладик. Маъruzалар қизиқарли, таъсирчан, илмийлиги чукур эди. Илмийликни тўлиқ англаш учун кўп изланиш лозим бўларди. Айниқса, Алишер Навоий ижодини ўзлаштирмасдан Паҳлавонқули Равнақ, Муҳаммадниёз Нишотий, Шермуҳаммад Мунис каби санъаткорлар дунёсининг новаторлигини тушуниш қийин эди. Яна домла бадиий воситаларга келтирган мисолларнинг поэзиясини ҳис қилиш учун, албатта, улар (тажоҳили орифона, тазмин, талмех... мутаносиб санъати)нинг қонун-қоидаларини ўрганиш лозим бўларди. Илмий чуқурлик биз талабаларни излашга, бой адабиёт кабинетидаги китобларни титкилашга ундарди. Бундай ижодийлик ҳаммамизга завқ улашарди; топганимизни худди ўзимиз кашф қилгандек сезардик. Бу устоз берган илҳом самараси эди.

Устоз ўқиган “Паҳлавонкули Равнақ” маъруза матнини (дафтаримни) вараклар зканман, Устоз тимсоли тирилиб ўз хикматларини, кашфиётларини баён қила бошлайди:

“Равнақ Навоий шеърлари изидан бориб, ўзи яшаган давр ва муҳитнинг воқеаларини, фикр-ўйларини Навоий традицияларига ўйғуллашибди. Чунончи, Навоийнинг “Қолмамиш” радифли бир шеърида вафосизликнинг аламли оқибатлари мана бундай тасвирланади:

Ўйла бузмиш меҳнату ғам хайли кўнглим кишварин,  
Ким нишот анда сифингунча фазоси қолмамиш...  
Ёрким қилмас жафога жабр эрмас раҳмдил,  
Ким менга кўргузмаган жабру жафоси қолмамиш.

Равнақ ана шу ғазалга мухаммас боғлаб, ўз даврида тортган жафоларини, ҳол-аҳволини тубандагача чизиб беради:

Оҳким мен чекмаган даврон жафоси қолмамиш,  
Кўнглимга андин риоят илтимоси қолмамиш,  
Сайри боғ айларга табиим иқтизоси қолмамиш,  
Менга энди сарв ила гул муддаоси қолмамиш,  
Сари бўйлуқ гулжабинликлар ҳавоси қолмамиш.

Навоийнинг «Яна» радифли бир шеърида инсоннинг бошига тушган оғир бир фожия мана бундай тасвирланади:

Ақл йитти, ҳуш кетти, кўнгул куйди, чикди жон,  
Шукр эт энди, Навоийки, сабукбор мен яна.

Равнақ бу ғазалнинг ғоявий йўналишини давом эттириб, ўзининг беморлиги ва дардига даво қидиришини куйидагача ифодалайди:

Ё раб, бир ойга ошиқи дилдор мен яна,  
Тунлар ғамида тошгача бедор мен яна.  
Дардим давоси қайдаки, бемор мен яна.  
Ҳайҳот ким бирор ғамида зор мен яна,  
Фарёдким, балога гирифтор мен яна.

Демақ, бу истеъдодли шоир ҳам ғоявий мазмун, ҳам бадиий форма масалалари юзасидан Навоий меросига жуда кўп мурожаат қилган..."

Ушбу мисолнинг ўзиёқ устознинг қувваи-ҳофизаси жудаям кучли эканига, маъruzасининг асосини шеърий замзамалар (асослар, далиллар, мисоллар) ташкил қилишига исботдир. Устоз буларни ёдан ўқийдилар. Конспектларига қарашга эҳтиёж сезмасдилар. Фазал ва мухаммаслар, туюк ва рубоийлар қуюлиб келарди ва мантиқан шундай боғланардики, алал-оқибат, Навоий лирик даҳосининг буюклиги исботини топарди. Устознинг нозикфаҳмлиги, билимдонлиги, закийлиги, бегуборлиги, сўзларни, атамаларни "раксга" тушириш санъати завқка кўмарди, мумтоз адабиётимизга бизни ошуфта қиласарди. Бу мўъжиза эди. Домламизга насиб этган бу сехр барча талабаларни мафтун қиласарди.

Шу туфайли бўлса керак, устознинг ҳар бир маъruzасининг ўз оҳангি, ўз сехри, ўз жозибаси бўларди. Бу оҳанг эса муайян шоир ижодининг Домла кашф қилган поэтик пафосини тайин этарди. Жумладан, Равнақ ижодини традиция ва новаторлик нуқтай назаридан таҳлил қилиш жараёнда унинг замондан шикоят, адолатсиз хукмрон табакалардан норозилик каби ижтимоий мазмуни ифодасини ёритишга бош диққатини қаратсалар, Мунис ижодини тарихчи ва шоир нуқтай назаридан ўрганиб, унинг илмга муҳаббат, ҳунарга зътиқод, ижодга хурмат, виждонли ва вафодор ишқ аҳилларини химоя қилиши тасвирини очишга асосий зътиборини берардилар. Бу улкан билимдонлик ва тақрорланмас педагогик тажрибанинг уйғунлигидан юзага келувчи оҳанрабо хислатини ўзида жо этган салоҳият эди.

Талабалик йилларимизда, бизнинг назаримизда, Самарқанддай гўзал шаҳар, СамДУдай комил университет, факультетимиздай сарвар жамоа йўқ эди. Устозларимизнинг барчasi ҳам ўз соҳасининг билимдонлари, фидойилари эдилар. Уларнинг орасида Воҳид Абдулло сардор саналардилар. У кишини фақатгина Самарқандга, Самарқанднинг донишмандлигига, алломалигига, улуғлигига, валламатлигига тенглаштиrsa бўларди. Ҳа, устозни Самарқанднинг ўзидай катта муаллим санаардик. Ана шундай устоздан маъруза тинглаш, насиҳатларини эшлиши, улардай бўлишни, ҳеч бўлмагандা

“тулпор”лари сафида бўлишни хавас қилиш бизларнинг бош туйғуларимиз эди...

Устоздаги бу хислатлар, ўзига ром этишдаги ва ўзгаларга илм улашишдаги моҳирлик ҳамон тирик, ҳамон хизматда. Уни баъзан устознинг шогирдлари – академик Ботирхон Валихўжаев, профессор Раҳмонқул Орзабеков, жиянлари профессор Юсуфжон Абдуллаев маъruzаларида сезганимда кувонаман. Баъзи маъruzаларим шогирдларимни ром этганида, устоз салоҳиятининг таъсиридан дея англайман, уни ҳам кимлардир ўзлаштираётганидан беҳад севинаман. Устознинг бошқача бир тарзда, яъни биз шогирдлар ақлу қалбидаги яшаётганидан, комил инсонларни етиширишга ҳисса қўшаётганидан, бу бокий умрни устоз шеърий йўлда башорат қилганларидан ҳайратланаман:

“Қайда бўлманг, бу билим даргоҳи-ла бўлсин кўнгил!  
Олий таҳсил ҳосилингиз мавжидан тўлсин нуқул!  
Баҳри уммони азими маърифатга айланинг!  
Устоз Айний бўлинг! Ойбек бўлишга шайланинг!  
Кордорга кор осон, дер экан пиру жавон,  
Айта олсин вақти бирлан, - Жўражон, кораш калон!  
Ҳам «хорошо», ҳамда «олрайту», «данкшён», «бонжур»  
десин!  
Сен ишончни оқладингми, қандингни ур, десин.  
Ҳам биродар, Сизда бўлсин Самарқандча самар –  
СамДУлик устодлар ҳам, Воҳид муаллим ҳам яшар!”

2002.

## 2. БОРИНИ УЛАШГАН ЗОТ

*Воҳид мену ваҳдатим сизингдур,  
Сизни деган одатим сизингдур  
Хуш баҳту саодатим сизингдур  
Осмон ўтарроҳатим сизингдур.*

**Воҳид Абдулло**

Мақсадли аспирантурани тугатгач, 1968 йилда Воҳид Абдуллаевич Абдуллаев бошқараётган ўзбек адабиёти кафедрасида асистентлик лавозимида ишлай бошладим.

Устознинг ҳаёт ва ижодлари сабоқларини ўрганишда, уларга амал қилишда умрим ўтаверди. Устоз ҳам мени турли сабаблар муносабати билан синайвердилар...

Самарқанддаги шоирларнинг етакчиси, у вактларда СССР Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлими котиби Душан Файзий ҳам “Сайд Назарнинг ҳаёти ва ижоди” номли диссертацияни ёзиб, кафедра мухокамасига ҳавола қилдилар. Устоз мени чақириб, “Тулпор, мана диссертация! Яхшилаб ўқигин, таҳлил қилгин. Асосий маъruzachi сен бўласан”, - дедилар. Мухокама кунини ва соатини ҳам аниқ қилиб, эълон чиқаришни котиблари Шавкат ака Холматовга (Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин!) топширдилар...

Мухокама бошланди. “Аввал кафедранинг катталари гапирсин, сен охирида хулосангни айтасан”, - дея менинг вазифамни алоҳида таъкид қилдилар.

Кафедранинг биринчи хонасида диссертациянинг ҳимояга тавсия этилиши шарофатига дастурхон ёзилаётган, унга шу кафедрада лаборант бўлиб ишлаётган Душан аканинг умр йўлдошлари бош-қош эди. Паловнинг хиди барага сезиларди.

Кафедра аъзоларидан С.Мирзаев, Ж.Хожиматов, К.Аҳмеджоноваларнинг гаплари бир жойдан чиқди: “Диссертацияда анча ишлар қилинган. Умуман, Сайд Назар ижодий портрети яратилган. Ишда камчиликлар ҳам анчагина бор. Тили илмийликдан кўра газета тилига ўхшайди. Имло хатолар ҳам бисёр. Лекин уларни тузатса бўлади... Диссертацияни ҳимояга тавсия этиш мумкин”.

Навбат менга келди. Диссертацияни шошилмасдан, бобмабоб, сахифама-саҳифа таҳлил қилавердим. Диссертациядан кетма-кет келтираётган далилларим ва уларнинг беҳад кўплиги диссертациянинг саёзлигини, номзодлик иши талабларидан анча йироқлигини исбот қила бошлади. “Яшил бойлик” романининг классик романлар (“Ўткин кунлар”, “Сароб”, “Кутлуғ кон”, “Навоий”)дан ҳам устун қилиб баҳоланиши – эстетик талаб доирасига сиғмаслиги яққол аён бўлди... Ишни ҳимояга тавсия этиш адабиёт илмини бебурд қилиши ва Тошкентдаги олимлар ўртасида кафедра савиясини йўққа чиқариши мумкинлигига шаъма қилиб, бosh хулосани ҳаммамизнингadolатли устозимиз чиқарадилар, деган мулоҳаза билан якунладим.

Кафедрада танг вазият юзага келди. Ҳамма сукутга чўмган бўлса-да, ҳар бир каллада турли фикрлар ғужгон ўйнарди...

Шу ўринда бир чекинишга рухсатингизни сўрайман, ўқувчим! Ҳа, юкоридаги мuloҳазаларим сизда ҳам ўзимдаги гашликни уйғотиб юбормасин. “Ўзини хўб мақтаятпи-ку”, дея хулоса чикаришга шошилманг. Дарвоке, Душан Файзий – талантли шоир, унинг шеърлари асосида яратилган кўшиклар ҳар куни Республика радиосида янграйди. Ишни ижобий баҳолаганлар диссертацияни тўлиқ ўқимаганлар. Улар Душан Файзий поэтик иқтидорининг зўрлигига ишонгандаридан, муайян бир қисмчаларини ўкиб, хулоса қилаверганлар. Душан ака Саид Назарга меъёрдан ортиқ ихлос кўйганидан бўлса керак, унинг ижодини поэтик муболагадорлик билан баҳолаган эдики, буни диссертацияни тўлиқ ўқиган одамгина аник сезарди.

Хўш, устоз қандай хулоса қилас эканлар? Диссертациянинг камчиликларини тузатиб, химояга тавсия килса бўлади, дейдиларми ёки йўқ? Тавсия бўлмаса, зиёфат нима бўлади? Асосли таҳлил қилган зумрашанинг зартаси, олимлиги бугуннинг ўзидаёк барҳам топадими?.. Қани, кайси йўл бор? Қандай қилиб кафедранинг бутунлигини саклаш мумкин? Душан Файзийнинг обрўйига нима бўлади?

Бу вазиятнинг бирдан-бир тўғри ечимини устоз топдилар: “Диссертация ёзиш оғир иш, илм игна билан қудук қазишдек гап. Душан Файзийнинг диссертацияси шунча фикр-мuloҳаза уйғотган экан, демак, уни айтилган мuloҳазалар асосида қайтадан ишлаб чиқса, пишитса бўлади. Катта тулпорлар кўп тажриба орттирганлар, шу сабаб, Душан Файзийнинг ишини аяб гапирдилар. Кичкина тулпор эса тўғрисини айтди-кўйди. Таҳлили ишонарли, далилларини рад қилишга асосимиз йўқ. диссертация пишиқликни, пухталикни, илмийликни, таҳлилнинг чукурлигини ва мантикий изчилликни ёқтиради. Ишни кафедранинг кейинги йигилишларидан бирида яна бир бор мухокама қиласиз... Ие, соат бирга яқинлашибди-ку! Қани, кичкина тулпор, папкани кўтар. Иккаламиз обкомга соат бирга етиб боришимиз керак. Шавкат! Сен қолган ишларга ўзинг бош-қош бўлгин!”

Шошилган одамдек мени эргаштириб, факультетдан чиқдилар. Ташқарига чиққач, тўйиб-тўйиб нафас олдилар-да, нималарнидир пичирладилар. “Оббо, тулпори тушмагурей...

Сабоқ яхши бўлди... Сенга жавоб!" - дедилар-да, ректоратга равона бўлдилар...

Ушбу воқеани эслар эканман, хозир ҳам этларим жимирлашиб кетади, қалбим титрайди. Ҳаётнинг энг катта зарбасидан омон сақлаб, менинг ўзлигимни йўқотмасдан олиб чиқиб қўйганлари – доноликлари, олийжанобликлари, адолатпешаликлари, ҳақиқатпарастликларига, инсонлар ўртасидаги бирликни, биродарликни сақлаб қолишдек топқирилликларига тасанно дейман. Фақатгина Воҳид Абдулло бунга кодир зот дейман. Бу ибрат буюклиги, поклиги, инсонийлиги, ижодийлиги билан асрлар оша нур таратаверишига ва унга амал қилганлар комиллар сафини тўлдиришларига чиппа-чин ишонаман. Инсонларни қўллаб-куватлашнинг, бирликни саклашнинг осон эмаслигини, унинг учун бутун борлигингни бахшида қилиш лозимлигини англайман. Чунки у устознинг башоратидай рост; бир ўринда

*Инсоний меҳр билан ривож топса иши  
Ортиб боргусидир шухрат – беқиёс! –*

дэя поэтик умумлашма ясасалар, иккинчи бир ўринда ҳақли хулоса қиласидилар:

*Ҳақиқатнинг офтобида ёнсангиз офтоб бўлиб,  
Номингиз ҳам тарихланниб қолгуси китоб бўлиб.*

Ҳа, Воҳид Абдулло – ўзгалар баҳтига ўзлигини бахшида этиб яшаган аллома. Ҳазрати инсонларни, биз шогирдларни шундай сабоқка амал қилиб яшашга чорлаётган жонкуярдир. Бугун китобларнинг ичидаги туриб, нур, ибрат, инсонийлик илм тарқатаётган азиз ва умрбокий устоздир.

\* \* \*

Ривоятда айтилишича, ҳазрати Биби Фотима онамиз вафотларидан кейин ҳазрат Алиниг тушларига кириб, илтижо қилибдилар:

– Деворнинг фалон жойида бир игна санчидан қўйгандим. Ўшани қўшинига олиб чиқиб беринг. Йўлимни тўсисб, ҳеч

қүймаянти... Ҳазрат Али уйғониб кетадилар ва Биби Фотиша айтган жойга кирадилар. Ҳақиқатдан ҳам игна турибди. Уни құшнига оліб чиқдилар. Құшни игнаны күриб, ҳайрон қолди: Бу нарса ёдимиздан чиқиб кетган экан, деди.

— Сиз билан биз унұтсак-да, ҳеч унұтмайдиган Зот ҳаққи қарзни қиәматта қолдирған киши азоб чеккүсидир, — дедилар ҳазрат Али.

Биттагина игна қарзи шунчалик бўлса, устоз Воҳид Абдулло қолдирған қарзларнинг ҳаммасини ўлчаб бўлармикан? Ҳеч бўлмаганда, Домла мингларга улашган “Чақ-чақи дандон” — парварда, майиз, ёнғоқ, оққанд, конфет, курутларнинг ҳақини уздикми? Қарздор эканликларини ҳазрати инсонлар, ҳамма тулпорлар билармиканлар? У қарзларни узишга ҳаммамиз ҳам рағбат кўрсатаяпмизми? Ҳамма вакт ҳам инсонийликка амал қилаяпмизми? Илмимиз диёнат ва эътиқодимизни зиёда қилаяптими ёки жаҳолатга йўл очаяптими?..

Юзлаб саволлар туғилади ва ўз жавобини кутади. Жавоб эса ҳар кимнинг ниятига яраша туғилаверади. Ишқилиб, ниятларимиз эзгу бўлсин! Комил инсонларимиз кўпайсин. Қарздорлик ҳисси доимо улғайсин, ҳаракатда бўлсин! Ўзлигимизни англайлик! Ўзлигимизни топайлик! Ўзгаларни ҳам устоз каби қарздор килиш насиб этсин!.. Жаннати устознинг умри бокийдир, бокий!

2003.

## “ТУЛПОРЛАР, БОРМИСИЗ, ОМОНИМСИЗ?! ”

Қалбимда эзгу ният ҳукмрон эди. Устозим — аллома Воҳид Абдуллаевнинг 95 ёшга тўлишлари шарофатига “Воҳид Абдулла тулпорлари” номли тўплам яратиш орзуси жўш уради. Менимча, бу номда устоз салоҳияти жамғарилгандай эди, чунки унда Воҳид Абдулланинг қалбидан отилиб чиқкан, кўпчиликка доимо ҳам гайрат, ҳам кулгу, ҳам ишонч, ҳам рағбат берган энг азиз, энг қутлуғ, энг мўътабар, энг муқаддас “тулпор” сўзи бор эди. Бу сўз ўзида чуқур маъноларни яширгани, халқоналиги, миллийлиги ва устоз ақлу қалбини жо қилгани сабаб – тирик эди, бугун ҳам зарур эди, Истиқлолга камарбаста эди.

Яна Устоз асос соглан адабиётшунослик мактабини яратишида бардавом этаётганидан, унинг анъаналари ривожланаётганидан, комил инсонларни етиштиришдек бебаҳо меҳнатнинг улуксиз воқе бўлаётганидан хабар берар, огоҳ этаиди. Устоз ўзининг тулпорлари ҳаётида яшаётганидан, адабиёт илмининг янги қирраларини кашф этаётганидан, зиёв ва инсонийлик таратаётганидан, бир сўз билан айтганда, тириклигидан дарак берарди.

Бу ниятни эшигларнинг кўпчилиги хурсанд бўлди, уларда ҳам жонланиш, завқланиш уйғонди. Ишлар ҳам юришадигандай, муаллифлар жамоаси ҳам тайёр бўладигандек вазият етила бошлади. Аммо...

Минг афсуски, ҳар соҳада бир шингилдан хабардор олимнинг тўпори фикри зўр чиқди: “Ие, нима деяпсизлар? Олимларни отга тенглаштирамизми? Халқ кулмайдими? Бундай номлаш илмга тўғри келмайди!..” Бу фикр “кўпик” бўлишидан қатъи назар, раҳбарларни ҳам ҳадисиратди, шекилли, тўпламнинг мазмuni ҳам, шакли ҳам анъанавий қолилга мосланди.

Бундан шу нарса аниқлашди: Айримлар “тулпор”нинг нима эканини аник билишмас, унинг кўчма маъноси ҳам борлигини хис қилишмас экан, “Ҳа, тулпор!” деган устоз нидосининг маъносини факат ҳазилга йўяр эканлар-да!..

Бу аччиқ ҳакиқат эди. Унинг илдизини англашга зарурат туғилганди. “Тулпор”нинг қадрини тиклаш талаб қилинарди...

### Тулпор

“Тулпор” сўзининг икки хил маъноси борлиги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд қилинган: 1. Наслдор, чопқир, учкур от; аргумок. 2. Фольк. Қанотлари бўлган афсонавий учар от (“II жилд, 222-б). Халқ оғзаки ижодида тулпор жудаям улуғланган. Жумладан, достонда куйланишича, “Хунхорошохнинг сайислари Равшан (синчи - Ҳ.У.)ни эргаштириб, подшоҳликнинг таблахонасига олиб кирдилар. Хунхорошохнинг таблахонасида ўттиз минг от қатор боғлоклик турад эди... Равшанбек шу ўттиз минг отнинг ичидан учта тулпор танлади. Бири – қорача кар от. Агар бир тўхтаса, қайрилиб чопмай қоладиган. Бири – ола от.

Кунга қараб чопа олмайдиган. Бири – оқ от. Тошлокда чопа олмайдиган.

– Шоҳим, буюрган фармонингизни бажариб, отларингизни кўриб чиқдим. Ўттиз минг отингизнинг ичидаги учта тулпор бор экан. Улар ҳам бўлса айбдор...

Бекорга бокибсан ўттиз минг отни,  
Шуларман кўрийиб бу мамлакатни,  
Бари ишин қилмас бир тулпор зотни,  
Шўйтиб ишинг бекор, экан сultonим...

(Гўрўғлиниң туғилиши, Т., “Ёзувчи”, 1996. 36-бет).

Ўттиз минг отнинг орасида бекаму кўст тулпорнинг бўлмаслиги ва битта тулпорнинг ишини уларнинг барчаси бирлашганда ҳам бажара олмаслиги – тулпор зотининг улуғлигига исботдир.

Бу хил учкур бедов тасвири “Алпомиш” достонида ҳам ўз ифодасини топган. Алпомишнинг Бойчибори – тулпор бўлиб, у “тўташкон туёкли”, “морал белли”, “куйруғидан берисида кири йўқ”, “кўлтиғига тўрт ярим газ қаноти” бор чибордир. Туёғига қалмоқлар томонидан урилган гулміхлар ялпок тизига келса-да, ўн беш кунлар боғлоқлик ётган бўлса-да, барибир, у яшиндай бўлиб учади ва барча отлардан ўзиб, пойгода ютиб чиқади.

Яна бир мисол. Ёзувчи Сафар Барноевнинг “Учкур отлар” ҳикоясида шундай лавҳа бор:

– “Бобожон, маниям, бегонаниям “тулпор” деб чақираверасиз, ўзи тулпор деганинг нима?  
– Ҳақиқий тулпор ҳар юз йилда дунёга келади.

Ҳар қандай от ҳам тулпор бўлолмайди. Яхши ният билан барчангизни тулпор дейишим шундан”.

Ушбу мисоллардан кўринадики, тулпор назаркарда от бўлади. Даставвал, кўримсизрок (алдамчи кўринишда) бўлса-да, иш кўрсатиш пайти келса учкур отга айланади; эгасининг, мамлакатининг қадру қимматини, эртасини ҳар қандай ёвузликдан сақлаб қолади. Элига ҳамкор, ҳамдард бўлиб, комил келажакни яратишга ўзлигини бахшида қиласди.

Яна шуни айтиш лозимки, “от, юрак, одам” каби сўзлар предметларнинг асл маъносини ташиса, у сўзлардаги маъно

хусусиятлари одамга күчирилса (инсонийлаштирилса), күчма маънода (“От юракли одам” деб) ишлатилса, биз одамнинг кўрқмас, бақувват, девкор эканини англаймиз. Шу сабаб туфайли (бадиий асарда) куёш югуради, дарё шошади, само кўз ёши тўкади, харсанг (тоғ) бардош ва сабр кўрсатади, гул кулади, от ўйнайди, тулпор яшиндек кўчади, бойлик окади, қашшоқлик кулади... Демакки, “тулпор” сўзи инсонийлашганда (инсонларга нисбатан ишлатилганда) – ҳалқ учун яшайдиган, ҳалқнинг оғирини енгил қиласидиган, ўрнини ҳеч ким боса олмайдиган инсонга дахлдорлик ётади, шундай мазмунни вое қилишга чакирик, ишонч, хурмат ётади (Устоз Воҳид Абдулла “тулпор”нинг бундай эзгу маъноларини чуқур билган ва ана шу маъноларда “тулпор”ларига мурожаат этган).

“Воҳид Абдулла тулпорлари” деганда, устоз яратган мактабнинг бекиёс вакиллари, бу вакилларнинг адабиёт илмидаги жасоратлари ва ўз ҳалқига баҳшидаликлари тушунилади. Таъкид қиласа арзийдиган яна бир асосий жиҳат ҳам бор. XI аср Шарқ педагогикасининг алломаси Кайковус ўзининг “Қобуснома”сида ёзадилар: “... от билан одамнинг зоти бирдек бўлур. Яхши от ва яхши одамга қанча баҳо берсанг кўтаради, ёмон от ва ёмон одамни ҳар қанча ёмон десанг ҳам оздир” (Қобуснома, Т., 1968, 68-б). Тариқат пири Имом Ғаззолий ҳазратлари “Кимёи саодат” асарларида таъкид қиласидилар: “Одамда тўрт нарса – итлик, тўнғузлик, девлик, фаришталик сифатлари бор. Чунончи, одамдаги шаҳват – итлик, ундаги ғазаб, ўзгаларга озор бермоқлик – тўнғузлик, макру ҳийла, фитна – шайтон (девлик) хислатидир. Ва одам вужудида Аллоҳ таоло аклни пайдо қилибдур, анинг хоҳиши фаришталар ишини қилмоқдир”. Шундай экан, ҳар бир инсонда отнинг эзгу фазилатлари бўлса, шукр қилиши; ёмон иллатлари бўлса, уни йўқотишга ҳаракат қилиши аклнинг ишидир.

### Шукроналик

Шу асосларга таяниб, академик Матёкуб Кўшжоновнинг “Воҳид Абдуллаев сершогирд алломалардан эди. У, одатда, шогирдларини ўзига хос йўсинда эркалаб, “тулпор” деб атарди. Энди ўйлаб кўрсак, ўзи адабиёт илмининг тулпори экан”, -

зътирофини ўқир эканмиз, бу бизда фахр, түрүр туйгуларини уйготади. Шукр, деймиз!

Профессор Абдуазизовнинг “Воҳид тогамизниң талафғузида “тулпор” сўзи алоҳида мазмун кашф этган эди... У киши яхши кўрган кишисини, айниқса, шогирдларини “тулпор” деб атар эдилар” – деган дил изҳорини эсларканмиз, янада бағримиз тўлади, яшнаб кетамиз. Яна шукр, деймиз!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Наримон Хотамовга “Қойил, тулпор...”, профессорлар Равшан Раҳмоновга “Ҳа, тулпор, ишлар қандай?...”, Раҳим Воҳидовга “Ма, читтангни ол, тулпор...”, Шавкат Холматовга “Кел, тулпор!..” деган устознинг мурожаатларини эшитарканмиз, юрагимиз ифтихорга тўлади, у кишининг ниҳоятда синчков (синчи) бўлганларига, адашмаганларига қойил қоламиз. Шукроналик билдирамиз.

Америка миллатининг отаси Бенжамин Франклин “Ишлайдиган калит доимо ярақлаб туради”, - дейди. Иккинчи бир ўринда “Энг катта янглишиш – меҳрибон бўлмай ҳам буюк бўлиш мумкин, деб ўйлаш. Мен қатъий айтаманки, чинакам улуғ одам эзгу табиатли бўлмаслиги мумкин эмас”, - деган асосли ўгитни айтади. Шундай экан, устознинг “тулпор”и бугун ҳам ҳаракатда экан, у яратишда давом этаверади. Бу сўз устознинг меҳрибонлигини исботловчи мўъжизаки, уни эшишиданок буюк алломанинг эзгу киёфаси тирилади; сухбатга киришади: “Қани, тулпор, ҳозири нозир бўлган ушбу тўртликнинг магзини чақ-чи:

*Камолотга бошлибдими устод,  
Лоқайдлик билан келтирма иснод!  
Букрини гўр тузатади, лекин –  
Фаросатда буқрилик – кўп уёт!”*

2007.

## ЭЗГУЛИК ВА ҲАРАКАТГА ЧОРЛОВЧИ МЕРОС

*Тұғри, сен ҳақысандан қанча үйгеласанг,  
Чүнкі, бир парча үт кетди ёнингдан.  
Юрак дөзи, ахир, ювилмас сира  
Йүк, ҳарғыз, үчмагай сенинг ёдингдан.*

Орифжон Икромов

### “МЕН ЭНДИ ҲҮЛ ЎТИНМАН!”

(Дебоча ўрнида)

Акамлар – (1971 йил 18 июль) 44 ёшларида, филология фанлари доктори илмий даражасига, профессор унвонига зришганларида. Қарши ва Самарқанддаги педагогика институттарини машъал даражасига күттарғанларида, тұсатдан қанд қасаллиги хуружи сабаб вафот қилдилар. Ҳаммамиз учун оғир йўқотиш бўлди. Бутун Самарқанд, Қарши, Жиззах, Тошкент оёққа калқди. Шоир айтгандек, “Самарқанд тупроги оғир силкиниб тушди”. Ҳаммадан ҳам Аяжонимга қийин бўлди. У киши кўпинча дилларини очганларида айтардилар:

- Болам, аканг кетиб, менинг гўрим қолдими? Мен энди ҳўл ўтинман. Фақат тутаб ўтаман. Ичимда ёруғлик қолмаган, ҳаммаси тутун!

Ўйлаб-ўйлаб йўлини топдим. Тўлқинбой укамни уйлантириш учун чолдеворларни, шўрҳак очиб кетган пастқам оғилхона, ошхоналарни бузиб уй солмоқчи бўлдик. Ҳар куни 10-15 киши бўлиб ишлаймиз. Ташибиш ҳам кўп: овқат қилиш, нон ёпиш, овқатлантириш, чой дамлаш... Аямлар қараб тура олмадилар: ҳамма ишларимизни бошқармасалар, кўл урмасалар – (бундай меҳнатга кўникканларидан осонгина киришиб кетдилар) бўлмади: Ҳаммамизнинг ўнлаб, юзлаб мурожаатларимиз, у ёки бу нарсани сўрашларимиз у кишини ҳаракатга солди: эртадан кечгача тинимсиз ишлашга, маслаҳат беришга мажбур эдилар. Ўзларини керакли эканликларини, у кишисиз хонадонни обод этиш мумкин эмаслигини кучлироқ сеза бошлаганлари сайин, “туташлар” камайгандек туюлди. Шу ташвишларни камайтирмасликка, ёлғиз қолдирмасликка интилдик. Бизнинг меҳнатимиз, меҳримиз, ташвишимиз онамни оёққа турғизди.

Шундай хулосага келганимизда, бу хулоса ўз йўлига эканлигини тушуниб колдим. У киши дедилар:

– Болам, ичим тинимсиз қизийди. Аканг кетди-ю, ичимдаги олов тутаб-тутаб ёнгани-ёнган. Қани энди, мени музнинг ичига солиб қўйсанг, ўшанда озгина тинчирмидим...

Орадан йиллар ўтди. Лекин шу дард Аяжонимни ҳам олиб кетди. “Оч ўлдирма – тўқ ўлдир, қиш ўлдирма – ёз ўлдир”, - деган Худойимга мурожаатлари ижобат бўлди. Энг иссик пайт – августда, аталага тўйиб, ювиниб, янги атлас кийимларини кийиб, соchlарини тараб, бирданига, бир нафаслик муддатда дунёдан ўтдилар... Касалхонадан Жиззахга олиб кетар эканман, бикиnlари, бошларининг атрофига, қоринлари устига муз қўйдик. Айтганлари яна ижобат бўлди...

Йиллар, йиллар ўтаяпти. Лекин бу дард онамлардан менга мерос қолгандек. Йўқотишнинг – ҳам Акани, ҳам Онани, ҳам Отани йўқотишнинг аламлари янгилангандек... Азоби, соғинчи ўткирлашиб бормоқда.

\* \* \*

*Оққан сув ортига келмагай қайтиб,  
Ўтган жойин лекин айлагай жсаннат...*

Абдулла Орипов

## ҚЎМСАГАНИМДА

Талабалик давридек қувноқлик, эркинлик, ташналиқ йилларини билмайман. Ўзимизча кўп нарсани билардик, ҳаётдаги кўп нарсаларга (кинога ҳам, театрга ҳам, танцага ҳам, севгига ҳам, баъзан ичкиликка ҳам, турли шўхликка ҳам) очофатдек ёпишардик, меъёрни билмасдик. Ўқиб ҳам, юриб ҳам, томошалар қилиб ҳам чарчамасдик. Ота-онамизнинг пули, давлатимизнинг стипендияси кийинишимизга, овқатимизга, шўхликларимизга, китоб-дафтарларимизга бемалол етарди.

Баъзида ўйламасдан бор пулни сарфлаб қўярдик. Қарз кўтараардик. Унинг иложи топилмаса, биз – ётоқхонадагилар хонадонларда яшовчи курсдошларникига “юриш” бошлардик: уларницида, албатта, егуликка арзидиган, камёб “запас”лар бўларди; то стипендияга етгунимизча ҳар куни янги-янги жойга “одамгарчилигимиз”ни сездириб туардик.

Бунинг ҳам имконияти тугаб қолса, хонамизда навбатдан ташқари Пленум чақирилар ва асосий масала – қандай килиб коринни тўйғазиши муаммоси қизғин мұхокама этиларди. Кўпинча битта хулоса чиқариларди: Хотамнинг акаси факультетимизда декан ўринбосари; ҳаммамизнинг моддий ва маънавий аҳволимизни у кишидан яхши тушунадиган яқин одамимиз йўқ. Ҳовлилари ҳам кўп узок эмас. Хотамни юборамиз, бирон нима ундириб келса, эртага яна ишларимиз “беш”!

Кўпнинг қарори қатъий бўларди. Унда адолатнинг ҳам нималари дир борлигини илгардим ва акамларни кига йўл олардим. Кўпинча акам уйда бўладиган вакъларига тўғрилашиб, кечки овқат сузиладиган пайтларда кириб борарадим:

“Ассалому алайкум! Қалай, яхшимисизлар? Янга! Жиянларим чарчатмаяптими?” - дея ҳамма билан кўришардим. Жиянларим ёш бўлганлари учун, Янгамга мен улардан тезроқ ва уқувлироқ қарашворардим; овқат сузиб келардик, чой дамлаш менинг чекимга тушарди. Хизматнинг қандай бўлаётганидан, муомаламнинг қуюқлигидан янгам пулга зориққанлигимни тез илгардилар (жойлари жаннатда бўлсин, Илоҳим!).

Дастурхон йигиштирилиб бўлгач, акам янгамларга дердилар:

– Хотам бекорга келмаганга ўхшайди. Бирон асраб қўйганинг бўлса бер. Жўралари ҳам қачон келаркан деб, пойлаб ўтиришган бўлсалар, ажабмас!

– Ҳа, асрагани пул қани? Рўзгоримиз катта бўлса, келдикетди кўп бўлса... Башоратга кўйлак олиб бераман деб йиққан озгина пулим бор эди, майли шуни ишлатиб турсинлар! – дея уйга кириб, узоқ чиқмасдилар. Бундан хижолат тортардим, лекин сабр-тоқат қилмасликнинг иложи ҳам йўқ эди: жўралар кутаётганилиги, албатта, бирон нарса билан кириб боришим шартлиги, яъни кўпга яхшилик қилишнинг умиди – хижолатимни ютишга мажбур қиласарди.

Янгам зориқтириб, зориқтириб олиб чиққан пулни киссага солиб, “Раҳмат” айтгач, хайр-хушлаб кўчага чиқар эканман, ҳамма вакт Акам кузатардилар. Янгам болаларининг ташвиши билан овора бўлиб, чиқа олмасдилар. Кўчага чиққач, акамлар менга жуда ёқадиган ним кулгу билан Ойим берган пулдан кўра кўпроғини узатардилар:

— Мана буниям ол, лекин Ойинг билмасин!.. Оч қолманглар! Жўралар билан ёмонликка юрманглар! Эртага суриштираман, ўкишларинг “беш”дан пасаймасин.

— Майли, соғ бўлинг. Жўраларга гапларингизни айтаман...

Ўша йиллардаги қарздорлигим умрбод қолди. Акамларга тайнинли хизмат ҳам қила олмадим; фақат айтганларидек, дўстларимнинг олдинги сафида бўлишга, яхши мутахассис бўлишга, меҳру оқибатли бўлишга интилдим. Янгамнинг ҳётига, жиянларимнинг камолотларига имконим даражасидаги хизматларимни сарфладим... Акамнинг “Танланган асарлар”ининг чиқишига, “Орифжон Икромов замондошлари хотирасида” тўпламининг яратилишига, Ҳакима опа Ҳасанованинг “Орифжон Икромов” адабий портретининг юзага келишига, оз бўлса-да, хисса кўшдим. Назаримда, бу айтишига арзимайдиганларим Акамларнинг меҳрлари, эҳсонлари, саҳоватлари олдида заррага teng.

Йиллар ўтган сайин таассуротимда “Менинг заррам” камайиб кетаётир. Акамларники эса улканлашиб бораётir; менинг одамларга қилаётган эзгуликларим кичкина ирмоқлигини, Акамларники катта дарё бўлганлигини илгайман... Бундай ҳолатларнинг охирида қалбда туғён жўш уради; согинчнинг, қўмсаншнинг, зорикишнинг шуълалари ичидаги қоламан. Абадий умр эгаси эканликларини (ўзини ўзгаларга баҳшида этиб яшашнигина билган мард инсон эдилар) англаб, сезганимдан сўнггина ўзимда инсон биродарим учун беминнат хизмат килишнинг накадар зарурлигини туяман; шу йўлдаги ҳаракатимга ҳамон намуна бўлаётганларидан, мазмун баҳшида этаётганларидан қаноат топаман. Шукронда айтаман, чунки ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, “Қаноат – бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруги иззат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дараҳтдирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир”.

\* \* \*

*Гул яшнаб, сўлибди – чаман бор бўлсин,  
Ёди пок дилларда пойдор бўлсин.*

**Исомиддин Салохий**

## БУГУН УЧУН ҲАМ ЗАРУР САБОҚ

Хозиргача ўйлайман-у, лекин менинг филолог бўлишимга ким сабабчи бўлганлигини аниқ айта олмайман. Хонадонимизга баҳшилар, шоирлар, олимлар кўп келишарди. Ҳамид Олимжоннинг, Зулфиянинг шеърлари кўп ўқиларди. Бунинг сабаблари ҳам аниқ эди: Бувимлар, Зулфия келин ойим, холамлар, тоғамлар келишганда адабиётнинг ихлосмандлари ҳам бир-бир кириб келишаверарди.

Гапнинг асоси Ҳамид Олимжонга, унинг таланти қудратига каратилар, мулоҳаза кетидан мулоҳазалар билдирилар эди, лекин унинг шеърларини ўқишидан, эшитишдан кўпроқ завқланардик. Акамлар Самарқанддан келганларида, албатта, ёnlарида Воҳид Абдуллодек устозлари, Н.Шукуров, В.Ларцевдек олимлар, В.Эгамов, Н.Қўшоқов, У.Тўракуловдек дўстлари бўларди. Уларнинг сухбати қизигандан қизир, охири кўринмас эди...

Шуларнинг ҳаммаси қўшилиб, оловга айлангану, менинг қалбимни ёндирган, адабиётга меҳримни умрбод боғлаган бўлса, ажаб эмас. Лекин адабиётнинг мўъжизакор сирларига бағишлиланган илмни, даставнал, акамлар “Адабиётшуносликка кириш” курсида ўргатганлар. Илмнинг бунчалик қизиқарли, жонли, таъсирчан, яратувчан бўлишини биринчи бор қалбимга, онгимга жойлаганлар.

Курсни икки семестр ўқиган бўлсак-да, назаримда, курс “Ҳай-зувв” деганимизча, жуда тез тамом бўлди. Имтихонга тайёргарлик ҳам қизиқишига боғлангани учунми, жуда енгил кечди. Имтиҳонга ҳам ҳаммамиз байрамга келгандек, ясан-тусан билан, хушчақчақлик билан келдик. Дадилликка билимдонлик асос бўлар экан. Ҳамма олдинроқ топширишга интилади. Мен ҳам навбат билан кирдим ва билетни олдим. Саволларга кўз югуртирсам, ҳаммасига жавобим тайёр. “Ўтирасдан, жавоб берсан майлим?”, - деб сўрадим.

– Жавоблар пухта бўлса, майли!

Жавобларни ўзимча териб ташладим, саволлардаги ечилмаган масалалар қолмади. Ассистент Талъат aka (жойлари жаннатда бўлсин) дедилар:

– Ие, Орифжон! Бунисиям бало-ку! “Беш”, “Беш”га арзийди! – дедилар.

Акамлар айтдилар:

— Саволларга жавоблар яхши. Лекин предметни түлиқ ўзлаштирганга ўхшайди; “Образлилик билан образни” етарлича фарқламаяпты? “Тўрт” кўямиз, Умурога!

Тальят ака дедилар:

— Ҳали биринчи курс. Интилиши, қизиқиши билиниб турибди. “Беш”!

Акамлар айтдилар:

— Бўлмаса, предмет бўйича синаб кўрамиз. Берган саволларимизга жавоб бера олсагина...

Саволлар аралаш-қураш: Бири предметнинг бошидан бўлса, иккинчиси охиридан, бири шеъриятга оид бўлса, кейингиси насрга оид эди. Менинг жавобларим ҳам тайёр эди. Предметни ёдлаб олганим иш берарди. Лекин сал “чукурроқ” саволлар бўлса, уни еча олмас, юзакироқ, китобий мулоҳаза юритардим, бу ҳолат яна янги саволларни тугдиради...

Бунчалик узоқ чўзилган имтиҳонни кўрганлар ҳайрон! 40 минутларда ҳам (олдинги топширганлар 10-15 минутда чиқардилар) чиқмаганимдан сўнг, зшик тинимсиз очилиб-ёпилаверди. Ташқаридағилар ҳам ҳайрон! Шу жараёнда факультетимиз декани Раҳим Ражабович Муқимов имтиҳонга кириб келди. Гапнинг моҳиятини тез илғади ва менга шошилмасликни, ўйлаб гапиришни маслаҳат бериб, саволлар бера бошлади. Энг қизиги менинг фамилиям Умурев (Бобомнинг исмлари фамилиям бўлгани учун, мен аканг карагай – Ҳотам Икромович Умурев эдим) бўлгани учун, домлаларнинг бирортаси ҳам “Икромов Орифжоннинг укаси” эканлигимни билишмас; Акамлар ҳам, мен ҳам бундай одилона, инсонларча муносабатларга дуч келганда “семираардик”, иккимиз ҳам завқланардик.

“Бир терлаб, совуган” одамдек, мен ҳам хис-туйғудан йирокроқ қилиб, курукрок жавоб бера бошладим. Ўз-ўзидан гапларим мантиқли ва исботли чиқа бошлади. Ҳамманинг хурсандлигидан, акамларнинг ним кулгуларидан ишим “беш” эканлигини ўзим ҳам тушундим.

Устоз Р.Муқимов якун қилдилар:

— Орифжон! Шунча ўзлаштиргани учун Умировга, бунга қизиқтирганингиз, йўналиш берганингиз учун Сизга раҳмат! “Беш” кўйсангиз арзиди!

Акам дедилар:

— Сизлар Умировга ён босмаганларингда –“беш” кўймас эдим. Лекин адабиётга умрбод хизмат қиласди, деган умидда “беш”га розиман!..

Бундай лаззатбахш “беш”лар кўп бўлди. Лекин ўзингники – туғишганингни, яқинингни имтиҳон қилиш санъатини сабоқ даражасига кўтаргандари бугунгача менга асқотади.

Шу сабаб, ҳамон ўша лекцияларни – қашфиётга етакловчи фикр-мулоҳазаларни, уларнинг ишонтирувчи кудратини, ўқилган шеърлар, бадиий парчаларнинг ўта таъсирчан, мантиқан боғланганлигини кўмсайман.

Ўзим 30 йилдан бўён шу курсни талабаларга ўқийман, лекин акамларнинг лекциялари санъатига ета олганман, деб айта олмайман. Излаганим, топганим сайин ўша санъатнинг кудрати харакатга ундаиди: қашфиётга етакловчи мафтункор, илмий мушоҳада мантиғига мос, меҳрга тўлиқ овоз, бутун борлигини дарсига бахшида этган инсон – муаллим, ижодкор Устоз янгилигича тураверади, сехрига тортаверади, топсанг сахийлик билан улашаверади!..

\* \* \*

*Етук олим, қаламкаш, нутқи бирён,  
Юзидан нур, тилидан бол томарди.  
Сахий, мард, даврабоши –довқур ўғлон,  
Садоқатда салим шогирдим эрди,  
Азизим, ўзлигим, ўглим Орифжон!*

Воҳид Абдулло, академик

### НУР ЭМИБ, НУР УЛАШИБ...

- “Нега баъзи қарияларнинг юзидан нур ёғилади? Ўрта ёшдаги баъзи одамлар хунук бўлади?” - деган саволларингни кўп ўйладим, турли хил жавоблар топсан-да, кўнглим тўлмади. Энг яхши, ишонтирадиган жавоб Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида бор. Варакласанг, топасан.

Акамларнинг айтгандар бўйича достонни диққат билан ўқир эканман, унга дуч келдим. Уларнинг насрый баёни шундай:

1. “...дунё пок қалбли, ақли баркамол одамларсиз қолмасин. Уларнинг табиатлари ҳикматли бўлиб, тангри уларни баҳтсаодатли килиб яратган. Агар бундай ақлли кишилар хаёт ва жамиятда ўз шахсий манфаати учун курашмай, ўз нафсини демай ҳаллолик билан иш юритсалар, қаноат билан тирикчилик килсалар, уларни пайғамбар деса ҳам, вали деса ҳам, ҳаким-файлласуф-донишманд деса ҳам бўлади. Бундайларнинг вужуди, шубҳасиз, меҳнат ва риёзат билан чиниккан бўлиб, кўнгиллари фақат покликдан кувват олади. Уларнинг умри қанча узун бўлса, қанча кексайса ҳам юз-кўзлари шунчалик гўзал ва нуроний бўлаверади. Шунингдек, улар яшаган сари ақл ва билимга тўлиб, қаноп қанча эскиргани билан ўз тусини йўқотмагани каби, яшариб юраверадилар”.

2. “Одамлар ўрта ёшга кириб, соч-соқолларига оқ туша бошлагач... баданларининг ўти анча совиб, ҳароратлари пасая бошлади. Бу ёшдаги одамларнинг баъзилари майга берилиб, ичкилиknинг ҳарорати билан ўзларини қиздирмоқчи бўладилар. Бундай майхўрликка берилганларнинг умри ўйин-кулгу, ҳаралатарала билан ўтиб кетади. Лекин булар кариб вужудида кувват ўрнига заифлик, дармонсизлик пайдо бўлгач, нафас олиши кийинлашиб, баданида бўлган ҳарорат ўрнини рутубат-нам босиб, сўндиради. Қайси бир ўтни сув босадиган бўлса, унинг ўчмай колиши мумкин? Киши вужудида ҳарорат камайса, меъда сустлашиб, ейилган овқатлар яхши ҳазм бўлмай қолади. Агар, ҳазм бўлмаяпти, деб кам овқат еса-чи, ҳазм бўлмаслиги орқасида вужуди касалланади. Ўтдан чироқ ёнгани каби, киши вужуди соглом ва бакувват бўлса, димоги ҳам чоғ бўлади. Ўт ўчса, шам ҳам ёнишни тўхтатгани каби, баданда куввати кам одамнинг ақли ҳам етарли бўлмайди. Зоро, кувватсизлик мияга кўпдан-кўп зарар етказади, натижада ақл-идрок издан чиқади. Киши шундай ҳолатга тушиб қолса, шаклининг ҳам ўзгариб – хунук бўлиб колиши турган гап”. Буни ўқиб берганимдан сўнг, дедилар:

- Шу икки ҳақиқатни поэтик кашф этиш, сеҳрини туйиш, турли қалбларни асрлар давомида ошно қилиш ва шу асосда ззгулик яратиб яшашга чакириш, яшаганда ҳам донишманд ва дилбар шахс бўлиб яшашга ишонтириш курратини фақат сўз

санъатигина жонли тасаввур этишга имкон беради. Адабиётнинг, Навоийнинг ўлмаслигига, эзгулик йўлида эскирмаслигига ва ҳаёт муаллими эканлигига кичик исботдир.

Ҳа, умримиз гўзал бўлсин! Китоб мазмуни ила тўлиб, баркамоллашиб, инсонийлик нурини сочсин! Бу нур халқимиз баҳтини, шодлигини яратсин!

- Айтганингиз келсин!

\* \* \*

*Ўйлайман ҳаммага баробар бўлиш*

*Етуклик, улуғлик нишонаси бу.*

*Ҳар одам кўнглини овлаган инсон*

*Дилларда учмайди, яшайди мангу.*

**Муҳаммаджон Маҳмуд**

### МЕНИНГ ЭРТАМНИ ЯРАТГАНЛАР

Университетни имтиёзли диплом билан тутатгач, факультет илмий Кенгашининг тавсияси билан аспирантурага кириш учун Тошкентга йўл олдим. “Биринчи ишинг – Зулфия келинойимга учрашиш”, - деб Акамлар тайинладилар. Чунки менинг илмга киришим учун, дастлаб, илмий раҳбар топилиши ва у кишининг розилиги ҳал қилувчи омил экан. Сездимки, бу “омил” келинойимлар билан муҳокама қилинган, иккалалари ҳам бир тўхтамга келишган (лекин мен учун бу – муаммо ва уни ўзим ечганим маъқул бўлишини ҳам ишлаб чиқишган экан, буни узоқ йиллардан сўнг тушундим; иккалаларининг ҳам буюк тарбиячи эканликларини англадим). Қачон улгуришди экан?..

Тўғри ишхоналарига бордим. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрагач, телефон ракамларини тердилар-да, гаплаша бошладилар:

- Пиримқул, ассалому-алайкум! Хотамжон келган. Бир сухбатлашиб кўрсангиз!

- Хўп, хўп! Ҳозир Ёзувчилар идорасига етиб боради.

Хуллас, Ёзувчилар идорасига кириш жойида ёзувчи Пиримқул Қодиров мен танимайдиган бир одам билан гаплашиб турар эдилар. Пиримқул акани китобларда, телевизорда кўрганим учун тез танидим.

Саломлашдим.

- Хотамжон бўласизми? Самарқандликлар соғ-саломатми?  
Танишганимдан хурсандман.

- Раҳмат!

- Қайси мавзуни яхши кўрсангиз, ўша мавзуда реферат ёзиб келсангиз. Шундан сўнг бирор тўхтамга келсак. Бирор ҳафтадан сўнг, мана шу телефонга кўнгироқ қилсангиз, учрашиш жойини, вақтини келишамиз! Омон бўлинг, мендан Зулфияхонимга салом айтинг!

- Раҳмат, Домла! - дея орқага бурилиб, хурсанд қадамлар ила бувижонимни кига йўл олдим.

Диплом ишимнинг энг маъқул жойларини (Тошкентлик тадқиқотчиларни “ясаган” саҳифаларимни, F.Фуломни зўр мақтаган қисмимни) “F.Фуломнинг публицистик маҳорати” деб номлаб, домлага топширдим. Домлам рефератни бир варақлаб чиқдиларда, ишонтиарли қилиб шундай таҳлил этдиларки, мен ёзганларимдан уялиб кетдим, юзаки мулоҳазаларимдан, сўзларни ўз ўрнида ишлатмаганимдан хижолатга ботдим. Назаримда, “Номзодликка арзийдиган диплом ишим”нинг чақалик қадри ҳам колмади. “Энди ишим битмади-да, бундай пишиқ, билимдон раҳбарни яна учратаманми, йўқми?” - деган ўй-фикр хаёлимда кезар экан, Домлам дедилар:

- Майли! Мехнатдан, китоб чангидан қочмасангиз, мен раҳбарликка розиман...

Билмадим, сизлар қандай ўйлайсизлар, лекин Акамларни башоратчи эканликларига – мени энг покиза, энг билимдон, энг катта мураббийга умрбод боғлаб кетганларига ҳайрон қоламан! Ҳётнинг бунчалик узоқ келажагини тасаввур этганларига, бугун ҳам мени филология фанлари доктори, профессор, тўрт неваранинг бобосини Пиримқул аканинг кўллари билан етаклаётганларига ҳайрон қоламан! Минг-минг шукрлар, дейман!

Сабаби – Акамнинг вафотларидан сўнг менинг ноchor аҳволимни, тушкун рухимни даволаган, бир неча кун неча-кундуз ардоклаган ва “Энг катта Акамларга” айланган Устозим бўлдилар. Ҳам устозу, ҳам акани худойим менга насиб этди. Кемтик баҳтим – бутун баҳтга айланди.

“Шундай улуғ мерос ҳаққи, Акажон, жойингиз жаннатдан бўлсин!” - дея Аллоҳдан сўрайман.

\* \* \*

*Майсалари қовжираған тог этагида,  
Ором былмай,  
Қайнаб ётар зилол бир чашма.  
Гоҳ мидираб,  
Гоҳ шидираб, яшириб изин,  
Нур мисоли сингиб кетар воҳа қўйнига.  
Этар ўзин қатра-қатра тупроққа эҳсон,  
Ҳарсангларнинг кўз ёшлари –бу зилол чашма.  
Юксакликка – интилади ҳамиша инсон,  
Ва чашмага олислардан – боқади ташна.*

Душан Файзий

### КОМИЛИККА ЧОРЛОВЧИ ҚЎНГИРОҚ

Энг катта илмий мақолам биринчи бор “Шарқ юлдузи” журналида (1968 йил 11-сон) “Адабий танқид – санъат” номи билан босилиб чиқди. Журналнинг дастлабки нусхасини кўтариб, Акамларнига бордим. “Суюнчи”дан ҳам умидворлигим аниқ эди.

Борсам, хонтахта атрофида Акамлар, Янгамлар ўтиришибди. “Шарқ юлдузи”нинг айни ўша сони хонтахта устида турибди. Иккалалари ҳам ўқиб чиқишгани аниқ. Музокара қилишган бўлсалар ҳам, ажаб эмас.

Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг, Янгам (рахматлик “Шарқ юлдузи”, “Саодат” журналларини, “Ўзбекистон маданияти” ва “Ленин йўли” газеталарини тўлиқ ўқиб чиқишини яхши кўрар эдилар) гап бошладилар:

– Ҳали кандидатликни ёқламай, фан докторини, машҳур танқидчини, яна акангизнинг энг яқин ўртоқларини танқид килишга қандай журъят қилдингиз?

Вой, тирранча-ей! Олдин эсон-омон ёқлаб олинг, кейин бир гап бўлар!..

Янгамларнинг мулоҳазаларига Акам аралашмасдан менга ним кулгилари билан караб турар эдилар. “Ним кулгу”нинг сирига тушуниб олганим учун, мен дадилланиб, дедим:

– Янгажон! Ўшандай танқидчининг камчилигини айтишга катталар андиша қилишади. Сизнинг қайнингизга ўхшаган

“тиранчалар” айтишади-да! Янгамнинг фикрларини ўзгартиришнинг бирдан-бир йўли “мақтov”лигини тушуниб қолгандим. Шундан фойдаланиб, янгамнинг ўзларини сабабчи қилиб давом қилдим: - Илмда ҳаммадан ҳақиқат устун бўлиши кераклигини ўзингиз айтиб юрасиз-ку! Бизам сизнинг йўлингиздан юрамиз-да!

- Ҳа, энди шошилманг дейман-да. Ёқлаганингизча душман орттириб нима қиласиз?..

Янгам ва менинг сухбатимга Акам аралашмадилар. Лекин Янгамга “Қандай бўлдинг, айтмабмидим, тўғри қилган деб” деган маънони англатувчи қараш қилганларини қалбан кўрдим. Акамларнинг илмий йўналишим ҳақидаги гапирмасдан англатган ва маъқуллаган хуносалари натижаси ёмон бўлмади: ёзувчи ва мунаққид Пиримкул Қодиров раҳбарлигида “Ўзбек адабий танқидида маҳорат проблемаси” номли диссертацияни ёқлаб, тезда фан номзоди илмий даражасини олдим.

Менинг бу ютуғим Акамнинг докторлик ишларини теззалишга “мажбур” этди; чунки Акамнинг илмий даражаларини зabit этишим мумкин эмас эди; Акамлар ўзларига етишга имконият яратардилар-у, лекин ўзлари ўсишдан, камолотдан тўхтамас эдилар. Олдин акамлар фан доктори илмий даражасига, сўнгра Фани акам ва мен фан номзоди даражасига эришдик. Яна ака-укаларнинг мусобакаси янгила рух, янгила мазмун билан давом этаверди...

Укамларга намуна бўлиш, юксакда туриш – тинимсиз мashaққат ва меҳнат ҳисобига бўлишини бугун бошимдан кечирмоқдаман. Акамлардан қолган бу мерос – ҳар сония, ҳар дақиқа узлуксиз фаолиятга, яратишга чорлайди. Чарчоқни унуттиради, комилликка етаклайди.

\* \* \*

*Дилдан севар эди барча – чунки сен  
Фидойиси эдинг юрту элингни.  
Бошлиған ишларинг тўхтаб қолмаган,  
Ишончли қўлларда бил қаламингни.*

Василий Ларцев

## ЭРТА-КЕЧИ ЙЎҚ ЧАҚИРИК

Мақсадли аспирантурани (диссертацияни ёзиб тамомлагач) тутатгач, Самарқанд давлат университетига қайтиб келдим. Мени ишга олишлари шарт эди. Лекин университетнинг ўша пайтдаги проректори Ҳоди Орипович Абдуллаев ўзбек филологиясида штат(иш ўрни) йўқлигини, яқин вактларда ҳам имконият бўлмаслигини таъкидладилар.

Мен бу хабар билан Акамларникига бордим. Акам индамасдан, оддий воқеалардан бири каби қабул қилдилар. Мени ҳатто озгина тинчтишга ҳам уринмадилар, умидларим эртаси қандай бўлиши мумкинлигини башорат ҳам қилмадилар. Фақатгина “Вақтида ёқлаганингда, ишинг ҳам тайин зди”, дедилар. Мен изоҳ бердим: “Агар мен навбатимни Хоразмлик аспирантга бермасам ва у ёқлаб бормаса ишга жойлашиши мумкин бўлмас экан. Унинг менга нисбатан оиласи катта бўлиб, учта фарзанди бор экан. ЎзФА Тил ва адабиёт институти директори Кўчкор Хонназаров хонасидаги бу гап менинг одамгарчилигимга тақалгач, ёқлаш навбатимни унга беришга рози бўлдим”. Бу изоҳ Акамларни қаноатлантириди шекилли, бироздан сўнг очилиб “Майли бир гап бўлар. Қани овқатдан олчи”, – дея қистовга олдилар...

Эртасига биргалашиб, Абдуллаев қабулига бордик. Қабулхонада мен кутадиган бўлдим. Акамлар 15-20 минутдан сўнг ичкаридан чиқдилар ва “Ишинг ҳал бўлди, 0,5 ставка билан бошлаб турасан. Мен кетдим. Ҳозир сени чақириб, буйруқ беришади”, - деб ишларига кетдилар. Менинг хурсанд бўлганимнинг, мағурланишимнинг чеки йўқ. “Ҳар қандай тилсимни очишга қодир Акамлар бор экан, проректор тугул, ректор ҳам қабул қиласи-да! Танимаганин – сийламас деб бекорга айтишмаган. Қани буйругини кўлимга тутқазмасин-чи?”

Проректор мени қабул ҳам қилмади. Кадрлар бўлимидан бир киши мени эргаштириб, хонасига олиб борди. Аризамни олгач, бирор соатдан кейин келиб, буйруқ нусхасини олиб кетишим мумкинлигини айтди.

Буйруқ нусхаси билан кечкурун Акамларникига бордим. Янгам, кечаги оғзидан бол томиб турган Янгажонимга ўхшамас эдилар. Сал ранжиганлари, қон босимларининг кўтарилилганлиги

билиниб турарди. Буйрукнинг нусхасини кўрган Янгамнинг ҳолатлари яна ҳам таранглашди. Бунисига энди мен ҳайрон бўлдим: “Наҳот ишга жойлашишим Янгамни шунчалик гашлантирса...”

Янгам гап бошладилар:

– Суриштирдим. Ҳотамжон ойига 100 сўмга яқин пул олар экан. Ўзингиз ишлайверганингизда бўларди, 100 сўмни Ҳотамジョンга берсангиз ҳам, 150 сўм ўзимида қоларди!

Мен тушундим. Янгамнинг ҳолати менга кўчди. Акамлар (СамДПИ ректори) университетда 0,5 ставка ишлар эканлар. Айни шу ўриндан ўзлари бўшаб, мени жойлаштирган эканлар. Буни англагач, ҳайратим яна ошди, тилим танглайимга ёпиши. Лол қотдим. Баданимда олов ёнар, юзим ловилларди...

Акам дедилар:

– Ҳой, Нарзи (Янгамнинг исмлари Нарзиой эди), бўлди қил! Сен, мен ахир – ўз уйимизни ёритаётган чироқлармиз-ки, бошқа жойга борсак одамларга машъалдек кўринамиз. Гап пулда эмас, ундан ҳам қимматли бўлган нарсада! Бегонага ёрдамни аямасаг-у яхши кўрган қайнингга, Ҳотамга қайғурмасак қанақа одам бўламиз?... Қўй энди, пул топилар...

Бугун бу воқеа жонланар экан, ҳалқимизнинг “Жон берганга жой бер, жой берганга жон бер”, “Ўзига баҳиллик килган, ўзгага сахийлик қилмас!” ҳикматлари мағзини чаққандай бўламан. Акамлар қилган барча яхшиликларини яширишга, уни айтмасликка, эсламасликка амал қилган сахий инсон эканликларини, бу хислатга умр бўйи содик қолганларини англаб етгандек бўламан. Ўз-ўзидан Омон Матчоннинг шеърига басталанган меҳр ва садоқатга йўғрилган қўшиқни кўнгил хиргойи қила бошлайди (қариндошларнинг айтишларича, шу қўшиқ эшитилганда раҳматлик Шароф ота Рашидов ҳам ўринларидан туриб кетар ва дераза олдига бориб, узоқ вақт ўй сурар эканлар):

Умр ўтар, вақт ўтар.

Хонлар ўтар, таҳт ўтар,

Омад ўтар, баҳт ўтар,

Лекин ҳеч чиқмас ёдисидан –

Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг?..

Умр-йұл, қаірлиши күп,  
Утрашиш, айрилиш күп,  
Унтиши, айтилиши күп,  
Лекин ҳеч чиқмас ёдымдан,  
Сүзсиз қараашларинг, ҳолим сұраашларинг...

Ха, Азизлар! “Умр – отилган ўқ” экан, “Умр – ариқдан оққан сув” экан. У ўқдек тәзкор ва қуш уйқусидек қисқа экан. Шундай бүлгач, ҳар бир ҳаракатимиз, ҳар бир муомаламиз, ҳар бир учрашувимизни қадрлаб, бир-биrimизга зэгулик улашайлық, шунга шошилайлық. Умримизни узун, иймонимизни бутун қиласылайлық. Бу мuloхаза янгилик эмас, эскилиқ ҳам змас. Балки эскирамайдиган, доимо янги бўлиб турадиган, ҳаммага энг зарур бўлган мерос, аждодларимиздан қолган тирик меросдир. Акамлардан менга қолган мерос – чақириқдир. Қалбларимизга битилиши зарур бўлган, амалиётимиз ўлчови бўлган умрибоқий шиордир.

\* \* \*

Барига бугун улгур,  
Эрта балки фурсат ийқ.  
Чунки умр деганлари,  
Банисли отилган ўқ.  
Уни ўтдай ёндириб қўй,  
Дунёда қолиш учун...  
Энг сўнгги соат  
Одамлардан  
Розилик олиш учун.

Асқад Мухтор

## ОРЗУ БОНГИ

Акамлар билан узок вақт бирга ишлаган (ўкув ишлари бўйича проректор вазифаси такозосига кўра), яқинроқ билган Акбар ака Тилавоннинг айтишича, 1971 йил июнь ойининг охирларида касалхонада ётган фалсафа кафедрасининг мудири Тошпўлат Тоғаевни бориб кўришган: чиройли, келишган, жамоада обрўси анча баланд бўлган Тошпўлат ака саратон касаллиги туфайли, анчагина ўзини олдирган, тўғрироги, тери

билин суюги қолган. Келишган қад-қомат – буқчайған ва хунуклашган. Чиройдан ном-нишон ҳам қолмаган...

Қанчалик унинг кўнглини қўтаришган бўлса, шунчалик ўзлари эзилиб чиқишган. Хушвақтлик билан хайр-хушлашар экан, соғайиб кетишига сидки дилдан омад тилашган. Ундан қанчалик узоклашсалар, шунчалик тундлашиб борганлар, ўз-ўзидан гап-сўзлар ҳам тугаган.

Анча вақтдан сўнг, Акамлар ҳеч кутилмаган гапларни залворли, ишонч-орзуга тўлиқ овоз билан айтганлар:

– Худойим кишига осон ўлим берса! Бирданига ўлсанг!  
Абгор ҳам бўлмасанг! Одамларга ҳам азоб бермасанг!

Билмадим, фаришталар омин деган эканми, Худойим шундай тақдирни раво кўрганидан Акамлар шу сўзларни айтганларидан 25 кун ўтгач, дунёдан бир зумда ўтганлар:

18-июль куни кечки меҳмондорчиликка боришлари шарт бўлган. Чиқиб машинага ўтирганлар, бирон километр ҳам юрмасдан, “Менинг мазам бўлмаяпти, Синдор, машинани уйга бур” деганлар. Машина уйга етай-етай деганда, орқа ўриндиқда ўтирган Акамлар оёкларини куч билан олдинги бўш ўриндиқ орқасига тираганлар ва бирдан бўшашибганлар, шу жараёнда жонлари узилган. Машинадан олиб тушиб ётқизганлар. Докторлар етиб келишган, вужуд уколни ҳам кабул қилмаган. Мен етиб борганимда (Хаёлимда шундай муҳрланган) Акамларнинг баданларида ҳарорат бор эди. У киши ўлганга ҳеч ўхшамасдилар: Ўша ним кулгу, ўша гўзал чирой, ўша дев қомат. Гўё уйқуда, уйқуда ширин туш кўраётгандай очик чехра билан ётардилар. Фақатгина ёнокларидаги қизиллик ўрнини қорамтири ранг эгаллаган эди... Фарёдлар тўлқини, йиғилар дарёси, афсуслар нидоси қанчалик ғам-андухга тўла қудрат билан оламни бузмасин (бировнинг биргина “Оҳ”ига чидамаган Акагинам) – эшиитмасдилар; Мен ёқтирган ним кулгулари билан гўё “Орзуим ушалди, шукр!” деган ифодани менга узатардилар... Мен буни тан олмас, ўкирар, қалбимни бурдалар эдим... Бугун ҳам “Айрилиқнинг шиддати, Қон йиглатар муддати”...

Мени чекимга тушгани учун бўлса керак, ҳамма Акамларнинг энг яқин кўмақдошлари эдим. Орифжон Акамларнида ҳам энг кўп вақт яшаганим, хизматларини (жиянларимга караш, меҳмонларни кутиб олиш – кузатиши,

ховлиниң тозалигига, бир парча ердага зқинларга зътибор килиш ва ш.к майда-чүйда ишлар) бошка укаларга нисбатан узок йиллар ва яхшироқ бажарғаним учун Акамларнинг ҳамма танишибилишларини билсам керак деб ўйлар эдим.

Бу ўйларим ҳам нотуғри экан. “Билганимдан билмаганим кўп, кўрганимдан кўрмаганим кўп экан”. Акамларнинг охирги йўлга кузатар эканмиз, на ховлига, на кўчага одамлар сиғарди; шунчалик зинч, бир-бирига яқин туришардики, оёқ остига қарашнинг иложи йўқ эди. Сунғи дақиқада Акамларни ўзларига шогирд санаган Шароф ота Рашидов кўзларида ёш билан кириб келдилар... Шоҳи-зиндагача пиёда, кузатиб бордилар... Менинг кўзларимга одамлар аник қиёфада кўринмас эдилар, кўзимдаги ёш пардаси имкон бермасди.

Кузатгани келганлар шунчалик кўп эдиларки, улар гўё - денгиз, шу денгизни ҳаракатга солувчи, тинимсиз чайқалиб турувчи тўлқин шовқининг эмас, инсонларнинг ҳамкорлигидан, қайгусининг бирлигидан юзага келган – одамнинг кадрини тушунгандарнинг, йўкотиш азобини хис қылганларнинг бирлашишларидан юзага келаган бонг эди. Бу тириклар бонги, ҳурмат бонги эди. Инсонни зъзозлашга, улуглашга, шунга муносиб бўлиб яшашга чакиравчи сехрга тўла кудратли садо эди. У ҳар чайқалтанида азим Самарканд, шу азиз тупроқ силкинар эди. У ҳам одамларнинг минг-минглаб қалбларига мос туйгулар ила ўз фарзанди билан хайрлашар эди, охирги йўлга ҳарорати ошиб, ҳансираф кузатарди. Фаму андух, азобу қўз ёш, инсону замин ҳамкорлигига – эл ва замин фарзандига меҳру-окибат жамулжам эди. Бу меҳр ҳар бир қалбда инсонийликни яратар, унга янгича мазмун берар эди. Йўкотиш ҳам, ҳамкорлик ҳам ҳар бир қалбга сабоқ берарди – қандай яшаш лозимлигини юракка жойларди.

\* \* \*

*Ишонмам ўлмаган у, сафда бор у,  
Қаерда дўстлар бор, унда бор у.  
Мұхакқақ мардларга зътибор у,  
Чинор у, сервиқор у, ифтихор у.  
Азизим, ўзлигим, ўғлым Орифжон,  
Шакаргуфттор шириңсўзлигим Орифжон.  
Аҳиллик бобида бир арши аъло,  
Ёниқ юлдуз, ёниқ юзли Орифжон.*

*Воҳид Абдулло, академик*

## УМРБОҚИЙЛИК

Катта ўғлим Жиззаҳда туғилди, номини раҳматлик Катта поччам – Ҳаётжон деб атадилар.

Иккинчи ўғлим Самарқандда туғилди, номини раҳматлик Қайнотам – Давлатшоҳ деб қўйдилар.

Ўзимча бу номлардан чукур маъно топардим: “Каттаси оиласиз ҳаётининг беғуборлигини яратсин, кичиги давлатини таъминловчи шоҳ бўлсин!”

Қайси бир ўтиришда бу ҳақда жуда” туллаганман” ва уни яна бир баҳя баландга кўтарганман: “Бизнинг хотин учинчисини ҳам ўғил туғиши аниқ. Ҳали ўзимиз бирортасига исм қўя олмадик. Шунинг учун учинчиси туғилмасдан, отини “Бунёджон” қўйганман. Худойим хоҳласа, ҳаётимиздаги орзуларимиз бунёдкори бўлади”...

Бу гапларга бир йил тўлгандан сўнг учинчи фарзандимиз туғилди. Ўғил! Оғзимиз қулоғимизда! Тўғри Акамларникига чопиб бордик; Оиласизнинг катталари бўлганлари учун меҳмонга исм қўйиб бериш навбати у кишиники эди. Хушхабардан хурсанд бўлдилар. Чақалокқа Худойим омонлик, узоқ умр, баракали ризқ ато этишини тилашди.

– Исмини ўзингиз қўйиб берасиз, - деб келдик.

– Исмини ўзинг қўйгансан-ку! Мен ҳам “Бунёджон” аталишига розиман. Тоғамизнинг “Семурғ”идай умри эзгуликка буюрсин!

Мен лол эдим. Менинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатимдан Акамларнинг воқиф эканликларини аниқ сезардим, лекин “гуллаган”даги гапларим ҳам етиб келишини, ундаги ҳар бир сўзни тарозига солиб, керагини эсларида саклашларини тасаввур қила олмаган эдим. Биргина шу мулоқот менинг кўз ўнгимда Акамларни жуда юксакка кўтариб юборди, энг яқинимга, жонимнинг риштасига айлантириб қўйди. Қалбим тўлиб-тошиб, ўзим шошиб “Раҳмат!” дея олдим, холос...

Бунчалик эътиборни, саховатни шунчалик қўмсайманки, уни бошқа бирон одамдан топа олмадим.

Ҳамон излайман. Суратларга термуламан. Китобларини қайта-қайта ўқийман, шеърларини такрорлайман. “Умр ўткинчи

мехмон” эканига, “Ўтиб кетган ёмғирнинг” қайтмаслигига ўқинмайман. Бироқ “Яхшининг қалби - Қуёш” бўларкан. “Яхши одам ой бўлар, Қайга борса жой бўлар”кан. “Яхшидан – шарофат” қоларкан. “Яхши – жонингта ўртоқ” бўларкан. “Яхшилик – нур келтирас”кан. “Яхшиликнинг йўли узун” бўларкан. “Яхшидан ёд колар” экан. “Яхшининг ўзи ўлса ҳам сўзи ўлмас” экан. Яхшилик – умрибоқийлик экан. Шу холосалар сўнггида Акамларни қайта топдим: Умрибокий Акажонимни... У киши тоғамиз Ҳамид Олимжондек юракдан ёниб шеър ўқияптилар. Сиз ҳам, азизларим, эшитинг:

*Ватан, сендан мен баҳтиёрман,  
Мен – қалбида додги йўқ инсон.  
Мен миллионлар сафида борман,  
Мен – ҳалқимнинг томирида қон.*

\* \* \*

*Хотирамга ҳар гал тушганда шу ном,  
Кўзим ўтрусида ўзи намоён.  
Тирик руҳи билан дилкаш сұҳбатда  
Ҳамиша тузаман иш режсаларим...  
Бир йигит ёшидан ортиқроқ муддат  
Мехрининг тафтида ўсдим гиёҳвор.  
Яна ўн йигитнинг ёшин яшасам  
Эгик бошим узра турар устивор.*

**Исомиддин Салоҳий**

## ДАВОМИЙЛИК (Хотима ўрнида)

*Фақат битта орзу ҳукмрон менда:  
Шу халқ хизматида ўлгунча қолсам.  
Орифжон Икромов*

60 ёшдаман. Раҳматлик Орифжон акамдан (вафот этганларида 44 ёшда эдилар) 16 йил ортиқ яшайпман. Ҳалигача ёши улуғлар ҳам, ўзим тенгилар ҳам Умиров деган фамилиямдан кўра, “Орифжоннинг туғишган укаси” эканлигимни эшитгач, бошқача бир меҳр, кувонч, кулгу билан ва ўзларига қадрдон, якин, туғишгандек қабул килиб оладилар.

Демак, Акамларнинг Одамларга қилган яхшиликлари, beminnat хизматлари, кўллаб-куватлаганликлари, тўғри йўллар кўрсатганликлари, бир сўз билан айтганда, инсонийликлари давом этмоқда, ана шу менга калит вазифасини ўтаб, камолот ва қалблар эшигини очища да аскотмоқда...

Оиламизни яхши билганинг айтишларича, менда акамнинг кўп хислатлари бор эмиш. Балким, Акамларнинг мен учун ҳамиша намуна бўлганинги бунга асосдир. Балким, у кишининг ҳаёт тарзи, одамларга муносабатлари, шоирлик ва олимлик, мураббий ва жамоат арбоби фаолиятлари – менинг дарсхонам бўлгани учундир. Балким, “Тирноқни этдан айириб бўлмайди” деганлари сабабдир. Балким, “Қилдай томир бўлса, тукқанига тортади” деганлари асосдир. Ҳатто раҳматлик Келинойим сигарет чеккан пайтларим узок қараб қолардилар: сигаретни ушлашим ҳам, бурқситишим ҳам Акамларнига айнан ўхшар экан. Шу сабабли бўлса ҳам керакки, Келинойим мен билан кўпроқ меҳр билан гаплашар эдилар, бошқаларга айтмайдиган гапларини, ўз орзуларини менга айттар ва маслаҳатлашардилар (Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин!).

Демак, ўтганлар тирикларни қарздор килиб кетар эканилар, карзни узишнинг ҳалолу пок йўлларини кўрсатиб ўтарканлар. Сабр ва қаноатта чорлар эканлар. Инсон шаънига муносиб ҳаёт кечиришига ҳамиша даъватда бўларканлар. Бу мулоҳазалар хulosага ва ҳаракатга унрайди: Орифжон акамдек инсонийликни давом эттиришим, ўшанга муносиб хизмат килишим шарт. Кўлимдан келар экан, ҳаммага – боламга, уругимга, талабаларимга, шогирдларимга, элимга

яхшиликни, ззгуликни, қалбимдаги Аллоҳ берган нурни сочаверишим, сочаверишим, сочаверишим лозим.

Иншоолпоҳ, шу зиё мендан ҳам ёргу, мендан ҳам билимдон, мендан ҳам комил, мендан ҳам инсонийроқ одамларни күпайтирса; Улар элимиз дардларига дармон бўлгучилар сафларини тўлдиришса...

Шундагина бекорга яшамаганимизни ўзим ҳам, ўзгалар ҳам англаб етармиз!

\* \* \*

*Шогирдлар-ла ишинг, сўзинг барҳаёт,  
Шеъру фарзандлар-ла ўзинг барҳаёт.*

**Ҳакима Ҳасанова**

\* \* \*

Ҳа, “Орифжон ака Икромов ҳамиша бизнинг сафимизда бўладилар, биз ўз ижодимизда, ўзимизнинг умр бўйи давом этадиган хотира хазинамизда бу ажсойиб инсонга ҳамиша таъзим этамиз”.

**Абдулла Орипов,  
Ўзбекистон халқ шоири**

2002.

### **ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ...**

*Яхши – яхшига ёндаштирап...*  
**Макол**

“Юлдузли тунлар” туғилди-ю бўғилди.

Ёзувчилар уюшмаси мухокамаси қарорига биноан нашрга тавсия этилган асар баъзи ғаламисларнинг қилмишларига, нодонларнинг асоссиз, тўқиб чиқарилган (бу асар Совет – Хиндистон алоқаларини бузади, Бобурнинг жаҳонгирилиги, босқинчилигини қоралаш ўрнига ёзувчи уни оқлаган, Бобур мустабид шоҳ бўлган, коммунистик дунёқарашиб учун унинг ҳожати йўқ...) хулосаларига биноан журнал ва нашриёт эшиклари тақа-тақ ёпилди. Ёзувчининг тинимсиз саъии ҳаракатларидан натижа чиқмади. Йиллар кетидан йиллар ўтаверди... Охирги умид – Ўзбекистоннинг хурматли кишиси, ёзувчи Шароф Рашидовга бориб тақалди.

Шароф Рашидов 1978 йил Хурсанд ая билан дам олишга борар эканлар, ҳар сафаргидек ўзлари ўқишига улгурмаган янги илмий ва бадиий асарларни ҳам олиб кетиш одатларини канда кильмадилар, “Юлдузли тунлар” ҳам “Кўнгил очар сафарнинг олислиги билинмас” дея мусофирикка бирга кетди.

Маълумингизки, Шароф ота ҳам шоир, ҳам носир, айни пайтда, адабий танқидчи эдилар. У кишида бадиий ва илмий тафаккур эгизак бўлиб, бир-бирини тўлдирав, бир-бирини бойитар, бир-бирини ҳаракатга ундар эди. Бу хислат даврнинг ва адабиётнинг бош муаммосини хатосиз ва тез илғашга, хозиржавоблик кўрсатишга имконият тугдиради; ўзбек миллатининг хислат ва фазилатларини умумжаҳонга ёйишга ва танитишга янги-янги асосларни беради.

“Юлдузли тунлар” иккалаларига ҳам таъсир кўрсатди. “Халқнинг муқаддас илм учун, акл-идрок, ёруғлик, яхшилик ва адолатнинг тантанаси учун курашган ва шундай курашларни шарафланган барча улуғ инсонлар”дан бири бўлиб – Бобур киёфаси жонланди. Бобур жаҳонни инсонийлаштирадиган, баҳт ва садоқат кучларини бирлаштирадиган замондош, муборак зот бўлиб, тақдирдош инсон бўлиб гавдаланди.

Сафардан қайтган Ш.Рашидов ёзувчи билан сұхбатлашар экан, асадан катта завқ олганларини, ижодий сабоқлар чиқарғанларини лўнда ва асосли қилиб исбот қиласдилар. Бундай гапларни бошка кишилардан ҳам эшигтан ёзувчи Пиримқул Қодировнинг “зада” юраги барибир ёришмаётган эди... Лекин Бобурнинг малика Байда томонидан заҳарланиши ва шохнинг маликага муносабати лавҳаларининг энг олий нуқтасини худди ўз бошидан кечирган зотдек, зўр ҳарорат ва ишонч билан Шароф Рашидов ёд айта бошлайдилар.

Бу лавҳада ўз ўлимини ҳам ўткир бир куролга айлантироқчи бўлган Байданинг ниятини сезган Бобур куролсиз онага қандай чора кўришни ўйлар экан, одамларнинг нафрatiга эмас, ҳурматига сазовор бўладиган ишни қиласди. Ва у шундай аксланади:

“... – маликани то умри етгунича тирик сақлаш ҳам сизга топширилур, жаноб Абдукаримбек!

– Тирик?! – ҳайрон бўлиб сўради шиговул.

Бошқа аёnlар ҳам таажжубланаётганинг кўрган Бобур овозини кўтариброқ гапирди:

– Малика бизнинг бундан кейинги зафарларимизни ҳам кўрсин. Ёмонликкя яхшилик қилиш мард кишининг қўлидан келишига амин бўлсин. Агар маликада виждон бўлса, ўғли қилмай кетган ишларни биз қилганимизни кўриб виждони азоблансин. Агар виждони бўлмаса, ичидаги факат баҳиллик чаёнлари бўлса, бу чаёнлар ўзини чакиб ётаверсин. Маликага бундан ўзга жазо муносаб эмасдир!"

Буни эшитаркан, ёзувчи Пиримкул Қодировнинг ўзи ҳам фоят кучли таъсиrlанади; "Гўё бу гапларни Шароф ота тили билан Бобур гапираётганди," – дейди кейинчалик ёзувчи.

Ёзувчи билан сухбат якунида хонага Марказий Комитетнинг мутасадди вакиллари кириб келишади. Шароф Рашидов уларга асар ҳақидаги фикрларини қисқача тақорролайдилар ва шундай холосани айтадилар:

– "Юлдузли тунлар" – тарихий романчилигимизнинг улкан ютуғи. У СССР билан Ҳиндистон мамалакати ўртасига дўстлик кўпригини куради. Уни тезда журналда зълон қилиш лозим. Китоб шаклида дунё айлансин, бизнинг ютукларимизни оламга ёйсин!.."

Дононинг асосли мулоҳазалари сабаб нодонларнинг тўсиклари, "илмлари" саробга айланди, "Юлдузли тунлар", даставвал, "Шарқ юлзузи" журналида (1978 йил), кейинроқFaфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида (1979 йил) нашр этилди.

## ЁМОННИНГ КАСОФАТИ

*Ёмон – ўйлдан адаштирап.  
Мақол*

Кисқа муддат ичидаги "Юлдузли тунлар" бир неча бор ўзбек ва рус тилларида (Ю.Суровцев таржимасида) чоп этилди. Романнинг жаҳонга парвози бошланди. Айни пайтда, ўз муаллифига обрў ва қувонч келтирди. "Юлдузли тунлар" романни учун Пиримкул Қодиров ва таржимон Ю.Суровцев Ҳамза

номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Пиримқул Қодировнинг “Бобур”и – уни ўқиган ҳар бир калбнинг ижодий жасоратига жасорат кўшди, ҳар қалбда “тарих ҳақиқатига садоқат” (У.Норматов)ни мухрлади. “Буюк авлоднинг томиримиз” деган гуурни уйғотди, дангалини айганда, ўзбекка ўзлигини танитди. Умумжаҳон инсонийлик туйғуси томон ҳаракатга яна бир асос ва ишонч берди. Орадан беш йиллар ўтгач, Ўзбекистон ва ўзбек халқи тарихида машъум хизмат килган XVI Пленум (1985) иш бошлади. Олга ҳаракат килишимизга тўсқинлик қилувчи барча нарсаларни қоралади, гўё. Қоралаш, ёш авлодни Ватанга, комунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялаш ниқоби остида халқимиз руҳиятига, тақдирига тажовуз бошланди. “Ўзбек иши”, “Пахта иши” фитналарининг авж олиши учун – асос ва йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди, ўтмишимизни бадном қилиш ва қоралашга, ҳақиқатни кўмишга фатво берилиди; ўзбекни ёмонга чиқариш учун курашга Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи котиби И.Усмонхўжаев ва идеология котиби Р.Абдуллаевалар – йўлбошлиқ қилишди.

Ҳақиқатан ҳам халқимиз “Йўлдошинг қарға бўлса, ўлимтукка бошлайди”, – деб бежиз айтмаган экан. Бунинг бевосита исботи Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг IX сеъзида яққол намоён бўлди. Собиқ биринчи котиб Ўлмас Умарбеков (Аллоҳим ўзинг мағфират қилгин!) ҳисобот маъruzасида юкоридаги кўрсатмалар асосида “Юлдузли тунлар”ни кескин қоралади:

“Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида адабнинг моҳир қалами сезилиб туради. Унда кўплаб тўлаконли образлар яратилган, давр муҳити ёрқин чизилган. Бир сўз билан айтганда, роман кўламли, ранг-баранг бўёкларга бой бадиий полотно, эътиrozли жойи шундаки, муаллиф Бобурнинг шоирилик иқтидори таъсирига тушиб, унинг ҳарбий юришларидаги жаҳонгирилик характеристини ишонарли ёритиб бера олмаган”.

Дикқат қиласангиз, ушбу мулоҳазалар бир-бирини тамоман рад этади: Ёзувчи “Бобурнинг... жаҳонгирилик характеристини ишонарли ёритиб бера олмаган” бўлса, – роман “давр муҳити ёрқин чизилган... бадиий полотно” бўлиши мумкин эмас.

Балким, талант сохиби Ўлмас Умарбеков атайин шу йўлни кўллашга идеология котиби Р.Абдуллаева (съездда савлат тўкиб ўтиргани) боис, шундай фикрни айтишга мажбур бўлгандир... Барибир, (биз гувоҳ бўлганимиз –Ҳ.У) энг сўнгги фикр – Бобур образи идеаллаштирилган деган хулоса ҳал килувчи аҳамият касб этди...

Бу “Мушт кетди”нинг навбати отахон академигимиз Иззат Султон зиммасига тушди: “Нотик тарихий мавзуда асарлар яратиш муаммолари хусусида тўхталди. Комил Яшиннинг “Хамза” романи бу борада ибрат қилиб кўрсатишга арзигулик асар эканини айтди. Айрим ёзувчиларимиз тарихий шахслар хақида асар ёзаётганларида бир ёқламаликка йўл кўяётганлигини таъкидлаб, “Юлдузли тунлар” романидаги Бобур образи бадиий талқинида бир ёқламаликлар борлигини кўрсатиб ўтди” (Шарқ юлдузи, 1986 йил, 1-сон, 22-26 бетлар)...

Сеъзд ишида танаффус эълон қилинди. Пиримқул аканинг бугдойранг юzlари оппоқ оқарганди. Фойедаги диваннинг бурчагида ўтириб, юракларини қўллари билан ишқалар, лаблари куруқшагандан сувга жудаям ташналиклари билиниб турарди. Бирор киши ҳол-аҳволларини сўрамасди, ҳатто яқинлашишга кўркишар эди. Тезда сув узатиб, устозимни тинчтишига тушдим:

“Устоз, сиз яратган “Бобур” жаҳон кезмоқда, кўпга эзгуликлар сочмоқда. Қалбларга инсонийлик дарснин бераяпти. Битта-иккитанинг гали билан – ёмонотликка чикмайди. бундай компаниячи тухматларнинг умри қиска бўлади. Буни Бобур тақдири, тарихи ҳам исботлайди-ку, ахир!..” Яна нималар деганим ёдимда йўқ, лекин устозимнинг оғир дамларида ёнларида бўлганимдан ҳозиргача Аллоҳга шукр айтаман. Аллоҳнинг изми ва ҳазрати Бобурнинг рухлари устозимга мадад бўлдилар шекилли, баландлашган қон босимлари, чўққига чиққан хиссий тарангликлари секин-аста ўрнига туша бошлиди; оқиллик билан фикр-мулоҳаза юритиб, хулоса қилишларига имконият туғдирди. Биринчи – кутилмаган ва кучли “зилзила” ўтди. Устоз сабр-чидам кўрсатиб менга сабоқ беришда давом этардилар.

Кейинги зарбалар ҳам кетма-кет асоссиз, исботсиз тарзда тушарди. “Зилзила” пасайиш билмай, зўраяди. “Юлдузли тунлар”га Ўзкомпартиянинг III пленумида (1985 йил октябр)да нохолис баҳо берилди. Бундан илҳомланган М.Ваҳобов деган

кимса “Тарих ҳақиқатига зид” номли мақоласини ёзди ва социалистик дунёкарашга, Марксча-Ленинча таълимотга мутелик килиб, руснинг мустамлакачилик сиёсатини ҳақиқат билиб “Правда Востока” (4 декабря 1986 года) газетасида эълон қилди.

“П.Қодиров ва А.Қаюмов (“Захириддин Муҳаммад Бобур” рисоласи ҳақида гап кетади – Ҳ.У.) асарларида синф, ижтимоий гурух тушунчалари йўқ, бирор-бир ўринда халқ оммасининг оғир аҳволи тилга олинмайди... жамиятни синфларга бўлиш ўрнига “яхши” ва “ёмон” хонларга бўлади, халқ оммаси ўрнига беклар, уларнинг лашкарлари чиқади. Бу тарихий даврнинг мамлакат шароити ва Бобур шахсининг баҳоси социалистик реализм позициясидан тамоман узоқлашиб, майда буржуазия романтизми томонига оғиб кетади”, –деган исботсиз даъволар, сиёсатлаштирилган талаблар билан адабий асар кимматини ўлчашга интилди. Бу тарздаги фикрнинг моҳиятида эса – ўзбек халқининг ўтмишини, Амир Темур, Бобур каби аждодларимизни қоралаш ётар эди. Тарих ҳақида ҳақиқатни айтганлар, тарихнинг объектив манзараларини жонлантирган бадиий асарлар – бадном қилинарди...

Минг шукрки, “Қизил империя салтанати малайларининг тарихий илдизимизни қирқиб ташлашга бўлган сўнгги хуружи жамоатчиликнинг орасида кескин норозиликка, каршиликка учради. “Юлдузли тунлар” муаллифига кўйилаётган айбномалар, Бобур ва Бобурийлар атрофида кўзғотилган машмашалар қабих сафсатабозлиқдан иборат экани юксак минбарлардан туриб дадил айтилди”. (У.Норматов, Тарих ҳақиқатига садоқат, “Гулистон”, №2 1996 йил, 28-бет). Ўзбек адабий танқидининг М.Кўшжонов, О.Шарофиддинов, У.Норматов, Н.Худойберганов, И.Фафуровга ўхшаш саркорлари томонидан асар тарихий романчилигимизнинг етук намунаси эканлиги исбот қилинди.

“Ёмоннинг касофати ўзидан бир тош илгари юради”тан замон, “Ёмонга кун ҳам коронғу тун ҳам қоронғу” бўлган давр ўзининг сўнгги нафасларини олаётганди. Янги тузумнинг – Истиқлолнинг шабадаси ҳаракатини бошламоқда эди. Гарчи “ғаламислар ҳамласи” “Юлдузли тунлар”нинг давоми бўлган “Авлодлар довони” тарихий романининг нашрини 3-4 йилча ушлаб туришга эришган бўлсалар-да, унинг парвозига монелик кила олмадилар; замондошларимизнинг жонбозлиги,

ўзлигимизни кашф этиш йўлидаги саъйи-харакатлар ҳам ҳар қандай тўсиқларни енгишга қодирлик касб эта бошлаганди. Гўзаллик, хақиқат, одамийлик – енгувчан ва жозибадор кучга тўлмоқда эди...

1998.

\* \* \*

Устозим Пиримқул ака Қодиров билан 2002 йилнинг 13 апрелида Ургутга, Ғавсул Аъзам ҳазратларининг – уч юз авлийёning сардори саналган пирнинг зиёратларига бордик. Суҳбатлашганда кўп гаплар айтилди. Ўшалардан бири: “Ҳар қандай инсон тақдирини бадиийлаштирас экансан, ўша одам кечинмаларининг қайсиdir қисмини ёзувчи ҳам бошидан кечирган бўлиши керак. Сут қатикқа оқлик туфайли айланади, ана шундай оқлик ёзувчидага бўлмаса, тасвирланаётган тақдир таъсирчан бадиийлашмайди”. Бу мулоҳаза “Оила ва жамият” газетаси (11 июнь 2002 йил)даги суҳбатда шундай аксланган: “Ҳаётда кўрган нарсаларингиз адабий асарда фантазияга кўшилиб ўзгаради, бошқача бўлади. Лекин моҳият, албатта, сақланиб колади. Адабий асардаги образни қатикқа ўхшатсан, ҳаётдаги прототип сут вазифасини бажаради. Сиз косадаги сутга бир қошиқ оқлик соласиз, бадиий образ ҳам ёзувчи ўзи бошидан кечирган, ҳаётдан олган катта ҳажмдаги воқеаларни, прототипларни асарга оқликдек сингдиради”.

Кўряпсизки, ёзувчи қалбида туғилган фикр вақт ўтган сайин пишади, тинниқлашади. Етилган палласида бирон бир сабаб билан (юқорида суҳбат туфайли) қоғозга тўкилади.

Устознинг юқоридаги фикрларидан таъсирланиб ва уни бадиий ижод жараёни тўла исботлашини айтиб, “оқлик”ни “хамиртуруш”га, ширмой нонни – образга, унни – прототипга, бугдойни – ҳаётга менгзадим... Шу аснода устозим яратган Мирзо Бобурдагиadolатли хукм чиқариш сабогини Шароф ота Рашидов ўзига “юқтиргани”ни ва амал қилганини (образнинг инсоний таъсирини) “Заргар танқидчи сабоқлари” мақолам асосида англатдим... Устозга маъқул келди. “Рахмат Сизга!” – деган олқишини олдим.

\* \* \*

Устозимни топған йил (1964)дан то умрларининг охиригача (2010) шогирдлик вазифасини ўтадим, доимо алоқада бўлдим.

Устозим ҳар бир асарлари дунёга келганида менга дастхатлари билан тақдим қиласардилар, уларда, албатта, устознинг шогирдга тилаклари акс этарди. Бир нечтасини мисол келтираман: “SHOHRUH VA GAVHARSHOD” (Т., “O’zbekiston”, 2009) тарихий романларининг бош саҳифасида ёзганлар: “Азиз ва муҳтарам Хотамжон! Мехру оқибат бобида барча шогирдларга ибрат бўладиган ишлар қилдингиз. Минг раҳмат, Сизга! П.Қодиров 30 ноябр 09 й.”

“Юлдузли тунлар. Бобур” (Т., “Ўзбекистон”, 1999) китобларида шундай дастхат битилган: “Муҳтарам Хотам Икромович! Яхши кунларда яна бирга бўлганимиздан, шогирдлик бурчини аъло бажарганингиздан миннатдорман. Сизга соғлик, омад, оиласвий баҳт доим ёр бўлсин. П.Қодиров. 23 май 2000 й.”

“Она лочин видоси” (Т., “Шарқ”, 2001) китобларини қуидаги дастхат билан топширгандилар: “Қадрли Хотамжон! Сизни, барча оила аъзоларингизни қутлуғ умр тўйи – 60 йиллигингиз билан чин дилдан табриклайман. Доимо соғ-омон ва комрон бўлинг. П.Қодиров, 9 янв. 2002 й.”

Бундай дастхатлар мен учун жудаям қадрлидир, устозимга бўлган меҳру оқибатимнинг кўрсатгичидир.

Менга тақдим этилган бу китоблар Домламнинг нашриётдан оладиган гонорарлари (қалам ҳақлари) ҳисобига эди. Устоз доимо нашриёт берадиган қалам ҳақига ўз китобларини сотиб олардилар ва барча дўсту биродарларига совға қилиб тарқатардилар. У кишининг тўлиб-тошиб яшаганларини мен билмайман, доимо ҳисоб-китоб билан рўзгор тебратиб, ўртacha яшаганларига гувоҳман.

Тошкент об-ҳавоси у кишининг нафас олишини қийинлаштирарди, юракларининг табиий уришини издан чиқаарди. Дўрмон ҳавоси эса устозимга доридай малҳам бўларди. Шу боис, имкони борича Тошкентдан тезрок Дўрмонга боришга шошилардилар. Буни ўzlари такрор-такрор айтардилар. Аммо иложисизлик кучини кўрсатди. Дўрмондаги дача ҳовлиларига ҳам пул тўлашга имкониятлари етмагани ва яна баъзи ноҳушликлар туфайли охирги йиллар Тошкентда яшашга

мажбур бўлдилар. Самарқандда яшашга таклиф этганимизда, бу таклифга кўнмадилар...

Шунинг учун Самарқандга келганларида мен кўрсатган кичкина хизматлар (турли-туман жойларга зиёратга, меҳмондорчиликка олиб бориш, Самарқанднинг энг сархил ичимлик ва овқатларини бирга истеъмол қилиш, университет ва бошқа олийгоҳ талабалари билан учрашиш...) у кишига катта бўлиб кўринарди. Ҳолбуки, у кишининг ҳар бир сұхбати, сұхбат асносида туғиладиган сабоқлари мен учун ҳаёт ва адабиётнинг тирик дарслиги эди. У кимматини ўлчаб бўлмайдиган бойлика, маънавиятга, маърифатга тенг эди.

Бугун эса худди шундай мулоқотларига зорман. Бу зориқиши устозим асарларини қайта-қайта ўқишига чорлайди. Уларнинг катидан устозим тирилиб, меҳрга тўлиб, сабоқ беришда бардавомлар. Минг шукр!

2013.

## ЗУККО ОЛИМ ВА СЕВИМЛИ УСТОЗ

*Ўлим барҳақ!*

*қора тупроққа*

*Қўмилмоқлик инсон*

*ҳисмати*

*Ёдлаб турса, дўсту*

*қардошлар*

*Ёришади мозор зулмати.*

**Н.Шукуров**

Биз учун мерос – оталар сўзига қулоқ солсак, инсоннинг хаммаси ҳам-биров озроқ, бошқа бири кўпроқ яшаб, охир-оқибат вафот этади. Вафтидан кейин тириклар тилида, қалбida Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз ёзганларидек, икки хил ном қолади: “Эзгуларнинг номи буюк бўлади, ёмонлар насиби эса қарғиш ва сўкишдан бошқа нарса бўлмайди”.

Бадиий сўз санъатини теран ҳис этган олим, эзгуликка интилиб, уни бойитиб, одамларга улашиб яшаган инсон, чукур заковат эгаси – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган фан арбоби Нуриддин Шукурович Шукуров 64 йиллик умрлари давомида барҳаётлар сафида яшаш учун тинимсиз меҳнат килди. Гарчи вафотларига 6 йил тўлган бўлса-да, Домла (1930-1994) бугун 70 ёшларда ҳам сизу биз билан худди тириқдай ҳаёт ҳақида, ижод ҳақида, илм ҳақида, инсонийлик ҳақида баҳс юритмоқдалар. Ҳар биримизнинг қалбимизга, онгимизга сингиган ҳолда яшашда давом этмоқдалар.

Ҳа, минг шукрки, ҳурматли устоз бугун ҳам адабиёт илмидан сабоқ беришда давом этяпти. “Ўзбек адабиёти 40 йил ичида” (1957), “Faфур Гуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати” (1958), “Асрлар поэзиясида Самарқанд” (1969), “Услублар ва жанрлар” (1973), “Бу олам саҳнида” (1982), “Ўзбек совет поэзиясида традицион жанрлар” (1982), “Шоирнинг юлдузи” (1985), “Сўз сехри, шеър меҳри” (1992) сингари адабий-танқидий китоблар, “Адабиётшуносликка кириш” (1974), “Ўзбек совет адабиёти тарихи” (1990) дарслик ва кўлланмалари, юзлаб қизиқарли мақолалари ила тарихий-адабий, назарий муаммоларни чукур ва асосли таҳлил қилиш билан бадий ижод қонуниятларини, адабиётнинг сехрли оламини англамизга ёрдам бермоқда.

Шукроналик шундаки, домла умрининг охирги бир ярим йилида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги филология фанлари номзоди учун диссертация ёқланадиган ихтисослашган илмий Кенгашнинг раиси сифатида ўн олти ишнинг ҳимоясига бош-кош бўлди. Н.Шукуровнинг бевосита раҳбарлигига ўн киши диссертация ёқлади. Бу устознинг илмий мураббийлик соҳасидаги тинимсиз меҳнатининг натижаси, фанни ташкил этишдаги жонбозлигининг, олимлик ҳимматининг яққол кўриниши эди. Республикаизда машҳур бўлган ижодкор ёшлар гурухи – “Шалола”нинг асосчиси ҳам домла эди. Унинг ижодий яратувчиллик қобилияти бу гурухнинг ичидан ҳам кўплаб талантларни етишувига, уларнинг муносиб шоир ва шоиралар бўлиб танилувига омил бўлди. Омон Матжон, Уллибиби Отаева, Тошпўлат Аҳмедов, Дилбар Сайдова, Асад Дилмуродов, Илҳом Ҳасанов, Хосият Бобомуродова. Бундай шогирдларнинг ҳаммасини номма-ном қайд қилишга вараклар етишмайди. Бу домладаги жасорат эди. Ёшларни яратувчанлик руҳида тарбиялай билиш санъатини тўлиқ эгаллаганига далолат эди.

“Шалола” ҳамон яратишда давом этмоқда, унинг машғулотларида Ориф Ҳожи, Ориф ва Мухаббат Тўхташлар, Нодир (Жонузок), Абдували, Шавкат Муҳаммадиев, Мунира Маҳмадиёрова, Мусурмон Элмуродов, Нодира, Умид Али, Акрам Тошпўлатов кабилар ижодий парвозларига кувват, шеърий тажриба тўпламоқдалар.

Шукроналик шундаки, домла Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раиси, “Китобхон” жамиятининг вилоят ташкилоти раиси, вилоят “Ленин йўли” (хозирги “Зарафшон”) газетасининг муҳаррири, СамДУ проректори, декани, кафедра мудири, профессори бўлиб ишлаш жараёнида Самарқандимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшди, вилоятимиз ва одамлар жамолини, қалбини гўзалликка тўлдирди. Турли савия ва характерли инсонларни, турли миллат кишиларини, дўсту рақибларини, илмий-ижодий ва жамоат кучларини билимдонлиги, инсонийлиги, интизоми билан бирлаштира биларди. Уларнинг сафларини мустаҳкамлай оларди. Ва, сўнгра, хаёт зарурат қилиб кўндаланг кўядиган асосий муаммоларни ечишга сафарбар этарди. У раҳнамо инсон эди.

Шукроналик шундаки, домла Р.Ҳамзатов, А.Баҳорий, Қаноат шеърларини ўзбек тилига таржима қилишга моҳир эдилар. Ўзлари ҳам шеър ёзардилар (Лекин кўпдан шоирликларини яширап эдилар). Хушнуд тахаллуси билан кўплаб мухаммаслар, газаллар, рубоийлар, шеърлар ижод этганларки, улар доно соддалиги, пишиқ-пухталиги билан Нуриддин акани эсга соладилар:

*Ассалому алайкум, деб, ўтиб кетди,  
Ўтиб кетди бир бола.  
Халқ үдумин, ўз тилагин,  
Этиб кетди ҳавола,  
Сен бўлсанг на алик олдинг.  
На унга бир қарадинг,  
На ёши дилда меҳр ва руҳ  
Үйготмоққа ярадинг.  
Аксинча, сен экиб кетдинг  
Бепарволик, лоқайдлик.  
Ёш болани йиқитгандек*

*Қилиб кетдинг номардлик  
Болаларга "Салом" бер деб  
Үргатишиса оналар.  
Катталарапга "алик" ол деб  
Үргатишисин донолар.*

Ха, академик Восил Қобилов ёзганидек, “Сизга ўхшаш кишилар ўзи учун ҳеч нарса сўрамайдилар, гоя учун курашда чекинмайдилар, баъзан мислсиз қийинчиликларни бошдан кечирадилар, аммо букилмайдилар. Бундай кишилар жуда кўп ихлосманд ва дўст орттирадилар, аммо душманлари ҳам оз бўлмайди ва улар баъзан устун келадилар: бу – ҳаёт диалектикаси”. Мана шундай яшаш ва яшаганда ҳам ёниб, тўлиб, яратиб яшаш, дўсти ихлосмандларини ҳаваслантириб, рақибларини ҳавастга тўлдириб яшаш, “беозор, лекин, бегараз, меҳр ёғдириб” яшаш устознинг ҳаётий сабоқларидир.

Домланинг хислатларини, хизматларини, сабоқларини ҳар ким ўзича кашф этаверади. Унинг ҳаммамизга етадиган, катта мероси – инсонийлик, олимлик, шоирлик, арбоблик ҳазинаси бор. Агар ўзбек адабиётида саноқлигина танқидчи бўлса, шулар ичидаги энг иқтидорли, билимдонларидан бири, севимлиси – Нуриддин Шукуров эдилар. У киши адабиётдан сабоқ берарди, сабоқ берганда ҳам бадииятнинг бош ва мангу масаласини – поэтик маҳоратни тадқиқидан ва таҳлилидан дарс берарди. Ҳаммани илмни чуқур эгаллашга ундарди, қашфиётчиликка етакларди. Ёш иқтидорлардан ёшлиқ, бегуборлик, тезкорликни “эмар” ва айни пайтда, уларга куч-куvvват бахшида этарди. Замонасозликка эмас, абадиятга хизмат қиласарди.

Ха, домланинг илдизлари чуқур дарёларга тақаларди. Мулла Яхши ҳожи боболари – Нуриддин аканинг биринчи устозлари эди. Абдушукур оталари 11 ёшларида “Куръони Карим”ни ёд олганлардан ва унинг мағзини Нуриддин акага сингдиргандардан эди. Домланинг юрагидаги оловни алантагатган ҳам шулар эдилар. Бу олов адабий–танқидий ва поэтик асарларга айланиб, ҳамон кишилар онги ва қалбини иситмоқда, умрларини бойитмоқда. Шу сабаб домла доим қалбимизнинг тўрида, ҳалқимизнинг севимли фарзанди, фидойи ўғлони, тириклардан тирикроқ устоз сифатида яратишда давом этаверади.

2000.

## **НУРИДДИН ШУКУРОВНИНГ МАҚОЛАНАВИСЛИК САНЪАТИГА ЧИЗГИЛАР**

Илмий мақола – танқидчи Нуриддин Шукуров фаолиятида асосий жанр. У тадқиқот-мақола шаклида бўлиб бирон асар поэтикасига, бадиий жараённинг долзарб муаммосига ёки нацарий-адабий масалаларни ёритишга багишиланади. Унинг сўнгги асарларидан бири – “Сўз сеҳри, шеър меҳри” (Самарқанд, 1992) ҳам бу мулоҳазаларимизни тўлиқ исботлайди. “Комронлар ва балокашлар”, “Парим бўлса, учиб қочсан”, “Вайрону, обод устина” каби мақолаларида А.Навоийнинг иккала ғазали ва Оғаҳийнинг “Устина” радифли асари поэтикасини текширса, “Навоийнинг ижодий методи”, “Шеърият жанрлари ва шакллари хусусида” тадқиқот-мақолаларида назарий баҳс юритади. “Лирик қаҳрамоннинг маънавий дунёси”, “Шеъриятнинг сирли олами”, “Табиийлик ва зўракилик”, “Ҳаёт ва бадиий ҳақиқат” асарларида ўзбек адабий жараённинг 70-80 йиллардаги муаммоларини таҳлил этади. Барча мақолаларида ҳам танқидий-фалсафий салоҳияти яққол кўзга ташланади: жўшқин субъектив қарашлар илмий мушоҳада билан бирлашади; эстетика зришган сўнгги ютукларга амал қилиш ва илмий муаммони қизиқарли ёритиш санъати кўзга баралла ташланади; илмий-мантиқий изчилликнинг тадқиқ ва таҳлил билан омухтланиши таъсирчанликни, исботни, ишончни юзага чиқаради.

Маълумки, илмий мақола фан муаммолари билан шуғулланади, унда объективлик, мантиқий изчиллик, аниқлик, исбот яққол кўзга ташланиши шарт. Илмий мақолада имкони борича чизмалар, схемалар (тавсифловчи материаллар) ҳам бўлиши, унинг ҳажми 8-10 бетдан ошмаслиги талаб этилади ва бу мақолалар журнал, тўплам, тадқиқотлар мажмуасида босиб чиқаришга мўлжалланади; муайян соҳа мутахассислари билимини оширишга қаратилади.

Унда бугунгача фанда ҳал этилмаган масала моҳиятининг долзарб саналган бир ёки икки қирраси (ҳамма қирраларини ўрганиш монографиянинг вазифасидир) текширилади. Фикрлар, мулоҳазалар энг типик мисол, фактик материал, формула, қонун билан исботланади. Сиқиқлик, қисқалик ва айни пайтда, асосий

хулосани тушунарли ва ишонтиарлар қилиб, ақлни пешлайдиган тарзда баён этиш олимлик салоҳиятининг сифат белгиси саналади. Жумладан, Н.Шукуревнинг “Сўз сехри, шеър меҳри” мақолалар тўпламида унинг “Ҳаётий асослар ва романтик бўёклар” номли (9-бетлик) мақолосида ҳам айтилган мулоҳазаларнинг исботини яққол кўриш мумкин. Мақолада Захирiddин Муҳаммад Бобурнинг “Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?” деб бошланувчи ғазали ва “Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор, Юзингнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор” матлаъли асарининг ҳаётий асосларини излаб топиш ва уларнинг романтик ишкий газаллар эканлигини исбот этиш муаммоси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Ана шу муаммони очиб беришга хизмат қилувчи материаллар танланади: профессор Б.Валихўжаевнинг Бобур ҳақидаги илмий очерки, ёзувчи П.Қодировнинг ғазал этногенезиси ҳақидаги маълумотлари, “Бобурнома” ва унда акс этган 1501-1504 йиллар воқеалари, “Муҳтасар”, иккала ғазалнинг матни. Фикр-мулоҳазалар ана шу материаллар асосида мантиқий изчиллик билан (ғазаллар “қалбида”ги аниқ ҳаётий кечинмалар, кучли ижтимоий мазмун) байтма-байт матн таҳлили асосида очилади. “Ишкий кечинмани ифодаловчи анъанавий байтлар замирига бевосита ҳаётий саргузаштлар, мислсиз азоб-уқубатлар натижасида ҳосил бўлган фикрлар ва хис-туйғулар ҳам усталик билан сингдириб юборилгани” ишонарли исботланади.

Илмий исбот, қисқалик ва заргарлик асарни тўлиқ тушуниш, Бобур ғазалларининг сехрини туйиш имкониятини яратган. Жумладан, унинг кейинги ғазали мусажжаб санъатини ўзида мукаммал қамрагани (ички қофияларнинг фикр, туйғуни кучайтириши, ўйноки оҳангдорликни таъминлаши), ҳазажи мусаммани солим баҳрида ёзилгани, ошиқлик туйғуси жўшқин нафас билан ифодалангани яққол намоён бўлади. Муаллиф ёзади: “Лабинг багримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди, Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор”. Байтдаги таносиб санъати (бағри қон, ёш, лаб қизиллиги), ички қофия ва радифлар (қон қилди, равон қилди) кучли поэтик фикр ўйноки ритм ҳосил қилган бўлса, “сўрорим” сўзининг икки маънода ишлатилиши (тажнис санъати) завқ-шавқни янада оширади. (“Сўраймен” ва “сурамен” маъноларида) “сўрорим бор” бирикмаси лирик

қаҳрамон характерига кучли бир ўқтамлик, умидбахшик багишлайди". Шу тарзда Бобур ғазалларининг сөхри, мафтун этувчи кучи, бебаҳо маънавий мулк эканлиги кашф этилади ва қуидагича асосли хулоса чиқарилади.

Хуллас, бу ғазалда юзи гулдек нафис, сочи сумбулдек қора, лаби ёқутдек қизил гўзал ёрнинг идеал образи яратилади ва ошиқнинг ана шу гўзал ёрга мафтунлиги, фидоийлиги романтик бўёқдорлик билан ғоят гўзал шаклда ифодаланади. Ғазал ўқувчининг ҳам ошиқлик туйгуларини, ҳам гўзалликка мафтунлик ҳиссини аланга олдиради, унга завқ-шавқ, маънавий лаззат багишлайди.

Бобурнинг кўпгина ғазаллари шундай мукаммал мазмуни, юксак бадиийлиги, чуқур ҳаётий асослари ва юксак романтик бўёқлари билан ажralиб туради, китобхон қалбини энг юксак идеаллар, олийжаноб гуманистик ғоялар, гўзал туйгулар билан бойитади.

2005.

## УСТОЗНИНГ ҚУВОНЧ ВА ИЗТИРОЛАРИ

Устоз домлам – профессор Нуриддин Шукуров (1930 йил 16 май – 1994 йил 13 июль)нинг ўтгандарига ҳам 19 йил бўлибди. Вакт шунчалик тезкорки, бу йиллар бир зумдек туюлади. Устознинг ибратли умрини, бугун ҳам аскотадиган тирик хислатларини хотирлайман, ўзимча сабоқлар чиқараман. Балким, бу сабоқлар сизларга ҳам аскотар...

Нуриддин аканинг бош хислатлари – илмда ҳам, ижтимоий фаолиятда ҳам, бадиий ижодда ҳам маҳоратга, сифатга ташналиқ, Ҳақ ва ҳақиқатни асосли ва гўзал ёқлашга интилиш эди. Унинг назарида, бунга эришиш учун буюк (А. Навоий, А. Жомий, М. Бобур, Машраб, Муҳиммий; Ғафур Ғулом, Иззат Султон, Эркин Воҳидов каби)лар ижодини чуқур ўрганар, улардан нур эмарди. Уларни ўзича кашф этар, шу орқали ўзлигини бойитарди; улуғланишининг меҳварини тинимсиз меҳнат орқали ўзлаштиради.

Нуриддин Шукуров ўтган асрнинг 50-йилларида Ғафур Ғулом ва адабий жараёнга бағишилаб ёзган мақолалари билан шов-шувга сабаб бўлган ва кўплаб баҳслар уйғотган эди. Ана

шундан бошлаб, Нуриддин Шукуров Республиканинг етакчи олимлари ва танқидчилари билан тенгма-тенг «олишарди», кўпинча баҳсларда ҳақлигини асосли исботлаб, нозиктаълик билан ютиб чикарди; илмий баҳслару мунозаралар орқали дўстона меҳру оқибатни уйғотарди, уни қадрлашни амалда кўрсатарди.

Домланинг шу хислатлари кўп алломаларни ўзига жалб килган эди. Филолог – олимларнинг отахони Иzzат Султон ҳам “Менинг ўзим билган бирдан-бир фазилатим – дўстлар танлай билишим. Шукуровлар оиласини дўстликка танлай олганимдан беҳад мамнунман”, - деб қайд этган эди.

Н.Шукуровнинг вафотини эшигандаги Домла катта бир таъзияномасини юборганди. Раҳматли устозимизнинг (жойлари жаннатда бўлсин!) бу ҳатлари ҳам ибратга, сабоққа бой бўлганилиги сабаб тўлиқ келтирган маъқулдир:

*“Азиз Нуриддин Шукуровнинг бевақт вафот этгани ҳақидаги мудҳиих хабар биз тошкентликларга етиб, қалбимизга ханжардек ботган пайтида бир табаррук ривоят менинг ёдимга тушиб:*

*Пайгамбаримизнинг севикли ва навқирон бир муҳлиси қўйқис вафот этганида, у Зот нола қилиб, Аллоҳга мурожаат этибди:*

*– Эй, Парвардигор, нега сен мени навқирон дўстимдан жудо этасан?*

*Аллоҳ дебди:*

*– Сенга энди мотам ҳассаси керак. Ўрмонга кир, ўзингга ҳасса учун ёғоч кес. Шундан сўнг мен сенинг саволингга жавоб бераман.*

*Пайгамбар Аллоҳнинг айтганини қилиб, ҳассага таяниб, Аллоҳ даргоҳига қайтиб, жавоб кутибди.*

*Аллоҳ дебди:*

*– Қара, сен ҳасса учун ёш дарахтнинг энг кўркам шохини танлаб, кесиб олдинг. Мен ҳам, бандаларим менга керак бўлиб қолганида, улар орасидан сарасини танлаб оламан.*

*Нуриддин замонамизнинг сара инсонларидан бири эди. Унинг саралиги хилма-хил равишда намоён бўлар эди.*

У адабиётни яхши билар, ўз касбининг моҳир вакили эди. У адабиётни шунинг учун яхши билар ва бадиий асарни моҳирона таҳлил этар эдики, у адабиётни яхши кўрар эди. Адабиётни чин

кўнгилдан севган кишигина ўзининг бутун ҳаётини ва қалби ҳароратини унга багишлайди, унинг нозикликларини билиб олади ва қадрлайди.

Адабиётни севмак ва тубдан билмак учун эса одамларни севмак керак. Одамларга адабиётдан етадиган бебаҳо манфаатни тушунган, адабиётнинг инсон учун ҳаводан зарурлигини англаған шахсгина адабиётшуносликда ва адабиётшунос кадрлар етиштириш борасида Нуриддиндек натижаларга эришуви мумкин.

Нуриддин энди орамизда йўқ. Бу – катта йўқотиш.

Муқимийнинг вафот этганини ғурбатда эшитган Фурқат ўз дўстларидан бирига ёзган эди:

Муқимий, Нисбатий ўлди, демишсан, ўлса ўлмишдур,  
Малул бўлма, жаҳон холи қолурми ҳеч расолардин.

Бу сўзларни шоир, даставвал, дўстини эмас, ўзини юпатиш учун, ўз аламини босиши учун айтган, албатта.

*Юрак аламини бир дараҷса бўлса ҳам босиши учун сўз топиш мумкин. Алмо биздан авадий кетган сара Инсонни қайтариб олиб келиши чорасини топиш мумкин эмас. Афсус! Минг афсус!"*

Бундай самимий ва бегубор дўстлик, дўст учун куйиниш ҳамон дарс беришга қодир; бир-биrimизни ардоқлаб яшашга чакириқдир. Ўз соҳасининг билимдони ва хушхулкли сохиби бўлишга намунаидир.

Ҳамма ўқитувчилар, тарбиячиларга хос бўлган ва кўпчилик биладиган бир сир бор: устозлар ўзлигини шогирдларига (фарзандларига нисбатан) кўпроқ сингдирадилар, улар билан мунтазамроқ шуғулланадилар, барча инсоний саъй-ҳаракатларига раҳнамолик қиласидилар. Ҳакиқий шогирд фарзанд қаторида, балки ундан устунроқ, соҳангни тушунадиганроқ, ўртоклашадиганроқ, келажакда эса ўстирадиганроқ бўлгани учун азизроқдир.

Нуриддин ака иқтидорли ёшларни топишга, уларни ижодий парвозга тайёрлашга уста эди. Буни ими-жимида, лекин бутун салоҳиятини сарф этиб бажаарди. Бунга О.Матжон, Н.Жонузок билан устоз ўрталаридағи тарих жонли гувоҳдир. Омон армия сафида, Нодир Туркияда ўқишида экан, домла улар билан хат орқали алоқа қиласидилар, устозлик ва оталик меҳри билан уларни кувватлантиради. Ҳа,

“У бир устоз эди, мунис, шогирдjon,  
Машк кўрарди ҳамма ишини кўйиб.  
Шогирд – унинг учун рўйи осмон,  
Юргиси келарди шогирдни суйиб.  
Бир яхши сўз топса шогирд шеъридан,  
Севиниб кетарди топгандай тилло.  
Мехри балқир эди юрак қаърида,  
Туғилганди айни шогирд-чун илло”.

(Олқор Дамин. “Устоз ёни”.)

Ҳа,

“Ёдимизда ҳамон: биз шаддод бетин  
Кезиб юрган ёшликнинг арсларида –  
Адабиёт деган ҳаёт борлигин  
Англагандик домланинг дарсларида!”

(Ш.Ҳасан. “Видо”.)

Ҳа, “Домла ўзини-ўзидаи тушунадиган, ҳар ҳолатда суюнчиқ бўла оладиган Дўстга эҳтиёж сезган. Назаримда, устоз ҳар бир ёш истеъододни кашф этар экан, аслида ана шундай дўсти содик ахтарган. Адабиётнинг, Кўнгилнинг дўстини камолотга етказиши кўзлаган...” (Н.Жонузок. “Меҳрингизни соғинидик, устоз!”)

Бундай буюк дард эгасининг туғёнлари шеър бўлиб тўкилмаслиги мумкин эмасди. Домла Хушнуд (мамнун, хурсанд) тахаллуси билан кўплаб бадиий асарлар битгандарки, уларда бу дард мана-ман деб туради. Шеърларида ҳам, таржималарида ҳам нозикфаҳмлик, донишмандлик, фалсафилик барқ уради. Уларнинг ҳар бири инсон ҳаётидаги кўргиликлардан ва шулар туфайли қалбда пўртана кўзғаган туйғуларнинг изҳори бўлиб дунёга келади.

Уларнинг кўпчилиги айрилиққа, йўқотишнинг азобларига багишлиланган. Балким, бунинг боиси – домланинг илмий раҳбарлигига фан номзодлари бўлиб етишган, кўзга кўринган шогирдлари Тошпўлат Ҳамид, Аскарали Шаропов, Юсуф Ражабов, Илҳом Ҳасановларнинг бевақт вафотлари колдирган аламдир, айрилиқнинг оғрикли изтиробларидир. Балким, бир факультетда ҳамкор, ҳамдўст, ҳамнафас, ҳамсухбат, ҳамфир, бўлиб ишлаган ва эрта кетган Улуғ Турсун, Воҳид Абдулло,

Орифжон Икромов, Худойберди Дониёров, Ҳамдам Бердиёров, Ҳусайн Ризо кабиларнинг фироқидир, бу фироқнинг интихосиз қийноқларицир...

Устознинг, айникса, “Илҳом хотирасига” (1991 йил 31 март) багишланган марсияси беадад азобга тўлиқлиги, жудолик ҳасратининг кучлилиги билан ажралиб туради:

“Таянчим эрди Илҳомим, таянчимдан жудо бўлдим,  
Кувончим эрди Илҳомим, кувончимдан жудо бўлдим.

Жаҳондин ўтса устозлар, колур шогирду мумтозлар,  
Юпанчим эрди шу сўзлар, юпанчимдан жудо бўлдим.

Дилимни бу ўлим доғлар, алам тиги билан тиғлар,  
Кўзим бўзлар, кўнглим йиғлар, ки тинчимдан жудо бўлдим.

Қадду қоматлари зебо, йигитлар ичра бир барно,  
Ақлу идроқда ҳам якто, шу ганжимдан жудо бўлдим.

Ўтиндимки сўзинг асра, кўз тегишдан кўзинг асра,  
Фалокатдан ўзинг асра, ўтинчимдан жудо бўлдим.

Жаҳонда бунча офат кўп, тасодиф кўп, фалокат кўп,  
Ёвуз, машъум ҳалокат кўп, ишончимдан жудо бўлдим.

Жаҳондин ўтса устозлар, колур шогирду мумтозлар,  
Юпанчим эрди шу сўзлар, юпанчимдан жудо бўлдим”.

“Топдим” деган зўр қувончга сарфланган катта меҳнатнинг кутилмаганда қайғу ва “йўқотиш” ила яқунланиши, “севинч қанотида қайғунинг учеб келиши” домла – шоирни довдиратади, аламнинг зўрлигидан, ёвуз қисматидан қалбини йиглатади. Айни пайтда, толикқан, ғамга ботган, кулфатда қолган устознинг улуғворлигини ҳам кўрсатади.

“Воҳид Абдулло қани?” (1985 йил 2 август) марсияси ҳам ички гўзаллиги, пишиқ-пухталиги билан Нуриддин акани эсга солади. Унда Академик Воҳид Абдуллаев қиёфаси яққол намоён

бўлади, йўқотишдан дилларда кўпган зилзила ва ларзалар чукур ва ғамгин ифодасини топади:

Айлади Жомий, Навоийни тавоб,  
Равнақу Роқимни этди бобу боб.  
Хоксор, Мирий учун топди савоб,  
Ул китоб устида ўлди, ул – китоб  
Во-дариғо, во-дариғо, во-дариғ.

Тариху меросга ул шайдо қани,  
Сўзга моҳир нуқтадон усто қани,  
Хуш калом, хуш хулқу хуш имло қани,  
Ўртнур дил, Воҳид Абдулло қани,  
Во-дариғо, во-дариғо, во-дариғ.

Айрилик дарди туйғулари домладан ҳеч ажралмаганлиги туфайли, уни босиш азобларини камайтириш учун поэзиядан мадад сўраб, чиройли таржималар ҳам қилганлар. Жумладан, Расул Хамзатовнинг “Две шали” (М., 1971) тўпламидан қилган куйидаги таржимаси ўзбеконалиги билан кўпни ўзига жалб этади:

“Инсонларда бордир уч эзгу кўшиқ,  
Шунда жам шодлигу қайғу – ҳаммаси.  
Шулардан биттаси баридан тиник,  
Бу – бешик устидаги она алласи.

Иккинчисини ҳам айтади она:  
Тобутда ётганда жигарпораси –  
Унинг муздай юзин сийпалаб.  
Учинчи кўшиқдир – колган барчаси.

Бу “дард”ларни домла енга олди, вакт бу жароҳатларини, аламли туйғуларини муайян даражада даволади. Домланинг умидлари яна учқунлай бошлади. Домла умр мазмунини топгандай, уни хотиржам ва ободлик билан ниҳоясига етказадигандай фаолият билан шуғуллана бошладилар. Тугилган қишлоқларида ҳовли-жой қилиб, катта боғ қилишга ва ана шу боғдаги ҳовузча бўйида ижод билан шуғулланишга аҳд

қилгандилар. Ана шу аҳднинг асосий қисми битган эди. Афсуски, ўлим бу аҳднинг амалига имкон бермади, домланинг орзулари, ижод этмоқчи бўлган асарлари устоз билан бирга кетди...

Шукроналик шундаки, домла ижод этган илмий, бадиий асарлар яшашда давом этмоқда; кўпга фойда келтирмоқда.

Хуллас, айтганларимиздан битта хulosса қилсак бўлади: Инсон биродари учун, устоз шогирдлари учун беминнат хизмат этса, унинг асосида Ватанга, элга манфаат етказиш, улуғлаш ётса, ундаи одам авлодлар тарбиячиси, Истиқололимизнинг посбони бўлиб қолаверади, қалбларимизда яшайверади. Шу боис, шогирдларидан бири қуидагича ёзганида ҳақдир:

“Сиз эккан ниҳоллар униб, ўсажак,  
Мехрингиз күёши сўнмагай ҳеч вақт.  
Қалбингиз илохий нурга тўлғуси,  
Руҳингиз йўқлагай порлок келажак”.

2013.

## ТАРЖИМАШУНОСЛИГИМИЗ ХИЗИРИ

*Одам одам билан тирик.  
Мақол*

1997 йил 14 май. Ёш тадқиқотчи Эшмуҳаммад “Ҳамид Олимжоннинг таржимонлик маҳорати” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳимояда ўзбек таржимашунослигининг отахони, аллома Файбулла ас-Салом, шу соҳанинг билимдони, фан доктори Эрик Каримовлар ҳам қатнашдилар. Ҳамид Олимжондек буюк санъаткор ижодини Истиқлол эстетикаси нуқтаи назаридан ўрганишнинг дастлабки ва асосли, бугуннинг зарур тадқиқоти сифатида баҳоланган бу иш кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди...

Раис: “Табрик навбати таржимашунослик мактабимизнинг отаси, устозимиз Файбулла акага”, -деди.

Файбулла ака асоларига таяниб, ўринларидан турдилар. Давранинг дикқати жамлангач, охиста ва салмоқ билан ҳимояда

топган қониқишилари ва хурсандликларини яширмасдан сўз бошладилар:

- Аллоҳи Таоло абадий умр згаси Ҳазрати Хизрни даргоҳларига чақирибди. Ерга тушиб, одамларнинг билимларини билиб келишга амр қилибди. Хизр яшил рангли кийимлар кийиб, мўйсафид шаклида ерга тушибдилар. Тушғанлариданоқ диссертация ҳимояси билан боғлиқ масалалар бўйича ўй-хаёл суриб кетаётган ёш таржимашуносга дуч келибдилар.

- Болам, жуда хаёлчансан, нима қийнаяпти? – деб сўрабдилар.

- Бобожон! Учраганингиз хўп бўлди-да! Бир фотиҳа берсангиз! Райхоний кийимларингиз, мўйсафид киёфангиз, толеимга қизиқишингиз, самимий меҳрибонлигингизни “таржима” қилсан, Ҳазрати Хизрсиз! - дебди.

Бундай ҳақиқатга, билимдонликка дуч келган Ҳазрати Хизр шошиб қолибдилар. Таржимашуноснинг таҳлил ва тадқиқидан чўчиб:

- Ие, болам! Мен Ҳазрати Хизр эмасман, оддий бир инсонман, сен адашяпсан, - деган эканлар.

Худди шундай, мен ҳам бугун таржимашунос эмасман. Биргина шу соҳада бир нечта фан докторлари, юзга яқин фан номзодлари хизмат қилишяпти. Ҳаммалари ҳам билимдон... Эшмуҳаммад омон бўлсин, билимини орттиришдан тўхтамасин!..

Шу мулоҳазаларни тинглаган кишиларнинг кўнглида қандайдир кемтик пайдо бўлди. Табрик ниҳоясига етмагандек туюлди. Устознинг камтаринлигидан хайрат уйғонди. Буни сезиб турган раис барчанинг кўнглидаги гапни топиб айтди:

- Ҳурматли устоз! Нима десангиз ҳам майлига, лекин сиз ўзбек таржимашунослик мактабининг, биз шогирдларнинг Хизирисиз!

Эзгуликдан эзгулик туғилди. Яхши ниятда ҳаракатга чорловчи ният юзага келди. Самимиликдан, ишончдан ҳақиқат карор топди. Табрик бус-бутун бўлди, мукаммаллик, оддий донолик, қалблар тозалиги юзларни гул-гул ёндириб, давранинг мазмунига гўзаллик қўшди. Бундан таъсиранланган баҳор ҳам гуллари атрини оламга аёвсиз таркатар, дилларни дилларга чамбарчас боғлар эди. Инсон ва табиат покликка, комилликка, умрибоқийликка хизмат қиласди...

2000 йил бошида умри азиз муаллим ва мураббий Тошкент давлат университетига “Ўзбекистон Миллӣ университети” деган юксак мақом берилиши муносабати билан ташкил этилган тантанали кеча минбаридан сўзлаётib жон таслим қилдилар. Охирги сўз ҳам, охирги нафас ҳам одамийликни улуғлашга, ўзликни топишга, Истиқлол қувончини симиришга сарф бўлди.

Шундай баҳтнинг буюклигини теран ҳис қилишлик юракни тарс ёриб юборган бўлса, не ажаб! Ҳа, он ҳазрат ҳаёти давомида “баайни киприклари билан чўғ терди”, “Зулматдан ҳам нур қидирди”, “Ҳар қандай ёмонликдан яхшилик” топди. “Муқаддас бирликни, парчаланмас иттифоқни улуғлади”. “Шундай устоз бўлгинки, шогирдинг сен билан фахрлансин, шундай шогирд бўлгинки, устозинг сен билан фахлансин”, “Нажот ва салоҳият – ёвлашишда эмас, бирлашишда”, “Бошқалардан тўғриликни талаб қилишинг учун ўзинг тўғри бўлишинг керак”, “Истеъдод ўзини койитганида, ўқиб-ўрганганида, қора меҳнатта ботиб меҳнат қилгандагина самара беради. Иқтидор билан қилингган меҳнат, эришилган иқтидор бир-бирини тўлдиради” каби беҳисоб сабоклар колдирди. Юзлаб дўст ва шогирд орттирди. Қалби амрига таяниб, шукроналик билан умргузаронлик қилди. Умрини, инсонлигини буюк намуна даражасига кўтара олди.

Гарчи бу баҳор Гайбуллоҳ ас-Саломсиз яшилликка ўранаётган, гулга буркангаётган бўлса-да, бу баҳорнинг эгалари қалбida, жамиятимиз онгида Устоз бўлиб, Мураббий бўлиб, Аллома бўлиб, Илм бўлиб, Маънавият бўлиб, Маърифат бўлиб яшамоқда. Иккинчи умрининг биринчи баҳорини биз билан абадий яшовчи ва ҳаракат этувчи одамий нур бўлиб каршиламоқда.

Марҳабо, устоз! Хуш келибсиз!

2000.

## “БИЛИМ – АҚЛ СИЙМОСИДИР”

*Яшашдан мақсад ўлгандан кейин ҳам  
барҳаёт бўлиб қолишидан иборат.  
М.Жалил*

Гапнинг пўсткаалласи шу: адабий тил ва унинг қонун-коидаларига қанчалик амал қилаётган, бадиий адабиётнинг биринчи элементини талабаларга қай даражада ўргатаётган бўлсак – буларнинг барчасида устози доно – Худойберди ака Дониёровнинг илм ва сабоқлари бор. У ҳамон бебаҳо ва туганнисадек хизмат қилмоқда. “Кўнгил кўнгилдан сув ичади” деганларидек, тинимсиз ҳаракат қилмоқда, қалбдан қалбга кўчмоқда.

Устоз узун бўйли, озгин, саботли одам эдилар. Кўпинча дарсга маъруза матнисиз, дарсликсиз кирадилар. Фанни, мавзуни чуқур билғанлари туфайли ёздириш (диктовка)дан кўра талабалар билан биргаликда фикрлашни, кўрилаётган мавзу масалаларини, муаммоларини ҳамкорликда исботлашни ёқтирадилар. Бундай усул – кам-кўстсиз, бенуқсон эди; шунчалик маромини олган эдилар-ки, зўриққанлари, чарчаганлари сезилмасди. Фикрлар оқими ҳеч тугамасди, яна қандайдир муаммолар туғилаверарди. Назаримда, домла маъруза ўқиши жараёнида ижод қиласди: мавзунинг ўзи кутмаган янги кирраларини, чўққиларини забт этарди, қонуниятини очарди. Бундай пайтларда янги фикр яна бир бор такрор айтиларди: чамамда, устоз уни ўз хотирасига эсдан чиқмайдиган қилиб муҳрларди. Шундай вазиятларда устоз чирой очарди, юзлари гулгул ёнарди, сервиқор кўринарди.

Айниқса, жумла тузишга уста эдилар. Оғзаки нутқда ҳам ҳар бир сўзни ўз ўрнига қўйиб, сўз тартибини бузмасдан ишлатардилар. Нотиқликда фасиҳ эдилар. Кўпинча, аниқлик ва равонлик – тилнинг қонун-қоидасини чуқур ўрганишга боғликлигини таъкидлар ва бизга яқин мисоллар билан исботлардилар:

“Яқиндагина нашриётдан чиқкан адабимизнинг янги асарлар тўплами кенг жамоатчиликка манзур бўлди”, - деган

жумлани келтирар эдилар-да, бизлардан сўрар эдилар: “Яқиндагина нашриётдан адаб чиққанми ёки китоб чиққанми?”.

Мушоҳада кулгу кўзгатарди... Устоз давом этиб, “Бу жумладаги “адибимизнинг” сўзини тилимизнинг қонун-коидасига амал қилиб, биринчи ўринга чиқарилса, олам – гулистон”, - дея таълим берардилар... У киши ўргатишдан чарчамасдилар.

Устоз ҳаёт ва илмнинг билимдони эдилар, лекин мағурурланмас, ўзларини ҳеч вақт доно санамасдилар. Одобли ва камтарин эдилар: беҳуда айтилмаган фикрга, сўзга ташна; ёшдан ҳам, қарилардан ҳам маслаҳат олишга, уларнинг асосли мушоҳадаларига таянишга доимо ўч эдилар. Устоз ўзларининг “Адабий тил ва бадиий стиль” (Т., “Фан”, 1988.) китобларини менга, энг яхши истаклар билдириб, биринчи декабрда тақдим қилдилар. Январь ойида Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд бўлимида “1998 йилдаги илмий изланишлар” мавзусида маъруза қилдим ва китоб ҳақидаги фикрларимни ҳам (Устоз йигилишда ўтирадилар) айтдим:

“Адабий тил ва бадиий стиль” китобини монография деб аталишига қўшилиб бўлмайди. Тўғри, монография жанрида бир мавзу танланади ва у чукур тадқиқ қилиниб, таҳлил этилади. Шу нуткаи назардан қарасак, китобнинг 16 та боби ҳам (Бадиий асар тилини ўрганишга доир; Шоир асарларининг тили ва стили ҳақида; “Машъал” романининг тил хусусиятлари ҳақида...) “Адабий тил ва бадиий стиль” муаммосига бағишлиланган. Лекин ундаги ҳар бир боб алоҳида мақола шаклидадир. Уларнинг ўрнини алмаштириш ҳам, олиб ташлаш ҳам, шундай тартибдаги мақолаларни киритиш ҳам мумкин. Шу сабаб оқибатида китоб “хулоса”ланмаган. Бу, биринчидан.

Иккинчидан, баъзи мақола-боблар, менинг назаримда, бугун кимматини йўқоттандай. Масалан, “Ўтган кунлар” романининг тили ҳақидаги бобда асосан роман ғоявий нуткаи назардан, образларга характеристика бериш тарзида таҳлил қилинади. Асарнинг тили бой, содда, ифода кучи зўр тарзидаги фикрлар айтилади, бироқ исботланмайди.

“Автор характеристлар яратишда психологик таҳлилдан унумли фойдаланади, образнинг ички кечинмаларини тиник бўёкларда аник қилиб очиб беради... Отабек ва Кумушнинг... ички

кечинмалари тасвири психологик анализнинг намунасиdir” (130-бет), - деб ёзадилар, ҳолбуки романда психологизм (кахрамонлар ички дунёсининг ташки қиёфа, хатти-харакат ва ишораларда воқе бўлишини тасвирлаш) теран. Лекин унда психологик таҳлил йўқ, чунки унда бир хил туйғу ва фикр туфайли бошка туйғу ва фикрнинг ривожи, персонажларнинг ўз-ўзининг чукур таҳлили каби психологик таҳлилнинг зарур компонентлари йўқ... асарнинг foяси ҳам бу усульнни талаб этмайди”.

Маъруза тугагач, устоз ўринларидан туриб, ёнимга келиб ўтиридилар. “Ҳамма фикрларингизни эшийтдим. Маъқул. Айникса, психологизм билан психологик таҳлилни фарқламай, нотўғри қилган эканмиз. Миннатдорман”, - дедилар. Мен бу гаплардан, ҳаяжонланганимдан терлаб кетдим ва “Раҳмат, устоз!” дея у кишига қарап эканман, устод мамнунликларини кўриб, бошим осмонга етди. Олган илмнинг бир баҳясини қайтарган шогирд туйғусини шунда татиб кўрдим... Ҳа, устоз ўрганишдан уялмас, ийманиб ўтирилас ва ҳамда тиниб-тинчимасдилар. Тан жон билан, шогирд устоз билан ва аксинча тирик бўлганидек, бундай вобасталик бор экан, устоз “ёди пок қалбларда пойдор”дир. Илм ва одамийлик дарёси ўз сувини, авлодларга улашаверади. Эзгулик яратишда тиним билмайди; шогирдлари Н.Бобоқандов ҳақ:

*Навоийни парвариши этган бўстонда  
Фидоий – миришкор юрибсиз, устоз.  
Туркий лисон ичра нелар кечмоқда.  
Муттасил кузатиб турибсиз устоз.  
Ҳар сўзингиз ҳикмат, умрингиз боқий  
Сизга мадҳиялар ҳожати йўқ юк.  
Миннатдор эл-юртнинг қалбида мудом,  
Сиздек жафокашлар бўлгайлар суюк.*

1999.

## ҚАЛБ ҲАРОРАТИ БЕНАЗИР ДОМЛАМ

*Пишган лойнинг чинниси тоза бўлади.*

**Халқ мақоли**

### 1.

Раҳматлик Ботурхон домламни – зиёли ва ҳалол инсонни кўз ўнгимга келтирсам, мавлоно Ҳусрав Дехлавийнинг:

*“Чироғдек бўл, ёритгил кенг жаҳонни,  
Олов янглиг куйдирма хонумонни”, -*

деган ўгитлари эсимга келади. Дарвоке, Домла қалбида мумтоз адабиётимизга нисбатан олов бор эди. Бу олов қанчалик кучли (вулқон оташидек) бўлишидан қатъи назар, домла уни жиловвлаб олгандилар, камтарлик билан «кенг жаҳонни чироғдек ёритардилар», ҳақиқатларни хокисорлик ила кашф этар эканлар, мутлок холоса чиқармасдилар, ундан-да асослироқ бошқа хислат ва кирралари бўлиши мумкинлигига ҳам ишонардилар. Замонлар ўзгариши билан воқеликни англаш, унинг қадриятларини баҳолаш мезонлари янгиланишини, ўзгаришини чукур идрок этувчи назаркарда олим эдилар. Шу хислатлари туфайли илмий зукколикни, бағрикенгликни воқе қилардилар...

Бундай доноликни, донишмандликни қўмсар эканман, Домла билан боғлиқ турли воқеалар хотирамда жонланади, олган сабоғларим ҳамон хузур бағишлиайди, Сиз-ла баҳам кўришга шошилтиради.

### 2.

Устоз «Адабиёт назарияси» дарслигимга масъул муҳаррир бўлғанлари учун кўллэzmани синчилкаб ўқиганларига шоҳид бўлдим. Мен сезмасдан ўтказиб юборган кўпгина хатолар, арузнинг руқнлари парадигмалари, мумтоз адабиётга оид арабча асарларнинг номлари тузатилган эди.

«Ўтган кунлар»дан келтирилган матндаги бир сўзнинг остига чизилиб, варақ ҳошиясига сўроқ белгиси қўйилган эди. Уни ўқий бошладилар: «*Биз булар билан танишишини шу ерда қолдириб, айвоннинг чап тарафидаги дарича орқали уйга кирамиз, ҳам уйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстиқ қучогида, совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми, уйгоқ*

ётган бир қизни кўрамиз... Сарик руноҳ атлас кўйлакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди...» Шу ерга келганларида «Кўйлакнинг устиданми ёки остидан?» - дея мурожаат қилдилар. Мен бундай синчковликдан, инжа зътибордан, нозик кузатишдан ҳайратга тушдим ва шу пайтгача ҳеч ким эътибор бермаган бу сўз аслида «остидан» бўлиши, ана шундагина гандаги фикр мантиғи тўғри чиқишини («Сарик руноҳ атлас кўйлакнинг остидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди») тушуниб етдим... Ҳар бир сўзни чақиб, унинг мағзини «шимиб» ўқиши лозимлиги тўғрисидаги сабоқни туйдим.

### 3.

- Жуда кўп сўзлар нотўғри ёзилган; маънолари англанмаган, қадрига етилмаган? Сабаби нима-да, қачон бизлар сўз фаҳмшуноси, шеър фаҳмшуноси бўламиш?

- Сўзнинг илоҳий неъмат эканлигини англаш сезгимиз ўтмаслашганидан бўлса керак-да!

- Ҳа, балли! Бу соҳада мумтоз шоирлар ижодида сўзни фаҳмлаш, сўзлар мантиғининг мутаносиблигига амал – ҳамон юксак. Уларни ўрганмай, сўз сезгисининг нафосатини кашф этиш, унинг эгаси бўлиш қийин!

### 4.

Фан номзоди даражасини олиш учун диссертация химояси бўйича ихтисослашган Илмий Кенгаш учун раҳбарлар керакли шароитни яратиб беришга ҳаракат қилмаяптилар, котиблиқдан воз кечишга ариза бермоқчиман?

- Хотамжон! «Дили васий кунед». Бугун бўлмаса эртага шароитимиз яхши бўлиши мумкин. Яхши ният билан ишлайвериш керак...

(Орадан анча вақт ўтгач, Кенгаш учун хона, керакли жиҳозлар ажратилди. Албатта, бу иш хамирдан қил суғиришдек осон битмаган эди, устознинг – Илмий Кенгаш раисининг бетиним саъи ҳаракатининг ҳам натижаси эди.)

Ҳарқалай «Кўнгилни кенг туттган» камроқ изтироб тортар экан, шундай маслаҳат берган одамгина ҳамкор ва ҳамкасб дардини енгиллатиш учун кўпроқ машаққатни ўз

**бўйнига оларкан-да! Ана иисонийлик! Ана савоб!  
Билдирмасдан қилинган сахийлик, валломатлик!**

### 5.

- Нега ўтмишимизга факат бир хил – кора рангда қараймиз?

- Бу нотўғри. Ҳаётда 5 мингдан ортиқроқ ранглар борлигини биласиз. Шу ранглар ичидан оқ ва кораси ҳам бор. «Қора»сини гапирганда «оқ»ини эсдан чиқармаган мъқул. Иккаласи бир даражада айтилса-ю керагини ажратиб олиш иисонларга ҳавола этилса, маънан тўғри бўлади. Мана ўзингизни ўйлаб кўринг: шу даражага қайси даврда эришдингиз? Сизни шу даражага келтирган ота-онангиз қачон яшашган? Сиздаги хислатлар-у маҳорат, тажрибаю устозлик қачон юзага келган? Ахир ўз умрингизнинг тарихини қора ранг билан чаплаш, бу ўзбек халқининг тарихини хаспўлаш, нотўғри баҳолашга олиб келмайдими?.. Ахир, миллионлар ҳам якка (бирлик) – лардан ташкил топади-да! Шу сабабдан донолар «Ҳар кимсаннинг қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди», дейдилар.

### 6.

Домланинг шогирдларидан Усмон Қобилов номзодлик диссертациясини ёқлашидан олдинроқ академик Б.Валихўжаевнинг масъул муҳаррирлиги остида «Илохий тимсолнинг бадиий талқини» монографиясини нашр эттириди. Ўзбек адабиётида Исо пайғамбар тимсоли ва унинг бадиий талқини тарихи ўрганилган бу китоб кўпгина баҳсу манозаралар ўйғотди.

Мустақиллигимиз арафасида кўпгина адабиётшунослар ҳам «Куръони карим»ни, пайғамбарлар тарихини, умуман Исломни илмий ўрганишга бел боғлаган пайтлар эди. Ҳали кўпчилик бу соҳани чукур эгалламаган ва совет мағкурасининг таъсири сезиларли устунликка эга ҳукмронлиги давом этарди. Ушбу монография ва Исо масиҳ шахсияти, бадиий образи хусусида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида таникли олим, профессор Абдурашид Абдуғафуровнинг (жойлари жаннатда бўлсин) «Илоҳнинг тимсоли бўладими?» деган мақоласи зълон қилинди. Мақолада монография муаллифи ва масъул муҳаррири ноўрин танқид қилинди. Ҳеч қандай асосларсиз, тўғрироғи, Исо

пайғамбар ва унинг бадий образи талқинини чукур мушоҳада килмай, моҳиятини англамасдан билдирилган фикрлар кўпчиликнинг эътирозини уйғотди.

Самарқандлик олимларнинг хақли эътиrozларини билдиришларига Ботурхон домла розилик бермадилар: «Илм фақат далилларга асосланади ва монография мазмунига ҳеч ким эътиroz билдира олмайди. Абдурашид акага озгина имкон бериш керак, у киши катта олим – фикру мулоҳазаларида ҳиссийт устунилигини тушуниб етадилар. Монографияда билдирилган хақиқатларга етиб келадилар ва тан оладилар», - дедилар.

Дарвоке, кейинчалик Усмон Қобиловнинг «Исо масих тимсолининг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадий талқини» диссертациясиға профессор Абдурашид Абдуғафуров биринчи ҳакамлик (оппонентлик) килдилар. Унинг долзарблигини, аҳамиятини, илмий ишланганлигини эътироф этиб, етук тадқикот сифатида баҳоладилар.

Устоз Ботурхон Валихўжаевнинг сабру тоқати, ҳамкасб адабиётшуносга нисбатан тўлиқ ишончи «қарши» саналган олимни «ёқловчи»га, ёқлаганда ҳам бутун салоҳияти билан бу ишнинг ижобий якунланишига тарафдор ва жонбоз дўстга айлантириди.

## 7.

Домла ҳар қандай қийинчиликни, камчилигу нуқсонларни сезиб, англаб турсалар-да, ҳеч вақт нолишни билмасдилар. Қалбларида доимо шукроналик ҳукмрон эди ва ишонч билан бу қийинчилигу нуқсонларни енгишга қодир кучу ғайрат борлиги ҳақида гапирадилар; яхши томонини олқаб гапиришни хуш кўрадилар. Кирқ йилдан кўпроқ ҳамкор бўлганимга қарамай, устоз оғзидан «ёмон», «бўлмайди», «ярамайди» деган сўзларни эшитган эмасман, алломанинг лексиконида бу сўзлар ишлатилмагани ҳамон ҳайратимни кўзғатади. Вазминликдан, сабру тоқатдан, чидамли бўлишиликдан жонли сабоқ беради.

2007.

## “КОВЛАНМАГАН ЧҮФ КУЛ ОСТИДА ҚОЛИБ КЕТАДИ”

Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам – яхши бил,  
Сени яхши ном бирла ёд этсин эл.

М.Саъдий

Ҳакима опа... кўпчилик аёлларимизга ўхшаш тақдир эгаси: болам деб ёнувчи она, юртим деб кўшиқ яратувчи шоира; адабиёт илмини бойитувчи фан номзоди, талабаларга таълим тарбия берувчи мухтарама доцент. Бир жумлага сиғувчи олам, инсонийлик дарёсининг биргина зарраси.

Лекин бу “оламнинг, зарранинг” юрагида олов ёнарди. Олов ижодга, яратишга, инсонийликни улуглашга, ўзлигини шу неъматлар учун баҳшида этишга сарфларди. Сарфлаш сайин олов гуриллаб, кўпроқ қалбларни иситар, овлоқ жойларни, яширин шахсиятпарастларни кенгрок ёритарди. Олчок одамларни фош этарди; фаолият – дарсхонага айланар, дардлар шеърларга доя бўларди.

1985 йил 28 июнь. Илмий Кенгаш. Кўриладиган масалалар юзаки ҳал этилди-ю, бош диққат янги лавозимларга қайта сайлашга қаратилди. Бир-бирига елимланган бир нечта вараклар Илмий Кенгаш аъзоларига номма-ном, наъбат билан тарқатилди. Бунинг битта сири бўлиб, елимланган жой рақамланган экан. Шу сирли белги орқали қайси кенгаш аъзоси ректоратнинг тақлифини кўллаб-қувватлайди-ю, қайси вижданан овоз бериши аниқлаб олинар экан. Бошлиқка шу мажлиснинг ўзидаёқ бу маълумот етказилар, вижданан овоз берганлар тазийкقا олинар, Ўзбекистон КПМКнинг XVI ва XIX Пленумлари руҳидан келиб чиқиб аёвсиз ва исботсиз танқид қилинарди, кўркувга солинарди, душманга чиқариларди. “Обработка” шу даражада бажарилардики, унинг сўнггида “айбдор” караҳт ҳолига тушар, юкланган тухматлар оғирлигидан қадди букилар, ҳамкасбларининг юзига қарашга ҳам ботина олмай қоларди. Бундай тазийк бу сафар Ҳакима опанинг чекига тушди. Опа оқарди, бўзарди. Ўрнидан туриб рад этишга уринди. “Ўтириңг жойингизга! Мен туришингизга рухсат бермайман!” - деган буйрукка мажбуран кўнди. Ҳақиқатни тиклаш учун юқоридан юборилган вакил, ҳаётни коммунистча бошқарадиган ҳукмдор,

ўзини энг адолатли, хатолардан холис, ҳаммадан баланд турадиган одам ҳисоблаганинг гапини иккита қилиш мумкин эмас. Бу ўша даврнинг адолати эди. Мажлис бирданига ёпилди. Опа зўрға сўёққа қалқди ва ниманидир пичирлаб мажлисхонадан чиқди...

Эртасига институтда партия мажлиси бўлди. Опага ҳам сўз навбати тегди. Ҳамма Ҳакима опа “айб”ларини бўйнига олади. Кечирим сўрайди. Шундай қилсагина кун кўради”, – деб ўйларди ва бундайларнинг кўпини кўрган жамоа бефарқ ўтиради.

Опа минбарга жуда чаққон ва ишонч билан кўтарилди. Опанинг бу ҳолати президиумда ўтирганларни безовта қилди, улар бир-бирларига қарашиб олдилар. Бироқ вақт ўтган эди... Опа залга бир қараб олди-ю, бирданига шу шеърни ўқиди:

*Хушомадгўй эгилди ёйдек,  
Гўё ерда олтин топгандек.  
Тўври сўзга “ранг” берди атайдек,  
Маслаҳатгўй “устоз” бўлгандек.  
Ажабланиб ёқа ушлайсиз,  
Хушомадгўй гапирганида.  
Гуноҳсизга қора суркашида,  
Ифлослиги, топқирлигига.  
Ажабланмай ўйлайман доим,  
Билимдонга эргашиюқ керак.  
Билимликлар менинг ҳамроҳим,  
Хушомадгўй ўлмоги керак.*

Қаддини сарвдек тутиб, президиумдагиларни каракт қилиб, залдагиларни ажаблантириб, ҳаяжонга солиб, инсон қадр-кимматининг улуғлигига ишонч орттириб ўрнига келиб ўтириди. Бир дақиқада жамоанинг энг дадил, адолатпарвар ва гўзал аёлига – хурматга лойик қадрдонига айланди. Опанинг бу журъати – жасоратга тенг эди, унга тан бермасликнинг иложини раҳбарлар ҳам топа олмадилар; опага ошкора тазийқ ўтказишнинг йўли тамоман бекилганини англадилар... Гўё ҳеч нарса юз бермагандай, сўз навбати рўйхатдаги “мактовлар доҳийсига” – эътиқод кўчасидан ўтмаган “файласуф”га берилди.

Опага яширин тазийқ бошланди: факультетдаги арзимас ходисалар (сигарет чекиш, нос тупуриш), ўқитувчиларнинг камчиликлари (зактида дарсга келмаслик, “икки”ларнинг кўплиги), таъзабаларнинг шўхликлари, раҳбарлар билан саломлашмасликлари... ҳаммаси деканга боғланди; буларнинг барчаси опанинг иш услуби ҳосиласи сифатида баҳолана бошланди. Опанинг дарсларини тинимсиз равишда текшириш, муҳокама этиш бошланди; Опа олган имтиҳонлар натижасига шубҳалар уйготилди; “Икки” баҳо олганлар “танка”ларининг талабига мувофиқ арзномалар ёза бошладилар... Опа айбини топиш – хунарга, унга озор бериш – ҳурматга сазовор бўлиш даражасигача кўтарилди. Яккалаш ва таъқиб Опанинг кеча-ю, кундузини заҳарлашга ўтди.

Бундай мусибатни бошимдан ўтказганим учун опага ёрдамга келдим ва ўзимни ҳам сақлашга имкон берган “Ҳасан Кайфий”ни мутолаа қилишни сўрадим. Ҳикояда тасвирланишича, Ҳасан Кайфий ва подшо тонггача сухбат қуришади. Сўз орасида подшо: Сиз факат “Ақлим билан меҳнатим бор бўлсин” деяверасиз, бирон марта “Подшойим омон бўлсин, бошимизга соябон бўлсин, шунинг давлатида эсон-омон, топиб-тутиб яшаяпман демайсиз?” - дебди. Ҳасан Кайфий эса: “Менинг подшога тўлайдиган турли-туман ўлпон, соликқа ҳеч ваком йўқ. Менинг сигинадиганим – ўз ақлим, ўз меҳнатим”, - дебди.

Бундай ўжар одамнинг эътиқодини ўлдириш учун подшо “Ямоқчилик қилганлар дорга осилсин” деб буйруқ чиқарибди. Ҳасанбой эса ямоқчиликни ташлаб, ўтинчилик қилиб икки танга пулинни топаверибди. “Ўтинчилар осилсин!” буйруги чиққандан мешкобчиликка ўтибди. “Мешкобчилар осилсин!” деса, йигирма мешкобчига хабар айтиб, икки тийиндан икки танга ишлабди. Подшо уни навкар қилиб, пул ишлашга имкон бермагач, навкарлик қиличининг бўғзидан тўрт энлигини қолдириб, колганини синдириб пичокчига 60 тангага сотибди ва ҳар куни зиёфати давом этаверибди. Хуллас, подшо уни ўзига муте қила олмайди. Ҳасан Кайфийни эътиқодидан, ишончидан айнита олмайди...

F.Фуломнинг “Ҳасан Кайфий”и Опага қаттиқ таъсир этганини, баъзи хулосаларга олиб келганини сездим. Опанинг ўзи ҳам буни тан олди. Асар у кишига ҳам ишонч, ҳам кудрат берди.

Опа “ўз аризасига мувофик” деканлик лавозимидан бўшади. Қаллоблик, қабиҳлик туфайли етказилаётган асаббузарликдан кутилди. Барча кулфатлардан халос бўлишининг қалитини топди: ўзини билимга, ижодга багишлади. Яратувчи меҳнати орқали жамиятга ва инсониятга фойда келтираверди. Бу гайратига гайрат, шижоатига шижоат кўшди. “Адабий танқид назарияси”, “Адабиётдан амалиёт”, “Илҳом келганд”, “Зулфия ижодини ўрта мактабда ўрганиш”, “Орифжон Икромов” каби рисола, қўлланма, адабий портретлар, ўнлаб адабий-танқидий, илмий-оммавий мақолалари яратилди. Кўплаб шеърий асарлари қатори “Самарқанд қизлари” (Эсадлик гулдастаси) дунёга келди. Буларнинг ҳаммаси опанинг эъзоланишига, қадр-қиммати ошишига асосга келди. Бугун ҳам эсланишига, хотирасининг ўчмаслигига, умрининг давом этаётганига сабабкор омиллардан бўлди.

Опа билан чорак аср бирга, бир олийгоҳда, бир кафедрада ишладик. Бир-биримизга шогирд здик. Ижодий ният ва орзуларимиз, уларнинг кўп ижролари – ҳамкорликнинг натижаси эди: ўнлаб мақолалар, қўлланма ва рисолалар бунга далилдир. Энг муҳими, бизнинг адабиётга, ҳаётга қарашимизда тўқнаш нукталар, оловли туйғулар, жонли тимсоллар кўп эди: Биз учун Саида Зуннунова, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Пиримқул Қодиров – севимли санъаткорлар; Воҳид Абдулло, Орифжон Икромов, Василий Ларцев, Нуриддин Шукуровлар – қадрдан устозлар; Иззат Султон, Озод Шарафиддинов, Файбула Саломовлар – намуна бўлган адабий танқидчилар саналарди.

Опа билан иш юзасидан тортишганмиз, баҳлашганмиз, аразлашганмиз. Баъзида овозларимиз (тембри) оҳангি баландроқ, кўркитадиганроқ, ҳадиксирайдиганроқ бўлгани ҳам сир эмас. Лекин бу узоқ давом этмас, бир неча соат, борингки бир кундан сўнг барҳам топарди: Қайсимиз ноҳақроқ бўлсак, ўшамиз кўпроқ самимийлик, инсоний саҳоват кўрсатар здик. Оқим ўз ўзанига тушар, ҳаётий интилишларнинг ижодий мусобақаси давом этаверарди. Инсонийлик, поклик, биродарлик, ҳурмату иззат, ишончу эътиқод туйғуларимизга гард юқтирумасдик. Яшашимиз мазмуни шу эди.

Опа кутилмаганда тез таъсирланар (Шоира-да!), яхшилик (Эзгулик)дан ҳам, ёмонлик (Қабоҳат)дан ҳам бошқаларга

нисбатан күп “дард” тортарди ва у, албатта, шеър бўлиб тугиларди. Кўлида шеър кўтариб юрган пайтлари – энг гўзал инсонга, узоқ қийналиб, азиз фарзанд кўрган, чиройига чирой кўнган буюк онага, ёшарган, гул-гул очилган аёлга ўхшаб кетарди. Опа (1932-1995) менинг хотирамда шундай суратланиб қолган ва у киши ҳамон шеър (Менга тақдим этилган бир даста асарларидан биттасини илова қилдим) ўқимоқда:

### БИРАМ ЁҚАДИ

*Майти дейман, айбламайман ҳеч,  
Ўз сўзингда турганинг учун.  
Ўзгармайсан сира, эрта – кеч,  
Тўғри сўзли бўлганинг учун.  
– Бир сўзлигинг бирам ёқади.*

*Тўғрилик – бу инсонга зийнат,  
Магрур бўлиш эса фазилат.  
Оёқ тираб турасан гоҳо,  
Ялинсам-да қўлмайсан шафқат.  
– Магрурлигинг бирам ёқади.*

*Хуноб бўлиб боқаман тўймай,  
Сен бўлсанг-чи, бошингни эзмай.  
Юрагимга солиб ўт-олов,  
Хижронингда ёқасан лов-лов.  
– Ўжарлигинг бирам ёқади.*

*Ҳаётингга аралашмайман,  
Хаёл бўлар менинг юпанчим.  
Ўйлашга гоҳ қиласман мажбур,  
Ширингина бузаман тинчинг  
– Табассуминг менга ёқади.*

*Бирсўзлигинг, магрурлигинг,  
Ўжарлигинг, оловлигинг,  
– Менга ёқади.*

2000.

## ЯХШИ ИНСОН ЭДИ

*Олижсаноб фикрлар билан яшовчи одам  
ўлим азобини мутлақо сезмайди.*

**Ф.Бекон**

Асад акани хотирлар эканман, улуғларнинг ушбу ҳақ гапи ёдимга келаверади: “Ўлмок туғилмоқдай табиий нарса. Мухим иш устида ўлган одам оғир жангда яраланган, аммо аввалига оғриқни сезмайдиган ярадорга ўхшайди. Зеро олийжаноб фикрлар билан яшовчи одам ўлим азобини мутлақо сезмайди”. Дарҳақиқат, Асад ака 52 ёшида докторлик диссертациясини якунлаш ташвишлари билан Москвада ишлар эди ва ўша ерда (1988 йил 10 сентябрь) кутилмагандан – бир лаҳзада дунёдан ўтди. Сўнгги кўрганлар унинг қиёфасида “ўлим азоби”нинг излари йўқлигига шоҳид эдилар. Ҳа, ўлим бир лаҳзалик, умр эса... килган эзгу ишларга, ижодий кашфларга, инсонларга баҳшида қилинган меҳр-муҳаббатга қараб давом этаверар экан...

Асад Мирзаев 1936 йил 20 ноябрда Хатирчи туманининг Гумбаз қишлоғида таваллуд топди. Ўрта мактабни аълочи бўлиб тугатди. 1959 йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишига кирди. 1964 йили уни муваффақият билан тамомлади. Илмга, тарихга чанқоқлик, яратишга иштиёқмандлик уни умумтарих ва чет мамлакатлар тарихи муаммоларини ўрганишга чорлади. 1970 йили “Биринчи жаҳон уруши йилларида Болгария ишчилар синфининг аҳволи ва кураши” мавзууда Т.Г.Шевченко номидаги Киев давлат университети Илмий Кенгашида номзодлик диссертациясини химоя қилди. Умрининг асосий қисмини изланишларининг бош мавзуи бўлган Болгария ҳалқининг тарихини ўрганишга баҳшида этди. Шу соҳа бўйича Самарқандлик олимларнинг биринчилари қаторида украин ва болгар тилларида ўнлаб илмий мақолаларини, ахборотларини эълон килди.

1970 йилдан то умрининг охиригача Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида ўқитувчи, доцент, докторант бўлиб ишлади. Узоқ йиллар олийгоҳнинг кечки ва сиртқи бўлими бўйича ректор муовини (проректор) бўлиб, шу соҳанинг равнақига, бўлажак мутахасислар

маҳоратининг баланд бўлишига бутун кучини сарф этди. Фидойи меҳнат, самимий меҳру оқибат Асад акани жамоада улуғланишига олиб келди, талабаларнинг оғирини енгил қиласиган, ҳамиша ёрдамга тайёр турадиган севимли устозига айлантириди. Бу фаолият Асад Мирзаевнинг яшашдан мақсадига, ҳаяжонига, меҳрига, бахтига, ҳётининг мазмунига тенг эди. Уларни бир-биридан ажратиш, бирини иккинчисиз тасаввур этиш – Асад акани ҳам, меҳнатни ҳам ерга уриш билан баробар эди.

Кечки ва сиртқи бўлим ишларини намуна бўладиган даражага кўтаришдаги ишбилармонлик, малакали мутахассислар тайёрлашдаги жонбозлик, қийинчиликларни мардона енгиб ўтиш, иш ва яшашдаги саришталик, бурчга содиклик каби хислатлар уни ўнлаб фахрий ёрликлар эгаси қилди. СССР ва Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси бўлишига сабаб бўлди.

Асад Мирзаевич – билимдон тарихчи олим эди. Айниқса, унда тарихдан сабоқ чиқариб, келажакни кўра олиш хислати арзигулик эди. Шу сабабдан ҳам у “Ўрта Осиё республикаларининг Болгария халқ республикаси билан маданий алоқалари” долзарб муаммосини – докторлик диссертациясининг мавзун қилиб олган эди.

Уни ўрганишда тўхтовсиз изланар, ривожланиш жараёнидаги объектив борлик конунларини чуқур ўрганаар, воқеа-ҳодисалар мажмуини, тарих сабоқларини таҳлил этар, лекин қаноатланмас эди. Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон республикаларига бир неча бор сафар қилган, Болгарияда икки марта узок муддат (1 йилу 2 ой) бўлишига, шу соҳага оид фактик материалларни чуқур ўрганганилиги ва таҳлил қилиб улгурганига қарамай, ишидан кўнгли тўлмасди.

“Культурное сотрудничество республик Средней Азии с Народной Республикой Болгарией (конца 1950-х-середина 1980-х годов)” монографиясини зълон қилди. Докторлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси София университетининг Славянлар бўлимида бўлиб ўтди. Иш ҳимояяга тавсия этилди. Афсуски... Асад аканинг қалби бардош бермади, орзуларининг амалига умри етмади.

Лекин шукроналик шундаки, Асад акадан биз ҳамкасларига, ёру биродарларига, хешу акраболарига етадиган меҳру оқибат,

бекуборлик, саховат, сарышталиқ, самимиilik, фидоийлик қолган; у яратишда, яшашда давом эмоқда. Ва, айникса, Асад аканинг меҳрибон фарзандлари Фируза (моҳир зардӯз), Зафар (фирма соҳиби), Дилфуз (савдо ходими), Ойбек (“Пахтабанк”нинг ишбошиларидан бири) ва етти нафар неварани тарбия қилаётган Раъно Мирзаева фаолиятида яққол намоёндир.

Мавлоно Саъдий айтган эканлар:

*“Бўлак яхши ном истама, шул етар-  
Сени яхши одам деса эл агар.”*

Ҳа, Асад Мирзаевич Мирзаев ҳалқимиз қалбидаги яхши одамлигича қолади ва у бугун 65 га тўлиб яшайверади.

2001.

## СЎЗАМОЛ ВА ҲОЗИРЖАВОБ ДОМЛА

*Ҳар кимнинг ҳам ўзига яраша ҳусни бор.  
Ҳалқ мақоли*

Жўра Муродович Ҳожиматов 1924 йили 14 сентябрда Жizzах шаҳрида меҳнаткаш оиласда дунёга келди. Ўрта маълумотли бўлгач, Жizzахдаги В.И. Ленин номли ўрта мактаб ҳузурида ўқитувчилар тайёрлаш курсида таълим олди. Ана шу йилларда у адабиётга катта қизиқиш билан қаради. Бу қизиқиш уни 1944 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих-филология факультетига бошлаб келди. Бўлгуси олим дорилғунунда аъло баҳолар билан ўқиб, жамоат ишларида фаол қатнашди. Илмий-адабий тўгаракларда, талабаларнинг анъанавий илмий конференцияларида маъruzalар билан тез-тез чиқишилар қилди. “Ленин йўли” (Самарқанд), “Социализм йўли” (Жizzах) газеталарида такриз, очерк, лавҳа ва корреспонденциялари босилиб турди.

1949 йилда университетни имтиёзли диплом билан битирган Жўра Муродович ишни ўқитувчиликдан бошлади. У Жizzах шаҳридаги Алишер Навоий, Қорақишлоқ (ҳозирги Бахмал) туманидаги ўрта мактабларда директор бўлиб ишлади ҳамда юқори синф ўкувчиларига ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

Ёш педагог Жўра Муродовичга 1952 йилда аспирантурага йўлланма берилди. У М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети аспирантурасига қабул қилиниб, таникли олим, ССРР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е.Э.Бертельс раҳбарлигига илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Университет илмий кенгаши ёш олимнинг “1919-1941 йиллар ўзбек совет адабиётида сатира” мавзусидаги диссертациясини юқори баҳолади ва унга филология фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1956 йилда ўқиб улғайган, факультетта ишга келган Жўра Муродович бутун маҳоратини филолог кадрлар тайёрлаш ишига каратди. Дастлаб ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи, 1957 йилдан шу кафедрада, 1980 йилдан ССРР халқлари адабиёти ва адабиёт назарияси кафедрасида доцент лавозимларида, кейинчалик эса, мазкур кафедранинг профессор вазифасини бажарувчиси сифатида то умрининг охиригача ишлади.

У адабиётнинг ранг-баранг муаммоларига бағишлиб турли ҳажмдаги тўртта китоб, илмий тўплам ва журналларда 70 га яқин адабий-танқидий асарлар, вактли матбуотда эса 200 га яқин оммабоп мақола эълон қилди. Бу асарлар ичida “Жанговар йиллар поэзияси” (Т., “Фан”, 1968) китоби, “Ўзбек поэзиясидаги жангчи образи”, “Кундалик” – бадиий асар” каби муаммоли мақолалари бугун ҳам муайян даражадаги аҳамияти билан ажралиб туради.

Жўра Муродович Ҳожиматов О.Сафаровнинг номзодлик диссертациясига илмий раҳбарлик, О.Эшмуродов, Ю.Бекмуродов ва С.Аъзамовнинг номзодлик ишларига расмий ҳакамлик қилди.

Жўра Муродович ўн йил давомида Китобсеварлар жамияти вилоят ташкилотини бошкарди. У 1970 ва 1984 йилларда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Китобсеварлар жамиятининг II, III съездларига делегат бўлиб сайланди. Китоб ва унга меҳр-мухабbat уйғотиш иши билан шуғулланди.

Жиззах, Қарши, Самарқанд техникум ва институтларига узок йиллар Давлат Имтиҳон Комиссиясининг раиси сифатида иштирок этиб, малакали мутахассислар етиштириш ишига ҳисса кўшиди.

Жўра Муродович Ҳожиматов (1924-1995) кўпнинг қалбидаги сўз устаси сифатида яшамоқда. У кишининг топиб айтган

гаплари, ҳангомалари, мұлжалға урадиган қочиримларини әслаганда ҳамон юраклар қулгуга түлади. Дарвоке, “Телеграммадек қисқа галираман”, “Менинг билимим шу асп талабаларига етиб ортади, янги китобларни ўқишига ҳожат бор, дайсизми?” каби гаплар, қочиримлар яшаща давом этмоқда.

Домланинг бу хислатларидан бирини Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов “Ижодни англаш баҳти” (Т., “Шарқ”, 2004, 487-488 – бетлар) китобида шундай хотирлайди: “Бу 50-йилларнинг бошларида рўй берган эди. Ўшанда мен Москвада аспирантурада ўқир эдим. Биз билан бирга самарқандлик Жўра ака Ҳожиматов ҳам ўқир эдилар. Жўра ака... ўша кезларда ҳам гавдали, думалоқ қоринлари ўзларига ярашган, бошларидан шляпани кўймайдиган, кўйинг-чи, жуда савлатли, аспирантдан кўра бирор обком секретарига кўпроқ ўхшаб кетадиган одам эдилар. Табиати очик, феъли кувноқ, теварагидагилар билан бир зумда тил топишиб кетадиган, дунё тақдирни хақида ҳар хил бўлар-бўлмас гаплардан кўра бир жуфт ҳазил-мутойибани, латифани афзал кўрадиганлардан эдилар.

Аспирантуранинг сўнгги йили бўлса керак, Жўра ака поездда Москвадан Тошкентга таътилга йўлга чиқибдилар. Купедаги ҳамроҳлари орасида ўрта бўй, қора қош, кора кўзли, жуда хушмуомала, ғоят одобли бир йигитга дуч келибдилар. Йигит кўзларига ёш кўриниб кетганми ёхуд унинг хушфеълигини ўзидан улкан илм соҳибига мўтиёна эҳтиром деб қабул қилганларми, ҳар қалай орадан кўп ўтмай, Жўра ака бояги йигитга иш буюрибдилар:

– Қани ука, катталарнинг хизматини қилсангиз яхши бўлади. Ажаб эмас, сиз ҳам бир кун эмас, бир кун бизга ўхшаб илм соҳиби бўлиш даражасига етсангиз. Туринг, битта аччик чой дамлаб келинг-чи.

Йигит чаққон туриб, чой дамлаб келибди. Ундан кейин иккинчи иш буюрилипти, учинчи, тўртинчи... Кўйингчи, у пайтларда поезд Тошкентга салкам тўрт суткада етиб келарди – шу муддат мобайнида йигит Жўра аканинг ҳамма хизматини қилиб, роса кўнглини олипти. Нихоят, поезд Тошкент вокзалига келиб тўхтабди. Жўра ака қараса, перронда бир тўп машҳур олимлар. Улар тўрт кун давомида Жўра аканинг хизматини қилиб келган ўша ўрта бўй, қора қош, кора кўз, қора магиз йигитни

кутиб олгани чиқишган экан. Буни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолган Жўра аллакимдан – бу ким ўзи, нега уни шунчалик иззат-икром билан қарши олишаяпти, деб сўрабди. У киши елкасини қисиб жавоб бериби: “Наҳотки танимасангиз? Дунёга донги кетган ўзбек олими, математик Сайди Ҳасанович Сирожиддинов-ку. Москвадан докторлик диссертациясини ёқлаб келяпти”.

Йўл-йўлакай илм йўлида нималар килиш хақида унга панд-насиҳатлар қилиб келган Жўра ака буни эшишиб дами ичига тушиб кетипти, хижолатдан терга ботиб, тезроқ вокзалдан гойиб бўлишнинг тадоригини қилипти. Шу-шу кейинчалик яна неча йиллар давомида Сирожиддиновга рўпарама-рўпара келолмай юрипти.

Мен “бу воқеа чиндан ҳам бўлганми-йўқми?” деб кейинчалик Жўра акадан сўрадим. У кула, кула, баъзи тафсилотларини эслаб, чинлигини тасдиқлади”.

Камина ҳам Жўра ака билан ҳамشاҳар, у кишидан дарс тинглаган, Самарқандда бир кўчада яшаган, бирга ишлаганман. Шу боис, жуда кўплаб ҳангомаларнинг гувоҳи бўлганман. Биттасини айтай: Домла “Балиқни фақат “Р” ҳарфи бор ойлардагина ейиш мумкин, бошқа ойлар есангиз бадангаям, кайфиятгаям ёмон таъсир қиласи”, деган хулосани кўп такрорлардилар. Каттакўргон сув омбори атрофида яшайдиган дўстлар келиб, бизларни, кафедра аъзоларини 20 майга балиқ овига таклиф этишди. Домламизга таклифни айтдик ва сайрга боришга розиликларини сўрадик. Домла: “Шунчалик узок жойдан келиб тақлиф қилишган экан, йўқ деманг. Ҳарқалай, машина ҳам ташкил қилишса керак. “Май” ойига “Р” ҳарфини кўшсак, ўзингиз айтган “Сайр”га “Майр” оригинал қофия ҳам бўлади. Балиқни ҳам шу қофиядек хил-хил пиширса, қилтиғи томоқда қолмайдиган қилиб зигир ёғида ковурса, унинг савобига ким етсин? Албатта, борамиз!” - дедилар.

Домла ҳозиржавоблик, сўзамоллик қилишдан ташқари, бўлајак “сайр”ларнинг, зиёфатларнинг мазмунини ҳам олдиндан белгилаб беришга уста эдилар, улуғвор эдилар. Худди ана шу хислатлари билан Домла бугун яшашда давом этмоқдалар, “Сўзи ўлмаганларнинг ўзи ўлмас”лигини исбот қилмоқдалар.

Жўра Муродович Самарқанд Давлат университетининг Улуғ Турсунов, Воҳид Абдуллаев, Ҳамдам Бердиёров, Орифжон

Икромов, Нуриддин Шукуров, Ботурхон Валихўжаев, Худойберди Дониёров каби улкан филологлари билан бирга ишлаган, уларнинг яратувчан фаолиятидан орқада қолмасликка интилиб яшаган эди. Бу алломалар ўртасидаги ибратомуз дўстлик, ҳамкорлик ҳар бирларининг феъл-атворлари ва иқтидорларидағи камчилигу нуқсонларни кўз-кўз қилмасди, балки уларни кўмиб юборарди. Бирдай талабчанлик билан ҳаёт муаммоларини ечишга интилтиради. Айни пайтда, бу чиройли хислат кўпнинг ҳавасини уйғотарди. Бу гўзаллик, фидойилик, камолот белгиси эди. Бу бугунимизга ҳам асқотадиган меросдирики, унинг тириклиги Истиқлонимизни бойитади, университетимизнинг ривожига барака киритади.

2004.

## БУХОРОНИНГ ҚОРАЧИҒИ

*Умринг адo бўлмай туриб,  
Чўгинг адo бўлмасин!  
Эркин Воҳидов*

Аҳад ака билан биринчи танишувим 1995 йилда, ўғиллари Шавкат Ҳасановнинг “Ўзбек драматик достони” номзодлик диссертациясининг ҳимояси бошланишида юз берган эди. Мен Шавкатнинг илмий раҳбари эдим ва ҳимоя пайти ҳам Илмий кенгашда мулоҳазаларимни очиқ баён қилмай ёзма равишда топширганимни айтиш билан чекланган эдим. Қанчалик илм кишиси ва қай даражадаги олим эканлигим Аҳад ака учун ёпиқлигича қолган эди. Мен ҳам Аҳад акани унчалик яхши билмас эдим, “Шоғиркон ҳақиқати” газетасининг мухаррири, бирга ўқиган дўстим Тошпўлат Аҳмаднинг “Катта ака”лари, Илҳомжон ва Шавкатжоннинг оталари эканликларинигина билардим.

Кейинчалик бир-биримиз билан китобларимизни алмасишиш бошланди. Асарларимиз восита бўлиб, ўзлигимизни чуқурроқ танита бошлади. Ижодий алоқа ривожланган сайн бир-биримизга ишонч ва ҳурмат кучайди. Мен Бухоро томонга юрсам, албатта, Аҳад акани зиёрат килишга кирадим. Қуюқ зиёфатлардан, сұхбатлардан, қизиқдан-қизиқ ҳангомаларидан

бахраманд бўлардим. Шу ўринда улардан биттасини хотирга келтиришни лозим кўрдим:

Ҳамма вакт кулиб турадиган, доимо вақтичоғ жиянлари Илҳомжон билан Аҳад aka кўп ҳазиллашар ва ҳар гал юткизик Илҳомжонда бўлар эди.

60 ёшлари нишонланадиган куни “Вақти келди, бобойни бир туширайки, ҳеч эсидан чиқмайдиган бўлсин. Бир марта мот қиласман” - деган ўйда бир шумликни ўйлаб топади. Уни ҳеч кимга айтмайди. 16 кг. конфет кетадиган қофоз кутининг ичига сузганда кийиладиган калта, тор трусиқни ўттиз қават газетага ўраб солади. Аҳад акани табриклишга келган вилоят ва туманларнинг казо-казолари зиёфат дастурхонига ўтиришганда Илҳомжон кириб совғасини топширади. Кутини енгиллигидан Аҳад aka “Бир балони ўйлаганга ўҳшайди” деган хавотирга тушади. Қогоз қутини очиб, ичида қанақа совға борлигини билиш учун бир неча қават газетани очса ҳам совғадан дарак чиқмайди. Буни томоша қилиб турган меҳмонларнинг қизиқиши тобора ортади. Яна кўплаб қаватдаги газеталар очилгандан сўнг, охири калта, тор трусиқ (плавки) чиқади. Ҳамма котиб-котиб кулади. Илҳомжон эса “Аҳад акамни боплаб туширдим”, - дея ийманибгина, айб иш қилган одамдай, ноиложликдан кулаётган шумболова қиёфасига киради. Ўзини бахтиёр сезади. Муддаосига эришган одамдек, жозиба тарата бошлайди.

Аҳад акага бирданига илҳом келади, гўё ғойибдан топқирлик ато этилгандай бўлади. Бардам товуш билан дейди:

- “Ҳа, Илҳомжон қойил қилдинг, ҳамма нарсам бор эди, лекин шу байталмон йўқ эди. Катта раҳмат!

Мана кўраяпсан, ҳамма дўсту биродарлар олиб келишган тўнларини, костюмларини, чопонларини кийгизиб қўйишиди. Сен ҳам олиб келган матоҳингни менга кийгизасан-да! Кел, қани одатни бузмайлик”, - дея Аҳад aka шимининг қайишини бўшата бошлиганданоқ Илҳомжон чув тушганини сезиб, қуён бўлади.

Бояги кулгу энди уйни зириллатадиган қаҳ-қаҳага айланади. Аҳад аканинг топқирлигига, ҳозиржавоб зеҳнига барча қойил қолади. Энг оғир вазиятда ҳам енгиб чиқишга қодир иродасига, самимилик уфуриб турган донолигига тасанно айтадилар...

Самарқандга келганларида ҳам Шоғирконнинг, Жилвонрўднинг, Денов (Деҳайи нав)нинг кўнгилга ёқадиган

хавосини олиб келардилар. Мулоқотларимиз таъсири ака-укалик ришталарини боғлади. Шавкатнинг менинг илмий маслаҳатчилигимда ёқлаган “ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси” докторлик диссертация (2004)си ҳам қадрдонлигимизга мазмун қўши.

У киши менинг “Умрбоқийлар” (2000), “Бадиий ижод асослари” (2001), “Адабиёт назарияси” (2002), “Дилмунчоқларим” (2005), “Сайланма” (2007-2009) каби асарларим билан танишган бўлсалар, мен Аҳад аканинг “Сочи оқарган бола” (1998), “Дунёни болаларга берайлик” (2001), “Қайтар дунё” (2003), “Очиқ дарвоза” (Танланган асарлар, 2012) асарларини мутолаа қилганман. Уларнинг барчасида “оловланиб, ловиллаб, ҳамиша ёниб яшаган жўшкин” Аҳад аканинг қалби нур сочиб турди. У мўъжизадек ўзига тортади, Сизни-да “факат яхшилик уруғини экишга”, “саодатла яшашга”, “оқибатли ва покиза инсон” бўлишга, халқнинг раҳматига сазовор бўлиш учун улгуришга чорлайди. Демакки, “Ўз асарларида яшаган одам сираям ўлмайди”, яратган ҳикматлари ила оламга сайқал бераверади.

Аҳад ака “Қимматли Хотамジョンガ! Олам гўзаллиги олимлар билан, осмон гўзаллиги юлдузлар билан дейишади. Ҳамиша олимлар пешқадами бўлиб юринг! Сизга эъзоз ила Аҳад Ҳасан. Шоғиркон. 25.11.2003 й.” деган дастхат билан “Қайтар дунё” романи (Бухоро, 2003 йил)ни Шавкатдан юборган здилар. Романи ҳафсала билан ўқидим. Фикр-мулоҳазаларимни ёзиб Аҳад акага жўнатдим:

### **“Ҳурматли Аҳад ака!**

«Қайтар дунё» асарингизни ўқиб чиқдим. Кўз ўнгимда Сиз гавдаландингиз: нуроний, хушчақчақ, ҳазилкаш, танти, доно... Айни пайтда, Сизнинг қалбинингизда нур бўлиб жойлашган Шоғиркон, Бухоро, Жилвон чўлининг ҳидларини, сасларини, юрак зарбларини сездим. Ҳаммасининг воқе бўлганидан таъсирланиб, гапнинг тўғриси, Бухоро ва унинг одамларига хурматим, севгим кўпайди.

Асарингиздаги Бекмурод Останакулов, Эрматов, Сафокул, Кўчқор каби образлар тасвири хаётдагидек тугал, бусбутиң чиққанидан хурсандман. Улар ёзувчилик маҳоратингизнинг кудратидан туғилган. Лекин бу қаҳрамонларнинг тақдири

жудаям «осон» якун топганидан, бу якун улар қилган ёвузликлар барбаридағи азоб бўлмаганидан (унинг тасвири чукур ифодасини топмаганидан), асар оҳангига мос хотималанмаганидан (хотима жудаям тезлашиб кетган) кўнглим бироз тўлмади.

Арслон Ботиров, Ойниса Султоновна, Мавжуда Холматовна, Ибод Рахимов, Абдулла Қурбоновичларнинг хар бири характер даражасига кўтарилиган. Бироқ Арслон Ботиров образида меъёр жудаям ижобийлашиб кетгани сабаб, ҳаётийликдан узилиб, идеаллашган даражада бўлиб қолгандек таассурот уйғотади. Менимча, уни «ер»га туширсангиз, кўп нарса ютасиз: образ «ясама»ликдан қутилиб, ҳаётийлик касб этади...

Энди, асарингиз ва «роман» жанри тўғрисида. «Роман оламнинг фалсафий концепцияси асосида юзага келади» (Ги де Мопассан), - дейди улуғлар. Шундай бўлгач, унда тасвиrlанган қаҳрамонлар (айниқса, бош қаҳрамон)нинг фикри ҳам, қалби ҳам -салоҳдати ҳам оламга, коинотга, башариятга қаратилган бўлиши шарт («Кимёгар» – Пауло асарини бир вараклант). «Қайтар дунё»да айнан ана шу – романнинг бош мезони етишмайди, у жудаям «кичик» (Борингки, ўзбекдан ортмайди, унинг дунёсидан четгаям чиқмайди). Агар асарингизни повесть дея номлаганингизда, у – жанр талабига жавоб берган бўларди. «Бойлигинг қанча ортса, бош оғригинг ҳам шунча ортади...» деганларидек, жанрнинг «каттаси» ҳам жудаям кўп меҳнатни талаб этади. Ҳа, ишонаверинг, повестдан келувчи баҳтиёрлик ҳам ёзувчига бир умрга татииди. Бу – ҳам илм, ҳам ҳалоллик.

Энг асосийси, асарингиз билан лоқайдлигимизга ўт очгансиз. Ҳалол яшашга, ишлашга чорлагансиз. «Жонбозлик ўрнига шонбозликлар»нинг моҳиятини ва натижасини кашф этгансиз. Бу оз эмас, балки катта одамий масъуллик; уни тўғри ҳис этиш, қалбга нур қилиб олиш - барчамизга насиб айласин!

Сизга омад тилаб, дуои салом йўлловчи Хотам Умуроев

14.02.04”.

Аҳад аканинг “Дунёни болаларга берайлик” асари мени ўзига мафтун этганди. Унда гўё нуроний Аҳад ака бутун хикматлари билан намоён бўлиб, барча қалблар дарвозасини очиб юборганди. Инсонни, Онани, Ёрни, дўсту биродарни оқиллик ва садоқат билан ривоятларга ўраб улуғлаган, шон-шарафларга кўмган эди. ИНСОНнинг инсонийлик тафтини ёқлаб, муҳаббат ва яхшилик илмининг сабоқларини сўзда ихчам ифодалаган эди.

Ха, Аҳад ака ёзганларидек, “Қисқалик – иқтидор рамзи. Беҳуда сўзамоллик, бу – кусур, агар билсанг. Машраб ҳазратлари айтгандай: “Минг маънини бир нуқта била мухтасар этган” шоиргина элда зъязоз топади”.

Шу хикматларга амал қилгани, юракдан ёзгани туфайли Аҳад ака бугун ҳам тириклар сафида қадам ташламоқда.

2013.

## САМАРҚАНД ШОИРЛАРИНИНГ САРДОРИ<sup>1</sup>

*Ўтганларни хотирлаш – халқимизнинг азалий удуми. Айниқса, санъаткорни хотирлаш, унинг ҳаёти асарларида давом этаётганидан таскин топиш янада хайрлироқдир.*

Машхур шоир Миртемир 1980 йилда нашр этилган “Дўстлар даврасида” номли китобида 1962 йилда ёзилган “Эсдаликлардан” мақоласидаги шундай бир воқеани эслайди:

“Абдулла Қаҳҳор раислик қилган кезидаги воқеалардан бирини айтай: Самарқанддан бир йигит келди. Кўлида Ватан уруши ва ғалаба ҳақида поэма. Ўқиб чиқдим. Поэма: “Мана мен”, деб турибди-ю, лекин таҳрир талаб. Мен чизиб-чизиб, қўлига тутдим ва билганимча тушунтирдим. Йигит меҳнаткаш экан. Ижод бодидами, меҳмонхонадами, ўн кун ичидан тузатиб келди. Поэма яркирай бошлаган эди. Мен тағин чизиб-чизиб, қўлига тутдим. Йигит Самарқандга олиб кетди ва кўп ўтмай қандек килиб келди. Мен йигитни Абдулла ака ҳузурига олиб кирдим. Абдулла Қаҳҳор ўқиб чиқди ва Мирмуҳсин (у вактда ҳам “Шарқ

<sup>1</sup> Ушбу мақола доцент Ҳ.Абсаминев билан ҳамкорликда ёзилган.

юлдузи” журналида мұхаррир эди) кабинетига йўл олди. Биз ҳам орқасидан кириб бордик. Уша ерда йигит поэмасини баралла ва ҳаяжонда ўқиб берди ва журналга сўзсиз қабул қилингани эсимда. Бу йигит ҳозир таникли қалам эгаси Душан Файзий”.

Ёшлигиданоқ ана шундай устоз ижодкорлар назарига тушган шоир Душан Файзий ҳозирги Навоий вилоятининг Қизилтепа туманига қарашли Элобод қишлоғида туғилиб, вояга етган. Ўрта мактабни тугатар-тугатмас Иккинчи жаҳон урушига сафарбар килинди. Уруш даҳшатларини бевосита бошидан кечирган шоир фронтда чикадиган ўзбек тилидаги “Фалаба байроби” номли газетада мұхбир бўлиб ишлади. Ана шу газетада унинг биринчи шеъри ҳам эълон қилингани эди.

Урушдан қайтгач, 1947-1952 йиллари у Самарқанд давлат университетида таҳсил олди. Кейинчалик Д.Файзий турли нашриётларда хизмат қилди, вилоят радиосида, ёзувчилар ўюшмасида, маданият ишлари бошқармасида масъулиятили лавозимларда ишлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига сазовор бўлди. У бадиий ижод билан биргаликда илмий ишни ҳам кўшиб олиб борди. “Сайд Назарнинг ҳаёти ва ижоди”ни текшириб, номзодлик диссертациясини ёқлади, доцентлик лавозимини олди. Университет проректори вазифасида бир неча йиллар хизмат қилди.

Истиқлол йилларида шоир мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда янада ғайрат билан ишлади. Университетнинг филология факультетида ёш журналист талабаларга сабоқ берди. Кейин эса янгидан ташкил этилган “Исмоил ал-Бухорий” халқаро жамғармасига бошчиллик қилди. Хуллас, шоир умрининг охиригача ижтимоий фаолият ва ижоддан бир зум ҳам тўхтамади.

Шоирдан бизга анча салмоқдор адабий мерос қолган. Унинг бир қанча шеърий тўпламлари, достон ва драматик асарлари халқимиз маънавиятининг юксалишига катта ҳисса бўлиб кўшилди. Айниқса, шоирнинг “Зарафшон”, “Қалбим сеники”, “Онаизор”, “Самарқанднома”, “Менинг мұхаббатим”, “Бу кўнгил”, “Рубобиёт”, “Темурнома” сингари шеърий тўпламлари китобхонларнинг қалбida ўчмас ва илиқ таассурот қолдирган. Мустақиллик йилларида шоирнинг уч томлиқ “Сайланма”

асарлари ҳам нашр этилди. Шунинг ўзи ҳам шоир ижоди ниҳоят салмокдор эканлигидан далолат беради.

Дарвоке, Самарқандлик шоирлар ичida Душан Файзий алохида ажралиб туради. Унинг шеърлари ва достонларини ўқиган киши “Самарқанд хиёбонларидағи шеърий сукунатни ва кўчалари, бозорлари, майдонларидағи жарангли шовкинни тинглайди. Шоир ташбеҳларида Регистон минораларининг заррин кўк бўёқлари, Зарафшон тоғларининг такрорланмас рангларини кўради” (Ҳ. Гулом).

Шоир шеърларидаги бош қаҳрамон буюк Инсондир. Замонга мураббий, замонга жон бўлган инсонни – ҳаётнинг гўзаллиги, садоқатнинг азаллиги деб билади шоир.

*“Инсон*

*Офарин.*

*Офарин. Ҳаммаси учун*

*Бошингга ёғилсин нур устига нур.*

*Она – Еримизнинг эгасисан чин.*

*Сен бўлмассанг*

*Аршидан қулаб кетар Ер”.*

Шу сабабли Инсон ва табиат, Инсон ва замон, Инсон ва ижтимоий меҳнат, Инсон ва севги мавзулари Душан Файзий поэмаларининг мағзини ташкил этади.

Ана шу мавзуларни мураккаб бадиий воситаларсиз, жуда оддий тилда, фалсафий аспектда ечишга, поэтик кашфиёт яратишга кўпинча муваффак бўлган.

Шоир шеърларининг кўпчилиги ижтимоий мавзуда ёзилди. У ўзи яшаётган тарихий-ижтимоий муҳит билан кўпинча муросада яшаган бўлса-да, лекин бу муҳитнинг кўплаб иллатларини танқид ҳам қилди. Она ҳалқи тарихи билан фахрланиб асарлар ёзди. Ҳалқ бошига тушган мусибатларининг сабабчиси бўлган кимсаларни танқид қилди. Уларга ҳалқнинг нафратини қўзгади, юртнинг истикололи ва озодлигини қўмсаబ шеърлар битди. Жумладан, шоирнинг “Тарихга тош отма”, “Эгилмаган бошим”, “Ўзбеклар иши”, “Мувозанат”, “Бурилиш” каби шеърларида миллатимиз учун тухмат тошлари отилган энг

оғир дамлар тасвирланган. Шоир одамларни шу воқеаларнинг асл моҳияти билан танишитиради.

Маълумки, шўролар замонида узбек халқининг тарихи бузиб талқин этиларди. Ўз тарихидан, ўз миллий қадриятларидан айрилган халқни бошқариш осонлигини тушунган босқинчилар бу ишларни атайлаб ўюштирган эди. Бунинг энг ачинарлиси шу эдикни, ўзимизнинг тарихимизни ўзимизнинг миллат вакиллари бузиб талқин қиласади. Мустамлакачилар ўз қўлимиз билан ўзимизни бўғишга мажбур қиласиган ўта устакор ва маккор кимсалар эди. Шоир мустамлакачиларнинг ана шу қабиҳликларини, айёрликларини сезиб, Ватандошларини уларнинг қилмишларидан оғоҳлантиради:

*Тарихга тега кўрма, эй телба манқурт,  
Ахир у боринг – йўғинг, нонинг, тузингдир.  
Ёмон бўлса шу тарих, шу тупрок, шу юрт,  
Уни ёмон қилган ҳам сенинг ўзингдир!*

Кўриниб турибдики, шоир жуда катта, муҳим тарихий воқеаларни шеърий мисраларда ўта таъсирли ва тушунарли қилиб ифодалашга муваффақ бўлган. Мазкур мисралар шўро ҳукумати даврида ёзилгани эса шоирнинг жасоратидан, ҳақиқатнинг юзига тик қараганидан далолат беради.

Яқин тарихимизда “Ўзбеклар иши” деган бир тавки лаънат халқимизнинг обрў-эътиборини хақорат қилишга қаратилган эди. Шўро ҳукумати даврида турли иллатлар илдиз отиб кетган эди. Бу Бутуниттифоқ миқёсида тарқалган ўғриликлар, порахўриликлар, кўзбўямачиликлар каби иллатлар эди. Буларнинг бошланишига сабаб ўша Москвадаги тубан ва ифлос кимсалар, яъни бошлиқлар эди. Улар ўз айбларини никоблаш учун ювошгина ва беозор ўзбек халқига осилдилар. Ифлос, товламачи кимса – Гдлян бошчилигидаги Бош прокуратура терговчилари бутун ўзбек халқини порахўр, иккюзламачи, қонунни четлаб ўтадиган маккорлар деб коралади. Битта-иккита айборларни топиб, уларнинг жиноятини бутун миллатга боғлади. Айниқса, ўрисларнинг сотқин матбуоти бу ишни бутун оламга ёйишга жон-жаҳди билан киришди. Гўёки руслар, арманлар, молдаванларда бу каби иллатлар йўғ-у, факат ўзбек халқи

жиноятчи, айбдор деб кўрсатилди. Бу миллатимиз шаънига каратилган жуда катта тухмат, қабоҳат эди. Ана шундай пайтда миллатимизнинг шаънини ҳимоя қилиб, кўкрагини қалқон қилиб чикқанлар, асосан, ижодкорлар эди. Шоир Душан Файзий ҳам “Ўзбеклар иши” номли шеърида бу тухматларга карши турди, юртимизнинг, миллатимизнинг обрў-эътиборини, шаънини ҳимоя килди. Шу мақсадда у ўзбекларнинг иши жуда кўп ва бу ишлар ниҳоятда буюк ишлар деб тарихга мурожаат қиласди. Буюк ватандошларимизнинг дунё тамаддунига қўшган хизматларини санаб ўтади. Ўзбекнинг пахтасидан тўқилган матолардан яrim дунё ўз уягини ёпиб юради, дейди шоир.

*Сенга айта қолай, эй подон кимса,  
“Ўзбеклар иши”нинг бир шингилини:  
“Авесто” ва “Урхун...”, “Ал-қонун”, “Хамса”,  
Яна “минг битта”нинг мингдан бирини!  
“Ўзбеклар иши” бу – “Ал-жабру” тождор  
Бир ёқ Спитамен, бир ёқ – Гўрўғли,  
Буюк Навоийси, Улуғбеги бор  
Етти иқлим аро бутундир бағри.  
“Ўзбеклар иши” бу – даҳшатли Темур;  
Жўжи, бўжиларни элдан дафъ этган  
Кутлуг билимларга ҳазинаи нур  
Ўзи бек бир юртдир – довруги кетган.*

Шоир шеърнинг давомида юртимизнинг бебаҳо бойликлари – Мурунтовдан чиқаётган олтинлари, уран ва газлари Московга хизмат килаётганини ҳам таъкидлаб ўтган. Уруш даврида ўзбеклар қанчадан-қанча қаровсиз етим болаларни асрари, қанчадан-қанча ўзбек йигитлари Сталинграддан то Берлингача бўлган жангларда босқинчи немис-фашистларидан Россияни озод килишда жонини қурбон килдилар, дейди. Энди ана шу хизматлари учун айтилган “раҳматнома” шу “Ўзбек иши” бўлдими, деб афсус чекади шоир. Душан Файзий шеърияти фалсафий теран, фикрларга бой. Қачонки шеъриятда фикр ва туйғу уйгунилиги бўлса, бундай шеъриятнинг муҳлислари кўп бўлади, асарнинг умри узун бўлади.

Шоирнинг ишқ-муҳаббат ҳақида ёзган шеърлари ҳам жуда машхур бўлди. Уларнинг кўпчилиги хушовоз хонандалар томонидан кўйланмоқда. Ана шундай шеърлардан бири “Сабо билан” машхур хонанда Ҳабиба Охунова ва унинг шогирдлари томонидан ижро этиб келинмоқда. Бу асар ғазал жанрида ёзилган, саккиз байтдан иборат. Ҳар бир байтда учрайдиган дил илтижолари ўқувчига ажиб бир завқ, тароват баҳш этади, уни сархуш килиб, қалбида ширин туйгулар кўзғайди.

*Дилрабо, қалбимга кирдинг тонгги ул сабо билан,  
Не сабоким, субҳидамида янграган наво билан.*

Эътибор берсангиз, мазкур байтнинг биринчи мисрасида айтилган фикр иккинчисида янада кучайтирилиб берилмоқда. Тонг маҳали эсган шабода билан биргаликда “субҳидамда янграган наво” кўшилиб, ниҳоятда ажиб бир ҳолатни кўз олдингизга келтиради. Лирик қаҳрамон узок айрилиқдан изтироб чекиб, ниҳоят ўз севгани билан висолга эришади. Шунинг учун у толеидан жуда мамнун бўлиб шундай дейди:

*Ўртада ҳижрон эди, ёр бир тараф, мен бир тараф.  
Толеимким юз кўришитирди мени Зўҳро билан.*

Қадимда ошиқ-маъшуқлар ўз ниятларига етишмай, кўпинча ҳаётини фожиали равишда тутатган бўлсалар, мазкур ғазалнинг лирик қаҳрамони ўз тақдиридан рози бўлиб, уни умрининг охиригача мадҳ этишга аҳд килади.

*To тирикман бу ҳаётда мадҳ этай тақдирни мен,  
Этмииш у Файзийни ошно сен каби доно билан.*

Душан Файзий ижодида маҳорат билан ёзилган муҳаббат мавзуидаги бундай шеърлар жуда кўп. Шоирнинг “Эшигингда”, “Тушми, ё...”, “Ишқ”, “Бу кеча”, “Сув бўйида” сингари шеърлари; Лутфий, Навоий, Фузулий, Бобур, Оғаҳий сингари мумтоз шоирларнинг ғазалларига битган мухаммаслари интим лириканинг гўзал намуналаридир. Бу шеърларда ажиб бир товланиш, жило бор.

Душан Файзий ижодида достоннавислик алохида ўрин эгаллади. Унинг “Дўстлик қўшиғи”, “Онаизор”, “Аср монологи”, “Самарқанднома”, “Зухро”, “Кузги япроқлар”, “Темурнома”, “Қисмат”, “Истиқлол” сингари достонлари ўкувчилар орасида машхурдир.

Шоирнинг “Самарқанднома” асари жанр хусусиятига кўра достон-қасидадир. “Самарқанднома” достонида 27 асрлик тарих эгаси, “Осиё мулкининг нафис дунёси”, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд мадҳ этилади. Достон 20 та қўшиқдан иборат. Ҳар бир қўшиқда Самарқанд биографиясининг жонли саҳифалари гавдалантирилади. Шоир Самарқанд тарихи, маданияти ва санъати обидаларини таърифлаганда бор фактларнинг қуруқ тасвири билан чекланмайди, балки давримизнинг юксак идеаллари нуқтаи-назаридан таҳлил қиласи. Самарқанд тарихини, унинг меъморий обидаларини кўпчилик билса-да, лекин уларнинг эътиборига тушмаган янги қирраларини, янги образларини кашф этади:

*Шаҳрим,  
Кексалигинг – Ернинг ўзидаи, -  
Буюк шоҳномадир – умринг ҳар фасли.  
Олис тонготарнинг ёрқин юлдузидаи  
Доим чақнаб турган  
Оташ нафасли.*

Шоир Афросиёбни:

*“Гўё ухлаб ётмиши мангалик уйқуда  
Ҳали ўқилмаган сирли бир китоб”,*

дека таърифласа, “Шоҳизинда”ни

*“Элнинг фахру зийнати,  
Зарҳал кошинлардан битилган достон”*

га киёс қиласи.

Қисқаси, достонни ўқир экансиз, унда Самарқанд тарихини мукаммал ўрганган олим билан тажрибали шоир қалбининг

ҳамоҳанглигини, уйғунлигини сезасиз. Ана шу сабаб, достоннинг ҳар бир қўшиғида ижтимоий маъно ва эҳтирос табиий уйғунлашган – шоирга Самарқанд ҳақидаги зарур ҳақиқатни айтишга ва китобхонга бу ҳақиқатни юқтира билишга олиб келган. Демак, китобхоннинг қалбида олов ёндириш учун шеър ёки достон ёзаётган шоирнинг ўзи ҳам ёниши керак экан. Ана шундагина таъсирчан поэзия туғилади, у қуёш нури каби одам қалвидаги хиссиётларни уйғотади, жунбушга келтиради; умуминсоний ҳиссиётларни тарбиялаш куролига айланади.

Душан Файзийнинг драматик асарлари ҳам бошқа асарлари каби ранг-барангдир. У бир қанча саҳна асарлари ёзиб, шухрат қозонган. Унинг “Зарафшон қизи”, “Келин келди”, “Атласхон”, “Қора соч”, “Ўн етти ёшлилар”, “Кечириңг, онажон!” каби драматик асарлари республикамиз театрларида кўп марталаб намойиш қилинган.

Д.Файзийнинг “Қора соч” драмасида 20 - йиллардаги ҳаёт ва тарихий шароит тасвирланган. Унда, асосан, фуқаролар уруши ва унинг келиб чиқиш сабаблари ўз аксини топган. “Зарафшон қизи”, “Атласхон” драмалари қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларга бағишиланган. “Келин келди”да ҳалоллик, покизалик мадҳ этилса, “Кечириңг, онажон!” драмасида оила шарафи улуғланади.

“Ўн етти ёшлилар” драмасида 10-синфни битирган қишлоқ ёшлари – Зафар, Феруза, Шухрат, Озодаларнинг эзгулик йўлидаги илк мустакил қадамлари таҳлил этилади. Бу ёшлар романтик хаёллар билан ҳаётга кадам босишади. Ҳаёт эса уларни ҳар хил тўсикларга, қийинчиликларга дуч киласди. Ана шу тўсиклар уларни тоблайди ва пьеса охирида ёшлар ҳаётнинг биринчи синовидан муваффакиятли ўтадилар.

Мана шу умумий мuloҳазалардан ҳам аёнки, Душан Файзийнинг драматик асарларида давр ва замон муаммоларини дадил акс эттиришга уриниш кучли. Бу хусусият эса драматургни доимо изланишга, янги қашфиётларга етаклади.

Шоир кейинги йилларда ҳам катта ғайрат билан ижод қилди. У буюк ҳадисчи олим Исмоил Бухорийга бағишилаб шеърий роман ёзди. Бу асар ҳам ўкувчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Китобда Исмоил Бухорийнинг ҳаёти қизикарли қилиб тасвирланган. Олим ҳақидаги тарихий маълумотлар ва

халк ўртасида тарқалган ривоятлар асарга устакорлик билан сингдириб юборилган. Маснавий йўлида ёзилган бу романда Душан Файзий биринчилардан бўлиб Имом ал-Бухорийнинг бадиий сиймосини яратди.

Хуллас, Душан Файзий ўз ҳаётининг асосий қисмини бадиий ижодга бағишилади. Барча асарларида она халқини улуғлади, эзгуликни, инсонийликни тараннум этди. Ундан колган мерос ҳали узоқ йиллар маънавиятимиз ва маърифатимизнинг ўсишига хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Душан Файзий Зарафшоний “Имом ал-Бухорий” шеърий романини шундай тугатган эдилар:

*“Тұғфам сенга әрүр, назмтаъб авлод,  
Күзинг түнса ўқиб, мени қылғыл шод”.*

Демак, бизнинг вазифамиз Душан Файзий асарларини ўқиши, уқиши ва кенг оммалаشتаришидир. Шунда шоир юртимизда, Самарқандимизда яратишида давом этаверади, абадиятга даҳлдор бўлиб яшайверади.

\* \* \*

30.08.2003. “Шарқ тароналари” халқаро фестивалининг ёпилиш маросимига Душан aka билан қатнашдик. Якунида халқаро ансамбль ижросида шарқнинг янги куйи ижро этилди. Бу куйдан таъсирланиб, Душан Файзийга мурожаат қилдим: “Душан aka! Ҳамма халқларни бир жойга йигиб, кўшиқ айттириш имкони бўлса, бу қўшиқнинг мазмуни “Аллоҳга ҳамду-сано айтиш бўлармиди?” дедим. Душан aka: “Ҳа, барча ўзлигини англаса, Аллоҳни таниса – комил дунё вужудга келади. Комилликнинг натижаси – Аллоҳни улуғлаш бўлади”, - дедилар.

Фестивалнинг бундай хуносасидан иккаламиз ҳам ҳузурландик, қўнгилларимиз бир-биридан маъно, улуғвор ҳақ маъносини ичди...

2003.

## МАҲМУД ДИЁРИЙ<sup>1</sup>

*Сархил мева берган дараҳтнинг шоҳи,  
Мевасиз минг бодан афзалир гоҳи.  
Хисрав Деклавий*

Бир ҳадисда айтилади: «Бир киши сўради: «Эй Аллоҳнинг Расули, инсонларининг энг афзали ким?» У зот дедилар: «Умри узун бўлиб, амали гўзал бўлган кишидир».

Аллоҳга шукрки, ана шундай кишилар бор. Уларни англаш, зъозозлаш, улуғлаш имкониятига Истиқлол кенг йўл очди. Қалб кўзимиз каттароқ очилди.

\*\*\*

2750 ёшга тўлган Самарқанднинг машҳур Бибихоним мадрасасига яқин Яккаминор атрофидаги ҳовлилардан бирида фозил инсон Маҳмуд имоми-муфтий хонадонида 1914 йил 7 майда Болтакул дунёга келади. у болалигиданоқ ўткир зеҳнини намойиш этади, китобга ўчлиги билан ном чиқаради. «Чаҳор китоб», «Қиссаи Иброҳим Адҳам», «Қутадгу билиг» каби нодир асарлар, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил, Машраб, Сўфи Оллоёрнинг ғазалларини қунт ва завқ билан ўқир, уларни ўқигандан қироатидан, асар мазмунини бўрттириб етказишидан кўпчилик ҳайратланарди.

Маҳмуд (Болтакул) Диёрий дастлаб 20-йилларда очилган янги мактабларда таълим олди. Билимга ишқибозлиқ уни ўқиш учун Самарқанддаги педагогика билим юртига етаклади. Шеър ёзишга кучли ҳавас уни Садриддин Айний раҳбарлигидаги адабий муҳитга қатнашишига сабаб бўлади. С.Айний билан яқин алокада бўлишига, хонадонида ижодий мулоқотлар уюштиришига олиб келди. Билим юртида чуқур билим олиш билан бир қаторда, адабий муҳитга фаол қатнашади. Дастлабки шеърий машқлари тилга туша бошлайди. Билимга чанқоқлик уни Самарқанд давлат педагогика институтига етаклайди. Олий даргоҳда ўқиш жараённида Садриддин Айнийнинг кўмаги билан Самарқандда иш бошлаган Тожикистон давлат нашриётида

<sup>1</sup> Қаранг: Маҳмуд Диёрий. Ёдгорлик, Т., “O’zbekiston” НМИУ, 2008, 3-13 бетлар.

адабий ходим ва «Ҳакиқати Ўзбекистон» (хозирги «Овози тожик») газетасида маҳсус мухбир бўлиб ишлайди. Диёрий тахаллуси билан унинг биринчи шеърий тўплами 1933 йили «Гули ҳаёт» («Ҳаёт гули») номи билан нашр этилади.

1934 йилда Ўзбекистон ва Тожикистонда Ёзувчилар уюшмаси ташкил топади. Шоир ва ёзувчиларнинг асарларини кўплаб чоп этишга киришилди. Шу йилнинг ўзидаёқ Маҳмуд Диёрийнинг «Бизнинг қалам» ва «Мехнат баҳори» номли икки китоби нашрдан чиқди. 1938 йилда «Вафоли бургут» асари дунё юзини кўрди.

1940 йилда чоп этилган «Тожик адабиётининг намуналари» китоби ўша давр тожик мактаблари учун асосий адабиёт дарслиги эди. Унда Садриддин Айний, Сотим Улуғзода, Абдусалом Дехотий, Мирзо Турсунзода каби ижодкорлар қатори Маҳмуд Диёрийнинг ҳам икки шеъри киритилган эди. Бу тўплам адабиётшунос олимлар Холик Мирзозода, Лутфулло Бузрукзода ва ёзувчи – шоирлар Жалол Икромий, Сухайди Жавоҳиризода, Кибриё Лутфуллаевлар томонидан тузилган бўлиб, машхур шарқшунос олим И.Брагинский таҳриридан ўтган эдики, бу М.Диёрийнинг адабиёт оламидаги парвозининг назарга тушганлигига далил эди. Кейинчалик «Тухфа» (1934) алманаҳида «Таронаи духторони имрӯза», М.Миршакар тартиб берган «Жамбул» (1946) тўпламида «Оқини сарзамини қазоқ», М.Раҳимий тартиб берган «Тожикистон тиллолари» (1947)да «Чамани ишқ», «Гарави ҳосили аъло», «Мехри Ватан», «Янги чашмалар» (1947) тўпламида ўнга яқин шеърлари босилди.

Самарқанд педагогика олийгоҳининг Тожик тили ва адабиёти факультетини 1941 йил тамомлагач, шаҳардаги 5 - ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб узоқ йиллар фаолият кўрсатади.

1946 йилда Маҳмуд Диёрий Тожикистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлади. Тожикистонлик санъаткорлар Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар, Сотим Улуғзода, Фотих Ниёзий, Дехотий, Лоҳутийлар билан ёнма-ён, Самарқандлик шоир Душан Файзий, бузруквор олимлар Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаевлар билан ҳамкорликда ижод қилди.

Унинг кўплаб китоблари нашр этила бошлади. «Шоҳини вафодор» (1941), «Гулрўйи оча» (1954), «Кўли Булўрин» (1954), «Ғунчаҳои ҳаёт» (1956), «Занбўри асал» (1955), «Бозингарак»

(1961), «Шохини вафодор» (1989) каби қатор шеърий мажмуалар шоир ижодининг сермаҳсул ва рангнлигидан далолат беради. Бу тўпламларга киритилган асарларнинг жанри ва шакли турлича. Шеър, афсона, қўшиқ, поэма, шеърий кисса кабилар шулар жумласидан. М.Диёрийнинг хоҳ болаларга аталган, хоҳ муҳаббат мавзуидаги шеърлари бўлсин, уларда, албатта, пейзаж лирикасининг хусусиятлари бўртиб кўринади. Шоир илгари сурмокчи бўлган поэтик гоясини табиат манзаралари билан омухталашибириб юборади. Пейзаж воситасида шеърнинг эмоционал-таъсирдорлик кувватини кучайтиради. Бу хусусият, айниқса, унинг лиро-эпик йўналишидаги асарларида яққол кўзга ташланади.

Кейинги йилларда болалар адабиётига етарлича зътибор берилмаётганлиги ачинарли ҳолдир. Зеро, болаларнинг диди, дунёқараши, эстетик оламини бойитадиган етуқ, фикрчан адабиётларга ҳамма замонларда ҳам эҳтиёж катта бўлган. Бу борада М.Диёрийнинг тожик адабиётидаги ўрни сезиларлидир. У қатор йиллар давомида ана шу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилиб келди. Рус шоирлардан С.Михалков, С.Маршак, ўзбек адиллари З.Диёр, Қ.Мухаммадийлар сингари болалар адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшди. Мисол учун унинг «Асалари» шеърий киссасини кўздан кечириб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шеърий кисса ўн тўрт фаслдан иборат бўлиб, ҳар бир фаслда асаларининг янги бу хусусиятлари поэтик кашф қилинади. Киссадан келиб чикадиган теран хулоса шуки, ғужгон парвоз қилиб турган асарларилар – бу шунчаки тўпланиб, мақсадсиз, стихияли тарзда умргузаронлик қилаётган тўда эмас. Балки, улар бир матлаб йўлида уюшиб меҳнат қилаётган, ҳосил тўплаётган заҳматкашлардир. Шоир асалариларнинг хатти-ҳаракатини инсон ҳаётига менгзар экан, болаларни теварак атрофдаги ҳар бир нарсага, табиату набоботга бефарқ бўлмаслика, айниқса, меҳнатсевар бўлишга даъват этади. Киссадаги ҳар бир фасл ана шу поэтик мазмунни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Шоирнинг яна бир маҳорати шунда кўринадики, у болаларга аталган шеърларида кисқа ҳижоли туроқланиш тартибиға риоя қиласди. Агар шеърий мисраларда қисқа бўғинли меъёрга амал қилинмаса, болаларни зериктириб кўйиши мумкин ва шеърдаги

мақсадни «ҳазм» қилиш қийин кечади. Шоирнинг болаларга аталган бошқа шеърлари сингари «Асалари» қиссаси ҳам беш бўғинли мисралардан ташкил топган, бу эса ўз навбатида шеърга йўнокилик ва оҳангдорлик бағишилаб турибди.

Рақсида занбўр  
Омад парида,  
Аз жояки дур  
Бар мо расида.  
Гашта парафшон,  
Болою поён  
Аз чи чурезон  
Гардида аст он?  
Аз чашм ногоҳ  
Гардида гоиб,  
Эҳ, кард кўтоҳ  
Рақси ажоиб...

Азалдан шарқда ғазал ёзмаган ижодкор шоир саналмаганидек, Бухорою Самарқанд васфида шеър битмаган шоир ҳам камдан-кам топилади. М.Диёр ана шу азалий анъянани давом эттириб, ўзига хос оригинал шеър ёзди. «Самарқанду Бухоро» деб аталган ана шу шеърни имкон қадар ўзбекчага ўгиришга харакат килдик:

Фикрим Самарқанддаю, хаёлим Бухорода,  
Моҳим Самарқанддаю, ҳилолим Бухорода.  
Тирикликнинг сувлари Самарқандда десалар,  
Мен айтаман: сарчашма-зилолим Бухорода.  
Афсонага ўхшайди аслида бу ҳолатим,  
Самарқанддадир bogим, ниҳолим Бухорода.  
Кўнглимни олди ҳаргиз бу иккала жонона,  
Хусним Самарқанддаю, жамолим Бухорода.  
Бундан ортиқроқ толе, қайда дейсан, Диёрий,  
Самарқандда тоғиму шамолим Бухорода.

Шоирнинг турли йилларда яратган марсия, газал, сафарнома каби маънавий-ишқий-интим туйгуларга тўйинган шеърлари

Махмуд Диёрий ижодий диапозонининг кенглигидан далолат беради. Албатта, бу шеърларнинг барчасини юқори савияда битилган, бадииятнинг яхши намуналари дейиш қийин. Агар шоир ижодини хронологик тартибда кузатадиган бўлсак, бу нарса янада аникроқ кўринади. М.Диёрий ижодининг бошланғич даврига мансуб айрим шеърларида ғоявий ният яхши очилмаганлиги, образ такомили қиёмига етмаганлиги кўзга ташланса, йиллар ўтиши билан бу қусурлар барҳам топа бошлайди, малака ва тажриба ўз сўзини айта бошлайди.

Ҳар қалам нақше гузарад, ҳар умре ёдгор,  
Ёдгори умр аз нақши қалам шуд пойдевор.  
Умри мо қўтоҳу умри жовидон дорад қалам,  
Бо ҳазорон нақшу ранги дилрабо чун навбахор...

сингари инсон умри мазмуни-моҳияти ҳакида фикр юритувчи фалсафий сатрлар шоир шеърлари асосининг мустаҳкамлигидан гувоҳ беради, шеърхонларни мўъжизакор оламига етаклайди.

Махмуд Диёрий шеърларини ўқигач, бир сабоқни айтгинг келади:

**Ха, шеър:**

- Инсон руҳияти сирларининг бир зумлик нафис изҳоридир, у батафсил тафсилотга тоқат қилолмайдиган ҳайратдир;
- Илҳомнинг мевасидир, косиб меҳнатининг натижаси змас;
- Ҳиссий яшашдир, шоир дарди ва ҳасратининг инжа тарихидир;
- Туйғуларнинг ҳузурбахш чўғи, фикрининг ички мағзи ва нафасидир;
- Қалбга энг яқин, энг сирдош ҳаяждондир.

Шеър доимо кашфиёт, оҳори кетмаган нозик туйғулар ва залворли мушоҳадалар ифодаси бўлгани сабаб, у яратувчисини доимо олға етаклайди, сирлар ҳазиналарини очишга ундейди, тинимсиз изланишга ва ана шу «азоб»лардангина роҳат топишга ўргатади.

Махмуд Диёрий фақатгина шеър ёзиш билангина чекланмади, ундаги изланувчалик хислатига араб ёзувини

чуқур билиш құдрати жамулжам бўлиб, ўлкамиз тарихини, улуг сиймоларимиз ҳаёти ва ижодини, қадимий қўләзмаларнинг яширин сирларини асосли тадқиқ этишга бош диққатини жалб этди.

Натижада академик Вохид Абдулла ва Ўзбекистон тарихининг жонкуяри Маҳмуд Аминовлар томонидан асос солинган ва Самарқанд давлат университетининг илмий кутубхонасида очилган «Шарқ қўләзмалари ва нодир китоблар» бўлими бир гурух билимдон мутахассисларнинг бирлашувига, баҳслашувига, қашфиётлар яратишига имкон берди. Араб ёзувидағи китобларни ўқийдиган мутахассислар академик Ботирхон Валихўжаев, Авлиёқул Самадов (Самарқанддаги энг зўр каллиграфист), Раҳмон Эгамбердиев, Фахриддин Маъруфий, Абдуҳамид Пўлодий, Хусайн Далилий, Шуҳрат Аминов билан Маҳмуд Диёрий ҳам ижодий алоқада бўлди. Унга арабларнинг настаълик, ярим насаҳ-ярим настаълик, насх ёзувлари сирларини чуқур билиши қўл келади ва сўнгги 30 йил давомида Маҳмуд Диёрий Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Нодира, Увайсий, Румий, Дурбек, Доий каби улуглар ҳақидаги «теша тегмаган» янги маълумотларни, топилмаларни, фактларни зълон қилди. Бу тадқиқотлар республиканинг «Фан ва турмуш», «Гулистон» каби нуфузли журналларида, «Ўзбекистон маданияти» (хозирда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»), «Совет Ўзбекистони» (хозирда «Ўзбекистон овози»), «Ленин йўли» (хозирда «Зарафшон») каби газеталарда босилди. Ҳар бири янгилик бўлган бу асарлар кўпни қизинкирди, турли баҳслар уюштирилишига туртки бўлди.

Биргина «Улуғбек қаерда ўлдирилди?» тадқиқот-мақолосини ўқисак, унинг Улуғбек ҳаётининг сўнгги дамлари ва фожеали ўлими ҳақида Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Давлатшоҳ, Абдуюхир Ҳожа, Ҳондамирларнинг тарихий асарларини ўрганганинги, уларга асосланиб Самарқанддан ҳажга кетувчи йўлларни тафтиш қилганини, турли қишлоқлар (Зормон, Чекка, Довул, Болатош, Мотрид каби) ва тамоман бузилган «Кичик қалъа» нишоналарини излаганини кўрамиз. Муаллиф каби биз ҳам шу изланишларга ўзимизни дахлдордек сезамиз, унинг мушоҳада ва далилларини сўзсиз қабул қиласиз: «Мирзо Улуғбек Самарқанддан 8-10 километр йирокликда

жойлашган Чекка (Зормон) кишилорига ўлдирилганлиги аниқ»лигига ишонамиз.

Шуни алохига таъкидлаш жоизки, Махмуд Диёрий тадқиқотлари матбуотдаги ташвиқотлардан тубдан фарқ қиласи. Уларда макон ва даврни яхлитлаштирадиган, ечилиши зарур бўлган амалий ва назарий долзарб муаммолар ўртага ташланади ва уларнинг аҳамияти илмий жиҳатдан исботланади. Илмийлик билан қизиқтирувчаник, асослар билан рад қилиб бўлмайдиган исботлар занжири шундай бирлашадики, улар митти тадқиқотлар бўлишларидан қатъи назар кишиига илм ва хузур беради. Бу эса – катта маҳоратдир, шоирлик билан тадқиқотчи хислатининг биринкувидан юзага келган Диёрийга хос санъатдир, демакки, улар бугун ҳам яшапига, яратишга қодирдир, шу соҳаларда фаолият кўрсатувчилар учун ибратдир.

Болтақул Диёрий Самарқанддаги библиографларнинг сардори даражасига кўтарилиган шахсdir. У нодир қўлёзма китобларни йиғишига, баҳолашга энг ўч киши бўлган. Ҳар бир китобнинг қадр-кимматини бехато аниқлай олган. Ундан қолган нодир китобларнинг библиографик кўрсатгичи ҳамон бебаҳолигича қолмоқда.

Зуллисонайнлик (икки тилда ижод қилиш) Махмуд Диёрийга ҳам хос. Агар шеърларининг асосий қисми тоҷик тилида ёзилган бўлса, тадқиқотларнинг деярли барчаси ўзбек тилида битилган. Шоир, болалар шоирни сифатида тоҷик адабиётида танилган бўлса, ўлкашунос ва адабиётшунос тадқиқотчи сифатида ўзбек маданияти ва адабиётига, унинг барқамоллигига хисса қўшган.

Икки тилни ҳам анча мукаммал билганлигини, сўзнинг нозик фаҳмушуноси эканлигини унинг сайланма шаклида эълон килинаётган ушбу мажмуаси ҳам исботлайди. Энг асосийси унда ижодкор қалбининг барча товланишлари, таровати, шуъласи, туйғу ва мушоҳадалари барқ уриб туради, Диёрий дилининг яктолиги (битталиги), яъни инсонларга эзгулик ва янгилик улашиш эканлиги, уларни моҳирона ифода қила билиши мана-ман деб кўзга яққол ташланади.

Айни маҳал, Мавлоно Хисрав Дехлавийнинг ўлмас байтларини эсга туширади:

«Икки шам бир-бирдан бўлса ҳам йирок,  
Нурлари пайванддир ҳамиша, ҳар чок».

**Хуллас, ижодкорнинг қалбида ҳайрат бирла пок ният, эзгулик бирла ибратомузлик яшаса, бу одамийликдан дарс берса, унинг қаламидан тўқиилган шеър, мақола, достон, тадқиқот авлодлар билан яшашда давом этаверади, ҳар бир қалбга сабоғини, илмини, ўзлигини бераверади, ривожга, тараққиётга, энг асосийси, инсонийликка етаклайверади.**

Узоқ умр кўриш ва баҳтили яшашнинг юзлаб сирлари бор. Лекин шуларнинг ичидаги энг асосийси – севимли хотиннинг борлиги, унинг очик чехраси, олижаноблиги, поклиги, баҳшидалиги, чиройли муомаласидир.

Махмуд Диёрийга Мусаввара бонунинг ёстиқдош ва кўмакдош бўлиши оиланинг баҳтини, саодатини яратди. Ижод дардини англайдиган, тушунадиган бу аёл Диёрий кўнгил чирогининг равшан бўлишига, ҳаётдан ҳузур топишига, узоқ умр кўришига сабаб бўлди.

Оиласидаги эр ва хотин ўртасидаги тотувлик ва қалбан яқинлик 10 та фарзанднинг туғилишига, камол топишига асос берди. Уларнинг катта муаммоларини, ҳар қандай хархашаларини, турмуш кийинчиликларининг барчасини ҳал этишда «Ая» етакчилик қилди. «Дада» кўлёзма китобларни йиғишдан, ўрганишдан, шеър ижод килишдан тўхтамади. Эрининг ижод «дарди»ни билиши ва шунга асосланиб иш юритиш ҳадисини эгаллаган бу Ая – ишбилармонлиги, болажонлиги, меҳрга бойлиги, «эрни эр қиладиган» хотинлиги билан Самарқандга танилди. «Қаҳрамон она» узоқ йиллар (44 йил) вилоят ижтимоий таъминотида кўп болали оналар бўлимини бошқарди. Ўзбекистон Хотин-қизларининг олти съездига делегат бўлди. Самарқанддаги кўп болали оналарнинг маслаҳатчисига, муаммоларини ҳал қилувчи кўмакчисига айланди. Ана шу ташвишу қувончлардан бўшаганда, дилини шеърга солди, шеър ёзишдек баҳтнинг қувончини туйди.

Унинг бу хизматлари бекорга кетмади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёқ Нодирабегим мукофоти лауреати бўлди. Мусаввара аянинг бундай фаоллиги Диёрий ҳаёти мазмунига гўзаллик ва нур ато этди. **Бундай**

ҳамнафаслик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик; бахтиёрлик, ижодкорлик оиласа туганмас барака келтирди. У ҳамон фарзандлар иқболини таъмин қылмокда, яратышда давом этмокда. Шундай яшашга барчамизни чақирмокда!

Маҳмуд Диёрий ҳаёти ва ижоди Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг олимлари, тожик филологиясининг доцентлари Жумақул Ҳамроев, Аслиддин Қамарзода, Ғофуржон Маҳмудов, журналист Шавкат Мухитдинов, севимли шоир Салим Кенжалар томонидан ўрганилганлиги боис, биз уларга таянган ҳолда ушбу «Суз боши»ни яратдик.

Демак, Маҳмуд Диёрий мероси, уни кенг ва батафсил ўрганувчи, таҳлил ва тадқиқ этувчи изланувчиларга муҳтождир.

\* \* \*

Бир ҳадиседа айтилади: «Бир киши сўради: «Эй Аллоҳнинг Расули, инсонларнинг энг афзали ким?» У зот дедилар: «Умри узун булиб, амали гузал бўлган кишидир».

Маҳмуд Диёрий – ана шу кишиларнинг биридир.

Маърифатнинг умри узундир, унга қанот муҳаббатдир. 92 йил (1914 - 2006) умр кўриб, Мусаввара аянинг муҳаббатидан нур эмиб, ўзлигини шеър ва тадқиқотларга сингдириб ўтган Маҳмуд Диёрий ҳазратларининг «қадам»лари кутлуғ бўлсин. Ҳар бир хонадонга кириш нияти бўлган ушбу мажмуани ўқиб, ҳар ким эзгулик олсин, ўзлигини танисин! Кўпнинг бахтида ўз бахтини топсин!

2008.

## “ОБОД ҚИЛГАН – ОБОД БЎЛАДИ” САБОГИ

Ўтган аллома-ю улуғларни, фозилу донишманларни, шоири ёзувчиларни, бастакору санъаткорларни, уларнинг асарларини эслаш, тарғиб қилиши учун ҳеч бўлмагандага ортида (орқасида) бир нечта яқин одамлари қолиши керак экан. Агар шундай одамларнинг саъй-ҳаракатлари бўлмаса, кўп улуғлар ҳам эсланмас, ҳам тарғиб қилинмаскан!

– Ҳамма ҳам эътибор қылмайдиган асосли ҳақиқатни түгри айтдингиз. Улуғлар кўп, лекин кўпларининг “чўглари”

устига йиллар кул тортар экан. Ковланмагандан сўнг, у чўглар ҳам аста-секин ўчиб кулга айланаркан-да.

— Ҳа, ўзингиз ҳақда жон куйдирувчилар қолишига ҳам эришмоқ ва шу йўлда оқилюна саъий ҳаракатни олдиндан қилимоқ зазгуликдир, ўлимдан сўнг яшашда давом этмоқликдир экан, имконият борида бу соҳада ҳам меҳнат қилиши, меҳр улашишига шошилиши зарурат экан, одамлар!..

\* \* \*

Инсон ҳаёти – тинимсиз окувчи дарё. Кимлардир бу дарёга янги ирмок бўлиб қўшилади. Кимлардир бу дарёдан томчи бўлиб она – Ер бағрига сингиб кетаверади; Умрлар тугилаверадилар, умрлар ниҳоя топаверадилар. Ҳамма биладиган азалий қонуният шундай! Бирок олдингда оққан сувнинг ибраторумуз кадрини, амалларининг сараларини йиғмоқ ва сабоқлар олиш инсонийлик белгисидир, кул остидаги чўғни ҳаракатга солиш, унинг ҳароратидан фойдаланиш, яратиш ишига йўналтириш ҳам сабоги азимдир.

Ана шу сабоққа таяниб, 2012 йил 26 декабрда Самарқанд вилояти матбуот уйида “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими томонидан Самариддин Сирожиддинов (1932-1987) таваллудининг 80 йиллигига бағишлиб хотира кечаси ўтказилди.

Орадан 25 йил ўтганига қарамасдан, кул остидаги чўғ ковлангач, у бор сийрати ва салоҳияти билан жонланди:

1932-йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўргон тумани Кичиккўрпа (Ўтарчи) кишлоғида туғилиб, тўлиқсиз ўрта мактабни ва педагогика билим юртини тутатгандан сўнг, Самарқанд давлат университети (1954-1961)нинг филология факультетини битирди. Даставвал, Каттақўргон тумани “Зарафшон” газетаси (1962-1964)да, кейинчалик вилоятдаги “Ленин йўли” (1964-1975)да адабий ходим, бўлим мудири ва масъул котиб вазифаларида ишлади. Ўн йилдан кўпроқ – то умрининг охиригача (1975-1987) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилоят бўлнимининг масъул котиби лавозимида фаолият кўрсатди.

Самариддин Сирожиддинов филология ва журналистика йўналишларини бирлаштириб, биринчи навбатда, журналист бўлиб танилди. Зарафшон воҳасининг долзарб муаммоларини ёритишда жонбозлик кўрсатди. Унинг 50 дан ортиқ очеркларида, 300 га яқин публицистик асарлари ва ўнлаб илмий маколаларида яратувчан меҳнат моҳияти очилди, меҳнаткашлик ва одамийлик улуғланди. Айни пайтда, газетадаги фаолият унга даврининг мухим вазифаларини англаш, тадқиқ ва таҳлил этиш ҳамда ёритиш хислатини ато этди. Яздан Худойкулов, Шамси Одил, Сурат Орипов, Ўқтам Жавлонов, Нормурод Нарзуллаев, Лутфулло Ҳамроев, Ахмаджон Мухторов каби моҳир журналистлар сафида туриб ўз овозига, ўз услубига эга бўла олди. Бағрикенглика, меҳрибонликка, камтаринликка амал қилди. Газетанинг машакқатли меҳнатини ижодий ва ҳузурбахш меҳнатга айлантира олди. “Журналистнинг нони қаттиқ” деган атамани яратди. Уни оқлаб ейишнинг қадру қимматини улуғланаш хисобига ўзи улуғланди, устоз даражасига кўтарилиди. Асад Дилмуродов, Ҳабиб Темиров, Ҳамида Каримова, Адҳам Ҳайитов, Жамол Сирожиддин каби таникли журналиству ёзувчи-ю шоирларнинг “ёниб яшаган юраги”га, “хайриҳо дўсти”га, “дилкаш ва меҳрибон инсон”ига айланди. У она – Ватан, унинг табиати ва одамларига маҳлиё бўлиб яшади. Айниқса, Каттакўргон адабий мухити вакиллари – Муҳаммадшариф Шавқий, Очилдимурод Мирий, Абдулқодир Ноқис, Ножий Диляфкор, Аҳкар, Вола, Абдулҳамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий, Мамарасул Бобоев, Ҳакима Мутриба, Холис, Нурмон баҳши каби сўз усталарининг ҳаёти ва ижодларини ёритишга академик Воҳид Абдуллаев, филология фанлари докторлари Б.Валихўжаев, Р.Орзивеков, филология фанлари номзодлари М.Махмудов, И.Салоҳиддинов, Раъно Фозиловлар сафида катта хисса кўшди.

Бош диққатини шахсга сифиниш даврининг курбони бўлган сатирик шоир ва драматург Абдулҳамид Мажидий (1904-1939)нинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга қаратди. Абдулҳамид Мажидийнинг турли газета, журнал ва тўпламлардаги асарларини йигиб, уларни билимдонлик билан тадқиқ қилди. Олим Раҳмонқул Орзивековнинг илмий раҳбарлигида 1972-йили “Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди” мавзусида

номзодлик диссертациясини ёқлади. Бундан илхомланиб, Абдулҳамид Мажидийнинг “Танланган асарлари” (1974)ни нашр эттириди. Диссертация тўлдирилган ва янги кашфлар билан бойитилган ҳолда “Абдулҳамид Мажидий” (1982) номли адабий портретга айлантирилди ва босмадан чиқкан бу нашр кўпнинг зътиборига ва зътирофига сазовор бўлди. Журналистик фаолият филология соҳасини ҳам бойитди. Ҳаётнинг тадқики адабиётнинг тадқиқига олиб келди. Иккаласи ҳам Самариддин акада уйғунлашди ва бу уйғунлик унинг мартабасини, обрўйини, маҳоратини оширди.

Педагогика билим юртида ўқиб юрган кезларида шеър ёзиш машқини ўргана бошлаган Самариддин Сирожиддинов кейинчалик “Сирожий” тахаллуси билан гзаллар, мухаммаслар, мусаддаслар ёзди. Адабиётимизнинг йирик сиймоларидан бири – Сўфи Оллоёр (1644-1724) сулоласига мансублиги ва боболари ижодига бўлган кучли иштиёқи классик жанрларда қалам тебратишига сабаб бўлди. “Ҳаётнинг зар китобини” шоирона ўқиб, “вафонинг офтобини” куйлаш Сирожий ижодининг пафосига айланди. Айниқса, Самарқанд мавзуи унинг асарларига гултож бўлди. У шоирнинг “Жаҳонда тенгсиз, танҳо шаҳри”га, “дунёга алишмайдиган дунё”сига айланди:

Менинг мавжудлигим - мавжуд Самарқанд,  
Жаҳон тож бўлса гар, ёкут – Самарқанд.

Сирожийнинг турли йилларда турли сабаблар билан ёзилган ашъорлари тўпланиб, таваллудининг саксон йиллиги арафасида “Армон” (Т., “Наврўз” нашриёти, 2012) номида нашр этилди. Ундаги мувавишашлардан бирини ўқийлик:

Шукурким, сен каби ўғлим - гурурим бор бу оламда,  
Сурурим осмон бўлғай сени ҳар эслаган дамда.

Улуғлар давраси сенга асрлар мунтазир эрди,  
Кириб келдинг, алар завқин кўрарман ёнгучи шамда.

Ҳавас айлар эдинг Саъдий ва Ҳофизлар тариқатин,  
Сигин, хокини сурт кўзга, алар қўймас сени ғамда.

Рақиблар бўлса бўлсин кўп, vale ёлғиз эмас сен ҳам,  
Кўриб жаҳду сабот сенда ёвузлар қолди мотамда.

Азиз фарзанд, ўзинг хушёр тутиб алпона меҳнат қил,  
Этиб мен ифтихор, кўкрак керай ҳар тўю байрамда.

Тут, эй, ўзни Сирожий хуш, зафар кучгусидир ўғлинг,  
Ва қолмас юқ бўлиб бурчим менинг ҳам чўғли елкамда.

Беш ўғил (Анвар, Ақмал, Шухрат, Ўқтам, Хотам)ни  
“бошида шуъла сочган тож” малаги Мукаррама опа билан вояга  
етказган отанинг Шухратга бағишлиланган ушбу асарида ҳам  
фарзандларга бўлган меҳри, ишончи, орзуси, ифтихори “чўғли  
елкаси”да ёниб турибди. Бугун Шухратнинг ота йўлидан бориб,  
навоийшунос олим бўлиб Республикада танилганлиги.  
Самарқанд давлат Чет тиллар институтининг ректори вазифасида  
ишилаётгани бунга ҳаётий исботдир. Шеърдаги шуур билан ҳаёт  
ҳақиқатининг реаллигидир, ният билан амалнинг омухталигидир.  
Ота ва фарзанднинг бир-бирига муносаблигидир, ўзаро меҳру  
окибатнинг натижасидир, кўнгилларнинг ободлигидир.

Бир қараганингизда, Самариддин Сироқиддиновга ўхшаб  
яшаган Исомиддин Салоҳиддинов, Шавкат Холматов, Қобилжон  
Тоҳиров, Исройл Мирзаев кабилар кўпчиликни ташкил этади.  
Улар фан ва бадиий ижод даргалари Воҳид Абдулла, Нуриддин  
Шукуров, Орифжон Икромов, Ботирхон Валихўжаев, Жўра  
Аҳмаджон, Душан Файзий, Бобумурод Даминов, Василий  
Ларцев, Худойберди Дониёров, Сайдулла Мирзаев каби  
алломаларнинг шогирдлари саналардилар. Шу боис, улар кўзга  
кўп ҳам ташланавермасдилар, ижодлари намуна бўладиган  
даражада баҳоланмасди ҳам. Лекин, улар ўз оиласарида бадиий  
ва илмий ижодга асос солган, фарзанларини қаддини тиклаган,  
батзиларини эса шу йўналишга бошкарган эдилар. Иқтидорли  
зиёли сифатида даврнинг илғор, етакчи фуқаролари бўлиб,  
юртимизнинг равнақи учун беминнат хизмат қилгандилар,  
мънавиятимиз ва маданиятимизнинг ривожига туртки берган  
бунёдкорлар эдилар. Бу энди, кичик гап эмас.

Истиқлолдан нур эмган, “доимо пок ният ва соғлом инилиш билан яшаш” (И.Каримов)ни мақсад деб билган талантли фарзандлар (Шуҳрат Сирожиддинов, Дилором Салохий ва ш.к.) ўз ота-оналарининг қадру кимматини тиклашга киришар эканлар, Президентимиз айтганларидек, бу “ободликнинг кўнгилдан бошланишидир”. Халқимизга хос бўлган эъзознинг, эътирофнинг, меҳр-оқибатнинг сара мевасидир.

“Донагидан мағзи ширин” бўлишнинг воқеланишидир. Дарвоқе, Самариддин ака бўлмаганида навоийшунос олим ва арбоб Шуҳрат Сирожиддинов, олим ва шоир Салохиддин ака бўлмаганида навоийшунос олима Дилором Салохийлар бўлмасди... Ана шундай “аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифа” (И.Каримов)га айланиши ва барчага асқотиши – одамийликдир, Истиқлол ғоясининг гўзал гулидир.

\* \* \*

Эй, дўст! Ушбу битиклар Сизга озгина фикр берган бўлса, қалбингиздаги қўнгироқни уйготинг! Унинг садосида “Ўтганлардан сабоқ ол, келажакка сабоқ бер” мазмуни жарангласин. Сизни ҳаракатга ундан, кўнгиги ободлигини, оила ободлигини, мамлакат ободлигини воқе қилишингизга куч-қудрат ва барака берсин. Бунинг учун эса шошилии лозим, азизлар!

2013.

## СЎЗ ҚАДРИ – УМР ҚАДРИ

Сўз қадрини билмаган –  
ўз қадрини билмас.

Макол

Тельман Раҳматов фаолиятининг асосий саналари

1939 йилнинг 4 октябрида Жиззах вилоятиниң Фориш туманига қарашли Осмонсой қишлоғида туғилган.

1947-1957 йилларда Осмонсой қишлоғидаги 1-сон ўрта мактабни кумуш медаль билан тутатган.

1957-1962 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган ва уни имтиёзли диплом билан битирган.

1957 йилда ЎзССР Олий Совети Президиумининг «Фахрий ёрлиги» билан тақдирланган.

1962-1970 йилларда Самарқанд вилояти «Ленин йўли» (хозирги «Зарафшон») газетаси таҳририятида маҳсус мухбир, адабий ходим ҳамда ахборот бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1970-1973 йилларда сабиқ Иттифок Фанлар Академияси Тилшунослик институти қошидаги аспирантурада таҳсил олган, профессор З.Р.Тенишев раҳбарлигида «Самарқанд шаҳри ва унинг атрофи топонимияси» мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб борган.

1974 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя килган.

1974-1992 йилларда Самарқанд давлат педагогика институти «Ўзбек тили» кафедрасида, кейинчалик «Тил ва адабиёт» кафедрасида ўқитувчи, катга ўқитувчи, «Ўзбек тили ва адабиёт» кафедрасида доцент лавозимларида ишлаган.

1992 йилдан то умрининг охиригача Самарқанд Давлат университетининг «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси доценти сифатида ишлаб, жамоатчилик асосида кафедра мудири муовини вазифасини ҳам бажарган.

1995 йил 9 ноябрда вафот этган.

## Барҳаёт дўст

Филология фанлари номзоди, доцент Тельман Раҳматович Раҳматов билан узоқ йиллар Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида ишладик, ҳамкорлигу дўстлик ришталари билан боғланган эдик. У кишида журналистлик билан олимлик хислатлари бирлашган эди. Нутқи равон, маъноли, мантиқли эди, мақола ва маъруза матнлари (ёзма «нутқи») замоннинг нозик фактлари билан боғланган публицистик руҳда бўларди. Энг асосийси, муаммолар таҳлили майда-чўйдалардан холи бўлиб, моҳиятни тадқиқ этишга бўйсундирилган бўларди. Оз сўзлаб, соз гапириб, кўп нарсани англатиш қоидасига амал қиласи, кўплаб «сўз тугунини бир сўз

билан еч»ишга уста эди. У күп гапирувчи эзмаларни, сұз устида чала-чулпа ишлаган кишиларни ёқтирасди.

Үнда ҳар бир сүзнинг қадрига етиш хислати баркамол эди. У муҳаррирлик (тахрир этиш)ни ёзишдан кўра хуш кўради. Батъзи тўпламлар унинг қулига тушса, эринимасдан «бўйяди», айниқса, ёшларга тадқиқот ёзишнииг сирларини очик ва яқол кўрсатарди. Уларга «ўрганганинг ўзингга» керак, келажакдаги олимлигингга фойда бўлади қабилида амалий «насиҳат» беришдан чарчамасди. Даставвал, Тельманнинг қулига тушган мақоланинг эгаси ўзининг сўздаги «нўноқ»лигидан ўқинар, хафа бўлар, гўё унга аччик қиласди. Кейинчалик, мақоладаги «губор»лар чиқиб кетгач, Тельманнинг қалбидаги илм ва нурдан яшинган асарнинг илмий-бадиий савияси баландлашарди: қискалик, лўндалик, расолик яққолрок кўзга ташланарди. Буни сезган, тушунган, кўриб турғанларда унга нисбатан катта бир хурмат, иззат туғиларди. Тельман ўзгалар қалбини шу йўл билан ром этарди.

Тельман Раҳматовичнинг кўплаб фазилатлари орасида ана шу хислати - сўзга бўлган ишқибозлиги ва меҳри бугун ҳам тирик. Барчамизга ибрат, эскирмайдиган сабоқ, боқий эзгулилардир. Тельманжон (жойи жаннатда бўлсин) учун эса барҳаётликдир.

2009.

## ШАРАФЛАРГА ЛОЙИҚ ОДАМ

*«Хотираси ўзи севган одамлар қалбida мұқадdas сақланадиган одам, менимча, ўлимдан кейин ҳам барҳаёт бўлиб қолиши учун зарур ишини қилиб қўйган одамдир».*

*Г.Эберс*

Хотира... Унинг уйғониши учун Сиз билган одам қалбингизда ё эзгулиги, ё ёмонлиги билан тирик яшаётган бўлиши лозим. У билан боғлик барча муносабатлар (кувончлар, роҳатлар, севинчлар, аламлар, қайгулар, кулфатлар, сабоқлар) кўз

ўнгингда кино лентасидек ўтиши шарт. Шуниниг учун ҳам мавлоно Ғайбуллоҳ ас-Салом дегандилар: “Инсонда гавҳари шамчироқ, деган жавҳар бор. Бу хотира. Ана шу хотира кўзгусида у ўзини, одамларни, бутун ёргу жаҳонни кўради. Хаёлотнинг тулпор отида дунё кезади...”

Холмирза ака билан боғлик ҳаётий ленталарнинг чеки-чегарасини эпосга қиёсласам бўлади. Уларнинг барчасини, ҳаттоки, биргина парчасини айтганда ҳам, битта ҳақиқат манаман деб юзага чиқараверади: кўпнинг баҳти учун меҳнат қилган одам, кўпнинг баҳтида ўзлигини топган ўқитувчи-профессор, ректор, вилоят партия комитетининг учинчи котиби, кафедра мудири бўлиб тирилади. Шу хислати туфайли рўшинолик топган инсон бўлиб гавдаланади.

1960 йил. СамДУнинг филология факультетида Холмирза ака комсомол ташкилоти бюросининг котиби, мен эса шефсектор бошлиғи эдим. Ўша пайтларданоқ Холмирза ака бизга ўrnak эди. Кўп минг сонли талабаларга қилган яхшиликларидан шодланиб, кўнгли кувониб юради. Ташиббускор эди, жамоани аниқ мақсад сайин (пахта чопиги ва йигим-теримида, шанбаликларда, ётоказонадаги тадбирларда, турли ижодий учрашувларда) бирлаштиришга, уюштиришига устамон эди, раҳбарларнинг миннатдорчилигини олиш ҳаракатидан чарчамасди.

Бундай фаолиятга қалб кўрини аямас ва қалби буюргандай кеча-кундуз қунт билан ишларди, ёнида доим ўнг кўли – психолог Мусо Халилов (жойлари жаннатда бўлсин) бўларди. Иккалалари ҳам талабаларнинг ҳақиқий сардори ва саркори эдилар.

Уларнинг ташаббусларини эзгуликка ўраб, бойитувчи ва ўқув-тарбиявий ишларнинг сифатига йўналтирувчи Орифжон Икромовдай, Раҳим Муҳимовдай, Василий Ларцевдай мададкор устозлари бор эди. Бу устозлар Холмирза акага ўrnak, Холмирза ака эса бизларга намуна эди. Устозу шогирдлик уч бўғин (деканат-комбюро-талаба)нинг мустаҳкам алоқасида ривож топарди. Биз ўз навбатида илмнинг кадрини, тарбиянинг курдатини турядик. Ҳаётни, одамларни ўрганардик, севиш ва севилишнинг мактабини ўтардик. Жамоани бошқариш санъатидан сабоқ олардик.

Бугун мен қай даражада илм ва тарбияда «бойлик» орттирган бўлсам, бу «бойлик»нинг сабабчилари беистисно ўша устозлардир, уларнинг ўлмас сабоқлари, дуоларидир.

Кўп вақт ўтмай, олим ва шоир, иирик жамоат арбоби Орифжон Икромовнинг кўллаб-куватлашлари сабаб, Худойберди Дониёров домламиз Сирдарё пединститутига, Холмирза ака эса Термиз педагогика институтига ректор этиб тайинландилар. Бу олий ўкув юртларнинг ҳам Самарқанд давлат университети салоҳиятига мос даражага кўтарилишларига Орифжон Икромов ишонардилар. Чунки барчалари ҳам олий таълимнинг фидойиларидан эди ва уларнинг меҳнати беиз кетмади. Иккала олий даргоҳ ҳам аста-секин катта ютуқларни кўлга киритди ва Истиқлол йилларида «Университет» мақомига эришди. Холмирза ака бурчга содиклигини исботлади. Янада юқорироқ лавозимларни эгаллашида бу хислат қўл келди. Катта баҳтга, иззат-икромга эга бўлди... Меҳнат билан ҳамма нарсага эришиш мумкинлигини ўз фаолияти билан исбот этди...

Хотира... Хотирада тирик бўлган инсон ўзининг одамийлиги, яхшилиги, ибрати ва фидойилиги билан ҳамкорликда билвосита яратишда давом этаверади. Унинг иккинчи умри ҳаммадан пок, барчадан дониш, баркамол ва шарафларга лойиқ бўлиб қалбимизда яшайверади.

2010.

## ТУЛПОР ҚАЛБ

*Меҳнатда топишган дўст ажрагимас.*

Мақол

Равшанжон билан деярли бир вақтда Самарқанд Давлат университети ўқиганмиз. Иккаламизнинг Сайд Шермуҳаммедов ва Орифжон Икромовдек раҳнома қадрдонларимиз, таълим-тарбиямизнинг толмас назоратчилари бор эди. Улар бизга – намуна, биз забт этишимиз лозим бўлган олимлик, мураббийлик, арбоблик бобидаги чўққилар эди.

Биз ҳам илмга чанқоқ эдик. Равшанжон тарих факультетида, мен филологияда ўқир эдик ва бизни илмий-ижодий тўгараклар, конференцияларда қилган маъruzаларимиздаги ютуқлар

таништирган, қадрдонларга айлантирганди. Равшанжон ҳам, мен ҳам Воҳид Абдуллонинг “тулпор”лари сафидан жой олгандик: ўқиша ҳам, жамоат ишларида ҳам илғор бўлишга интилардик. Эртамизга бугун асос колаётганимизни илғардик, эъзозли, билимдон, керакли ва етук мутахассис бўлишга тинимсиз интилардик. Қадрдонларимизнинг, устоз Воҳид Абдуллонинг ишончларини оқлашга бел боғлагандик... Шу тарзда Йилларни йиллар қувиб ўтди: фан номзоди ва доктори даражаларига, доцент ва профессор унвонларига эришдик. Равшанжон Навоийдаги Педагогика институтда ректор, кафедра мудири бўлиб, мен Самарқанддаги Педагогика институтида ва Самарқанд Давлат университетида кафедра мудири бўлиб ишладик. Кучимизнинг борича олий таълим мутахассисларини етишириш ишига хизмат қилдик.

Равшанжон билан талабалик йилларида бошланган қадрдонликка, бир-биrimизга бўлган ихлосга ҳеч қачон путур етмади, балки у баҳтиёrligimizga куч-куvvat berdi.

Бизлар бир-биrimизни атайлаб излаган эмасмиз, бир-биrimizнига борди-келди ҳам қилмаганмиз. Учрашувларимиз турли маросимлар сабаб, қутилмаганда юз берарди. Лекин кечагина хайрлашган ва йиллар орзиқиб кутган дўстлардек кучоклашардик. Бундай самимий меҳру оқибатимиздан, бир-биrimизни “ака” деб ҳурмат қилишимиздан атрофдагилар ҳайрон бўлишарди. Равшанжоннинг ақли, дили, таъби, табиати – гўзал эди, пок эди, у шу салоҳияти билан мафтун этарди.

Равшанжон Навоий Педагогика институтини ўз фарзандидек, севиб тарбия қилди, борлигини берди. Педагогика институти кутлуг Олий даргоҳга айлангани сайин Равшанжон ҳам ўси, фалсафа фанлари докторига, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Халқ таълими ходимига, моҳир профессорга айланди. Олий даргоҳ эса мамлакатимизнинг Педагогика институтлари ичida ўзига хос чирой очди, таълим-тарбия соҳасида юксак кўрсаткичларга эриша бошлади. Ота ва фарзанд (эт ва тирнок)ни ажратиш мумкин бўлмаганидек, Пединститут билан Равшанжоннинг ҳамкор, ҳамдўст, ҳамдард, ҳамдиллигини алоҳида тасаввур қилиш мумкин эмас.

Равшанжон соғлигининг оғирлашганлиги туфайли ректорлиқдан бўшаганда ҳам Пединститут уни ўзидан

узоқлаштиrmади, балки унга янги куч-куват ва меҳру муҳаббат берди, унинг тинимсиз инсоний хизматларини унумтмай бағрида колдирди. Равшанжон ҳам “Мансаб билан баландмас одам, Мансаб одам билан мұхтарам” (А.Жомий)лигини унумтмади, умрининг охиригача олий даргох ва унинг жамоаси билан бирга бўлди. Равшанжон буюк баҳтини ана шундай ҳамкорликдан топди. Бу баҳт барқарорлигига минг шукр!

Менинг етмиш йиллик (2012 й.) тўйимга Навоий педагогика институтининг ректори, сенатор, қадрдон Ҳолбой Ибрагимов, Равшанжон Раҳмонов, Абдуҳамид Ҳолмуродов, Ҳамид Мирзаев каби дўстларим келишди. Менга тўёна қилиб Равшанжон танлаган катта суратни тақдим этишди. Унда тулпорлар етагидаги отлар уюри қибла томонга файрат ва шиҷоат билан чопаётганликлари (“учаётганлари”) тасвири бор эди. Равшанжоннинг кўнглимдагини топганига беҳад хурсанд бўлдим. Ундаги рамздан аниқ мақсадга таяниб кўп учун яшайдиган, кўпнинг оғирини енгил қиласидиган, ўрнини ҳеч ким боса олмайдиган инсонга даҳлдорликни, шунга чақирикни, ишончни, ҳурматни туйдим.

Равшанжон жасоратга тўлиқ хаётни босиб ўтди. Ўз халқига, ўз олий даргохига умрини баҳшида этди. “Равшан” сўзининг “Ёрқин нур сочадиган” маъносини ва шунга мос одамлигини ошкор қилиб ўтди. Иккинчи умрида ҳам қадрдоним ёруғлиги нур таратаверишини Аллоҳдан сўрайман!

2013.

## ҚАССОБ АКАМ – ШОИР АКАМ!

*Ўтар инсон яхши – ёмони,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур...  
Мухаммад Юсуф*

“Бир уядан неча алвон (ранг-баранг, хилма-хил, турли-туман) күш учади” деганлари рост экан. Оиламиздаги барча акаукаларим, опа-сингилларим ўқишига ружу қўйгандилар, деярли ҳаммамиз мактабда “беш”га ўқирдик. Дадамиз ва аямиз томонларидан доимо сарҳисоб қилинар, энг кўп “беш” олганларни совға, пул, мақтов орқали рағбатлантирас эдилар.

Фақатгина бу рағбатлантиришдан Маъруф акам қурук қолардилар. Мактабдан кўра кўпроқ Ўрдада жўралари – амакиваччаларим билан турли-туман ўйинлар ўйнардилар, мактабдаги ўқишидан чарчагандек бўлиб келардилар, китоб ўқишни, дарс тайёрлашни хушламасдилар.

Катта акамларнинг ёрдамлари билан Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникумининг асаларичилик соҳасига ўқишга кирадилар. Икки ойдан сўнг қайтиб келадилар. Қанчалик қистовга олинсалар ҳам ўқишга қайтиб бормадилар. Иваново шаҳрида аскарлик бурчларини ўтаб қайтгач, дадамларнинг касблари – қассобликни ўрганиб, то нафақага чиқғунча шу соҳада ишладилар. 80 ёшдан (1930-2010) ошиб, дунёдан ўтдилар (Аллоҳим, ўзинг магфират қилгин!).

Ҳаммамиз ҳам тогамиз Ҳамид Олимжонни яхши кўрардик, шоир сифатида у кишига тенг келадигани ҳали туғилган эмас, деб англардик. Барчамиз шоирнинг кўплаб шеърларини ёд олгандик. Лекин энг қизиги шундаки, Маъруф акам барчамиздан кўпроқ ёд олган эдилар. Вактлари чоғ пайтлари, ҳеч ким сўрамаса ҳам, Ҳамид Олимжоннинг шеърларини кетма-кет ифодали ўқирдилар. Шеърнинг мазмунига мос оҳангга солиб, берилиб (шоир образига кириб) ўқиганларида қассобга ҳамма тасанно айтарди. Ҳайратга чўмғанлардан “Сиз қассоб эмассиз, шоирсиз, шоир” – деган олқишиларни эшитардилар. Қайси (дўстлари йиғилишларида, тўйларда, тугилган кунларда...) даврада ўтирган бўлмасинлар. албатта, шу давра акамларга шеър ўқитишарди, шундан тўйиб ҳузурланар эдилар.

Ҳамид Олимжоннинг “Бахтлар водийси”, “Ҳар юракнинг бир баҳори бор”, “Ўрик гуллаганда”, “Ўлка”, “Энг гуллаган ёшлик чоғимда”, “Ўзбекистон”, “Кўлингга курол ол!”, “Йигитларни фронтга жўнатиш”, “Шинел”, “Россия”, “Нихол” каби шеърларни тўлик ёд билардилар, шу шеърларнинг бирон сатрини айтсангиз, қолганини адашмасдан ёд айтиб берардилар. Шеърнинг моҳиятини ифодали ўқиши жараённида унга мос хатти-харакатлар қиласа эдилар, бу хатти-харакатлар чиройи ва самимийлиги билан шеър завқини, таъсирини баландлатарди.

“Хўжум чоғи чекинма ҳеч,  
Тулкини шер бўлиб бос.

Тирноқ билан бағрин йи॑рт,  
Күлингни дор қилиб ос”, –

дея ёд айтарканлар, күйлакларининг кўкрак қисмини шартта икки томонга тортиб очардилар. Тирноқлари билан кўкракларини тимдалаб (қизартириб), бир қўлларини дор шаклига келтириб, иккинчисини немисни арқон билан осаётгандай шаклга солиб, ҳайқириб ўқирдилар... Онанинг ўз ўғлига, кўзи қорасига қилган нидоси акамлар ижросида одамларни ҳайратга чўмдиради... “Қассоб – шоир, қассоб – артист, лекин ҳақиқийси”, – деб тан олардилар.

Акамларнинг мана шу хислатлари у кишига қалқон, кўриқчи ва асровчи вазифаларини ўтарди, қизиконликларини, андишасизликларини, лоф-коф ишлатишларини, зарда килишларини, ўзларини катта олишларини, баъзида ўйламасдан “хом” гапиришларини, дил оғритишларини босиб кетарди. Бу хил камчиликларини туғишганлар ҳам, қавму қариндошлар ҳам, атрофдаги одамлар ҳам кечириб юбораверадилар, чунки у кишининг юрагида кир йўқ эди, кўнглини қолдирган кишилари билан эртасиёқ апок-чапоқ бўлиб кетаверадилар. Ёмон килиқларини ароқка ва ўқимаганликларига тўнкаб, хафа килган одамларини қаттикроқ кучоклаб, юзларидан ўпиб, кечирим сўраб кетаверадилар, бу ҳаракатларни қийналмасдан, чин дилдан бажаришга одат қилгандилар.

Яна қизиқ одатлардан бири ҳазил-хузул билан яқинларини “чув” туширадилар, кулгули ва қувноқ ҳолатларни яратиша топқир эдилар. Иккита мисолни айта қолай!

1) Уйимизда 20 тупга яқин токлар бор эди. Узумнинг оқ кишиши, қора жанжал, шўлғани, ҳусайни, тойифи, “туятиш” (“Дамские палчики”) каби навлари бўлиб, улар етилиши арафасида халталардик (сурпдан, қофоздан халталар тикириб, узумни аридан, қушлардан асраш учун сара бошларга халтани кийдириб оғзини боғлаб кўярдик). Ҳаммамиз энг яхши кўрганимиз “туятиш”ни кузнинг охиригача асрашни келишиб олардик. “Туятиш”га навбат келгач, бир бошидан халталанган бошларни уза бошлардик, лекин кўпчилигининг ичи бўш бўлиб, яккам-дуккамида узум бўларди. Бунинг сабабчиси Маъруф акам эдилар: бизларга билдирамасдан ўzlари еб, халтасини яна боғлаб

кўяверар эканлар. Бизлар “туттиш”ни уза бошлаганимизданоқ, у киши мулойим ва ёзилиб кулиб кўчага чиқиб кетардилар. Ёки “Халтадаги узумнинг ичини арилар боплаганга ўхшайди”, – деган сабабни рўкач қилиб, қувончга тўлиб кулардилар ва хузурланардилар.

2) Самарқанддан қачон Жиззахдаги қадрдон хонадонимизга борсам, албатта, палов пишириларди. Мехмон сифатида менга маза қиласиганим гўштили илик тегарди, иликни қоқиб, иштаҳа билан ердим. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Лекин сал силкигандан илик қошиққа тушмади, қаттикроқ коқсам ҳам натижа бўлмади. Буни кўриб турган Маъруф акамлар даврадагиларни барчалари эшитадиган қилиб, “Самарқандда юравериб, иликни ҳам қоқиши эсингдан чиқарвортганга ўхшайсан, гўшттахтани олиб келиб, қаттикроқ коққин”, – дедилар. Иликка ўчлигим сабаб гўшт майдалайдиган тахтани олиб келиб, ҳамманинг диққатини жалб қилиб, чунонам қоққанимдан сўнг, илик ичидан буханка нонининг ушоқлари чиқди, денг. Ҳайрон қотдим. Акамлар эса барчага қараб, “Қўй буханка нонга боқилган шекилли, илигининг ичидан буханканинг ушоқлари чиқяпти” – дедилар ва хузур қилиб кула бошладилар…

Палов сузиладиган пайт ошхонада иликни қоқиб ебдиларда, ўрнига нон ушоқларини исканжалаб (босиб, жойлаб) маҳкам қилгач, суюк оғзиға озгина илигидан суртиб қўйган эканлар.

Мени “чув” тушириш ҳазиллари амалгам ошганидан шўхшўх кулган, бошқаларни ҳам кулдирган эканлар…

Хуллас, бундай ҳазилларни ҳисоблаб, ёзуб охирига етиш қийин. Лекин айтилганидан ҳам акамларнинг қувноқ ва ҳазилкаш одам эканликлари англашилаяпти.

Шу боис, юкорида бир чимдим айтганиларимдек, у киши ўзларига хурсандлик келтирадиган ҳолатларини вое қилишга устамон эдилар. “Кулгу – юракнинг чўткаси, тозаласанг бардам бўласан” деган гапларини кўп такрорлардилар. У кишининг бу хислатларини яққол кўрсатувчи туркум ҳамгомалардан бир нечтасини ўқишингизга ва холосани ўзингиз чиқаришингизга чорлайман.

## Меҳмон – “келинойиң”

Акамлар кассоблик касбининг билимдони эдилар. Таниш – билишлари хисобсиз, жўрабозликни хуш кўрадиган йигит бўлиб танилган ва кўпинча кечаси соат 12.00. гача улфатчиликдан бўшамасдилар.

Ёз кунлари ҳаммамиз ҳовлидаги чўп кароватларда ухлардик. Акамларга тегишли кароват биздан панароқ жойга, ҳовлининг энг чиройли гўшасига ўрнатилган эди. Келинойим уйда бир ўзлари ётишга ҳайиқардилар чамаси, то акамлар улфатчиликдан кайтгунларича ташқаридаги кароватда ухлардилар. Акамлар кеч колганларини билдириласлик учун секингина ҳовлига кирардилар, электр чирогини ёқмасдилар ва келинойимни уйғотиб, уйга кириб кетардилар.

Самарқандда ўқийдиган иккинчи акамлар жўралари билан меҳмонга келишди. Меҳмон овқатлардан кўра кўпроқ ароқка ишқибозлик қилдилар ва хурракни баҳона қилиб, узокроқдаги кароватга ётишни маъқул кўрдилар. Меҳмон – атойи худо, айтганига кўнмаслик мумкин эмас...

Ярим кечаси Акамлар анчагина кайф билан келадилар-да, хар кунгидек хотинларини аста тутиб уйнинг эшиги олдида кутиб турадилар. “Келинойим” ўриндан турмайдилар. “Ха, менинг кеч келганимга аччиғланиб турмади, шекилли”, - деб ўйладилар, аста кароватга бориб, “келинойимни” оёқларини силайдилар, у киши эса оёқларини забт билан тортиб оладилар. “Оббо, жаҳли зўрку” дея акамлар, “келинойимни” юмшатиш учун “Унта “ҳап-ҳап”дан битта чап-чап яхши” мақолини эсга олиб, астагина бўса олишга интиладилар.

Бу харакатлардан меҳмоннинг юраги қинидан чиқар ҳолига келади. Шунчалик кўрқадики, “Шарпадан кўрқкан қоровул шақилдоқ чалар” деганларидек, “дод” дея ўрнидан туриб кетади. Майкачан, бўйдор кишини аранг кўрган акам ҳам кўркқанидан меҳмон каби бир вактда “Вой, дод” деб, электр чирогини ёқишига интиладилар...

Бу шовқиндан ҳаммамиз уйғониб кетдик: Меҳмон кароватда типпа-тик турар, акамларнинг ҳайронликдан оғзилари очиқ колган, иккалаларининг кайфларидан бир чимдими ҳам қолмаган

эди. Келинойим эшикнинг кесакисига суюниб, кулиб турардилар...

“Түғилган ой – түғралган мой”дек йиллар ўтди, меҳмон қудамизга айландилар, бу ҳангома эса эскирмади. Қачон бирга йигилишсак, у, албатта, эсланади, янги-янги “нозик” қўшимчалар билан бойийди, биринчи эшитаётгандар бир қоп семиришади. Ҳамон у харакатда, баракали, шифоли кулгу уйғотади, “жонларга роҳат, танга қувват” бағишлади...

### Қўтириш касаллиги ва “Ланда калор”

Ҳали тонг ёришувига анча вақт борлигига қарамай, бугунги бозор жуда гавжум: қўйлар ҳам кўп, одамлар ҳам кўп. Демак, нарх-наво–арzon.

“Бисмилоҳир раҳмонир раҳим” дея бир қўйни баданини силасам, қўлим қўйнинг суюгига тегмади, каттиқроқ, ботиброк кўл юргизсам ҳам сукка тегмади. Демак, қўй-семиз. Бўйнидан куракка томон кўл юбориб, безини ушлаб кўрдим, унинг анча катталигини ҳам қўлим сезди. Кўтариб чамаласам 25 килоча юки бор. Демак, 20 кг. чистый гўшт – юк қиласди. 20 ни 8 га кўпайтирасак – 160 сўм бўлади.

Савдони 80 сўмдан бошладим. Чўтим – 120. Ўн сўми борди – келдига – даллолга, чек ҳақига, йўл кирага, нақ 30 сўм фойда. Шу хаёллар билан сотувчини қўлини қаттиқроқ сиқиб силкийверганимдан кейин 100 сўмга чиққанимданоқ, рози бўлди. Бор-барака қилдик. Хурсандлигимдан теримга сигмайман, ахир фойда 50 сўмга боряпти.

Уйга етиб келдим. Тонг отди. Қўйга қарасам зотли мол-у, лекин калласи – қўтирилар. Арзоннинг сири аён бўлди. Қайтиб бориб сотган одамни қидириб тополмасам, отини билмасам, афтини аниқ кўрган бўлмасам... Нима бўлсаям келгуси бозорни кутишга қарор қилдим.

Ўйла-ўйлаб охири йўлини – “замонага яраша амали”ни топдим: Шанба куни хотиним сочини бўйайдиган “Ланда калор”ни топиб олдим. Тиш шўткасига ўшандан суртиб, қўйнинг қўтирилар калласига хўп ишқаладим. Қўтири билинмайдиган бўлди, лекин ёруғда денг, ялт-ялт этади.

Нима бўлсаям – бўлди, хотиндан балога қолмасам бўлди. “Туя кўрдингми?” – “Йўк”, “Бия кўрдингми?” – “Йўк” деганларидай, ҳеч кимга билдиримай тонг коронғуси қўйни бозорга олиб бордим.

Таниш қўйбоқарга дуч келдим. У:

– Бу қўйингни калласи мунча жалтирайди. Шунака қўйим жўк эди, кел 120 бераман. Менга сот, - деб туриб олди. Айбини айтай десам, пулдан куруқ қоламан, айтмай десам мен ҳам алдаган бўламан. Машойихларнинг “Бироннинг кўнглини оламан деб, ўзингнинг кўнглингни қолдирма” деган гапини эсимга олдим-да, “Бор барака” қилдим. “Молнинг эти – томоғингга боп, териси – ёғингга қоп, мугузи – пичоғингга соп, ичаги – қубузингга таноб” деб унга шеър ўқигандай бўлдим. У курсанд бўлди, мен дилимга далда бердим...

Орадан бир неча ой ўтди. Бозорда яна ўша қўйбоқарга дуч келдим. “Бир нима деса керак, ишқилиб, қўйларининг ҳаммасига қўтириб касаллиги юқмаган бўлсин-да” деб, сустоб килиб саломлашдим. Сабаби, машойихлар “Туя қўтири бўлса бўтасини булғайди” дейишган-да! Ўтганлар ҳақ гапни айтишган, бизга ўхшаб алдашмаган.

– Ҳе, қассоп! Жахши журупсанми? Калласи жалтираган қўйинг чопкир қўчкар чиқди-да, жана бўса манга бер – 200 дан кам бермайман, - деди.

– Ялт-юлти тамом бўлдими? – десам, ялтиллаган жойларидан майин жун чиққанини, чаққон, чарчамайдиган мол бўлганини гапириб берди, “Ланда калор”нинг қўтирга даво бўлганини билиб денг, ланг қотиб қолибман: на гапира оламан, на кула оламан. Бу ҳолимга қўйбоқар ҳам ҳайрон: “Бунга бир бало бўлдиёв” деб мани туртиб-туртиб қўяди... Мен анчадан сўнг сал ўзимга келдим: суюнганимдан беўхшов хиринг-хиринг кула бошладим. Буни кўриб қўйбоқар ҳам зўрға илжайгандай бўлди. Иккаламиз ҳам “хайр-хуш”ни нася қилиб, бир-биримиздан (ичимизда Худойимга шукр келтириб) эсон-омон узоклашдик.

### “Ёввойи” сигир ва арок

“Қассобга мой қайғуси. Эчкига жон қайғуси” деганларидек, машина олишга шунчалик қизиқдимки, пулни етмаган қисмини

қоплаш учун уйдаги бир-иккита гиламни, ҳеч ками йўқ сигирни сотишга бола-чақа келишдик. Замона зайди-да, қассоб оиласи мошинада юрса, бозорга вақтида борса, мошинадан мол иси келиб турса, бунинг савобига ким етсин.

Сигиримизга энг кўп ичи ачиган хотиним бўлди. Иккаласи ҳам бир-бирига ўрганган, ҳар куни камида уч бора мулоқот қилишарди. У баъзан маърар, баъзан калласини силкитар, баъзан думини ўйнатарди; хотиним эса у тушунса-тушунмаса-да худи қадрдонига дуч келгандек, алқаб чиройли сўзларни айтарди. То у ёқ-бу ёғини силамагунча сигир ором олмасди. Унинг баданидаги иссиқни, қарашидаги ҳузур-ҳаловатни сезмагунча хотиним тинчимасди.

Бозордаги турли-туман моллар ва одамлар, шовқин сигиримизга ёмон таъсир қилди: ювош мол хуркиб, ўйноклаб, сапчий бошлади. Баданига, елининг биронта одамнинг қўлини тегизишига йўл кўймайди. Бундай “ёввойлик”ни кўрганларнинг ҳаммаси чўчиб, сигирнинг нархини сўрамай, узокроқдан ўта бошладилар. Нима қилсан экан, уни қандай тинчитсан экан, арzon-гаровга бўлса ҳам сотишим керак. Бўлмаса мошинадан қуруқ қоламан, деган ўй-хаёл қийнай бошлади. Бирдан миямга бир фикр келди. Шогирдимга “Хой, анави ерда кабобпаз бор, ма, мана шу пулга яримта ароқ берсин. Тез олиб келгин”, - дедим. Унгача мен сигирни бозорнинг чеккароғига етакладим. Шогирдимга “Ароқни оч, мен сигирни оғзини очаман, сен ароқни қуясан”, - дедим. Шогирдим жуда шошилган, ажабланган бўлсада, индамади. Сигирга 200 грамм ароқ кетди.

Ёпирай, сигирнинг кўркканидан қалтирашлари беш минут ўтмасдан босилди. Эҳтиётлик билан елининг қўл юбордим. Тинчлик. Эмчакларини бирма-бир ушлаб кўрдим, хуркмадиям, индамай (ҳаракат қилмай) жим турди. Ўзим баъзан қалтираганимда бир стакан ароқни урвордим. Дарров асаблар жойинга тушарди. Қўлим ҳам керакли нарсани бехато топарди. Шу тажрибам сигирга аскотганидан хурсанд бўлдим. Уни бозорнинг ўртасига етакладим. Сигирни баъзан бир неча қўллар силар, елинини ушлаб кўтарди. Сигир бамайлихотир турарди. Ювошлигини кўрганлар ичидан харидорлар кўпайиб борарди. Яхшигина пул бўлди, ҳатто мошинани “ювиш”га ҳам етади-ёв!

Бу воқеани ҳануз эсласам, күзимга ёш келади. Сигирга күшиб 200 грамм арокни ҳам сотиб юборганимга, у мұмай пул келтирғанига ҳамон ҳайрон бўламан. Баъзида ичганимда асов молларни арок ичириб сотувчи жаллоб бўлсаммикан, деган орзуйим жўш уради.

### “Саёз дарё шовқин оқар”

Нарх-наво, гўшт-ёғ қимматлашган сайин фақат савлат ортиб бораяпти. Колгани...

Шу денг, олтмиш уч ёшга киргандар “Пайғамбар оши” қилиб элга дастурхон ёзсалар, мен ўзим яхши кўрган совет одатига амал қилдим: “день рождения” эълон қилдим. Ахир, умр – оқар дарё дейдилар, бизники саёзрок оққанидан олтмиш учга кирганимни ўзим ҳам билмабман: араку кайфу сафо билан, мол сўйиш-у қиммат сотиш билан ўтиб кетибди...

Зиёфатга илгари келмаган қариндош уруғ-у, ёру биродарлар ҳам келишди. Ўғилнинг тўйига атаб қўйган икки юзта арок ҳам, тўртта кўчкор ҳам ғинг демай кетди. Хотинни “Кетган келар, кетмонлаган келмас”, деб тинчитдим. Уни бир хурсанд қилай деб, кеча келган падаркаларни ичидан танлаб-танлаб янги шимкастюмни, янги ботинкани, янги дўппини кийиб, хотинга кўриниш бердим:

– Қалай, хотин, қирқ беш ёшга кирган йигитдайманми? – дедим, фўдайиб, баланд овозда.

Хотин эса қовоғидан қор ёғиб деди:

–Менга сиз олтмиш учдан ўтган, қариб қуюлмаган кассобсиз! Ичингиз пук-у сипойилигингизга ўлайми?!

Бу ҳангомани атрофдагилар сезмасин деб, гапига жавоб тополмай, ўзимни уйга урдим. Ўзимни тирик товон ҳис қилиб, апил-тапил ечиндим...

Уф... ичим ёнаяпти... Овозни баландлатмасам, дўк-пўписага ўтмасам кун йўқ:

– Ҳой, опке, қолган-қутган ароғингни... Умрни едиларинг-ку!..

\* \* \*



Шайх Кутбиддин  
домла



Авлиёкул  
Абдусаматов



Воҳид Абдулло



Орифжон  
Икромов



Пиримқул  
Қодиров



Р.Р.Муқимов ва  
Н.Ш.Шукуров



Ботурхон  
Валихўжаев



Ғайбулла ас-Салом



Худойберди  
Дониёров



Ҳакима Ҳасанова



Асад Мирзаев



Жўра Ҳожиматов



Аҳад Ҳасан



Душан Файзий



Маҳмуд Диёрий



Самариддин  
Сироҷиддинов



Тельман Раҳматов



Холмирза Ҳолиёров



Равшан Раҳмонов



Маъруф Икромов



Махбуба Камолова ва  
Ғанижон Икромов



Ҳамроқул  
Носиров



Тазнаберди Қурбонов



Холмуродов Рустам Иброҳимович



Аминжон Бакаев  
ва оиласи



Шавкат Маҳматмуродов



Жўрабой Холиқулов



Жума Ҳамроҳ



Холмўмин Мамараҳимов

Сезяпсизки, тараллабедод яшаш, ароққа ишқибозлиқ Маъруф акамга ҳам кўплаб қайгу ҳасратлар келтириди. Йигирма йиллар бефарзандлик азобини кўрдилар. Ҳаётларининг анчагина қисми бекорчиликка кетди, нуксонларини ҳам кўпайтириди... Охирги ўн беш йил ичкиликсиз ўтди, ҳаётларининг мазмуни йилдан-йилга чирой очди, ёқимтой, намозхон қарияга айландилар. Шеър ўқиш иқтидори, қазилкашлик фазилатлари ўсиб, бетакрорлик, машҳурлик касб этди. Катта ҳурматга сазовор бўлдилар. Минг шукр!

Туғишганларга, қавму қариндошларга меҳрлари ортди. Уларни ҳафта ё ўн кунда бир кўрмасалар, жудаям соғинардилар. Самарқандга бизларни кўргани тез-тез келардилар. Ичакузди ҳангомалари тугамасди, уйимиз, кўнглимиз кулгуга тўларди. У киши баҳонасида зиёфат зўр бўларди. “Энди уч кун Жиззахга кетмайман, сизлар билан бирга бўламан”, - деган ваддани берардилар. Эрталаб ҳаммамиздан олдин турадилар ва “Энди кетмасам бўлмайди, Жиззахдагиларни туш кўрдим. Мени чакиришаётпти”, - дер эдилар. Нонуштани килиб ё қилмай, йўлга чиқишига илҳақ бўлардилар. Бу ҳолатнинг такрор-такрор бўлишига кўникканимиз туфайли, акамларни доимо шоҳавтобекатгача кузатиб қўярдим.

Акамлар оғир йўқотишларга учраганимизда кўпчилигимиздан ортиқроқ йиглардилар, азоб тортардилар, йўқотишларнинг аламлари юрак-бағриларини эзиб ташларди. Фамгин бўлиб қолардилар, кам гапирадилар. Самимиликлари, дилларининг соғлиги яққол сезиларди. Ўтганларнинг умрини сарҳисоб қилиб, ўзлариникига солиширадилар, шекилли. Хулоса чиқариб, ҳар сафар покланардилар. Ҳалол умр кечиришга ва ҳаётнинг маъносини нашъали ўтказишга шошилардилар. У киши инсонни ва ҳаётни ҳадсиз севардилар, бу севгиларида меҳр етакчилик қиласидарди.

Акамлардан қолган бу хислатлар бизларнинг хотирамизда ҳамон тирик. Ҳамон ззгулик яратишга чорлайди. Яна минг шукр, дейман!

Аллоҳим! Акамларнинг билиб-бilmай қилган гуноҳларини (ҳаммамизнинг гуноҳимизни) маҳфират қилгин, жаннатингдан жой бергин! Гуноҳкор бандаларингмиз, муҳаббатингга зормиз!

2013.

## ЯНГАМУЛЛОМ ОЛАМИ

Кечам – армон,  
Эртам – гумон,  
Бугунни – қурбон!  
Фарида Афруз

Янгамуллом ва Гани акамларнинг ОЛТИН тўйлари 2012 йил 29 сентябрь куни “Самарқанд наво”да нишонланиши мўлжалланган ва чиройли таклифнома ҳам чиқарилган эди. Тайёргарлик авжига чиқсан, фақат таклиф қилинадиган меҳмонлар рўйхатини қайта кўриб чиқиб, таклифномаларни тарқатиш маслаҳатига йигилишимиз колганди.

21 сентябрь. Ҳар кунгидай акам ва Янгамуллом ошхонада нонушта қиласидар. Кайфиятлари чоғ. Иксалалари узоқ сухбат қурдилар. Соат 11.00 ларга яқин Акамлар рўзгорга керакли бальзи нарсаларни харид қилиш учун дўконга борадилар. Янгамлар эса ошхонадаги нонушта столига рўйхатларни ёйиб, пардоз-андоз кутичаларидан фойдаланиб, тушлик тараддудига кириша бошладилар.

15 дакиқалар чамаси ўтгандан сўнг Акамлар ошхонадаги стулда Янгамни кўрмайдилар. Уйга кирган бўлса керак, деб ўйладилар-да, хоналарга бирма-бир кириб чиқадилар. Тополмагач, яна ошхонага қайтадилар. Қарасалар, Янгам стулдан йиқилиб, полда ётган эканлар. Дарров кўтариб олиб, диванга ётқизадилар. Янгамлар бехуш, лекин нафас олишлари, юракларининг ишланиши мўътадил...

Бу хабарни эшитганларнинг барчаси етиб келишди. Кетма-кет докторлар ҳам кириб, бундай холатнинг сиру сабабларини ўрганишга киришдилар. Мия қон томирларида тромб (қон ивиб қолиш ҳодисаси) юз берганини аниқладилар. Ўринларидан бирон кун қимирлатмасликка келишиб, турли дори-дармонлардан муолажани бошладилар.

Бир кун ўтса-да, Янгамларда ҳеч қанақа ўзгариш рўй бермади. Докторларнинг холосасига мувофиқ вилоят юрак касалликлари шифохонасининг реанимация бўлимига жойлаштиришди. Муолажалар тинимсиз давом этди. Акамлар, ўғил ва қизлари – Олимжон, Нигора навбатчилик қилишди.

Ноёб дори-дармонларнинг ҳам фойдаси бўлмади. Докторлар “ўлим тугунини еча олмади”лар. Ўзларига келмасдан, хайр-хўш қилмасдан 25 сентябрь куни Янгамлар дунёдан ўтдилар. Бир олам –

дунёнинг зийнати бўлган меҳрибон Она, қалби беғубор Дил ўтди... Икки оила (Икромов ва Камоловлар)нинг суянган тогига, маслаҳатгўйига, кайвонисига айланган, тажрибаси бой дунёси ўтди. Мўлжалланган олтин тўйга бир неча кунлар қолганда, ҳаммамизни гафлат ва додга қолдириб, оқилу доно, қўли гул, гўзал ахлоқ згаси, меҳрибону моҳир, олам-олам тажриба тўплаган, қадр-қиммати баланд Янгамуллом 73 ёшларида янги оламга сафар килдилар... Гўзал хотиралар, ибратли сўзлар, умрга татиидиган сабоқлару хикматлар гулдастасини қолдириб кетдилар... Ҳазрат Абдураҳмон Жомий айтганларидек, “Ўтганлар ёдидан дилингни шод эт”иш пайти келган экан, уларни ёзишга киришдим.

\* \* \*

### Умр йўллари ва баъзи сабоқлар

Янгамлар – Маҳбуба Камолова 1939 йил 27 июнда Самарқанднинг Регистонига ёнбош Қўшқовуз маҳалласида дунёга келганлар. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатган Маҳбуба Камолова 1956 йилда Самарқанд давлат университети, Ўзбек филологияси факультетининг чет тиллар (француз тили) бўлимига ўқишига кирадилар. Аъло ўқийдилар, дугоналари ва устозлари хурматига сазовор бўладилар. У пайтда катта акам Орифжон Икромов шу факультетда декан ўринбосари бўлиб ишлаганлар. Маҳбуба Камолованинг одоб-ахлоқи, муомаласи, хаёси, хушбичимлиги, ибрати акамларнинг ҳам диққатларини тортган. “Яхши келин бўлиши мумкин”, - деган тушунчалари ҳам балки шунда туғилгандир. Мен бўлсан, янгамлардан уч курс кейинда эдим. Иккинчи курслигимда акамлар чақириб, иккинчи қаватда кетаётган уч дугона – Мубаро, Мавжуда, Маҳбубага имо қилиб, “Улардан ўнгдагиси Фани акангга муносибга ўхшайди. Қани, сен ҳам зеҳн солиб юр-чи!” – дедилар. Мен ҳам ўзимни билиб-бильмасликка солиб, лекин бўлажак янгамни кузатиб, ўрганиб юравердим...

Фани акам янгам билан улар бешинчи курсда ўқиётганларида танишдилар. Мен бирданига янгамнинг дугоналари тилида “Инкас кайни Маҳбуба”га айланиб, янгамнинг мендан хуркиб қочишлирага даставвал завқим келиб, кейинчалик эса ўрганиб ҳам қолдим.

1962 йилда турмуш қуришди. Акамлар Тошкентдаги Ядро институтида ишлаганлари боис, СамДУнинг чет тиллар

кафедрасида ишлаётган янгам ҳам Тошкентда, Ядро институти жойлашган шаҳарчада яшаб, Ўзбекистон Фанлар Академияси кошидаги чет тиллар кафедрасида ишлай бошладилар.

“Физика” ва “Лирика”дан туғилган “Шоҳ асар” – янги оила баҳти ҳаёт кечира бошлади. Ахиликлари билан атрофдагиларга намуна бўлдилар, кўни-қўшнилардан, иш жойларидан кўтилаб дўстлар орттиридилар.

У пайтлар акамлар ишдан сўнг томорқаларида кетмон чопардилар. Май ойининг биринчи ҳафтасида помидорлари қизариб, картошкалари етилар эди. Янгамуллом чой чиқарар ва акамлар билан томорқа бошида узоқ сухбат қуардилар: кунлик, ҳафталик, ойлик режалари пишиб етиларди. Акамлар учун Янгамуллом “жон малҳам”и эди. У кишини олға юргизишнинг локомотиви эди. Акамлар, ўз навбатида, Янгамуллом учун ишончли турмуш ўртоғи ва йўлдош бўлдилар.

1963 йилда Нигора туғилди. Ширингина, қорачадан келган чиройли чақалоқча. Уни Янгамуллом қўярга жой тополмасдилар, ҳатто, ўнлаб фарзандларни катта қилган аямларга ҳам, ўз оналарига ҳам ишонмасдилар. Улар чақалоқни қаттиқроқ турмаклашяпти... бешикка кўп ётқизишяпти... гавдасини кўтарадиган килиб қўлчаларини харакатта солсалар, “вой, қўли чиқиб кетади”, дея хавотирланардилар... Кўнгиллари доимо Нигора билан банд бўларди: кулса – кулардилар, йигласа – йиглардилар. Нигорани кўргандагина кўзлари қонарди. Орзулари амалга ошганидан кўнгиллари яйради. Унинг соғлигига катта эътибор берардилар ва уни топилмас бойлиқдай асрар эдилар. “Бола – лой, она – кулол” деганилариdek, онанинг ардоғида, қучоғида, меҳрида, бор-буудида Нигора катта бўла бошлади.

Эсимдан ҳеч чиқмайди: 1964 йилда мен ҳам Тошкентга бориб, аспирантурага кирдим. Кунлардан бир куни акамларникига Нигорабонуни кўргани боришга ният қилиб, йўлга чиқдим. Ҳар куни Тошкентдан маълум вақтда Ядро институти шаҳарчасига автобус қатнарди. Акамлар, янгамлар ҳам шу автобусда эканлар, бирга кетдик. Янгамнинг қўлларида катта пиёладек келадиган анор бор эди. Мен ҳазиллашиб “Янгамулло, бозор катта-ку!” дедим. “Ҳа, Нигорага олган эдим. Анорнинг ширинига ўчроқ”, дедилар. Мен “Шундай экан, нега килолаб олмабдилар”, деган ўйга бордим. Кейинчалик билсан, рўзгор килолаб анор олишга имкон бермас экан. Фақат Нигора учун ҳар

Тошкентта тушгандарида бир донадан анор олар ва ўзлари емасдан унга едирап эканлар...

Янгамулломнинг бундай болажонлиги Олимжон түғилган (1971)да ҳам пасаймади, балки янада ортди. То умрлари сўнгигача уларга посбон бўлдилар. Эру хотин бирлашиб, фарзандларини бирор нарсага зориқтиримай, “жаннат чечаклари, беҳишт раҳёнлари” (Муҳаммад САВ)дек асраб, фазилатлар сингдириб, тартиб ва интизомга ўргатиб, одобли қилиб ўстирдилар.

“Одобли ўғил (Олимжон) – кўқдаги юлдуз, одобли қиз (Нигора) – ёқадаги қундуз”га айландилар. Олимжон – мамлакатимиз молия вазирининг ўринbosари, икки ўғил ва бир қизнинг отаси. Нигорабону Самарқанд давлат чет тиллар институтининг катта ўқитувчиси, икки ўғилу бир қизнинг онаси, икки набиранинг бувиси. Ватан ва ҳалқ учун ёниб яшаш, уларни севиш, қалблар гўзалликлари олдида ҳайратланиш, туганмас ишонч ва шижаот, меҳру оқибат – улар ҳаётининг дастурига айланган. Яхши тарбиянинг бундай натижасига минг шукр! Бу ҳакиқатни яратган улуғ оталик учун, буюк оналик учун офарин! Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги бундай қадрдонлик, иззату хурмат бокий ва ҳаммага мушарраф бўлсин!

1969 йилда Акамлар оиласлари билан бирга Самарқандга кўчиб келишди. Акамлар Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида кафедра мудири, проректор, узок вакт ректор бўлиб хизмат килдилар. Янгамуллом эса, қадрдонлари – Самарқанд давлат университетининг чет тиллар кафедрасида француз тилидан дарс бердилар. Нафақага чиққанларидан сўнг ҳам то 2000 йилгача ишладилар. Бу йилларда Янгамуллом чарчаши нима эканлигини билмадилар. Ҳаётнинг барча қувончу шодликларини, йўқотишу азобларини симирдилар, тажриба ва сабоклар тўпладилар. Форс-тоҷик, рус, француз ва ўзбек тиллари соҳасидаги билимларини камолотта етказдилар. Тинимсиз ўқидилар, ҳайратландилар. Ўқиганларини уқидилар (мушоҳада қилиб, бугунги ҳаётга боғлай билдилар). “Хотамжон, умр худди яшин каби тез ўтиб кетаяпти, ҳеч нарсага улгура олмаяпман”, деб баъзида айтардилар. Ҳолбуки, бирор кунлари бекор кетмасди. Ҳар куни кўндаланг бўладиган ўнлаб муаммоларни ечардилар, фарзандлар ва рўзгор ташвишларини аъло бажариб, ётиш олдидан камида икки соат бадиий асарларни мутолаа қилардилар.

Бадиий асарларни мен олиб борардим. Мен ўқиган асарларимни барчасини Янгамуллом ҳам ўқирдилар. Китобга шўнғирдилар, ҳам кўпчилигини акамларга ўқиб берардилар. Дам олишга кетишаётганда, албатта, икки-учта ўзбек романлари ҳам сафарга кетарди. Ўқилган бадиий асарлар номини бир неча саҳифаларда қайд қилгандан кўра, биргина мисолни келтира қолай. П.Қодировнинг “Уч илдиз”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар”, “Юлдузли тунлар” асарлари билан танишишгач, улар ёзувчи билан мендан-да зиёдрок тарзда иноқ бўлиб кетишиди. Пиримкул aka Самарқандда келгандаридан, албатта, уларнинг азиз ва қутлуғ меҳмонига айланардилар. П.Қодировнинг соддаликлари ва асарларининг таъсирчанлиги, улар ўртасидаги вобасталик Янгамуллом ва акамларни маҳлиё этганди.

Янгамуллом ва менинг бир хил асарларни ўқишимиз, китобларни дўст тутишимиз, шу китобларнинг натижаси бўлса керак, бизни бир-биримизга яқин маслакдош бўлишимизга олиб келди. Адабиётдек бетакрор мўъжиза ҳаётга, маънавиятга, тарбияга қарашларимизни, бадиий дидимизни яқинлаштириди. Фахму фаросатимизга, хусни хулқимизга ривож берди. Маънавий она билан фарзанднинг муносабатини воқе қилди, меҳру оқибатимизни мустаҳкамлади.

(Бугун энди, шундай баркамол, “дарё мавжи”дек бетакрор маслакдошим йўқ. “Зар қадрини заргар билади”, деганларидек Янгамулломни йўқотишнинг азоби менга жудаям оғир. Изтиробнинг чеки-чегараси йўқ. Оқилу доно, қўли гул, жонбахш китобхон – Янгамулломни кўмсайман... Яхшиликларни, “қул ўрнига гул”ни, буюк мураббийликни қолдирган Янгамулломнинг рухи тириклигини англабгина, шукр, дейман.)

Янгамуллом оиласдаги ҳамжиҳатликни, тушунишни, ишонишни, фаровонликни, хурматни сақлашга беминнат хизмат қилдилар. “Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир” (А.Франс) ҳакиқатини воқеликка, ҳаётнинг зарур қоидасига айлантира билдилар. Қайд этилса, кўпчиликка арзийдиган бир хислатлари бор эди. Оиласларида бაъзида нохушилклар, тушунмовчиликлар юз берса, у киши бу муаммони ечишга жон диллари билан киришардилар. Ҳар қандай аччиқни, жаҳлни, ҳатто, ғазабни ҳам юта олардилар. Сабру тоқатлари буюк эди, лекин кўнгилларидаги ўчмас дафттарга уларни қайд қилиб кўярдилар. (Рахматлик Аяконим ҳам дадамларнинг жаҳулари чиққанида, бу жаҳулга “керосин” сепмасдан, уни дадамларнинг кўнгилларига хуш ёқадиган турли муқомлар билан пасайтирадилар. “Момақалдиrok” бир зумда ўтиб кетар эди.)

Янгамуллом чидамли, оқила аёл эдилар, дафтарнинг тұлишини кутардилар. Аямлардан фарқы ҳолда, бошқаларга билдирмай, айбдорни аямасдан шундай сурпасини қоқардилар-ки, у қочишиңа жой тополмасди. Күнгил дафтарига битилған ноҳақ айбларни кетма-кет фактлар сифатида көлтириб, барчаси ноўрин эканлигини исботлаб, ўладигандай қилиб мулзам килардилар. Бундай “дарс”ни олган айбдор кейинчалик ҳүшёрликни йўқотмасликка, жаҳлини жиловлашга, ноўрин гапирмасликка интиларди. Аёвсиз, исботли танқиднинг оқибати оиласда ҳамжиҳатликнинг, хурмату иззатнинг мустаҳкамланишига олиб келарди.

Бундай донолик, усталик, моҳирлик у кишидан бугун ёдгор бўлиб қолди...

Бир олам кетди. Лекин у қолдирган мерос йиғилса, янги-янги оламларни, асрларни доғда қолдириб, бойитаверади, дарё каби мавжига маҳлиё қилаверади, тонг каби уйготаверади.

### Күнгил – шоҳона овқатнинг асоси

Келинойим (Янгамуллом)ларнинг барчалари пазандаликда моҳир эдилар. Аямларнинг “дарс”лари бекорга кетмаган, маслаҳатларига амал қилиб, улар пазандаликни санъат даражасига күттаргандилар. Биласизки, шоирлик маҳоратининг баланд намунаси ғазалдаги шоҳ байт (хусни матлаъ)га боғланади.

Агар ҳазрат Алишер Навоийнинг

“Тийра кулбамга кириб, жоно, ўлумдин бер најсом,

Зулмат ичра Хизрга ул наъвқим оби ҳаёт”,

матлаъси билан бошланувчи ғазалини ўқисак, ундаги охирги байт хусни-матлаъдур:

“Ишқинг ўтин гар Навоий десаким айлай рақам,

Сўзидин куяр қалам, қурур қора, эрир давом.”

Яъни, “Навоий сенга бўлган ишқини ёзаман деса, сўзи тафтидан қалам куяди, сиёҳ қурийди, сиёҳдон зриб кетади.” Ишқнинг бундай ҳарорати гўзал ифодалангани, хулоса тарзида тараннум этилгани – ғазалнинг шоҳ байти саналади.

Пазандалик маҳоратининг энг юқори намунаси эса шоҳона овқатга бориб тақалади. Менинг Келинойим (Янгамуллом) ва келинларимнинг барчасида пазандаликнинг иккитадан “шоҳ байти” бор, минг шукр!

Нарзи келинойим (Орифжон акамнинг хотинлари) “Наполеон” тортини яратишида, ошкадидан буррак пиширишда беназир эдилар. Хоҳланг тортдан бир бўлак, хоҳланг ошкади бурракдан озгина татиб кўрсангиз, уларни чайнашнинг ҳожати йўқ эди, оғизга кирганданоқ, янги шоколаддек эриб кетарди.

Шамси келинойим (Маъруф акамларнинг “Күёшлари”) тандирда ёлган гўшти бурраклари, майдалангандан гўшт ва гурунч ҳамда турли гиёхлар кўшилган қатиқли ошлари танга роҳат эди, мазаси, тоти етти жаҳонга донг таратса ҳам кам, дегим келади.

Маҳбуба Янгамуллом зигир ёғда пиширилган паловнинг устаси эдилар. У кишининг паловини еганда отнинг кучини, ошнинг гўштини еганда тойнинг кучини сезардик. “Улдирса ҳам, ош ўлдирсин”, - дея кўп ердик, хўп ердик. Фани акамлар паловнинг кам ёғлисини яхши кўрсалар, мен мойлисига ишқибоз эдим. Раҳматлик Янгамуллом ош сузганларида козонда қолган ёғни бир коса (пиёла)га солардилар. Палов сузилган лаганнинг мен ўтирган томонини салгина пастлатиб, коса (пиёла)даги ёғни гурунч устидан окизардилар. Паловни мойи билан еганда, ош мойисизига нисбатан тез, ёқимли ҳазм бўларди. Организм ошни ҳазм қилишга бор кучини сарфламасдан, балки ўзига керакли модда (витамин)ларни сўриб, куч-кувват оларди. Паловнинг 98% организмга юкиши сири ҳам, менимча, айнан шундай ҳолат билан боғлиkdir.

Ҳозир ҳам кўз ўнгимда: лаганда чиройли қилиб сузилган палов – гўштлари, сабзилари етилиб пишганидан, керакли ёғни ўзларига сингдирганидан ялтирайди, гурунчлар эса ёйилиб, сув ва мойда хузурланиб пишганидан ҳавасингизни уйготади; бир-биридан алоҳидалик касб этган, айни пайтда, бир-бирига шундай жипслашганки, ҳали емасингиздан оғзингиз сув очади (сулак безлари “вулқон”дек ишлай бошлайди)...

Товуқни, куркани бутунилигича пиширишда ҳозиргача Янгамулломга тенг келадиган пазандани учратмадим. У киши эринмасдан, узоқ вақт (товуқ) куркани тозалаб, сувда 3-4 марта ювардилар. Қайнатилган сувни совутиб, туз ва ўзлари биладиган турли гиёхлардан аралашма тайёрлаб, шунга товуқни солиб, бир кечакундуз салқин ва коронги жойда сақлардилар. Кейин, худди мантини пишириш усулига ўхшатиб, тайёрлардилар. Туз ва гиёхлар бутун баданига чуқур сингиганидан, етилиб пишганидан кўриниши – дикқатимизни жалб этадиган қизғишрок рангда бўларди. Тезрок ейишга рағбатингизни қўзғатарди, иштаҳангизни карнай киларди.

Билишимча, бу хил шохона овқатлар келинойим (Янгамуллом)ларнинг кўнгилларидан сув ичарди. Пишиш жараёнида дилларидан баҳра оларди. Ҳа, юраклари меҳрини овқат ҳам симиради, чамамда.

Меҳрнинг бунчалик улуғлигини кўринг. Унинг кирмаган жойи йўқ. Кирган жойини, албатта, яратувчаникка, гўзалликка кўмади. У кўшилгандагина барча нарса янгилик, бетакорлик, баркамоллик, умрбокийлик касб этади. Маҳмуд Кошғарий бобомиз “Яхшининг сўнгаги (суяги) тупроқда чириса ҳам, номи қолади”, - деганларидек келинойим (Янгамуллом)лар үтган бўлсалар-да, уларнинг номи шохона овқатлари сабаб ҳам бизларнинг қалбимизда яшайверадилар. Ўзгаларни шохона овқатлар билан ҳам кўнглини топиш, кувонтириш мумкин экан, пазандаликда уста бўлишга эришиш илмини эгаллашга кўпчиликни чорлайверадилар. Биз тириклар билан ҳамкор, ҳамруҳ бўлиб яшайверадилар.

### Узилмас қарз

1986 йил. Хотиним ва ўғлимнинг Москва ва Черновци (Украина)га кутилмаган сафари учун анчагина пул зарурати тугилди. Тўғри Фани акамларникига бордим. Янгамуллом билан бирга меҳмондорчиликка кетишаётган экан. Мен уч ойга бир неча минг қарз беришларини сўрадим, сабабини ҳам айтдим. Акамлар гапни узоқдан бошладилар, бу Янгамулломга ёқмади. “Хотамжон менда шунча пул бор, лекин у омонат кассасида. Ҳозир борсак ултурамиз, меҳмондорчиликка бир соат кейинроқ борсак ҳам бўлаверади”. – дедилар, менга жон кирди, хижолат азобидан кутилдим. Янгамулломнинг тез тушунгандаридан, менга ишонгандаридан, ҳожатимни чиқаргандаридан теримга сифмасдим. Акамлардан кутганимни Янгамулломдан топганимдан ҳайратланардим...

Орадан иккى ярим ой ўтгач, қарзимни газетага ўраб, чиройли гулдаста билан акамларникига бордим. Гулдаста ва қарзимни Янгамулломга узатдим. Кувнок чехра билан гулдастани олдилар. Хурсанд эканликларини ошкор этиб, пулни олмадилар. “Пулни мен сизга карзга эмас, заруратингиз учун бергандим. Ўша зурурат менга ҳам тегишли эди. Сизнинг оилангиз катта, пулни фарзандларингиз учун ишлатинг”, - дедилар.

Мен пулни олишга яна қистайвердим. Турли асосларни рўйич қилдим. Охири Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бўлган

Саламани гапини айтдим: “Аллоҳ шаҳиднинг ҳамма гуноҳини авф этади, фақат қарзини авф этмайди”. Янгамуллом “Мен сизга қарз берган эмасман. Агар қарз деб қўймасангиз, сиз ундан кутулдингиз”, - дея кескинроқ жавоб айтдилар. Сўнгра “Мени хафа қилмайман десангиз, пулни олиб кетасиз. Шундагина мени хурмат қилган бўласиз!” – деб туриб олдилар.

Мени ҳайратта солдилар. Оккўнгил, соғдил ва катта қалб эгаси эканликларининг исботини кўрдим. “Кишининг ҳурмати – ўз кўлида” ҳакикатини англаб етдим. Бу хислатлари билан бир зумда менинг оиласмагиларнинг энг яқин ва севимли одамига айландилар. Мен учун Янгамуллодан ошиб, маънавий Она даражасига кўтарилилар.

Лоп этиб, Бухорий – Муслимнинг қайдлари эсимга келди:

“Бир киши Пайғамбардан сўради:

- Эй, Аллоҳнинг Расули, яхшилик қилишимга энг лойик одам ким?

Расууллоҳ:

- Онант!

Кейин ким?

- Онант!

Кейин ким?

- Отант!”

Шу ҳақиқатга амал қилишга интилиб, маънавий Онам (Янгамуллом)нинг то вафотларига қадар эътиборли бўлишга, ҳурмату иззатларини баланд тутишга интилдим. Кичкина хизматлари бўлса, уни кечиқтирмасдан суюниб бажардим. Қайси байрам бўлмасин, энг биринчи бўлиб, гулдаста тақдим этардим. Хурсанд бўлардилар. Бунга ўрганиб қолганлари боис, байрам ва тугилган кунлари дарвоза эшигини “Хозир Ҳотамжон кириб келади”, -деб очиб қўярдилар. Мен чиройли гулдаста билан доимо ҳозиру нозир бўлардим.

“Юрак юракка дарак беради”, - деганлари рост экан. Гапирмасдан бир-биrimizning кайфиятимизни, руҳиятимизни, ниятимизни англашга ўрганиб колгандик.

Бугун ўйлаб кўрсам, Янгамуллом мени икки дунё узилмас ва узлуксиз “қарз” билан боғлаб қўйган ақлли, доно аёл эканлар. Шу сабаб, қарздорлик ҳисси ҳамон тирик: фақат эзгуликка, яхшиликка етаклади. Соғинчни, кўмсашни кучайтиради. Айни пайтда, ҳаққоний ва бетакрор хотиралар орқали тасалли олишга имконият беради. Минг шукр, дейман!

## **ИККИНЧИ ФАСЛ**

### **ХАЛҚНИ ДЕГАН БҮЛАР...**

#### **ОТА**

*Ота бўлиши осон, оталик қилиши қийин.*  
**Мақол**

Ушбу рисола 1994 йилда Отанинг қизлари Шахноза Ҳамроқулова билан ҳамкорликда ёзилган ва нашр қилинган эди. Орадан яна 20 йил ўтди. Ҳамроқул ота 110 ёшга тўлдилар. Ҳамон руҳлари тириқ, ҳали ҳам сабоқлари ҳурматга сазовор, ҳозиргача қадр-кимматлари баланд. Барчага барҳаёт бўлиб қолиш ишончини, бу ишончга сазовор бўлиш йўлини ўз тақдирлари мисолида кўрсатишга ҳануз ҳамдиллар. Варақланг, ўтмишимиздан ибрат олиб илгари силжишга, умум манфаатига хизмат қилишга Сиз ҳам ҳамроҳ, ҳамсафар бўлинг. Шухратингиз мангу бўлишига эришинг.

## Муқаддима

Ота-боболаримиз меросини ўрганиш, уларнинг қадриятларини ўз ўрнига қўйиш мамлакатимиз чинакамига Мустақилликни қўлга киритган ҳозирги кунларда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек: «Ўтмишга нисбатан ношукрлик, нонкўрлик, беписандлик – халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид». Демак, бугунги кунда ўтмишга холисона баҳо бермок лозим. Узок ва яқин ўтмишга хос инжуларни – маънавий бойликларни Мустақилликка зарб айлаб, олға юришимиз керак.

Қўлингиздаги китобча жиззахлик марҳум уста пахтакор, ажойиб ташкилотчи, меҳрибон мураббий Ҳамроқул ота Носировнинг порлоқ хотирасига бағишиланади. Икки марта Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров номи ҳақли равишда Ҳамроқул Турсунқулов, Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев, Чўли Бегимкулов, Мамажон Дадажонов · каби ўнлаб донгдор пахтакорлар қаторида турди. Бу мўъжаз рисолада Ҳ. Носиров ҳаёт ва фаолиятининг, характеристига хос хусусиятларининг айrim ибратомуз кирраларинигина қаламга олишга ҳаракат қилдик.

Дарвоқе, донишмандлар айтиб кетганларидек: «Аждодлар хурматини чин қалбдан бажо келтирувчи киши баҳтлидир». Ўтганлардан сабоқ олиб, келажакка сабоқ улашиш ҳам саодатдир.

## Умр лаҳзалари

Ҳамроқул ота Носиров тақдир лойиқ кўрган бурчини, ўз вазифасини муносиб адо этди, меҳнатдан кун кўрди, меҳнатдан баҳт топди, меҳнатдан обрў қозонди. Шунинг учун ҳам отанинг нуроний чехрасида доноликни, оплок сочларида пурвиқорликни, ғадир-будир қўлларида заҳматкашлини, вазмин-вазмин боқувчи кўзларида сабр-қаноатни кўрардик. Ана шундай кезларда Ота умри лаҳзалари кўз ўнгимизда бирин-кетин гавдалангандай бўларди.

Аввал бошдан айтадиган бўлсақ, Ҳамроқул ота 1904 йили Жиззах шаҳри яқинидаги Совунгарлик қишлоғида таваллуд топган. Айтишларича, отаси Носир бобо Соипов дехкон ўтган. Ёш Ҳамроқул эсини таниганидан отаси ёнида дехкончилигу совунпазликинди ўрганган. Ўспиринлик йиллари батрак бўлган, суяги қотгандан сўнг аравакашлик қилиб, заводга пахта ташиган. 1924 йилдан укаларини ёнига олиб, тўрт танобча ерда дехқончилик қила бошлаган.

1927 йилнинг 25 октябрида Жиззахда биринчи «Октябрь ўн йиллиги» қишлоқ хўжалиги артели тузилиб, унга тўққиз киши қатори Ҳамроқул ҳам аъзо бўлиб киради. Уларнинг ихтиёрида тўртта хўқиз, иккита от кўшиб ишлатиладиган омоч, иккита сеялька, иккита от-арава, тўртта борона бор эди. Артельга 40 гектар сугориладиган ер бириклирилган. Шундан 10 гектар ерга чигит экилиб, дастлабки йили ҳар гектар ердан 4 центнер пахта етиширилади. 30 гектар ерга ғалла экилиб, дурустгина даромад олинади. 1930 йилнинг март ойида «Октябрь ўн йиллиги» қишлоқ хўжалиги артели замирада дехқончилик тарихида илк бор «Октябрь ўн йиллиги» жамоа хўжалиги тузилганлиги эълон қилинди. Ҳамроқул жамоа хўжалиги аъзоси сифатида далада кетмон чопди, сувчилик қилди, от-арава минди, ғалла ўриб, дон янчди, чорва моллари учун ем-хашак тайёрлади. У ҳалоллиги, софдиллиги, жонкуярлиги, ишнинг кўзини билиши билан кўпчиликка намуна бўлди.

1934 йилнинг сентябрида Ҳамроқул Носиров «Октябрь ўн йиллиги» жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси мудирлигига тайинланди. Мудир ишни дили нопок, кўли эгри кишиларни фермадан четлатиш, софдил, жонкуяр, заҳматкаш кишиларни ишга кўйишдан бошлади. Ем-хашак етишириш учун 20 гектар сугориладиган ер ажратиб олишга муваффақ бўлди. Арпа, сўли, маккажўхори экишга киришди. Чорва моллари туёғи кам бўлишига қарамай, кўнглида уларни кўпайтиришга бўлган ишонч қатъий эди. Шунинг учун ҳам, энг аввал, бутун дикқат эътиборни чорва моллари озука базасини яратишга ва мустаҳкамлашга қаратди. Шунингдек, бир қисмига ўт кўйилган, бир қисми бузиб ташланган отхона, молхона, кўйхоналарни қайта тиклади. Шундай қилиб, 1934 йили жамоа хўжалигининг 2 мингдан зиёдроқ кўйи бўлган бўлса, уч йил ўтгач, кўйлар сонини

4,5 минг бошга етказишига муваффақ бўлинди. Худди шунингдек, кора моллар, йилқилар сони ҳам кўпайди. Паррандачилик соҳасига асос солинди. Бу йилларда мудир чорвадорлар, чўпончўлиқлар ҳаётини яхшилашга, уларнинг меҳнатини қадрлашга алоҳида зътибор берди. Шу орада одамларниг фикридан қувават олишни, иш юритишда тадбиркорлик ва ташаббус зарурлигини, ғамхўрликдан ҳурмат ва зътибор туғилишини, меҳнатсеварлик ва ҳалолликда барака бўлишини чукур ҳис этди, кейинги фаолиятида шундай фазилатларга таянган ҳолда иш кўрди.

Ўн йил ферма мудирлигига тажриба орттирган Ҳамроқул Носиров 1945 йилнинг 13 январида «Октябрь ўн йиллиги» жамоа хўжалиги раислигига сайланди. Шу куни жамоа хўжалигига 1930-1945 йиллар мобайнида қилинган ишларига якун ясалди: қийин, масъулиятли ва шарафли ишлар ғурур билан эсланди, нуксонлар рўй-рост тилга олинди. Одамлар дилидаги ҳамма гаплар ошкора айтилди. Келажак режаси маъқулланди. Шу тариқа Ҳамроқул раис жамоанинг янги даврини бошлади.

Янги раис жамоа хўжалигидаги ички ахволни ўрганиши мақсадида қишлоқ оралаб кетди. Бозор куни эди. Бир аёл уввос солиб, йиғлаб келарди. Унинг кўлида болта. Кийим-боши жулдур ва юпун эди.

- Она нега йиғлайсиз. Нима бўлди, ким хафа килди? - сўрашди йўловчилар.

- Уйда тўрт болам оч-наҳор ўтирибди. Ейишга бир бурда нонимиз йўқ. Бисотимда қўлга илинадиган охирги нарса – шу болтани бозорга олиб чиқсан эдим. Ҳеч ким сўрамади. Агар сотганимда, болаларимга бирор егулик олиб борар эдим. Энди нима қиласман? Осмон – йирок, ер – қаттиқ, - аёл ўзини тўхтата олмасди.

- Йиғламанг она, идорага боринг, сизга дон берамиз, - деди раис, жамоа хўжалиги омборида ҳаммаси бўлиб 18 килограмм уруғлик дон қолган бўлишига қарамай.

- Раҳмат, ота! - деди аёл кўзлари чақнаб, ўзидан бир неча ёш кичик бўлса ҳам Ҳамроқулга қараб.

Шу-шу уни аксари кекса-ю ёш «Ота» деб атайдиган бўлди. Бу эл ҳурматининг, ёш бўлса ҳам оқилона раҳбарлик фазилатининг шарофати эди. Яхшилик, одамларга ғамхўрлик билан бошланган иш унинг умри мазмунига асос бўлди, то

сўнгги нафасигача «Ота» сўзининг масъулиятини унутмасдан фаолият кўрсатди, 16 минг кишилик жамоага мураббийлик қилди, улар орасида инсоний фазилатлари туфайли обрў-эътибор қозонди.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, «Октябрь ўн йиллиги» – «Ҳамид Олимжон» – «Сталин» – «Маленков» – «Москва» каби номлар билан юритилган жамоа хўжалиги тарихи (1945 йил 13 январдан то 1978 йилнинг 7 октябригача), яъни жамоа хўжалигининг бутун ўсиш ва юксалиш даври бевосита Отанинг раҳбарлиги билан боғлик.

Дарҳақиқат, «Москва» жамоа хўжалиги Ҳамроқул Носиров раҳбарлик қилган даврда кўп тармоқли илғор хўжаликка айланди. У раисликка сайланган йили хўжалик бўйича ҳар гектар майдондан 7 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1971 йилга келиб ҳосилдорлик 42,7 центнерни ташкил этди: давлатга 14 минг тонна пахта топширилди. Дастлабки кезлардаги тарқоқ, майда, кўримсиз иморатларга эга бўлган 80 та кишлоқ ўрнида кишиларнинг ҳаёти, меҳнати, ўқиши ва дам олиши учун барча қулаликларга эга бўлган гўзал шаҳар бунёдга келтирилди.

Ана шундай тарихий хизматларининг самараси ўлароқ, Ота биринчи бор 1956 йилнинг январида, иккинчи бор 1978 йилнинг февралида “Меҳнат Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлди, унинг кўксини қўша-қўша орден ва медаллар безади. 1967 йили қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида эришган мудаввафакиятлари учун «Москва» жамоа хўжалиги юксак даражадаги орден билан мукофотланди...

Ҳамроқул ота ҳаёт дорилфунунининг барча синовларига дош бериб, бутун умри давомида инсонийлик ва эзгулик уругини ундиришга ҳаракат қилди. Журналист Акрам Иномовнинг Ота ҳакидаги «Унутилмас соҳиллар» номли хотира-очеркидан олинган кўйидаги воеа ҳам фикримизнинг ёрқин далили бўла олади:

«Расулмат Ҳусанович (ўша пайтда райкомнинг биринчи котиби бўлган – Ҳ.У., Ш.Ҳ.) жаҳлдор, айтганини қилдирадиган, айни вактда сўзининг устидан чиқадиган ўжар одам эди. Лекин ҳамма вакт ҳам жаҳл ақлдан устун бўлавермас экан. Жаҳлни ақлда пешлаб иш тутсак, баҳтсизликнинг олди олинади.

1975-1980 йиллар оралиғи қизик давр зди. Газета саҳифаларини тұлдириб, «60-70 центнерчи» бригадаларни күпиртириб мактар әдик. «Ўзбекистон» (олдинги Жданов номли) колхозининг дала шийпонларидан бирида ўтган йиғилишда бечора бригада бошлиқларини бирин-кетин ўртага таклиф қилишиб, «Сен – 60, Сен – 70 центнердан ҳосил берасан» дея центнерлар уларнинг елкаларига ортиларди. Бу партиянынг сиёсати эмиш. Эртаси куни ҳалиги «қаҳрамон» бригадирларнинг бирортаси таҳририятга келиб, расмға тушмагудай бўлса, дарҳол райкомга хабар килардик. Бечора бригадирнинг бўйнига арқон солгудек қилиб таҳририятга олиб келишарди-да, газетага чиқариш учун суратга олдиришарди.

Иш юзасидан раис буванинг ҳузурига борувдим, у киши туатқиб менга гапира кетдилар.

- Сенлар нима қиляпсан, котибинг нима иш қиляпти? Пахтадан ҳеч ҳам 60-70 центнердан ҳосил олиб бўладими? Сенларга пахта – бедами?

- Ахир, бу катталарнинг иши.

- Ҳей, ўша катталарингни...

Раис бува бироз жим турдиларда, яна сўзларини давом эттирилар.

- Бундай қилиш ярамайди. Оқ пахта билан ҳазиллашиб бўлмайди. Дунёга келган гўдакни пахта билан йўргаклашади, ўлганингда, пахтага чирмаб кўмишади. Оқлик – поклик рамзи. Унга ҳаром кўл аралашдими, билиб кўйингки, окибати яхши бўлмайди. Пахта Худонинг бандаларига юборган инъоми.

У киши қўлларини маҳкам қисиб бир иккى столни муштлаб қўйдилар-да, менга қараб дедилар.

- Бир куни отда дала айланиб юрсам, бирданига ҳаво айниб, жала қуйиб юборди. Панароқ жойга ўзимни олай деб қамчи босдим.

Не кўз билан қарайки, бир пайт пахтазорнинг четида Рашид бобо ярим яланғоч турибдилар. Очиги, ҳайрон бўлиб колдим. Синчилкаб қарасам Рашид бобо (Р.Халилов Ш.Рашидовнинг оталари. У киши кўп йил колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлаганлар) ёмғир ёқкандан сўнг эгниларидаги кийимларни ечибдилар-да, иккى қанорча терилигтан пахтанинг устига ёпиб қўйибдилар.

- Ия, ака! Бу нима қилганингиз. Шамоллаб қоласиз-ку?! - дедим шунда.

- Мулла Хамроқул, пахта «Худонинг бизга юборган неъмати, уни асрамоқ керак», - дедилар.

Очиги мен Рашид отанинг бу сўзлари маъносига кейинрок тушундим. Шунинг учун 60-70 центнерчиликни тарғиб қилмасдан, Худо меҳнатимиз маҳсулига ўз инъомини берганига шукр қилишимиз керак.

Шу тобда телефон жиринглаб қолди. Ундан Расулмат Ҳусановичнинг овози эшишилди.

- ...Биз қолибмизми, котиб?!

- Ҳа, фақат сизлар планни бажармадиларинг, гайрат қилинса, бажарилади, ота!

- Сиз «ҳосилдорлик» ҳақида қайгураверманг, биз албатта ғалла планини бажарамиз, - дедилар-у, телефон дастагини кўйиб кўйдилар.

Кўп ўтмай раис бетоб бўлиб қолдилар. Бу воқеа ўлимларидан бир ой олдин – сентябрда рўй берди. Отадан ҳолаҳвол сўрагани уйларига борсам, у киши олди ойнали айвонга солинган тўшакда ётибдилар. Асрорқул aka Эргашев, Мухиддин aka Эшонқулов (раис ўринбосари), омбор мудири Оқил aka ҳам шу ерда экан. Мен билан салом-аликни бошловдилар ҳамки, эшик гирчиллаб очилиб, хонага Расулмат Ҳусанович кириб келди. Мухиддин aka билан Оқил aka жой бўшатиб, ўринларидан туришди.

- Қалай ота, (яхшимисиз? - деди Расулмат Ҳусанович.

- Худога шукр, котиб, Худога шукр, - дедилар раис бува.

Гап мавзуси айланиб пахтага қадалди.

- Бу йил ҳосил қандай бўларкин, ота! - деди котиб.

- Режа 50 га борганда бир нима дейиш мумкин. Олдиндан фол очиб бўлмайди. Бу дехқончилик. Бекорга «қон» қўшимчаси кўшиб айтилмайди.

- Яқинда пахта терими олдидан йиғилиш ўтказган эдик. Мана сизлардан ҳам икки-уч бригадир «Бири 60 центнердан, бири 70 центнердан ҳосил берамиз» деди.

- Яхши ният ярим мол дейишади, Расулмат Ҳусанович. Лекин ҳамма нарсани эви-этаги билан қилган маъқул. Дехқонни зўрламаслик керак.

Шу гапдан сўнг анча вақтгача хонага сукунат чўкди. Бу сукунатда кечаги суронли, алғов-далғовли қунларга ишора бор эди, назаримда. Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди. Ҳали-ҳали шу воқеаларни эсласам, раис буванинг сўзларида ҳақиқат яширин эканлигига имоним комил бўлади».

Ҳамроқул ота ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўпдан-кўп бундай ибраторумуз воқеаларни эслаш мумкин. Юқоридаги биргина воқеадан ҳам аён бўладики, Ота тақдирни ўз ихтиёрига бўйсундирмоқчи бўлган, даври учун янги йўллар очмоқчи, ўз халқини порлоқ истиқболга олиб бормоқчи бўлган, ўз бурчини севадиган ва ўз олдига бошқаларнинг қалбида оромбахш аланга ёқиши вазифа қилиб кўйган киши эди. Шунинг учун ҳам нодонлик, лоқайдлик дунёсига, ҳатто, айтиш мумкинки, душманлик дунёсига қарши умрининг сўнгги нафасигача курашиб келди. Ҳа, у хаётнинг маъносини, адолат тантанасини фақат курашда деб билди.

**“Оталар сўзи хитоб бўлур,  
Ани йигсанг китоб бўлур”**

Маълумки, ота-боболаримиз ерни хазина, меҳнатни унинг калити деб билишган. Бундан шундай маъно англашилади – демак, кўп азият чекмай, унумли меҳнат қилиб ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкин экан. Бошқача қилиб айтганда, аклу идрок билан иш тутилса, тупроқни олтинга айлантириш мумкин эканд...

Шунга кўра Ҳамроқул ота меҳнатга қандай муносабатда бўлиш, ишнинг кўзини билган ҳолда қай йўсинда саъй-ҳаракатлар қилиш тўғрисида бот-бот мулоҳазалар билдиради. Айниқса, у серсаҳоват она тупроқни ардоқлаш хусусида тўлибтошиб сўзлашдан сира-сира чарчамасди. Чунки Ота наздида шу одий тупрок нафақат мўл ҳосил манбаи, балки тупрок – инсон туғилиб ўғсан жой, тупрок – Ватан, тупрок – неча юз йиллардан бўён не-не улуг фарзандларини кучогига босиб келаётган мушфик замин, демак, у ота-боболаримизнинг онаси бўлган, у бизнинг онамиз, келажак авлоднинг ҳам онаси бўлажак. Шу ўринда биз Ҳамроқул отанинг амалиётида бўй кўрсатган

маслаҳат ва ўгитларидан айримларини келтиришни лозим топдик.

\* \* \*

Ер тафти баданинг губорини олади, деган тап қадимдан бор. Шунинг учун кексалар бел-оёқлари увушди дегунча, шудгорни кўмсаб қолишади.

\* \* \*

Ерга сен бирни берсанг, ер сенга ўнни қайтаради.

\* \* \*

Дехқончилик қилинаётган ерлар ўғит билан тўйдириб борилиши керак. Тўпланган йиллик ўгитнинг 70 фоизини камунум ва ўртacha ерларга солиб, қолган 30 фоизини серунум ерли майдонлардаги ўсимликларни озиқлантиришда фойдаланилса, нур устига аъло нур бўлади.

\* \* \*

Баҳорда тўпланган ўғит кузги шудгор вактида ерга солинса, кузгиси билан ёз ойларида экин озиқлантирилади.

\* \* \*

Қачонки, маданий ва маҳаллий ўғит аралашмаси муҳлатида ерга солинса, ғўза серҳосил, ҳосил эса барвақт етилади.

\* \* \*

Ўғит – ҳосил хамиртуриши. Унга бефарқлик билан кутилган натижага эришиб бўлмайди.

\* \* \*

Чигит барвақт экилиб, ғўза бир текис униб чиқкан маҳалда бир қисм ўзани сел ювиб кетди, қолганини дўл урди. Натижада сел ювган майдондаги экинни бузиб, қайта чигит қадалди, дўл урган майдондаги ниҳол парваришланди. Пировардида қайта чигит экилган ерлардан илдизи парвариш қилинган майдонлардаги ғўзага нисбатан анча кам ҳосил олинди. Бундан ташкари, дўл ургандан қолган ғўза тупларининг ҳосили барвақт пишиб етилди. Хулоса шуки, қишлоқ хўжалигида рўй бериб турадиган табиий оғатлар пайтида дехқон ниҳоятда хушёрлик, сабот билан иш тутмоғи, ҳамма нарсага ақл чирогини ёқиб қарashi, шошма-шошарликка йўл қўймаслиги даркор.

\* \* \*

Халқимизда: «Иш қуролинг соз бўлса, машақкатинг оз бўлур», деган мақол бор. Дехқон ўз иш қуролини доимо кўз

қорачигидек асраши лозим. Бу қурол занглаб қолмаслиги учун эса муттасил ишлатилиб турilmоги зарур. Қуролни вазиятга караб такомиллаштириб бориш керак. Шундагина дәхқоннинг юки енгил күчади.

\* \* \*

Одамлар бўладики, бутун умрларини ўз қасбларини улуғлашга сарфлашади, шу йўл билан яхши ном қолдиришади, ақл-заковат билан янгиликлар яратишади, ташаббус кўрсатишади. Лекин бундан мағрурланиб кетишмайди. Аксинча, эл-юрга кўпроқ наф келтириш иштиёқида ёнишади. Улар ҳақиқий истеъдод эгаларидир.

\* \* \*

Шахсий манфаатдорлик кучайгани сайин иш унуми ҳам, сифати ҳам орта боради, тежамкорлик хислатлари намоён бўлиб, меҳнатга муносабат бутунлай ўзгаради.

\* \* \*

Кимнингки, турмушдан кўнгли тўқ экан, унинг иши ҳам унумли бўлади.

\* \* \*

Энг муҳими – меҳнат кишисига, унинг талаб эҳтиёжларига эътибор бериш даркор, буйруқбозлиқ, дабдабабозлиқ билан эмас, ширинсуханлик билан муомала қилиш зарур.

\* \* \*

Ғўза ўзини тутиб олгунча нозик бўлади. Озуқасиз қолса ёки кесак қисса, юлиниб қолади. Бу кўчат сонига путур етказади. Шундай паллада жами майдонларда чигитнинг бир текисда униб чиқишини кутиб ўтирамай, дарҳол ғўза парваришини бошлаб юбориш керак. Ниҳол ердан икки қулоқ бўлиб чиқиши билан тупроқни майнлаштириш, унинг орасига илиқ ҳаво киришига имконият яратиш лозим. Ғўза ёшлигига илдизи калта бўлганлиги сабабли куйи қатламдаги озуқа моддалардан баҳраманд бўла олмайди. Натижада унинг ўсиш ва ривожланиши кечикади. Бунга йўл қўймаслик учун дарҳол озиқлантиришни бошлаб юбориш керак.

\* \* \*

Кўклам чоги ёгингарчилик кўп бўлганлига боис ерни катқалоқ босади. Парваришдан олдин ана шу бало-қазодан кутулиш даркор.

\* \* \*

Кўпинча чигитга сув бериш керакми-йўқми, деб сўрашади. Ҳа, уруғ бир текисда униб чиқмаса, дарҳол сув бериш керак. Бу юмушни асло пайсалга солиб бўлмайди. Маълумки, ғўза кун санайди. Шундай экан, уни тупроқдан мумкин қадар тезроқ юзага чиқариб олиш лозим. Биз тупроғи кум-шагалли майдонларга эгат оралатиб сув берамиз. Бу билан энг аввало, сув тежалади, қолаверса, униб чикиш муддати қисқаради. Аммо чигит суви беришда ҳар бир қатламнинг тузилишини хисобга олиш лозим. Ноўрин чигит суви бериб, гўзани ниҳолчалигидан сувхўр килиб қўйиш ярамайди.

\* \* \*

Терим машиналари бир йилда бор-йўғи 1 ой ишлайди. 11 ой бекор туради. Чунки мавсум тамом бўлгач, терим машиналари бажарадиган бошқа юмуш қолмайди. Атиги бир ой ишлаган машина келаси мавсум бошлангунча капитал ёки жорий таъмирланади. Ортиқча чиқимга йўл қўйилади. Уларни бутун йил давомида бошқа мақсадларда ҳам фойдаланишга мослаштирилса, айни муддао бўлур эди.

\* \* \*

Ҳар бир инсон бетакрор хислат ва фазилатларга эга. Агар фазилатлар инсон меҳнат фаолиятида намоён бўла борса, бора-бора очилиб, уни улуғловчи омилга айланади.

\* \* \*

Йилнинг ҳар дақиқаси дехконнинг фойдасига хизмат қиласгина, кўзланган натижага эришиш мумкин бўлади.

\* \* \*

Ҳар бир хўжалик ўзининг машъялларига эга. Уларнинг иш тажрибасини оммалаштириш ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилидир.

\* \* \*

Чигит ердан униб чиқиши билан қатор ораларига ишлов бериш бошланади. Бу тадбир олдин кўндалангига, сўнgra узунасига ўтказилади. Шундай қилинганда, қатқалоқ пайдо бўлмайди, пуштадаги тупроқ ёш ниҳолнинг бағрига уюлиб, унинг тез авж олишига шароит яратилади, эгатдаги бегона ўтлар йўқолади. Қатор ораларига ўз вақтида ишлов бериш ҳосил тақдирини ҳал қиласди.

\* \* \*

Меҳнат – ҳар қандай бойликтининг манбаси. Демак, меҳнат инсоннинг ўзини ҳам яратади. Айтайлик, дехқон «ер ёриб, дон экиб, ризқ йўлини очади».

\* \* \*

Меҳнат билан меҳнатнинг фарқи бор. Иш ҳақи ҳам ана шу заҳматнинг оғир-енгиллигига мос бўлиши керак.

\* \* \*

Ҳар қандай меҳнат заминида моддий манфаатдорлик туради. Модомики шундай экан, самарали меҳнат қилиб, кўп моддий бойлик яратган одам шунга яраша ҳақ олсин.

\* \* \*

Ҳа, меҳнат бойлик яратади, меҳнат туфайли инсон камол топади, меҳнат одамни тарбиялади.

\* \* \*

Бизда узоқ йиллар самарали ва ёнма-ён туриб қилинган меҳнат натижасида дўстона, меҳнатсевар ва интизомли жамоа вужудга келган. Ююшган жамоага эга бўлмай туриб, кўп тармоқли хўжаликда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

\* \* \*

Чорвачилик ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи бўлиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Чорванинг меҳнати оғир, аммо роҳати ширин. Асло унга мавсумий иш деб қарамаслик керак. Чорвачилик шундай нозик соҳаки, йил-үн икки ой алоҳида эътибор беришни талаб қиласди. Озгина бепарволикка йўл кўйилса, чорвадан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Агар парвариш яхши йўлга кўйилса, туёқ сонига туёқ, маҳсулот миқдорига маҳсулот кўшилиб, чорвачилик маданияти юксалаверади.

\* \* \*

Чорвачиликда икки хатар бор: бири – қаҳратон қиши совуғи, иккинчиси – ёзнинг жазирама иссиғи. Ҳар икки ҳолда ҳам ҳушёр турилмаса чорва моллари қирилиб кетади. Бундай дейишимнинг сабаби шуки, чорва моллари, хусусан, кўйлар, гарчи сержун бўлса-да, қаҳратон аёзига чидамайди. Тупроғи нам ёки заҳ ерда ётиб қолса, ўпкаси шамоллаб, баҳорга чиқиши билан тутдек тўкиласди. Кўй-кўзиларга қишида қор остида қолиб музлаган ем-

хашак бериб бўлмайди. Совуқ сув бериш ҳам хавфли. Акс ҳолда ичак ва қорин касалликларига чалиниб, тез нобуд бўлади.

\* \* \*

Қишлоғни бехатар ва бечиким ўтказман, деган чорвадор, аввало, ем-ҳашакни кўп тұплаши, майдалаб қоришима ҳолда қишлоғ жойларига келтириб қўйиши керак. Чорвани талафотдан сақтайдиган асосий омиллардан бири ҳам тўйимли озуқадир. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Тўғри, ҳамма ҳўжаликларда ҳам кўп ем-ҳашак жамғарилади. Лекин шунга қарамай, талофат юз беради. Бунга сабаб шуки, озуқани тайёрлашга эътибор берилмайди. Ширали, тўйимли моддалар озуқа таркибида кам бўлади.

\* \* \*

Чорвачиликнинг тақдирини ўқимишли, ташкилотчи, ишнинг кўзини биладиган, шу касбни шарафлашга қодир, янгиликка ихлосманд ходимлар ҳал қиласди.

\* \* \*

Раис – жамоа ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг сардори, етакчisi. Ҳўжаликнинг ҳамма тармоқларини бирдек ривожлантириш, иқтисодни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, кўп жиҳатдан ва асосан, ишбоши деб ҳисобланган раиснинг ақл-заковати, меҳнатсеварлиги, тадбиркорлиги, режали иш тутиши жамоани янги зафарларга чорлайди. Раис ўз фаолиятида ҳамфирларига таяниб иш кўрмоги, фаолларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олмоги, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириб, билдирилган мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқармоги лозим.

\* \* \*

«Нон ҳам нон, ноннинг увоги ҳам нон», деганларидек, ер ҳам ер, ернинг парчаси ҳам ер. Ерни эъзозлаш элни эъзозлаш дегани. Демак, партов ерларни ўзлаштириш, қишлоқ ҳўжалигига мослаштириш бойлик, қадр-қиммат, фаровонлик манбаи.

\* \* \*

Биз тажрибада шунга ишонч ҳосил қилдикки, дуккакли экинилар ёмғир ва сел сувлари билан суғорилганда ҳосилдорлиги ортади. Лалмикор ердаги арпа ва буғдойга бундай сув таралса, меҳнатдан қочилмаса, ғалла хирмони баракали бўлади.

\* \* \*

Ер ҳам, чорва ҳам меҳрга муҳтож. Мехрингизга яраша ҳосил беради.

\* \* \*

Деҳқонларимизда хуруж олган бир «касаллик» бор – экин сугориладиган вактда сув режимиға тўла риоя қилинмайди. Хусусан, тупроқнинг хусусияти, сув ўтказиш қобилияти, ўсимликнинг об-ҳаётга бўлган эҳтиёжи аниқ ҳисобга олинмай, сугорилади. Оқибатда ер заҳлаб, шўрлайди. Сизот сув ва шўр эса мўл ҳосилнинг душмани. Яхши текисланмаган экин экилган майдонларда ҳам шўр тез пайдо бўлади.

\* \* \*

Сизот сув, шўрланишни камайтиришда яна бир муҳим омил бор, у ҳам бўлса, шўрланган ерларга алмашлаб экиш жадвалига мувофиқ беда ва йўнғичқа экишдир. Бу қимматли икки экин тури тупроқ қатламидаги намни буғлатмайди, аксинча, тузни зритиб, куйи қатламга тушириб юборади. Борди-ю, бу тадбирлар ҳам самара бермаса, у ҳолда қиши фаслида шўр ювилади.

\* \* \*

Раҳбарда аниқ фикр юритиш ўрнига умумийлик услуби хукмрон бўлса, ундан раҳбар ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдамаслиги керак.

\* \* \*

Мағзи пуч, синик-мертиқ, заҳарланган уругни экиб, юқори ҳосил олиб бўлмаганидек, ернинг мижозига мос келмаган уруғдан ҳам катта хирмон кўтариб бўлмайди.

\* \* \*

Илгари пахта йигим-терими уч-тўрт ойлаб давом этарди. Ўша кезларда қор устида юриб, гўзапоядаги қорни тушириш мақсадида отларга арқон судратиб пахта терғанмиз. Терим машиналари деҳқонга мадад берди. Машиналар шарофати билан ҳосилни 35-40 иш кунида йигиб-териб оляпмиз. Лекин бундан кўнглимиз тўлгани йўқ. Теримни узоги билан 25-30 кунда тўла тугаллашимиз керак.

\* \* \*

Ер катта бойлик, ерга ер кўшиб, уни ардоқлаб, унумдорлигини ошириш лозим. Ер унумдорлигининг пасайишига йўл кўйиш моддий бойликлар яратишга раҳна солишдир.

## «Эл сўзи – дил сўзи»

Ҳамроқул ота Носировни яхши билган, ҳатто бир бор унинг сұхбатидан баҳрамаңд бўлган кишилар билан учрашиб қолгудай бўлсангиз, Ота ҳақидаги кўпдан-кўп унугтилмас хотираларнинг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Келинг, яхшиси, қуйида Ота ҳақида жамланган хотиралар билан танишиб, ўзингиз бунинг шоҳиди бўлинг:

Ҳамроқул ота ишнинг кўзини биладиган, улдабурон, меҳнаткаш инсон эди. Ҳалқ орасида шу каби фазилатлари билан хурмат қозониб, катта обрўга сазовор бўлди. 30 йил бирга ишлаб, кўп бор у кишининг хотираси ўта кучли эканлигига қойил қолганман. Ота жамоадаги 40 та бригада ишларини, ҳатто ва камчиликларини, ҳисоб-китоб ишларини, бошқарув ходимларининг фаолиятларини одилона баҳолай олиш қурдатига эга эди. Қоғозга қарамасдан ҳаммасини бирма-бир айтиб бера оларди.

Ота кўли остидаги ходимларни ишчанлигига, сергайратлилигига, қобилиятига ва билимига қараб баҳоларди.

*Парни Сайдова,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
қишлоқ хўжалиги ходими, нафақаҳур*

Ота ўзи ўта саводхон бўлмаса-да, жуда тадбиркор, тежамкор, ишбилармон, интизомли инсон эди. Бунёдкор, маърифатга ўч шахс бўлган. Барча қишлоқларда намунавий боғча, мактаблар курдирган. 1970 йилданоқ республикада биринчилардан бўлиб, боғча болалари ва мактаб ўкувчиларига бепул сут беришни ташкил қилди. Боғча ва мактабларнинг жиҳозланиши, таъмирланиши, ўкувчи ва ўқитувчиларга ғамхўрлик ва моддий-маънавий ёрдам жамоа хўжалиги ҳисобидан ўринли ташкил этиларди. Ҳамроқул ота маориф олдидаги хизматлари учун Узбекистон Ҳалқ маорифи аълочиси нишонига сазовор бўлган.

Ота қаттиқсўл, интизомни яхши кўрадиган инсон эди. Дангаса, ишёқмасларни жини сўймасди. Меҳнаткашни

эъзозларди. Йигилишларда лўнда килиб гапиради. У кишининг фикр-ёди халқни тўқ қилиш, юртни обод қилиш билан банд эди.

*Турсунбой Холматов,  
Ҳамроқул Носиров номидаги 16-мактаб директори,  
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ўқитувчи*

Ҳамроқул ота жуда кўп ёшларни покликка ўргатиб, тарбиялаганлар. У киши уч нарсани – ростгўйликни, одамгарчиликни, интизомни яхши кўрарди. Уч нарсани – ёлгон гапиришни, ишни вақтида бажармасликни, бекор юришни асло ёқтирумасди.

Ота биз бригадирлар билан ҳамма пахта майдонларини шошилмасдан кўриб чиқардилар. Бирор жойда иш кўнгилдагидек бўлмаса, беозоргина қилиб: «Мана, бригадир, мен пахта билан гаплашдим. У менга сувсираганини, ўғитга муҳтоҷлигини айтди», - дерди. «Ота, нега сиз фақат туш қизигида далага келасиз, бундай дам олсангиз бўлмайдими?» - деб сўрасам, «Хусанбой шуни билингки, куннинг айни шу палласида экиннинг сувсагани ёрқинроқ кўзга ташланади», - дерди.

Раисдан тўй ва маъракаларимизга ёрдам сўрасак, ҳеч қачон йўқ демасди. Бош ҳисобчига қараб, ўзига маълум буйруқ ёзиб берарди. Уни ўқишга бизнинг тишимиз ўтмасди. Бу қоғозни бош ҳисобчига элтиб бергач, ёрдам пули, мой, гуруч, гўшт берилишидан воқиф бўлардик.

*Хусанбой Қодиров,  
собиқ бригада бошлиги*

Ҳамроқул Носиров жамоа хўжалигимизда ярим асрга яқин раис бўлиб ишлаган даврларида жуда кўп ютуқларга зришдик. Бир неча мактаблар, болалар боғчалари, музейлар, новвойхоналар, савдо дўконлари, майший хизмат қўрсатиш бинолари курилди. Йўллар асфалтланди, хонадонлар электрлаштирилди, газлаштирилди, ичимлик суви билан таъминланди. Пахтадан юқори ҳосил олиш, чорвачилик соҳасини юксалтириш, бир неча гектарлаб боғлар, иссиқхоналар ташкил қилишдек улкан ишлар амалта оширилди. Ота бу

ютуқлар билан бирон бир жойда мақтандынини ҳеч қачон эшишмаганман. Аксинча: «Бу нима бўпти, яна ҳаракат қилишимиз зарур, токи бизнинг ишларимиз келажак авлод учун ибрат бўлсин», - дерди.

Ота ўта талабчан ва ўта меҳрибон, зехни ўткир, узоқни кўзлайдиган одам эди. Ҳамон билишимча дуо ўқиб, қабрларини зиёрат қиласман, рухларига худодан мадад сўрайман.

*Пўлат Манипов,  
Ҳамроқул Носиров номидаги жамоа  
хўжалигининг бош ҳисобчиси*

Ҳамроқул ота ишга ниҳоятда берилган, камтарин, халқпарвар инсон эди. Жамоа хўжалигининг ҳамма ишларида интизом ва тартиб мана-ман деб турарди, бундан ҳар қандай одамнинг кўнгли яшнар, меҳнат қилгиси келарди.

Ҳа, Отанинг қилган хизматлари ҳар канча ҳурматга лойик!

*Хатича Назарова, Ўзбекистонда  
хизмат қўрсатган савдо ходими,  
нафақаҳӯр*

Ота ниҳоятда меҳр-оқибатли, ғамхўр инсон эди. 13-14 ёшли ўсмирилик чоғим эди. Поччам Бобоқул Исоқов вафот этди. Опам 2 нафар ёш гўдаги билан бева қолди. Шу орада уйимиз бузиладиган бўлди. Бизда на маблағ бор, на куч бор. Кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Опам Отага аҳволимизни тушунтириди. Кўп вақт ўтмай, у кишининг кўмагида бир уй, бир даҳлиз қуриб олдик. Ҳамроқулнинг отаси Носир оқсоқол оқкўнгил, меҳнаткаш ўтган. Маҳаллада уни ҳамма ҳурмат қиласми. У киши фарзандларини ёшлигидан ҳалол меҳнат қилишга, дәжқончиликка ўргатди. Тиришқоқ Ҳамроқул дәжқончиликда ҳам, совун пиширишда ҳам отасига яқин кўмакдош эди...

Раисни ҳалқ ишонч билдириб, бир неча бор Олий Кенгаш ноиби этиб сайлади. Ноиблик фаолияти давомида ҳам у ҳалқини ўйлади. Ҳар бир инсонга ёрдамини, маслаҳатини аямади. Бир йили дәжқончиликда кўзга кўринган хоразмлик бир киши қамалиб қолди. Унинг турмуш ўртоғи Ҳамроқулнинг

одамийлигини, ноңақ жабрланғанларга ёрдамини аямаслигини эшитган, шекилли, келиб унга мурожаат этди. 8 фарзанди тирик етим бўлиб қолмаслигини айтиб, ёрдам сўради. Ноиб Марказқўм билан алоқа қилиб, шу оиласа ёрдам беришларини илтимос килди. Адолат қилиниб, ноңақ ҳибсга олинган шахс оиласи бағрига қайтди.

Мен истардимки, дўстимдаги меҳнатсеварлик, одамшинавандалик, камтарлик, адолатпарварлик ҳозирги ёшларимизда ҳам мужассам бўлсин, улар бу инсоний фазилатларни ўзларига тамал тоши қилиб олишсин. Унинг: «Ҳар кимга фойдам тегмаган кунни умрим онларига киритмайма!», - деган фикри замирида қанчадан-қанча маъно борлигини ҳеч қачон унутиш керак эмас.

*Абдураим Бобоҷонов,  
нафақаҳӯр ўқитувчи*

Ота халқнинг саломатлиги йўлида тинмай қайғурарди. У икки гапнинг бирида: «Соф одамнинг меҳнати баракали бўлади, ўзига ҳам, ўзгага ҳам татииди, роҳат-фарогатнинг қадрига етадиган бўлади», деб таъкидларди. Колхоздаги 2 та амбулатория, 5 та тиббиёт пункти, ҳар бир бригада шийпонида биринчи ёрдам учун керакли дори-дармонлар бурчаги, жамоа хўжаликлиариро туғруқхоналарни ташкил қилишда, уларнинг узлуксиз ва режали ишлашида Отанинг хизмати бекиёсdir.

Ота: «Ер тўймагунча, эл тўймас», деган мақолни кўп ишлатарди. «Элнинг соғлиғи – колхознинг бойлиғи» деган хикматни ҳам ўзи тўқиган бўлса, ажабмас. Инсонни қадрлаган одамнинг умри боқий, деб шунга айтадилар-да.

*Эргаи Эгамбердиев,  
Соғлиқни сақлаш аълочиси*

Куз кунларининг бирида ҳозирги иссиқхона хўжалиги жойлашган ерни шудгор қилаётган эдик. Раис келиб:

- Ҳорманг, Қаландаров! Отни кўпкарига тайёрлаяпсизми? - деб қолди.

- Шундай раис. Бу жониворларнинг ҳам мойидаи хабар олиб, айрим жойларини алмаштириб турмасангиз, бўлмас экан, - дея жавоб бердим.

- Қараш керак, - яна давом этди у. - Қараганда ҳам ўз вактида караш керак. Касалнинг олдини олган маъқул. Қаландаров, неча йилдан бери трактор минасиз?

- Йигирма саккиз йил бўлди. Колхозга қандай техника келган бўлса, ҳаммасини кўлдан ўтказганиман.

- Инсон ўз ҳунарини қадрлаб, унга меҳр-муҳаббат қўйса, айни муддао. Ўшанда ўз ишининг устаси бўлади. Уста эса отини хор килмайди.

Жамоа аъзолари иззат-ҳурмат билан хизматимга яраша дам олишга узатишиди. Нафақаҳўр сифатида дам олишимнинг иккинчи куни Ҳамроқул aka мени идорага чақириб қолди. Борсам раис:

- Қаландаров, дам олиб ётибсизми? - дея саволга тутди.
- Бугун иккинчи кун..., - деганимча қолдим.

Шунда у киши қатъий қилиб айтди:

- Балли сизга! Агар мен бир кун дала айланмасам, ўзимни бир йил қаригандек ҳис қиласман. Дам олганингиз етар. Форишга борадиган йўл ёқасидаги дашт ернинг юқори қисмига чигит экадиган бўлдик. Ёшларга ўрнак бўлиб, тажриба ўргатишими лозим. Демак, келишдик, бригадирликни қабул қилиб, бугундан ишга киришинг.

Замонлар ўзгариб, мустақилликни мустаҳкамлаш сари дадил одим ташланаётган бугунги оғир ва келажаги порлоқ кунларда Ҳамроқул отадек акл-заковатли инсонларнинг бой ҳаётий тажрибасига мурожаат этмоқ – ҳам қарз, ҳам фарз. Раис буванинг меҳр чашмасидан баҳраманд бўлиб, мактабида таълим олмоқ савобдир!

Отанинг ғоз юришларидаги салобату сўзларидаги жозибадорлик, фикрининг теранлигию донолиги, кўзларидаги ёрқинлигу табиат инъом этган оташин жасорат, тадбиркорлик, талабчанлик, тўғри сўзлилик, келажакка ишонч билан қараш, ҳақиқатнинг кўзига тик бокиши хислатлари маънавий софлиги ва баркамоллиги ҳаммада ҳам мужассам эмас.

- Ишонч ҳеч вақт йўқолмаслиги керак. Сен ишончни йўқотдингми, билиб кўйгинки, Аллоҳ ато этган беш кунлик умрингга завол етказдинг.

Агар ишонч бўлмаса, одамлар ишончини қозона олмасанг, уларни ортингдан Эргаштира олмайсан, катта карвонга

йўлбошчилик килолмай, йўлда ҳориб-чарчаб қоласан. Ишонч йўқ жойда барака бўлмайди. У бор жойда эса доим ишларинг юришади, ҳар қандай қийинчиликлар ўз-ўзидан барҳам топади.

Ишонч кўпрги бузилмаслиги керак. Унга дарз кетдими, жойига кайтариб қўйишнинг иложи йўқ. Ҳаётнинг қизиги ҳам шунда-да, - дегандилар Ота.

Гоҳида раис буванинг бу оташнафас сўзлари ёдимга тушиб қолгудек бўлса, «Ҳа, биз ишончни саклаб қоляпмизми?! Унга гард юқтирмаяпмизми?!» дея хаёлга чўмаман. Эҳтимолки, ҳаял ўтмасдан айрим казо-казоларнинг шахмат ўйинидаги рокировкага ўхшатиб алмаштириб қўйиш бўлғуси раҳбарларда ишончнинг йўқолиб кетишига, шу боис ишлар олға босмаёт-ганлигига замин бўлмаяптимикин? Ахир таги мўрт ўтиргичда узоқ туриб бўлмаганидек, шўр тупроқдан қад ростлаган пахса деворнинг умри ҳам кисқа бўлади-ку?

Колхознинг раис бува давридаги шон-шуҳрати ҳаммамизига аён. Дарҳақиқат, қад кўтарган биноларда, мактабу болалар масканларида Ота меҳнати, унинг қалб тафти ҳамон олтин янглиғ сайқалланиб турибди.

Ҳали одамлар шу биноларга разм солар экан, «Бу отадан колган мерос, кейингилар айтарли ҳеч иш қилишмади», дея ич-ичидан ўксиниб қўядилар. Дарвое, бу ўқинчнинг замирида ҳақиқат бордай.

*Акрам Иномов,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист*

Инсон яхшилик учун туғилади, - дерди ҳар гал Ота. Одамзотдан фақат эзгуликка йўғрилган ишлар қолади. Эзгулик – инсоннинг иккинчи умри. Ҳа, Ота шу чоғда иккинчи умрини яшамоқда. Уни эъзозлаган эл Ота қурдирган мактаблардан бирини, жамоа хўжалигини, кўча ва майдонни унинг номи билан атаб келмоқда. Ота бир умр эзгулик учун курашди. Эзгулик эса, бокийдир.

*Карим Шодиқулов,  
журналист*

## Хотима

Донишманд Сүкротнинг: «Ўз ишингни қилгину, ўз-ўзингни англаб ет», деган машхур ибораси бор. Бундан, аввало, сенинг меҳнатингдан ҳалқингга ва жамиятга наф тегсин, қолаверса, ўзингни, ҳаётингни англаб ет, деган маъно келиб чиқади.

Ҳамроқул ота бамисоли бутун ҳаёти давомида улуғ донишманднинг ана шу сўзларига амал қилгандай умр кечирди. У ўзининг буюк ишлари билан умум манфаатига хизмат қилди. Умрининг 51 йилини ўзи бош бўлган жамоа хўжалигига, шу хўжаликнинг одамларига бағишлиди. Она заминни, юртдошларини эъзозлади, уларнинг камолотига йўналиш берди, бунёдкорлигига асос солди. Шу фазилатлари эвазига эл ул зотни бугун яхши ном бирла ёд этмоқда, қутлуғ 90 ёши билан қутламоқда. Отанинг ўгит ва маслаҳатларини, сабок ва хуносаларини хотирга олмоқда, ибраторумуз йўл-йўрикларига амал қилган ҳолда яратувчилик, бунёдкорлик ишқи билан ёнмоқда.

Ҳамроқул ота қанчадан-қанча меҳнат фидойилари қатори яхши ном қолдириш учун фавқулодда жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатди, ҳалқ ғамини ўйлади, эл мурод максади, орзу-армонлари, умид-истакларини рўёбга чиқариш йўлида умрининг то сўнгги лахзаларигача камарбаста бўлди. Ёзувчи Назир Сафаров ва журналист Шароф Убайдуллаевлар ўзларининг «Олти миллион йўлларида» мақолаларида Ота ҳакида ёзганларидек:

«Одамлар яқиндагина унинг ёнига оқиб келар, бирор маслаҳат оларди, бирор ҳол-аҳвол сўрагани, яна бирор иш билан йўқларди. У катта-кичикни баробар қабул килар, уйидами, идорадами бирорнинг шаштини синдирамасди. Энди одамлар оқими унинг ҳайкали пойида, ҳамон унинг ёнидан одам узилмайди. Ота бутун ҳаётини эл-юрт ташвишида ўтказди. Ҳамон у шу қиёфада – ҳайрли ташвишлар оғушида бир зум ўзини унуглан мисол чукур ҳаёлга чўмиб турибди...

- Кеча колхоз неча фоиз пахта берди? - сўради раис ҳаётининг сўнгги соатларида, оғир бетоблик оғушида.

- Олти процент, - деди Тоҳиржон ва бемор отасининг аҳволидан оғир вазиятга тушган ҳолда ташвишланиб шивирлади:

- Ҳозир пахтани ўйламанг, ҳаммаси яхши кетяпти...
- Ростми шу? - такрор сўради раис. Афтидан, Тоҳиржоннинг сўнгги сўзи қулогига кирмаганди.
- Рост, дада. б процент.

Тоҳиржон ҳамон аниқ айтольмайди, дадаси бу сўнгги сўзни эшитолдими ёки йўқми? Шуниси аниқки, унинг энг сўнгги саволи пахта эди, энг сўнгги нафаси ҳам пахта ташвиши билан абадият сари йўл олди».

Айни пайтда, барҳаётлигига – элимиз қалбида узок яшашига, яхши ном бирла ёд этилишига арзийдиган ва эскирмайдиган мерос қолдирди. Бу мерос Истиқболимизни мустаҳкамлашга озми-кўпми хизмат қилмоқда, эркин ва озод меҳнатимизга барака киритиб, истиқбол нурини улашмоқда.

## **УЧИНЧИ ФАСЛ ЯХШИЛИК НУР КЕЛТИРАР**

### **ЙИРИК САНЪАТКОР ВА АРБОБ ҲАЁТИ ЧИЗГИЛАРИ**

Элнинг йиртигига ямоқ бўл,  
Узугига улоқ бўл.

**Макол**

Таънаберди Курбонов 1960 йилда Самарқанд давлат университетини муваффакиятли тутатди. Шу йили Тошкент театр ва рассомчилик институти драма ва кино актёри факультетига ўқишига кирди ва профессор И.В.Радун раҳбарлик қилган гурухда таҳсил олди.

1964 йил имтиёзли диплом соҳиби Таънаберди бир гурух дўстлари билан Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд драма театрига ишга келди.

1964-1970 йиллар театрда актёр, 1970 йилдан 1995 йилгача театр директори ва бадиий раҳбари бўлиб ишлади. Ана шу йиллар мобайнида Таънаберди Курбонов 30 дан ортиқ спектаклларда асосан бош ролларни ижро этди. Макферсон (“Рус масаласи”), Фигоний (“Қонли сароб”), Карл Моор (“Қароқчилар”), Эзоп (“Эзоп”), Сулаймон (“Қиёмат қарз”), Отелло (“Отелло”), Улугбек (“Мирзо Улуғбек”) каби образлардаги ижроси юқори баҳоланди.

Театр санъатининг ривожига қўшган хизматлари ҳамда кучли ижрочилик маҳорати ҳисобга олиниб, унга 1974 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1978 йилда “Ўзбекистон ҳалқ артисти” унвони берилди. 2000 йилда “Эл юрт хурмати” ордени билан мукофотланди. 2000 йилдан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармасининг вилоят бўлими раиси бўлиб анча йиллар ишлади. 1994 йилда “Мен санъаткорман – оддий санъаткор” китобини нашр эттирди. Бугунги кунда қариялик гаштини сурмоқда.

## ИБРАТЛИ УМР КИТОБИ

Бу китоб – 1936 йилда Паст Дарғом туманидаги Арабхона кишлогида туғилиб, бугун “Олтмишвой”лар сафидан ўрин олган Таънаберди Курбоновнинг ҳаёт йўли ҳақида.

Бу китоб – саҳнада бирдан йиғлаб юборадиган, ҳаяжонга тезда бериладиган дардкаш санъаткор – Ўзбекистон халқ артисти, куюнчак раҳбар, иктидорли режиссёр тўғрисида.

Бу китоб – дарвишмонанд, фидоий замондошимизнинг ўйлари, мулоҳазалари, умид-армонлари, хулосаларига дахлдор.

Уни қўлга оларканман, “Мен санъаткорман – оддий санъаткор” (Самарқанд, 1994 йил) деб номланишиданоқ Таънаберди аканинг топқирлигига, бир жумладаёқ моҳиятни қамраб олганига ишонч ҳосил қилдим.

Таънаберди аканинг болалиги ва йигитлигини “саддалик даври” деб аташ мумкин. Болалиги – беғубор, эрка. Йигитлигига қўли узатган жойга етади: даставвал, Самарқанд университетининг филология факультетини тутатади, сўнгра Тошкент театр ва рассомчилик институтини тамомлайди. Ўн йил талабалик нонини ейди. Қизиқишилар, ўзликни топиш йўлидаги изланишилар, мухаббат қувончу изтироблари, улфатчиликлар, устозлар меҳрини қозониш, мардикорчилик, ҳаваскорлик йўлидаги ижролар... ила ҳаётнинг мафтункор, яратувчан, беғубор, осуда ва тоза руҳини сипкоради. Ўзлигини, ўз ўрнини топади: дардли, курашчан, фидоий санъаткор туғилади ва у ҳаётни, инсонларни поклантиришга киришади. Бу қайдлар китобчанинг “Эркагина йиглоқи ёшлигим”, “Устоздан пешонамни фаришталар силаган”, “Амплуамни топгандим” бобларида қизиқарли воқеалар, камёб ва ўрнак бўладиган далиллар воситасида жонлантирилган.

Қани энди умр шундай давом этса? Излаганингни топсанг, эришган ғалабангга яна янги ғалабалар эш бўлса, тинимсиз меҳнатингдан яна покликлар туғилаверса? Уни қўллаб-кувватласалар, камолот йўлида ҳаракатингни юзага чиқарувчи шарт-шароитлар, моддий олам мұхайё бўлса-ю, гараз, ёвузлик бўлмаса... самимият, ҳаққонийлик, адолат қимматингни белгилайдиган мезон, қадрингни ўлчайдиган тарозу бўлиб тураверса.

Афсуски, уларнинг ҳаммаси зиддиятларга, тушун-  
мовчиликларга, қабоҳатга... бориб тақалади. Енгилганида –  
ютуқлар, енгилганида – маънавий азоблар исканжасида қолади,  
киши. Имтиёзли диплом эгалари гурухида Ҳамза номли театрга  
ишга боради. 60 сўмлик маош учун етакчи актёрлар синовидан  
ўтишни ҳакорат билган Ташнаберди ака 12 ёш актёр билан  
Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номли драма театрига ишга  
келади. Ихтисослиги маданиятдан йироқ раҳбарлар, эскича  
ишловчи режиссёrlар билан кураш бошланади: совуқ колхоз  
клубларида спектакль кўрсатиш, театр биносининг йўқлиги,  
режиссёrlарнинг малакасизлиги туфайли овоз пайчалари ишдан  
чиқади, операция қилинади, З ойлаб овознинг чиқмаслиги,  
фарзандсизлик, ижодий олишувлар ва уларнинг изтироблари,  
беаёв зарбалари... Уларни енгиш учун кучли ирода зарур эди.  
Ўзига “ёмонлик, ноҳақлик, хушомадгўйлик, буқаламунликни  
сингдира” олмайдиган қалб – ўзлигини шу курашдан топишини  
англаб етади ва энди ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам жўшқин курашга  
киришади. Ҳаётда айттолмайдиганини саҳнада, саҳнада  
айтолмаганини ҳаётда айта оладиган ҳакиқатгўй чўрткесарга  
айланади. Муросага юрмайди. Ёлғонни яқин йўлатмайди.  
Халқнинг дардини, қайғусини, шодлигини, донолигини... чукур  
ҳис қиласи, ундан кучига куч олади. Ҳақиқатни, инсонийликнинг  
олтин зарраларини бўрттириброк ҳалқка қайтаради, ҳар бир  
одамни эзгулик йўлидаги ҳаракатга ундейди. Замондан олдинроқ  
юришга интилади: ўтмиш ва бугуннинг фалсафасини кенгрок,  
чукурроқ ўрганади, билим, дид, савиясини, ижрочилик,  
режиссёrlик маҳоратини мунтазам ўстириб бориш йўлида катта  
мехнат қиласи. Ижодий ва ҳаётий тажриба уйғунлашиб,  
инсонийликни баланд пардаларда намоён қилувчи фожиавий  
романтик ҳарактерларни кашф қилишга олиб келади. Ташнаберди  
акани, ўзи эътироф этганидек, Ўзбекистонга танитган Эзоп роли  
бўлди. Чунки у ҳалқимиз руҳига мос қилиб, фожиага яқин қилиб  
саҳналаштирилган ва юнонистонлик энг хунук одамнинг энг  
гўзал қалби, ақлу идроки, орзу умиди мохирона талқин қилинган  
эди. Кейинчалик, кенг маънода адолат ва ҳак учун, инсонийлик  
ва яхши ҳаёт учун ҳамма разолатларга ўт очувчи Рустам  
(Умаржон Исмоилов, “Рустам”), Доктор (Нозим Ҳикмат,  
“Унутилган одам”), Эфроим Кебот (Южин Окил, “Мұхаббат

фожиаси”), Сулаймон (Ў.Умарбеков, “Қиёмат қарз”), Отелло (Шекспир, “Отелло”), Улуғбек (М.Шайхзода, “Мирзо Улуғбек”) каби образлар меъёрига етказилиб, ҳеч кайси актёрниги үшшамайдиган қилиб, таънабердиона ижро этилди.

Жумладан, Отелло – Таънабердига бир назар солайлик. Кўпчилик Отеллони Остюжев севувчи қилиб, Харово генерал қилиб, Аброр Ҳидоятов рашкчи қилиб ижро этганликларини кўрган ёки ўқиган. Бундай талқинлар бугунги замонга, бугунги томошабинга ҳайрат баҳшида этмасди. Шунинг учун уни бошқача талқин ва ижро этиш – оригиналлик талааб этилади. Таънаберди ака топа олди: унинг наздида Отелло – ҳарбийларга хос салобатли, олийжаноб генерал, ҳақиқий севувчи ошиқ, меҳри баланд одам. Айни пайтда, у севгидан “алданганд” аламзада, қўрс, ёлғонга дуч келганда ғазаб алангасида ёнади. У зўр ақлнинг, бой туйгуларнинг эгаси – ҳақиқий инсон. Кўринадики, Таънаберди ака ижро этган фожиавий қаҳрамонларини бир маҳражга, битта ўқ томирга бирлантириш мумкин ва унинг асосида инсонларга – инсонни бериш ётади. Инсонни ҳар хил воқеада, ҳар хил лавозимда, ҳар хил ҳолатда ижро этмасин, “замонанинг жарчиси” (К.Станиславский)га айланиб, инсон шаънини шарафлайдиган, улуғлайдиган, эъзозлайдиган жамиятни орзу этади, яратишга чорлайди.

Ана шу хислат – Таънаберди ака тақдирининг етакчи белгиси. Ўзбекистон ҳалқ артисти унвони ҳам, “Отелло” лақаби ҳам, “халқ фидойси”, “Катта қалб” номлари ҳам ана шу одамийликнинг, қиёси йўқ санъаткорликнинг мевасидир. Китобчанинг “Самарқанд сароблари”, “Ҳамдамим Эзоп”, “Мен яратган Рустамим”, “...Менинг Отеллом”, “Улуғбек тўлиб йиглаган образим”, “Раҳбар деганини кўп кўрдим” каби боблари – сизни ҳам шундай хуносаларга, мулоҳазаларга олиб келиши шубҳасиздир.

Ҳар садафдан дур чиқавермайди. Ҳар қандай ижод ҳам, умр ҳам буюк соддаликка етишавермайди. Таънаберди ака унга етишиш учун 30 йил театрда актёрлик қилди, 25 йилдан ортиқроқ театр директори ва бадиий раҳбар бўлиб ишлади. 30 дан ортиқ спектаклларда бош ролларни ижро этди. Мустақиллик, Наврўз байрамлари тантаналарига режиссёрлик қилди. Беш фарзандни тарбиялади. Театр муаммоларига бағишлиланган 20 дан

ортиқ мақолаларни ва ушбу рисолани яратди... Хуллас, машаққатли меңнат ва китобчанинг “О, мустақиллик шабодалари”, “Истардимки”, “Роллар мундарижаси” боблари орқали қисқача сархисоб қилинган ижод яратишда давом этмоқда. Отанинг эркаси бўлган Таънаберди ака бугун халқимизнинг “арзанда”сига айланиб, эъзоз топмоқда. Эъзозланган умр ибратлидир. Унинг китоб қилиниши ҳам савобдир.

1994.

## МЕҲНАТУ МАШАҚҚАТ РАҲБАРИ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ректори, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати, профессор Рустам Иброҳимович Холмуродов ижодий портретига чизгилар

*“Ҳаёт ўз иўлида давом этаверади.  
Раҳбарлар келиб кетади, эл, ҳалқ қолади.  
Лекин ана шу раҳбар ҳалқ кўнглидан  
жой топа олдими? Эсда қоладиган  
бирон хайрли иши қилдими? Одамларнинг  
бошини қовушириб, ўзи ибрат бўлиб,  
уларни улуғвор вазифаларни бажаришига  
сафарбар эта олдими? Назаримизда,  
ҳар бир раҳбар бу ҳақда доимо ўйлаши,  
ўз-ўзига савол бериб кўриши керак.  
Ҳалқимизда “Яхшидан боз қолади,  
ёмондан доз” деган гап бор. Кимдан боз  
қолаяптию, кимдан доз, иснод қолаяпти,  
буни одамларнинг ўзлари ажратиб  
олади”.*

**И.А.Каримовнинг ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан**

## Сабоқларингга ташаккур, Самарқанд!

АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Афғонистон каби мамлакатлардан келган ўттизга яқин олимлар иштирокида “Бобур ва бобурийларнинг жаҳон цивилизациясида тутган мавқеи” Халқаро конференция (май, 2000 йил)си давом этарди. Орада хордик чиқариш учун вакт ҳам ажратилганди. Ёзувчи – устозимиз Пиримқул ака Қодиров, ректоримиз Рустам Холмуродов ва мен сұхбатлашар эканмиз, устоз дедилар:

– Самарқанд улуг ва күтлуг даргоҳки, унинг ҳатто суви ҳам ҳаётбахш, шифобахш! Энг қизиги шуки, улуғлар ётган жойдан чиқаётган булоқлар сувининг танга дармон берадиган, асабларни тинчтадиган ва покликка етаклайдиган хислати бор. Ўша улугларнинг бутун қудрати гёё шу сувлар орқали танга киргандай, сизу бизни ҳам ҳидоятга бошлайдигандай сезаман.

– Раҳмат Домла! Улуғликнинг маъноси ҳам ана шундай ҳаётийлиқда, давомийлиқда, ҳаётбахшикда бўлса, не ажаб! – дедилар ректоримиз.

– Ҳа, тўғри айтдингиз. Таъсирини сизда ҳам сезиб турибман, - дедилар Пиримқул ака. – Хотамжон кўрсатган, айтиб берган янгиликлар – девордаги маҳобатли суратларни, замонавий таъмиrlаш ишларини, бўладиган қурилишларни, илмий-маънавий мухитнинг согломлик томон илгарилаётгани – Университетнинг янги баҳоридан нишонадир. Хурсанд килдингиз!

Бу сұхбат самимилиги билан калбларни эзгуликка етаклайди. Буюк Ватан эртаси, азиз одамларимизнинг баҳтсаодати учун қилинаётган ҳар бир саъй-харакатга барака ва гўзаллик келтириш – ўтган буюкларнинг салоҳиятини, қадру қимматини ҳам тушунишда, ҳам амал қилишда экан-да, деган сабоқни ҳам берди.

Ҳа, бизлар ўтмишнинг эзгу сабоқларини Истиклол нури билан бойитиб, умуминсоний можиятини янада заруроқ ва азизроқ қилиб узатувчи кўприк бўлишимиз одамийликнинг талаби, ўзлигимизнинг вазифамиз экан-да!

Шунга шошилайлик, одамлар!

## Нур таратувчи марказ

Яқингинада жамоамизга тайинланган хўжалик ишлари бўйича ректор ўринбосари, профессор-ўқитувчилар, ходимлар лифтда юқорига кўтарилир эканмиз, ЮНЕСКО вакилларининг университетега ташрифлари ҳақида гап кетди. Шунда ўринбосар чида буролмади шекилли, дилидагини тўкиб солди:

— Ўзи Самарқандга келгандарнинг ҳаммасиям университетга келаркан. Ҳар куни меҳмон, ҳар куни Ҳалқаро анжуман! Кеча-кундуз югурсангиз-да, камлик қиласкан!

— Ҳа, баракалла! Тўғри илғабсиз. Янги ректоримизнинг қадамлари қутлуг келди. Чунки Университет яна Самарқанддаги энг буюк даргоҳга, маънавият ва маърифатнинг марказига айландики, ҳар қандай қалб (ўзимизникими, хорижникими) ўзига керак бўлган неъматни шу ердан топаяпти... Дебочасига Сиз ҳам шерик бўлибсиз. Ҳали, насиб қилса, ҳаммаси олдинда! Файрат камарини сиқиброк boglайvering...

## Шошилмасликнинг иложи йўқ

Декабрда – XX асрнинг сўнгги ойи Рамазонда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон файласуфлар жамияти “Миллий истиқлол ғояси” ўкув дастури бўйича регионал (Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жizzах вилоятларининг тўрт юзга яқин вакиллари иштирокида) семинарни СамДУда ўтказди. Семинар уч кун давом этди. Мазкур ўкув дастури лойиҳаси тўғрисида турли мулоҳазалар, баҳслар, фикрлар тортишуви бўлди. Университетдаги барча шарт-шароитларнинг мавжудлиги, мезбонларнинг самимий ва инсоний хизматлари – семинарнинг руҳига янада кувват, Истиқлол ғоясининг қалбларга сингитишга рўй-рост асослар берди, уларнинг кўпчилигини маърузачилар ҳам таъкидлаши. Айниқса, Республика “Оила” марказининг бошлиғи “Миллий мағкуруни ёшлар онгига сингдириш соҳалари ва йўналишлари” бўйича маъруза ўқир экан, “Университет биносига кирганингизданоқ ундаги озодаликни, қимматбаҳо қандиллар таратаётган ёргулкни, устозу шогирдлар, мураббий ва талабаларнинг ёқимли муносабатларини кўриб бутун вужудингиз

билин ҳузурланаисиз. Китоб ва газета дўконлари атрофидаги гавжум давралардан завқингиз келади. Ахир ана шундай соглом муҳитда мафкуравий тарбия гуурурни, ориятни, зъозони, хурматни, илмга ташналикка уйготади. Бу ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг энг таъсирчан амалий йўли", - дея фикрларини якунлар экан, тингловчилар бу мулоҳазаларни карсаклар билан маъқулладилар.

Холбуки, сал илгари университет бинолари устма-уст бешолти қават қилиб рангланган, Даққи Юнусдан қолган қизил дарвозалар, залворли суратлар, турли ва эскирган кўргазмалардан иборат, баланд деразалари ифлосланганлигидан йўлаклар коронгулашган эди. У совукдан хориган, хунук қартайган одамни зсга соларди.

Олий даргоҳга ректор бўлиб келган Рустам Иброҳимович Холмуродов, даставвал, биноларни (уларнинг ички ва ташки) Истиқлол эстетикасига монанд жозибадор қилиб таъминлашга киришди. Университеттег ўё Истиқлол каби ёшарди, шунингдек жозиба касб этди. Бу амалиёт жамоани ҳам ҳаракатга солди, ишонч берди ва бирлашган саъй-ҳаракат туфайли бир, бир ярим йил ичиде янгича муҳит бунёд этилди. У ҳаммада илмга интиқлик, масъулият уйғотди.

Ҳа, покликдан поклик туғилади экан-да! Поклик, ёруғлик самимиyлик, инсоний муносабат ҳукмдор муҳитгина Истиқлол гоясига "озуқа" берар, ундан нур эмиб, қалбларга нур сочарканда!

Шундай ҳамкорлик – маънавий тарбиядаги амалиёт ва назариянинг бутунлиги, жонлилиги доимо бор бўлсин! Шундай бунёдкорликнинг ҳосили, шундай кашфларнинг эгалари умри баракали бўлаверсин!

Замондош дўстим, биродарим! Қани айтинг-чи, шундай яшашга шошилмасликнинг иложи борми?

### Шундайлар бор бўлсин!

Бир неча йил олдин битириб кетган талабамиз "Олимпиада 2001" бўйича услубий ёрдам сўраб кафедрага келди. Уни кўриб қувондик: анча тўлишибди, мактабнинг салобатли ва моҳир муаллимига айланибди. Сухбат бошланди.

- Катта ўзгаришларни кўриб ҳайрон қолдим. Устки кийимларни ечадиган жой ташкил бўлибди. Йўлаклар, аудиториялар иссиққина. Деворлардаги жонли суратлар кишини маҳлиё қиласи: халқимизнинг уч минг йиллик тарихини, фан ва санъати тарихини жамулжам ва жозибадор қилибди. Ростини айтсан, қайта талаба бўлгим келди...

- Ҳа, раҳбарга ёлчилик. Ректоримиз маънавият ва маърифат ҳакида оғиз кўпиртириб гапирмайдиган, ваъдабозлиқдан қочадиган, лекин амалиётчи одам эканлар. Кўрганларингизнинг ҳаммаси фикримизнинг исботи.

- Тўғри айтасиз! Истиқлол назарияси қалбларда етиларкан шекилли, у амалиёт бўлиб воқеа бўлавераркан. Ҳаммамиз ана шундай намунадан ибрат ола бошладик.

- Шунинг учун у киши оз фурсатда жамоада эҳтиромга, академику профессору талаба учун, катта-ю кичик учун “Рустам Иброҳимович”га айландилар. Адолатлари, ёрдамлари, ибратлари, сабоклари туфайли эъзозланишга арзийгиган раҳбарга, керакли инсонга кўтарилилар.

- Баъзи раҳбарлар амал қиласидиган “Мансаб – хукмдорлик қилиш” деган тушунча у кишига ёт. Ўзлигини университетга, жамоанинг ривожига, қалбларни поклашга сарфлаётгани таҳсинга сазовор!..

Ҳамма инсон кўнглидагини айтарди. Айтилган сўзлар, фикрлар бир-бирини такрорламас, хурматга сазовор раҳбарнинг, жамоамиз бошчисининг янги-янги хислату фазилатларини очарди...

Истиқлол ғояси ва Президентимизнинг тинимсиз меҳнатлари боис, раҳбарларнинг янги бўғини туғилганига ҳамма имон келтирди. Ишлаб чарчамаслик, чартоқдан ҳузурланиш, ҳузурдан янги ишларга куч олиш, кучини жамоа бирлиги ва максади учун сарфлаш, маънавий бойлик орттиришдек хаёт тарзи доимо бор бўлсин! Шундай раҳбарлар янги асрда кўпайиб халқимизнинг тинчлигини, инсонийligини, ривожини, салоҳиятини Истиқлол нури ила бойитсинлар, ўзбекни, Ўзбекистонликни буюк шоҳ супасига чиқарсинлар!

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ҳаллоллик ва фидоийлик фаолиятнинг асосий мезони бўлсин” (1994 йил)

асарларидаги ушбу муроҳазалар чизгиларимизга хулоса ясадиларки, у сабоқни Сизга ҳам ҳавола қилдик:

“Раҳбарлик – лавозим, мансаб эмас, аввало одамларга хизмат қилиш маstryяти эканини барча тұғри тушуниб олмоги зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан күтрең ишилаб, фуқаролар саодатында юрты равнақи учун елиб-югурладиган фидоий инсон бўлиши керак.”

2000.

## ҚАЛБИДА ЁҒДУСИ БОР...

Ҳар бир киши – ўз саодатининг ижодкори.

Р.Стил

### Асосий саналар

Аминжон Норқулович Бакаев 1940 йылнинг 11 ноябринда Самарқанд шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди.

1957. Ўрта мактабни битиргач Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирди.

1962. СамҚҲИни қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти мутахассиси сифатида имтиёзли диплом билан битирди.

1962-1963. Нарпай туманида қишлоқ хўжалиги минтақавий бошқармасининг инспектор-ташкилотчisi, катта мутахассиси.

1964-1967. Тоҷикистон Республикаси қишлоқ хўжалиги илмий-текшириш институтининг иқтисод бўлими аспиранти.

1968. Тошкент ҳалқ хўжалиги институтининг илмий кенгашида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1968-1971. Тоҷикистон Республикаси қишлоқ хўжалиги илмий-текшириш институтининг иқтисод бўлими кичик ва катта илмий ходими.

1971-1992. Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг сиёсий иқтисод кафедрасининг катта ўқитувчisi, доценти, рус филологияси факультетининг декан ўринбосари, декани, ўқув ишлари бўйича ректор ўринбосари.

*1992-1996. Самарқанд давлат университетининг иқтисодий назария кафедраси доценти. Ўриндошлик асосида Самарқанд шаҳар Тадбиркорлик ассоциацияси бош директори ўринбосари.*

*1996-2000. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг доценти, ҳалқаро туризм факультетининг декани, иқтисод ва тадбиркорлик бўйича ректор ўринбосари.*

*1996-2007. Самарқанд вилоят ҳокимлиги Давлат мулки Бошқармаси ва СамДЧТИ ҳомийлигига ташкил этилган «Ипак йўли» Бизнес инкубаторининг Бош директори.*

*2007. Махмудхўжа Беҳбудий номидаги Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёrlаши ва малакасини ошириш институтининг доценти.*

*А.Н.Бакаев 1979 – ҳалқ маорифи аълочиси; 1990 – «Меҳнат ветерани» медали; 1991 – маориф аълочиси; 1999 – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим аълочиси; 2000 – Олий ва урта маҳсус таълим фидойиси; 1992 ва 2001 йиллари - Ўзбекистон Республикаси «Мустақиллик» кўкрак нишони билан тақдирланган. 2010 йилда СамВПКҚТМОИнинг Илмий кенгаши қарорига биноан институтнинг фахрий профессори унвони берилган.*

\* \* \*

Аминжон ака ва менинг ҳам «Жигули»миз устаси Женя Чечен эди. Самарқандда унингдек моҳир, машина «профессори» жудаям кам учради. У билан ака-уқадек муносабатимиз ўрнатилганди. Оилавий ўтиришларимиз қувноқ ва қизгин тарзда ўтар, вақтнинг ўтгани билинмас эди. Женяникидаги меҳмондорчилик янги-янги одамлар билан танишувимизга асос бўлар, даврамиз эса кенгайиб кетарди. Янги-янги латифалар тўқилар, ичакузди ҳангомалар авжига чиқарди.

Кунлар мазмунан бой, ҳар дам-ҳар дам бўладиган кечкурунги зиёфатлар кўнгилхушлик билан ўтгани учун чарчок нималигини билмаган пайтларимиз эди.

Ана шундай зиёфатлардан бирида Аминжон ака: «Хотамжон, келинсиз келибсиз, Сизга келиннинг ишончи қанчалик эканини билиш учун бир телефон қиласман-да, рози бўлсангиз!» дедилар. Мен розилигимни айтиб, «қайтар дунё» эканлигини эслатдим...

Шу куни уйга кириб борар эканман, хар қуни борганимданоқ очиладиган дарвоза очилмади, кутиб оладиган хотиним кўринмади. Ажабландим. «Аяси, қанисан?» десам ҳам жавоб бўлмади. Ҳайрон бўлдим. Уйга кирсам, хотинимнинг қовоғидан қор ёғяпти, кўзидан ёш оқаяпти. «Ҳа, нима бўлди?» деганимни биламан, хотин томдан тараша тушгандек алфозда «Мен Сизга ишонгандим! Бевафо экансиз! Ишончли одамлар кўрибди: зиёфатда Женяниг қўшини Антонина билан апоқ-чапоқ бўлибсиз!..»

Эсимга дарров Аминжон ака келдилар ва «ҳазил»ларининг «ҳосили»ни йиғишга киришдим.

— Аминжон ака Сиз билан телефонда сўзлашган ва шу гапларни айтган бўлсалар, буларни ҳазил деб тушунинг ва менинг Сизга содиқлигимга шак ҳам келтирманг!

— Аминжон ака ҳеч ёлғон гапирмаганлар, қандай қилиб ишонмайин!..

Орадан икки соатлар ўтди. Хотиним ҳам бир қадар тинчланди. Телефон жиринглади, гўшакни кўтарсам, Аминжон ака: «Ассалому алайкум», дея кулдилар. Тушундим. «Телефонни келинингизга беряпман», - дедим. Аминжон ака келинларидан узр сўраб, ҳазиллашганларининг боисини айтдилар. Шу баҳонада менга ишончлари қатъий эканлигини ҳам таъкидладилар. Шундан сўнг, яна апоқ-чапоқ ҳаётимиз мазмунан чиройли ва беғубор давом этаверди...

Йигирма кунлардан сўнг Женяникида яна зиёфат бўлди. Нард ўйини узок давом этди. Аминжон ака билан Женя пиширган шашлик мазали бўлгани сабаб анча-мунча ичимлик ҳам ичили, ҳангомалар авжга чиқди. Ўтиришнинг охири кўринмасди. Женяниг ичкари уйига кириб, Нарзипўлод янгамга телефон қилдим, соғликларини сўнгра Аминжон акани сўрадим. «Акангиз хали келганлари йўқ», - дедилар. Шунда мен Аминжон аками Женяникида кўрганимни, зиёфатдан бир соатлар олдин Антонина билан чиқиб кетганларини айтдим. «Шу пайтгача бормаган эканлар, балки Антонинаникда бўлсалар керак-да!» дедим ва гўшакни кўйдим.

Зиёфат яна бир соатлар давом этди. Сўнгра барчамиз тарқалишдик. Аминжон аканинг «ҳазили»ни қайтарганимдан, «ўч»имни олган одамдай хурсанд эдим. Уйга келдим-да,

зиёфатнинг чарчоги туфайли бир ётиб- бир турадиган уйку хузурини тотидим.

Эрталаб, ҳар куни 15 минути кам соат 8.00. да ишхонада Аминжон ака билан кўришар эдик. Аминжон ака соат 8.00. дан ўтганда ҳам келмадилар. Ҳавотирланиб, телефон қилдим.

«Ассалому алайкум, Аминжон ака!», – деб қулдим.

– Хотамжон, бормисиз ука, балога қолдим-ку. Янгагингизга бир тушунтириңг! Ҳазилим бунчалик ЗИЛ бўлишини билмаган эдим», – дедилар...

Кейинчалик билсам, Аминжон ака уйларига боргандарида, янгам дарвозани очмаптилар. Дарвозага яқин келиб:

– Борган жойингизга қайтиб кетаверинг. Менга, болаларимга шу аҳволингизда кўринманг! – дебдилар-да, хоналарига кириб кетибдилар.

Қўни-қўшниларни безовта қилишдан уялган Аминжон ака шовқин кўтаришни эп кўрмай, машинага ўтирибдилар-да, уйкуга кетибдилар.

Кечаси билан ухламаган Нарзипўлод янга эрталаб дарвоза қулфини аста очибдилар-да, болаларни мактабга тайёрлай бошлабдилар. Аминжон акага галирмабдилар, Аминжон аканинг саволларига жавоб ҳам бермабдилар. Худди бегона одамни кўргандай, у кишидан ҳуркиб қочаверибдилар. «Ҳов, Нарзипўлод, Хотамжонга ҳазил қилган эдим, шуни қайтариби. Ҳеч нарса бўлгани йўқ, бирга эдик, ҳозир Хотамжонни уйига кўйиб келяпман», – десалар ҳам Янгам ҳеч ишонмаптилар...

Нарзипўлод янгамга борича – ҳаммасини тушунтиридим. Ишончлари бутун бўлгач, «Ҳе, ҳазилларингга ўт тушсин! – деб, енгилгина кулдилар.

Етмиш ёшга тўлаётган Аминжон акани табриклиш баҳоносида хотирлаганим бу воқеани ўқиган киши мийигида кулиши ҳеч тап эмас. Ёки «арзимас» воқеани нима кераги бор экан, шуям гапми? – деган таажжубга тушиши ҳам мумкин...

Лекин чуқурроқ бир ўйласак, Аминжон акада ҳар қандай инсонга хос бўлган барча сифатлар мужассамлигини кўрамиз. Айни пайтда, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам Аминжон ака ўзини йўқотиб қўймайди, шу ҳодиса ва ҳолат сабабларини излаб топади, уни инсонийлик (охиригача ўйланган савобли мулоҳаза, чиройли муросаю мадора) билан ҳал қиласди, зиёнкорликдан

қочади, арқонни узун ташлайди, охири – яхшилик эканига ишонаиди, қалдан покликка асосланади.

Калб күзи очиқ инсонлигини ҳар қандай ишда, ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай муносабатда рўйи-рост намойиш этади. Бу энди комиллик белгисидир.

Яна шунй айтиш жоизки, бундай қалтис ҳазиллар энг яқин, бир-бирини тушунадиган, бир-бирига ишончи бутун ака-ука, дўстлар ўртасидагина бўлиши мумкин. Бир ҳисобда ҳам синов, ҳам тажриба, ҳам ҳётнинг турфа хил ҳангомаларига тайёрланишидир; кутилмаган зарбалардан эсон-омон ўтишнинг нозик сабоғларидир.

Ха, дўстнинг самимий ҳазилидан зиён-заҳмат етмайди, мабодо шундай ҳолатлар иғводан туғилса, ишончни бой бермасликка, узоқ мулоҳаза қилиб, моҳиятига етиб хуласа чиқаришга эр ва хотинни етаклайди. Шу боис ҳам «Дўстлик – барча бойлиқдан афзал». «Дўстдан нима тегса – хайрли», – дейдилар.

Аминжон ака – серфарзанд, кўп неварали инсон. Энг гўзали шундаки, Аминжон акадаги меҳмоннавозлик, меҳрибонлик, ҳурмату иззат, муросаи мадоралик, яхши инсонийлик фарзандлар қалбига сингиб, невараларга юқиб бормоқда. Аминжон аканинг уй-мактаби инсонийликни бойитмоқда. Аминжон ака оқиб турган дарёдек, атрофига нур улашмоқда, қалбидаги меҳридан баҳраманд этишда давом этмоқда, гўзаллик яратмоқда. «Қариянг бор – бараканг бор» дейишлари шундан бўлса, ажаб эмас.

Ха, азизлар, «Иигитлик елиб ўтар, қарилек чопиб», – дейдилар. Яна шуниси ҳам ҳақиқатки, ёшлиқ даври – ёздай, қарилек даври – қишдай бўлади. Фарзандлар, неваралар, дўстлар Аминжон акадан эмган нурларини ўзлари ила бойитиб, аканинг қариганида ҳеч бўлмаганда ҳам озгинасини қайтарсалар, Аминжон аканинг қарилек даври ҳузур – ҳаловатда, тинч ва осойишта ўтишига ишончим комил. «Дўстингга кўшиқ айт, меҳрингни кўшиб айт» нақли амалиётига таяниб, шундай такдир билан яшаш етмишбой алпимизга насиб этишини Аллоҳдан сўрайман.

2010.

## ОРЗУСИ УШАЛГАН ИНСОН

Самарқанд Давлат университети шундай маърифат даргоҳики, унинг эшигидан кирганлар – таълим-тарбия олганлар ва уларни вояга етказган профессор-ўқитувчилар, ходимлар, хизматчиларнинг барчаси бир умрга мафтункорлик хислатига эга бўладилар. Университет берган маънавий озуқа барчанинг қалбини бойитади, ақлини чархлади, истесъоди "кулғи"ни очади, одамийлигига нур ато этади. Ўзлигини танитади, ҳаётнинг маъносини чукур англатади, айни пайтда, инсонийликни асрашга ва бу мазмуннинг жонбахш нурини оламга ёйишга имкон яратади.

\* \* \*

Шавкат Махматмуродов мактаб ўқувчиси пайтиданок, СамДУда домла бўлишни ният қилганди. Бунга сабаб бўлган воқеаларни у ҳамон эслайди: "Сарҳовуз бўйида колхознинг шийпони бор эди. Жудаям салқин ва саришта жой. Фақат улуғ меҳмонлар келгандагина колхоз раиси, бош бухгалтер ва машҳур ошпаз хизмат қилишарди. Бизлар шийпонга яқин жойда болалар билан тўп тепардик. Лекин хаёлимиз қуюқ зиёфатдаги қизик ҳангомаларда, серзавк кулгуларда, ажойиб шеърларда бўларди. Мехмонларнинг бунчалик ҳурмат-иззати зўрлигига койил қолардик. Мехмонлар – Самарқанддан, СамДУдан келган домлалар (уларнинг айнан Нуриддин Шукуров, Душан Файзий, Жўра Ҳожиматов эканларини кейинчалик билдим) эканлигини билгач, шундай иззатга, ҳурматга эга бўлган Домла бўламан, деган ҳавас менда уйгонди".

Ана шу орзу уни Самарқандга етаклади. Шавкат Махматмуродов СамДУ ва СамДПИда камол топди. Филология фанлари номзоди даражасига, доцент унвонига сазовор бўлди. Йигирма йилча декан вазифасида ишлади. Проректорликка кўтарилиди. Бугун университет касаба уюшмасининг раиси сифатида фаолият юритаётган олийгоҳимизнинг таникли ва жонкуяр раҳбарларидан бири ўзининг 60 йиллигини (19-декабр 2010) кутиб олайти.

Университет Домласига хос бўлган барча фазилатлар эгасига, катта ҳурмату эъзозга сазовор инсонга айланган

Шавкатнинг одамийлиги, жамоат арбоблиги, раҳбарлиги, ўқитувчилиги, қисқаси, ўзига хос салоҳияти ҳақида кўплаб қоғозларни қоралаш мумкин. Мен эса унинг таниш бўлган, ўзим сезган ва англаган хислатларини айтмоқчиман.

Шавкатнинг алоҳида шахслиги шундаки, у ўзига берилган аклу заковат, табиатига мос феъл-атвори бетакрорлигини билади; ўзлигини танийди, шунга яраша камсуқум: кам ёзадиган, камига доимо шукр қиласидиган, кўпига чопмайдиган, сабрли инсон. Йўқотганига ачинмайдиган, хатоларига кўз ёши тўқмасдан, янги йўлга, бош мақсадига интиладиган одам.

У – талабалар ва ҳамкаслари билан тил топиша оладиган, муомалани ўрнига қўядиган одам. Тиришқоқ, рағбатлантиришга мойил тарбиячи. Ўзгалар ютугини самимий эътироф этадиган одам. Камчилигини бартараф этишга интиладиган, кўл остида ишлайдиганларни юкори доираларнинг ноўрин тазикларидан доимо ҳимоя қила биладиган, уларни қўллайдиган раҳбар.

Шавкат топилмайдиган раҳбар эмас, лекин унда инсон табиатини, рухиятини англовчи хислат - психологик лаёқат ва одамларни бошқариш санъатининг сирларини билгичлик ("синчи"лик) уйгуналашиб кетган. Унда касбий (педагогик) тайёргарлик, мулоқот санъати яққол кўзга ташланади.

Унинг узоқ вақт декан бўлиб ишлашининг асосий сабаби - факултет ишини ўз эгаларига (ўринбосарларига, жамоат ташкилотлари раҳбарларига, мудирларга) шундай топширганки, улар ўз вазифаларини осонлик ва завқ билан бажара билганлар. Жамоа аъзоларидан ҳар қайсисининг юрагига алоҳида йўл топганидан ва уларни назорат қилишнинг нозик усулларини кўллаганидан бўлса керак, Шавкатнинг ишончи хеч қачон сунистемол бўлмаган. Рағбатлантиришни эсидан чиқармаган, ўрнида "раҳмат" айтишдан чарчамаган. Асаббузарликка, ҳорғинликка асос яратмаган. Уларга ғамхўрлик қилишни, керак бўлганида ғам-ташвишларига шерик, туй-маъракаларига бошкош бўлишни, зарур пайтда керакли фикр-мулоҳазаларини инобатга олишни канда қилмаган. Гўё ўзлигини уларга тақсимлаб берган, тақсимланган вазифа, бурчни бойитиб, инсонийлаштириб ўстиргач, яна ўзлигини бутунга (яхлитга) айлантира олган. Шу жараёнда ўзи ҳам пишиб, раҳбарлик психологиясини мукаммал эгаллай борган.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, раҳбарлик сотиб олинадиган, таниш-билиш, қариндош-уруғчилик орқали эришиладиган восита эмас, у Аллоҳдан бериладиган ва узок йиллик тажриба натижасида камол топтириладиган улуғ неъматдир. Шундай неъматга эришган Шавкат бугун аниқ мақсад - жамоани Истиқлол бунёдкорлиги сайин бошлашга бош-көш бўлмокда.

Шавкатнинг усталиги шундаки, биринчи раҳбарнинг доимо фазилат ва билимларини ўринли мақташни жойига кўяди. Лекин ўша раҳбарнинг хислатини топиб гапиради, бошқалар (ҳатто, ўшараҳбар) ишонмайдиган қисмини камроқ едиради. Натижада битмайдиган ишни битиради, ўзи кўзлаган натижага эришади. Танбех бериш, танқид қилиш ўрнига раҳбарнинг иззатини жойига кўйиб, мақтов билан енгади.

"Бой амр қиласи, бойвучча ҳамир қоради" мақоли билан Шавкатнинг мазмуни бирлашиб кетган. Раҳбар айтган ҳар қандай ишни ўз вактида, чиройли килиб бажаради. Бу иш бажарилганини раҳбарга ёқадиган (ботадиган эмас) қилиб етказа билади.

Шавкат – ҳар бир кишини ўзидан устун кўйишга, шу орқали унинг юрагига кириб олишга устамон. Бу ишни у самимий бажарадики, бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Ҳар бир одамда бўлган энг яхши хислатни топиб, қойил қолганини очик айта олади, мақтовга лойиклигини таъкидлай билади. Бунинг эвазига ҳамиша ўзига яқин, ҳамкорликка шай одамни кашф этиб боради.

Шавкат – яхши тингловчи. Сабр-тоқатли тингловчи. Диққат билан эшитувчи одам. Шу сифати билан барча одамларни ўзига жалб қиласи. Сабрли тингловчини эса хамма эъзозлайди.

"Отга мингнларга кўлингни берсанг,  
Отдан тушганларга елканг тутиб кўй".

Шу насиҳат Шавкатнинг борлигига айланган. У нечта ректор билан ишлаган бўлмасин, ҳозир ҳам Fани Икромовнинг, Рустам Холмуродовнинг (марҳум Содиқ Нишоновнинг) ҳурматини жойига кўяди. Яхши кунларида, туғилган кунларидаям бориб хабар олади, табриклияди. Бу хислат - кўпчилигимизда қахат. Раҳбар вазифасида турганида – содиқмиз, кетганида – эсламаймиз. Кўпчилигимизнинг одамгарчилигимиз одамга эмас, мансабга боғланиб қолади...

Кўйидагига ўхшаш шеърларни Шавкат жону дилидан яхши кўради, бир-икки ўқиганидан ёд олади:

Амал бўлса, қандай яхши,

Чала қолмас ҳеч ишинг.

Арастуга тенг кўришар

Бўлмаса-да, эс-хушиңг.

Амал бўлса, пашша чаққан

Жойингни ҳам силашар,

Ўзинг қолиб, итингга ҳам

Узок умр тилашар.

Амал бўлса, шундай бўлар,

Шундай бўлган азалдан

Чин дўстликни топиш мушкул,

Тушмагунча амалдан.

(Мансурхон Ахмедов)

Очилган гул ҳазон бўларкан,

Ҳазон бўлгач, арzon бўларкан.

(Махмуд Тоир)

Шеърда ҳикмат бўлишини, бу ҳикмат кўпнинг кўнглига тегишли бўлишини истайди.

Шавкат Маҳматмуродов инсонлар қалбига йўл топа олиши орқали, моҳир раҳбар психологиясини згаллагани туфайли ўз орзуисига эриши: қорачадан келган, соchlарига оқ оралаган, чиройли қадду-қоматга эга олим, педагог, психолог, раҳбар, жамоат арбоби - иззату ҳурматда. Кўпга хизмат қилишдан хузурланувчи раҳбар. Яхши амалларга чорловчи бетакрор инсон, баҳти инсон.

Самарқанд Давлат университети шундай маърифат даргоҳики, унинг эшигидан кирганлар – таълим-тарбия олганлар ва уларни вояга етказган профессор-ўқитувчилар, ходимлар, хизматчиларнинг барчаси бир умрга мафтун-корлик хислатига эга бўладилар, деб ёзган эдик. Бу ҳақиқатни Шавкатжоннинг оқаёттан умри сарҳисоби ҳам исботлайди. Бугун унинг истеъоди гуллаган, одамийлиги эзгу мақсадлар билан бойиб, Истиқлол мазмунини ёйишга хизмат қилмоқда, жамоани сиҳат-саломатлигига катта ёрдам бермокда.

2010.

## ДАВЛАТМАНД ДҮСТ

Уютиқисиз – қатиқ уюмас.  
Ачитқисиз – қимиз.

Мақол

Ўзбек хонадонида “шундай бир тарбия борки, бу тарбияни кўрган киши куч ва умрини самарасиз, худбинлик натижаси бўлган ишларга сарф қилмайди”. Дарвоке, Холиқул бобонинг умри давомида амал қилиб ўтган тутум ўғли Жўрабой учун ҳам ўзгармас қоида бўлиб қолди. У кишининг “Аталмаган (номи чиқмаган – X.У) йигитдан аталган тепалик авто” деган ўгитлари – умрини муносиб яшашга, ўз соҳасининг билимдони бўлиб танилишга, яратишга тинимсиз даъват этади. Уларнинг тинибтинчимаслиги, кўпга ёрдамга шошилиши ва кўпнинг дардига малҳам бўлиши; беозорлик ва эртанги умидларнинг амал қилишига ишонч ҳеч сусаймайдиган инсоний белгилари эдикি, буларнинг ҳаммаси Жўрабойда яна бойиб, янада комиллашиб давом этмоқда.

Истиқлол маънавиятининг, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мағзини, илдизларини, уларнинг бугун бўй кўрсатган қирраларини мен илгор зиёлилар ҳаётида бор бўлганлигига аминман. Бу ишончни мохир мураббий, фан номзоди-фольклорист, ҳаваскор шоир, болажон Жўрабой Холиқуловнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Ж.Холиқулов 1940 йил 10-январда Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги Улуғбек жамоа хўжалигида дехкон оиласида тугилган. Ўрта маълумотни туман марказидаги 60-ўрта мактабда олди. 1957 йили мактабни тутатиб, хўжаликда ҳар хил ишлар билан банд бўлди.

1959 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишига кириб, 1964 йилда муваффакиятли тутатди.

1964 йилдан 1966 йилгача Булунгур туманидаги 29-ўрта мактабда ўқитувчи, 1966 йилдан 1974 йилгача шу мактаб директори бўлиб ишлади. Бу давр ичida фидокорона меҳнат қилиб мактаб жамоаси ва эл орасида катта обрў топди. Уч йил

давомида анъанавий кенгашларда ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича секция раҳбари бўлди. Жамоат ишларидаги фаоллигини хисобга олиб, ҳалқ уни Тонготар қишлоқ кенгашига депутат (нойиб) қилиб сайдади.

1974 йил 18-июндаги Республика Педагогика жамиятининг Биринчи таъсис қурултойига делегат бўлиб қатнашди. Шу йиллар ичida Жиззах вилояти “Жиззах ҳақиқати”, Бахмал туманининг “Ғалаба байроби” газеталарида ўзининг “Шайланяпмиз”, “Баҳт ва шодлик куйчиси”, “Дўстлик тарбияси ҳақида”, “Бола тарбиясида оиласинг роли” каби услубий мақолаларини эълон қилди.

1977 йилдан Ж.Холиқуловнинг илмий-педагогик ҳаётida кескин ўзгаришлар содир бўлди. У шу йили бир гурӯх ўртоқлари сабаб С.Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтига ишга таклиф қилинди ва узок йиллар сиртқи бўлимда ўқув консультация бўлимини бошқарди ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади.

Ж.Холиқулов филология фанлари доктори, профессор, машҳур фолқыорист Малик Муродов раҳбарлигига илмий иш билан шугулланиб, 1985 йил 18-февралда “Гўрўғли туркум достонларида “Гўрўғлининг туғилиши” достонининг ўрни” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ж.Холиқулов 1991 йилдан то ҳозирги кунгача Самарқанд давлат университетининг факультетлараро ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаб келмоқда. Ж.Холиқулов 40 дан ортиқ илмий-методик мақолаларнинг ва “Фолқылор бўйича методик тавсиялар”, “Ўзбек тилидан кўрсатмалар”, “Ҳалқ ижоди дурданалари” каби рисолаларнинг муаллифиdir.

Ҳа, Жўрабой, даставвал, моҳир ўқитувчи-услубчи.

У Университет даргоҳида Улуғ Турсунов, Воҳид Абдуллаев, Орифжон Икромов, Ҳудойберди Дониёров, Жўра Ҳамдамов каби устозлардан олган билимни ўрта мактабга асосли татбиқ қила билди. Ўқувчиларга бўлган меҳру муҳаббати уни тинимсиз изланишга, меҳнату мashaқатга дучор этди. Билимдонлиги, бадиий асарларни қизиқарли ҳикоя ва декломация қилиши – туман ўқитувчилари орасида обрўсини ошишига сабаб бўлди. Айниқса, мактаб ва оила, ўқувчи ва бадиий асар, билим ва уни ўзлаштиришнинг осон йўллари тўғрисидаги мақолаларининг чоп

этилиши – туманнинг тил ва адабиётчи саркор ўқитувчилари сафидан жой олишга ҳамда узоқ йиллар мактаб директори бўлиб ишлашига асос берди.

Ўрта мактаб муаммоларини чуқур билган ва илғор тажрибаларини сабоқ ва хулосаларини умумлаштиргани Жўрабойга кўл келди. Садриддин Айний номидаги педагогика институти ва Алишер Навоий номидаги СамДУда ишлаш жараёнида бўлајак ўқитувчиларга энг зарур билимларни осон ўргатишга эришди. Бунинг ижобий натижаси сифатида “Ўзбек тилидан кўргазмалилик” деган салмоқли услугубий кўлланма юзага келди. Унда ўзбек адабий тилининг қонун-қоидаларини ўрганиш йўллари чизмаларда, жадвалларда, намуналарда, мисолларда ўз ифодасини топди. Китоб тезда ўзбек тилини ўрганувчи ва ўргатувчилар учун яқин маслаҳатчига айланди.

Элимизнинг машхур баҳшиси, юртимизнинг ўлмас жарчиси, ўзбекнинг буюк тарбиячиси Фозил Йўлдош ўғли Жаманжар қишлоғига тез-тез меҳмон бўлар, Холикул отанинг отга ишқибозлигини олқишлиар, отини “Ғиркўнинг уругидан бўлса ажабмас” – дея синчиллик ҳам киларди. Ёш Жўрабой ҳам “Алпомиш”, “Авазхон”, “Равшан”, “Балогардон”, “Маликаи айёр”, “Жиззах кўзголони” каби ўнлаб достонларнинг тингловчиси эди, эшитиб чарчамасди. Айниқса, Ғирот, Бойчибор, тасвири жонланганда юраги ҳапкирар, кўзлари ёнарди. Хаёлида ўзини от устида кўрарди. Буни Фозил ота илгар, боланинг хаёлига янада парвоз ато этарди. Шундай йигинларнинг бирида унинг бошини силаб, “Келажакда шоир бўлгин, синчи бўлгин” деганини Жўрабой ҳамон ёниб эслайди.

Мана шу қизиқиши ўсиб-улғайиб, ўз мевасини берди. 1985 йилда ЎзФА илмий кенгашида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Гўрўғли туркумидаги достонларда “Гўрўғлининг туғилиши” достонининг ўрни” диссертациясини ёқлади. Унга оппонентлик қилган Қорақалпогистон ФА директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Қ.М.Максетов ва проф.Ф.О.Жалоловлар ва норасмий ҳакамлар – профессорлар А.Қаюмов, П.Шермуҳаммедов, А.Ҳайитметовлар ишни юқори баҳоладилар. “Гўрўғлининг туғилиши” достонининг кўллёзмалари устидаги тадқиқот давом этди. Достоннинг бешта варианти борлиги аниқланди ва

уларнинг матни илмий таҳлил қилинган монография юзага келди. Айни пайтда “Гўрўғлининг туғилиши” номи билан бешта достон матнини чоп эттириш кун тартибиға қўйилди.

Фолъялорга муҳаббат ҳалқ орасида юришга, уни тинглашга етаклади. Ана шундагина ҳалқимиз ижодининг нодир дурданаларини тўплаш, ўрганиш, бойитиш имконияти туғилади. Жўрабой ҳам узок йиллар кўплаб термалар, аллалар, йиги-йўқловлар, лапарлар, ёр-ёрлар, эртакларни ёзиб олиш билан шуғулланди. Уларнинг янгиларини, бошқа китобларда учрамайдиганларини тўплаб, “Ҳалқ ижоди дурданалари” (“Зарафшон нашриёти”, 1997.) номи билан чоп этди. Тўпламда ўнлаб жанрларнинг намуналари берилган. Мана “Алла”нинг бир парчасига кулоқ тутинг-а:

Алла – жоннинг роҳати, алла,  
Уйқу кўзнинг қуввати, алла.  
Қора кўзим, алла,  
Ширин сўзим, алла!

Ухла, алла айтаман, алла,  
Устингга лобар ёпаман, алла.  
Сенинг дайди отангни, алла,  
Излаб қаердан топаман, алла!

Педагог ва тадқиқотчига хос бўлган изланиш, ёниб яшаш, эришган ютуқдан қониқмаслик, янгилик яратишга интилиш – Жўрабой Ҳолиқуловнинг юрак дардларини ифодалашга чорлайди. Руҳиятидаги туғёнлар, нодир кечинмалар шеърга айланади. Ватан, дўстлик, ёр, меҳр ҳакида қўшиқлар кетма-кет тўкилаверади:

Менинг ёрим хўп кўркам,  
Кўнглимни килар кўклам.

Қишимни ҳам ёз айлаб,  
Гул теради бир тўплам.

Сочлари гўё сумбул,  
Лол қолар кўрса булбул.

Қовоги ҳам келишган,  
Бодомнинг ўзи нуқул.

Гул юзлари сўлмаган,  
Бундай сулув бўлмаган.  
Мендан бошқа ҳеч кимса,  
Шундай ёрни кўрмаган.

Чиройда тенгсиз дилдор,  
Унинг бир хислати бор:  
Эрта туриб, кеч ётар,  
Хизматида тонг отар.

Қаршиига келиб пари – ой,  
Ўзига тополмай жой.  
Бир зум пол қолди,  
Үёлиб ортга қайтди.

Кўряпсизки, Жўрабойнинг яратиқларида ҳам ҳалқ оғзаки ижодининг муҳри бор. Ўйноқи ва шўх мисралар, ром қилувчи ўхшатишлар, сўддалик ва равонлик каби хислатлар – исботдир. Шу сабабли бўлса керак, “Ватан” шеърий тўпламида ўзи меҳр – муҳаббат кўйган, ҳаётининг ришталарига айланган фольклоримиз қаҳрамонларини жўшиб, юракдан эъзозлаб куйлади; “Гўрўғлининг туғилиши” достонидаги Ғирот Баҳодирнинг қўш қанотига тенглаштирилади:

Узоқ йўлни яқин қилган,  
Ўз эгасин чиндан билган.  
Душман кўрса сувлик сўрган,  
Керак бўлса ўйин қилган.  
Баҳодирнинг қўш қаноти,  
Гўрўғлининг Ғиркўк оти.

Ўқитувчилик, олимлик, ижодкорликнинг таъсири натижаси бўлса керакки, Жўрабойда хотира зўр, кўрганини эсидан чиқармайди. Ўқиганини деярли ёдлаб олади. Муҳаммад

пайғамбар алайхиссалом: “Албатта, ҳар бир нарсанинг қалби бордир. Қуръоннинг қалби “Ёсин”dir. Мен бу сурани умматидан ҳар бирининг қалбидаги бўлишини истар эдим”, - деган эканлар. Жўрабой шу ҳадисни қалбига кўчиргандардан, амалда исботлай оладиганлар хилидан. У 83 оятдан иборат “Ёсин” суръасини ёдаки қироат килар экан, унинг оҳангидан тебрана бошлайсиз, қалбингиз ўзингиз билмаган нурга тўла бошлайди. Инсон қадри ва кудратини, ҳар бир умр мазмунини чуқурроқ англайдиган бўласиз.

Ўрта ва олий мактабда Жўрабой кўплаб шогирлар етиштириди. Жиззах педагогика институти профессори У.Жуманазаров, доц. А.Турсунқулов, Фориш туман прокурори М.Назаровга ўхшаш ўнлаб шогирларига ҳам меҳрини, ҳам илмини улашди. Уларнинг илғор зиёли бўлиб танилишларига сабабкор бўлди. Умр йўлдоши Фотимабону билан алқаб-ялқаб тўқиз фарзандни вояга етказиши. Орифжон, Маъруфжон, Раънолар (мактаб ўқитувчилари)дан бошқаларини – Илҳомжон, Исломжон, Шарофжон, Дилором, Зебинисо, Шарифжонларни олий маълумотли мутахассислар килиб етишириши. Болажон инсон – севимли ота эканлигини меҳнату машақкат, меҳру оқибат билан яна исботлади.

Мулоҳазаларимиздан аён бўляптики, Жўрабой Холиқулов – давлатманд инсон. Топганини, борлигини – фарзандларига, оғайниларига, ўқувчиларига, талабаларига – халқига хайр-эҳсон килиб, халқига хурсандлик улашиб яшаети. Ана шундай умр – 60 ёшга қадам кўйди. Жўрабойнинг кучи биз таъриф қилган олти хислат билан тугамайди. Унинг боғбонлик, сабзавоткорлик, синчилик (даллоллик), саллоҳлик, иморат қилувчи устолик ва шу каби яна кўплаб фазилатлари борки, худойим умр берса, ҳар ўн йилда биттасининг сирини баҳам кўрамиз, деган ниятдамиз. Орзуимизга сиз ҳам қўшиласиз ва биз билан ҳамкор бўласиз деган ишончдамиз.

2000.

\* \* \*

Кейинги ўн йилликнинг бир қисми кексаликда зўрайган касалликларни даволашга сарфланади. Нафас ва ўпка йўлларидағи шамоллашни йўқотиш учун “Оқтош”, “Тавоқсой”,

“Хумсон”, “Зомин”, “Марварид” каби оромгоҳларда бир неча бор даволанади.

Диний илмни ўрганишга рағбати уйғонади. “Куръон”ни, Мұхаммадхон қори Исҳоқ ҳожи (Махружий)нинг “Ёсин”, “Фотиха”, “Ашма”, “Тобарак” сураларининг тафсири”ни ўрганди, бу сураларнинг барчасини ёд олади.

“Ибодати исломия” китобини түлиқ ўрганади. “Мухтасар” ва “Ал жомъе Ас-саҳиҳ” (Ишонарлы түплам)ни завқ билан ўқыйди.

Исломнинг қонун-қоидаларини ўрганиш жараёнида Ҳақ ва ҳакиқатнинг қадрини зъозлашга, поклик ва покдомонликни қўллашга киришади. Бундай оқиллик ва амалиёт унинг обрўсини янада оширади. 2008 йилдан бугунга қадар “Булунгур ариқ” маҳалласи оқсоқоли вазифасида ишлаб, маҳалладошларининг оғирини енгил қилмоқда. Истиқлол маънавияти ва маърифатини кишилар кўнглига сингдириш йўлида фаоллик кўрсатмоқда. Тўкқиз фарзанд, беш келин, йигирма неварага ҳам бош-қош, намуна бўлиб, уларни гўзал ахлоқ кишилари килиб тарбияламоқда.

Энг қизиғи шундаки, қарияликда шеърлар ёзишга ҳаваси янада ортган. “Сендей сулувни кўрмадим”, “Лабингдаги холларингдан”, “Ўзбегимнинг қизлари”, “Ёдимда”, “Менинг ёрим”, “Қирғиз қизига” каби ўнлаб пишиқ ва чиройли шеърлари тўплам ҳолига келган. Шу боис, “Уйку келмас кечалари илҳомим жўш уриб, тўлғоқ тутади, шеър ёзмасам ўлиб қоладигандек бўлавераман” – деб дил изҳор қиласди. Буларнинг барчаси ҳақида таассуротингиз уйғониши учун унинг янги тўпламини вараклашингиз ва кишини лол қолдирадиган, ҳайратга соладиган хислатларидан хузур туйишингиз мумкин.

# ГҮЗАЛЛИККА БАХШИДА УМР

## СҮЗ АВВАЛИ

*Одам – оламнинг олтин тоғси.*

**Халқ мақоли**

Ҳамроев Жумакул (Жума Ҳамроҳ) 1947 йилда Декқонобод (Қашқадарё вилояти) нинг Сангмӯла кишлогида туғилган. 1969 йилда Самарқанд Давлат университетининг тожик филологиясини битирган. 1989 йилда номзодлик, 2006 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган. Ўн йилдан ортиқ (2000-2007; 2009-2012 йиллар) декан вазифасида ишлаган. Доцент (1989). Профессор (2010). “Тожик адабий танқиди тарихи”, “Ҳозирги тожик адабиёти”, “Ҳозирги адабий жараён” фанларини қизиқарли ва чукур илмий тарзда ўқитади. Талабалар учун “Таърихи танқиди адабий” (Душанбе, Ирфон, 2006), 9-синф тожик ўқувчилари учун “Адабиёт” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010) дарслуқларининг, “Қадимги юонон адабий танқиди ва форс шеърияти” (2001), “Адабий жараёнлар” (2002), “Тожик бадиий насли танқиди” (2003), “Шеър танқиди” (2006) монографияларининг ўнга яқин ўқув-услубий қўлланмаларнинг, 350 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолаларнинг муаллифидир.

Тожик адабиётшунослиги бўйича йирик мутахассис бўлишидан ташқари, унинг билан боғлиқ ибратли ва шириншакар (“Ширу шакар”) ҳангомалари ҳам, гўзалликка, меҳру муҳаббатга ўранган хислат ва фазилатлари ҳам бисёр (кўп). Уларнинг ҳар бирини достон қилиб, туркум қатраларга жойласа арзиди. Шунда “Одам-одамга қувват”лиги янада аёнлашади, “Олдингда оқар сувнинг қадри” ҳам улуғлиги англаанди.

## САБАБДАН САБАБ...

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

**Алишер Навоий**

Мен рулда, Жума Ҳамро ёнимда, орқа ўринидка Омон ака, Садри ака ва Шавкатжон “харифона” (халфана)га (Омон ака дейди: “Баробари - биродари”) кетаётганимизда светофорнинг қизил чирогига дуч келдик. Тўхтаганимиз ҳамон йўлни кесиб чиройли аёл ута бошлади. Қадди-қомати – классика (мумтоз), юришлари таманнога бой, юзлари ойдан-да гўзал. Ҳаммамизнинг дикқатимизни ўзига қаратганини англаб, қарамаса ҳам бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилгандай викор билан қадам ташларди. Ўзи қарамасдан, бошқаларни ҳар бир ҳаракатига қаратарди... Айниқса, Жума адойи тамом бўлди, унинг юраклари чок-чок сўкилди, сийнаси абгор бўлиб, тилдан қолди.

Минг шукрки, сарик, сўнгра кўк чирок ёнди-ю, олдинга ҳаракатни бошладик. Ҳамма жим қотган эди. Бирдан ҳаммамиз “тирилдик,” гўё.

Мен гап бошладим:

– Етмиш ёшга кирган эркакларнинг етти йил ҳаёти ана шундай гўзалларга боқиш, улар билан сухбат қуриш орзусини ўйлашга кетар экан!..

Шавкатжон давом этди:

– Ие, сиз нима деяпсиз? Орамизда ўтирган Жума Ҳамронинг бутун умри шунга бағишлиланган-ку! Гўзаликка, гўзалларга ошуфта бўлмаган куни йўқ...

Шавкатнинг сал ошириброқ бўлса-да, Жуманинг борлигини топиб айтгани учун машинанинг ичи қаҳ-қаҳага тўлди. Омон ака “Жуманинг бу хислати рост”, - деб айтдилар. Садри ака эса “Жуманинг тимсоли жонланиб кетди-ку！”, - дедилар.

Жуманинг етмиш йиллиги нишонланганда, унга атаб мақола ёзиши, унинг номини “Гўзаликка ошуфта кўнгил” деб номлашга келишдик. Лекин бу сарлавҳа Жуманинг салоҳиятини тўлиқ қамрамаслигини муҳокама қилгач, кўнглишимиз тўлмаган сарлавҳани “Гўзаликка бахшида умр” деб ўзгартиришга келишдик.

Ҳазрати Faфур Fулом Saид Axмадга “Вакт” шеърини ёзib бериш жараёнida “Шеърнинг номи топилди. Остига кўйиладиган

Ғафур Ғуломнинг ҳам исми-шарифи аниқ Демак, шеър битди...” деганларидек, Жумага бағишиланган маколанинг сарлавҳаси ва уни ёзувчилар исми-шарифи аниқ бўлгач, унинг дастлабки қисми ҳам тайёр бўлиб, Сиз томонга йўналди.

Балким, бу қатралар **Сизни ҳам Жума ҳақида** сўз айтишга ундар. Унинг биз билмаган қирраларини (эзгулигу яхшиликларини, шўхлигу завқларини, беғубор донолигу дил баётларини) Сизнинг кашфингиз тўлдирап...

## АСАР СИНЧИСИ

**Узр қиласанг, ҳузур қиласан.  
Халқ мақоли**

Жума Ҳамро кўлёзма асарнинг гояси (мехвари)га таянган ҳолда, унинг композицион қурилишини аниқ ва тиник тасаввур кила билиш хислатига эга: етишмовчилигини ҳам, ортиқча қисмини ҳам рўйи-рост айтади. Дастлаб, унинг фикрига кўшилгингиз келмайди, қандайдир асослар билан рад этасиз. Бироқ бир неча кунлар ўйлаганингиздан сўнг Жума ҳақ эканлигини тўлиқ англайсиз. Биргина мисол келтираман:

“Тахлил чизгилари” кўлёзмаси билан танишгач, Жума ундаги “Илм ҳақиқатдур, ҳақиқат илм” деб номланувчи қисм ортиқчалигини айтди. Унда А.Абдусаидовнинг “Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти” (Тил маънавияти, нутқ маданияти ва саводхонликка таъсир қилувчи омиллар) монографияси илмий таҳлил қилинган ва ютуғу камчиликлари (батафсил) кўрсатилган, илм кишилари учун керакли сабоқлар чиқарилган эди. “Тахлил чизгилари”да турли бадиий асарлар тахлилга тортилган ва илмий-оммабоп услубда яратилган эди. Биринчисида академик (Фундаментал тадқиқот) услуб, иккинчисида туйгулар (түғёнлар) тахлили устун эди... бу жиҳатларни Жума нозик илғаган, “Тахлил чизгилари” гоясига А.Абдусаидов асари тадқики ортиқчалигини аниқлагани учун у раҳматга сазовор эди, у ҳақ эди.

Жуманинг бу синчлигига – синчковлигига амал қилганимдан сўнг, “Тахлил чизгилари” бусбутун асарга айланди, кўзимга шоҳона (Жуманинг ибораси) чирой очди.

## МУМТОЗСЕВАР

Молимни ол, жонинин күй.

Халқ мақоли

Жума Ҳамро мумтоз күй, күшик ва ашулаларни севади, уларнинг барча ижро чиларини оҳангидан, овозидан бехато топади. Ўша күй, ўша күшик, ўша ашула оҳангидан маъносига мос ҳолда гавдаси тебрана бошлайди, юракдан қуюнади. “Воҳ, юрагимни эзворди”, “Ёндириди-ку!” “Адо бўлдим!” дея ичидаги “ғалаён”ни ташига чиқармасдан туролмайди. Кучли ҳаяжонга берилади. Унинг таъсирида гўё қайта туғилади.

### Дарвоқе, мумтоз күй ва ашула:

- Дилга доимо манзур бўлади.
- Кўнгилга – озик беради, берган озиғи малҳам бўлади.
- Мехнат унумдорлигини оширади.
- Кўнгил чилгиларини ёзиб, уни поклайди.
- Узоқ-узоқ хаёлларга олиб кетади, босиб ўтилган умрнинг ширин ва нозик туйғуларини эсга солади.

– Ҳаммавақт инсонга ҳамдам бўлади, ҳар дам қалбни умид туйғулари билан бойитади, комилликка етаклайди.

– Қалб кўзини очади, ғашликни, ёмонликни, умидсизликни, аламларни ёндириб юборади. Ишончли, садоқатли, гўзал ахлок кишиси бўлишга чорлайди.

### Ёмон кўшик, шовқинли мусиқа:

– Асабни зеввлаб, дилга оғрикли зарба беради, мияни тез чарчатади.

– Кўнгилга қулф солади, уни очишга имкон бермайди.

– Маънан заҳарлайди, беҳаёликни, бачканаликни, одобсизликни тарғиб қиласди.

– Ҳирсни қўзғатади, андишани унуттиради, хиёнатга йўл очади.

– Қанчалик клип ва фонограмма билан безанмасин моҳияттан инсоний ҳаяжонни ўлдириб, кайфиятни бузиб, ғашлик туйғусини уйғотади.

Шунинг учун ҳам Жума – мумтозсевар. Берилиб, севиб, маъносини чақиб, соғиниб тингловчи Шахс. Унингча, мумтоз күй ва ашула эшитганида асаблари аста-секинлик билан тинчий бошлайди, миясидаги “зилзилалар” меъёрига туша бошлайди.

унга ором беради, шиддаткор қон оқими ва босими табиий холатга кела бошлайди. Мусиқа ва овознинг ҳамоҳанг “юрак” уришидан туғилаётган қоникиш, орзиқиш, шукроналик қалбидаги қоронгуликларни тарқатиб, яшаш, севиш, ардоқлаш, улуғлаш, баҳтиёрлик каби туйғуларини жўштиради.

У “Шашмақом”ни тинглар экан, ҳамма айтувчиларни мумтоз санамайди. “Шашмақом”нинг наср кисми – сараҳборларини айта билмаганин ҳофиз санамайди. Мақом усталари деб Левича ҳофиз, Содипхон ҳофиз, Ҳожи Абдуллазиз, Мулла Тўйчи ҳофиз, Юнус Ражабий, Ориф Алимухсумов, Шокиржон Эргашев, Шоҳназар Соҳибов каби санъаткорларни билади. “Дугоҳ”, “Чоргоҳ”, “Ушшоқи Самарқанд”, “Ироқи Бухоро”, “Баёт – 1, 2, 3, 4”, “Чўли Ироқ”, “Муножоот”, “Наврӯзи ажам”ни тинглаганда “Бир ўлиб, бир тириламан”, -дейди. “Бухорча”нинг “Мавриғи”сини тинглар экан, қалбини завқу суурү чўлғаб олганидан энтикиб кетади ва ўзи ҳам хиргойи қила бошлайди:

“Ман омадаям, лаби ту хандон гардад,  
Қанду асалу набот арzon гардад.  
Ҳар гах қадамҳои ту ояд ба замин,  
Сангҳо ҳама лаълу дуру маржон гардад”.

(Мен келсан агар, лабларинг хандон бўлсин.  
Қанду асалу наввотлар арzon бўлсин.  
Ер узра ҳар гал қадамларинг қўйганда,  
Тош борки, бари лаъл, дуру маржон бўлсин.)

Жуманинг ҳам нолиши-ю хонишидан ёрга баҳшидалик, мафтунлик, орзумандлик Сизда яна бир баҳя авжланишни, ҳайратни кучайтиради; “Ёрга садқаи жон” қилганингизни билмай коласиз!

Ўзбекистонлик Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Шерали Жўраев, Камолиддин Раҳимов, Муножот Йўлчиева, Отажон Худойшукуров, Матлуба Дадабоева, Насиба Сатторова, Марям Сатторовалар; Тоҷикистонлик Барно Исҳоқова, Шоиста Муллажонова, Бобоқул Файзуллаев, Габриэл Муллақандов, Абрам Толмасов, Жўрабек Набиев, Жўрабек

Муродов, Нигина Амонқурова, Одина Ҳошим ва шулар каби юзлаб хонанда – санъаткорларнинг ашбула ва қўшиқлари унинг жону дили. Абдуҳошим Исмоилов гижжакда, Турғун Алиматов дутору танбурда, Нисон Шоверлов найда. Абдураҳмон чангда, Илюш Барраев, Дилмурод ва Элмурод Исломовлар дойирада Муҳаммаджон ва Шавкат Мирзаевлар рубобда куй чалганларида “ўзлигимни унутиб, ҳайратим ошганидан нафас олишни ҳам эсимдан чикариб қўяман”, - дейди.

Жума Ҳамроҳ: “Юқоридаги хонанда ва созандалар ижросини эшишиб, бевосита ўша ашула ва куй билан бирлашиб, бир жону бир танга айланаман. Инсонга хос бўлган барча туйгуларни юракдан ҳис қиласман. Бир неча марталаб сурункасига эшийтмайин, ҳар сафар илгари сезмаган янги туйгуларим жўшади, ҳар гал янгича мазмун кашф қиласман. Шунинг учун уларга тўймайман. Доимо зориқаман, соғинаман”, - дея қалбини очар экан, унга тўлиқ ишонасиз. Мумтозсеварлигига ҳавас киласиз.

Санъат – серзавқ гўзаллик, ўта нағислик, тўкис уйғунлик. Унинг хузурбахш оромижонлик хислати – мазмун ва шаклнинг яхлитлиги билан мафтун этади, эзгуликка етаклади. Айниқса, ишқни, хижронни, висолни куйлаганда кўнгилга олов ташлайди: мусика, сўз ва овоз бир-бирларининг танига, йўқ, йўқ, жонжонларига сингишиб кетганда учаласидан ёрқин, жонбахш бир олам яралганда оҳ дейсан, ёқангни йиртасан, кўз ёш тўкасан, жонинг ўртанади, қалбингда ёмон туйгуларинг ёниб, яхшиси шу оловда пишиб, тобланиб, янгиланиб эзгуликка чорлайди. Ақлингни эритиб юборади, қалбингни жунбишга келтириб қайнатади, ҳар қандай губордан озод этади.

Ҳа, Жуманинг мумтоз санъатга ошиклиги рост. Бу ошиқ усиз яшай олмайди. Унингсиз қалби нур сочмайди. Жума бу Нурга тўйингач тили билан ҳам, дили билан ҳам, қарашлари билан ҳам, муомалаю одоби билан ҳам атрофидаги одамларга гирдикапалак бўлаверади, “Қалбга қаримоқ йўқ”лигини кўрсатиб, кучга тўлиб хизматга бел боғлайверади.

## БОЗОР

*Сир учини сўз очар.  
Халқ мақоли*

Жумага завқу шавқ берадиган, кўнглини яйратадиган, чарчогини ёзиб кучига куч қўшадиган жой – бозор, тўғрироги бозордаги сотувчилар экан.

Бозордаги сотувчиларнинг барчаси Жумани танир экан, хаммалари ҳам соғинч эҳтироми билан уни кутиб олишар эди. Куюқ ва узок сўрашишгандан сўнг, Жума олмоқчи бўлган нарса (мева, туршак, бодом, писта-хандон, сабзавот, кўкатлар...)нинг энг сарасини таклиф этишарди. Жума ҳам ўша асл молни синчиклаб кўрарди: рантига, мазасига, сақланишига, чиройига ва нархига дикқат киларди. Кўнглига ўтиrsa уни мақтар, эгасини кўкка кўтаратарди. Ҳамма Жуманинг гапига қулок солар, мақталган сотувчи ял-ял қувончдан ёнарди. Барчанинг дикқатини жалб қилганидан қаддини ростлаб, ғуурланиб роҳатланарди. Бундан Жуманинг янада завқи келиб, бир кило олиш керак бўлган молдан икки, уч кило оларди. Сотувчи ҳам аввалги нархдан ўз розилиги билан анчагина арzonга берарди. Жуманинг муомаласи санъат даражасига кўтарилгандан сўнг, Жумага эргашганларда ҳам, шу савдога қараб турган бошқа сотувчи ва оловчиларда ҳам қулгу уйғонарди, бу қулгулар ҳар бир қалбни ззгуликка кўмарди...

Февраль ойининг охирларида (2013 йил) Жума билан Сиёб бозорига, майиз (Корамайиз заарли ўсмаларни даволайди, юракка мадор беради, инсон қувватини оширади) ва анор (Анорнинг ичидаги қанча донаси бўлса, шунчага хасталикка даво бўлади, дейдилар.) олишга бордик. Юқоридаги воқеалар яна содир бўлди...

Жума Варганза анорларидан танлаб, танлаганларидан биттасини сотувчига кўрсатиб, айнан шунга ўхашларидан 4 кг тортиб қўйишни тайинлагач, майиз бозорига йўл олдик. Учқора майизнинг сарасидан олгач, анорга қайтдик. Анор сотувчи биз танлаган анорлар орасига анчагина уринган (ичининг бир қисми мағорлаган)ларини ҳам қўшибди. Жуманинг текшириб олишидан хабари йўқ шекилли, шундай олиб кетаверишса керак, деб йўлаб салафан халтани боғлаб ҳам қўйибди. Жума идишнинг боягини ечиб, анор доналарини яна бир бор текшира бошлагач,

сотувчининг найранги аёнлашди. Бундан қаттиқ хафаланган Жума кўп одамлар ва сотувчилар эшигадиган қилиб анор эгасини қалбакиликда, алдамчиликда, носамимиликда узок айлади. Сотувчи кўпнинг назаридан қочиб кутила олмади, найрангидан хижолат бўлиб, кўзини ердан олмасди, узр сўрагани ҳам бир пул бўлди, савдосини ўзи ўлдириди...

Мен Жумага “Бозор радиосидан овоза қилишингиз қолди. Бечора жудаям мулзам бўлди. Етарли дарс олди”, – дедим. Жума жаҳлидан тушди, бозорга одамийликни улуғлаш йўлида берган аччик дарсидан қониқиш ҳосил килди, чамамда.

Кейинчалик ўйлаб кўрдим: бозордаги сотувчиларнинг барчаси инсоний муомалага кўпроқ эхтиёж сезарканлар, уларнинг қизиқишлигини ва кўнгилларини тингловчилар топилгандан кувонар, лабларига кулгу келаркан. Худди гул очилгандек, очилиб кетарканлар. Уларга бўлган ишонч ҳалоллик ва покликни ёқлашларига йўл очаркан... Мехр ва олийжаноблик ҳамиша кўпга фойда келтирир экан... Шу боис, Жума бозорга, уни кутаётган одамларга боришга интиларкан-да!

Жуманинг бозорни севишининг, севгандарига чиройли ва хушхулкли, очик ва ошкора дарс ўтишининг, бу дарсга бутун заковатини сарфлашининг сирини англагандек бўлдим.

Ҳа, Жума – етук муаллим. Омма севадиган муаллим. Оммани севинтирадиган, инсонийликка етаклайдиган муаллим. Кўнгилларда гул очирадиган, меҳр уйғотадиган муаллим. Бу эса унинг олийжаноблигига асосдир, инсоний гўзаллик яратишга интилишининг туганмас завқу шавқидур.

## ГЎЗАЛ ЭҲСОН ЭГАСИ

*Хусн оғиздан кирап.  
Халқ мақоли*

Жумани “овқат шинавандаси”, “мазахўр”, “овқатпараст”, десам ҳам камлик қиласи. Яхшиси, уларнинг ҳаммасини бирлаштириб “Жума Ҳамро – гурман” десам, сарлавҳа торилгандай бўлди, лекин тўғриси кўнглимга ўтирмади, ҳатто дўсту биродарларимга ҳам ёқмаса керак, деган иштибоҳ (гумон) уйгонди...

Келинг, олдин англайлик, кейин танлармиз!

Дарвоқе, Самарқанду Бухорою Тошкентдаги, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасидаги энг яхши овқат пишириладиган жойларни, пазандаларнинг барчасини Жума билади. Фақатгина ана шулар озиконасида дўстлари билан овқатланади.

Бунинг бош сабабини сўрасангиз, Жума “узоқ ва соғлом умр кўриш учун сара овқатларни ейиш лозимлигини” тушунтиради. Унинг ақидасига кўра “Соғлик – гўзаллик”, “Саломатлик – туман бойлик”дир. Гўзаллик ва бойлик эгаси бўлиш учун организмни турли кўнгилсиз ҳолатлардан ҳимоя қилиб, бевакт “кариш”нинг олдини олиб, энг янги, тоза ва сара таомларни истеъмол қилиш шарт. “Касал” (ҳиди ёқимсиз) овқат, қолган овқат, масаллиқлари музлаткичдан олиб пиширилган овқат қоринни тўлдиради-ю, тўйғазмайди. Ундаги оқсил, ёғ, углевод, витаминлар, минерал тузлар деярли “ўлган” бўлади; ҳазм бўлиши учун ўзига дармонингизни сугуриб олади.

“Соғ олма шоҳидан тушмас” деганларидек, тоза ва сара овқатни истеъмол қилиш эса мустахкам соғликка гаровдир. Билиб ейилган овқат – дори-дармондир, организмни тўйинтириш ва яшартиришдир, коникиш ва ҳузурдир. Кайфиятни яхшилаш, вактичоглик қилишнинг асосидир...

Жума бошлаб борган ошхоналарда доимо озодаликни, саранжом-саришталикни, ҳурмату иззатни кўрасиз. Кўзлар кувонадиган хоналарни, кўнгил учун ёқимли манзараларни томоша киласиз. Иштаҳангиз очилгандан-очилади. Тотли, ранго-ранг, етилиб пишган, кўриниши чиройли овқатни кўрганингиздан сўнг беихтиёр оғзингизнинг суви қочади, кайфиятингиз кўтарилади. Дўстлар билан ҳазил-мутойиба бошланади, ишонч, ҳурмат-иззат, кўйингки, одамийликнинг барча эзгу хислатлари уйғонади. Чарчоқлар изсиз йўқолади, танангиз қувват змади. Яна ишга шўнғиши учун иштиёқ пайдо бўлади, ижодга ташналиқ кучаяди.

Ана шундай овқатланишни бошидан кўп кечирган домла Соли ака Ҳалимов (Жойлари жаннатда бўлсин!) тўғрисини айтганлар, топиб деганлар: “Жума билан овқатланганингдан сўнг хотининг уйда пиширган овқатни емай кўяр экансан. Натижада кўп гал эшиштар экансан!” Дарвоқе, бу ҳақиқатни профессорлар Омон Воҳидов ҳам, Садри Саъдиев ҳам, Шавкат Ҳасанов ҳам, мен ҳам бошимиздан кечирмоқдамиз. Ҳа, овқатланиш ҳам зўр, хотинлардан гал эшишиш ҳам зўр... Эртасига яна Жума билан овқатланиш, яхши ҳазм бўладиган сара овқатларни тановул қилиш устунлик қилаверади, денг.

Жума одамларни жудаям севади, улар учун яшайди. Ўзгаларни беминнат қўллаб-қувватлаши орқали ўзини ҳам тоблайди. Бу хусусиятини овқат шинавандаси ниқобига яшириб, сездирмасликка интилади. Сезмаганларни кўрса, янада кувончи опади. Яшириб яхшилик қилишнинг ҳадисини олганидан қалби янада ёшаради. Шу хислати билан ҳаётни безаб яшайди.

Яна шуни айтмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Аллоҳ берганини Жума бошқаларга саховат, ҳиммат, хайр қилиб яшайди. У қилаётган эҳсон холис бўлишидан ташқари жудаям гўзал бўлади. Ҳа, гўзаллик сонда эмас, сифатдадир. Шу боис, бу гўзаллик барчани яхшиликка, эзгуликка, меҳрга етаклайди. Айни пайтда, Жума умрининг гўзалликка баҳшида қилинганини яна исботи бўлади. Шу хулосадан “Жума – гўзал эҳсон эгаси” сарлавҳаси ҳам бўй кўрсатди. Узукка олмосдан кўз қўйғандек, Жумага хос салоҳиятни очиб юборди. Минг шукур!

### ИШҚ ВА ҲАВАСГА ҚОНМАГАН ЮРАК

*Ишқсиз ҳаёт бўлмас, ҳаётсиз ишқ бўлмас.  
Халқ мақоли*

*“Мұхаббат омаду олам дигар шуд...”  
Күшикдан*

Мұхаббат – ҳар бир қалбга ошно дард, ҳар бир қалбнинг топилдиги.

Мұхаббат – юракка ҳаяжон пўртанасини солувчи ёғду, ўзимизни қайта яратувчи хилқат.

Мұхаббат – саодатга элтувчи шуъла, кувонч ва баҳт ато этувчи олижаноб ибодат.

Мұхаббат – тинимсиз ҳаракатга, умидли келажакка етакловчи жозиба.

Мұхаббат – ҳаётнинг гўзал ва бетакрорлигига мафтун эттирувчи меҳригиё.

Мұхаббат – халигача тўлиқ таърифини топа олмаган буюк туйғу. Авайлаб, эъзозлаб, қадрлаб яшаш илмини бунёд этувчи қалбнинг кўрки.

Мұхаббат – ҳар бир қалбда янгиланадиган ва шу қалбнинг тақдирiga тенглападиган ҳақиқат.

Мұхаббат – икки ошиқ қалбнинг бирлашувидан яраладиган янги ҳаёт, янги мазмун, янги нур.

Мұхаббат – ҳар бир севишиганинг ўзигагина хос ҳарорати, мазаси, хиди, ҳаяжони, маҳлиғи, таъсири, чиройи, ёруғлиги... билан ҳаётни гүзаллаштирадиган зарурат.

Мұхаббат – покликдир, эзгуликдир, ҳиссиётларимиз сардоридир, түйғуларимизнинг энг гүзалидир...

Бу ғаплар мұхаббат ҳақида айтилған фикру мулохазаларнинг бир қадар умумлашмаси, уни жаңа шунча таърифлаш мүмкін, лекин барибир озлик қылаверади. Ҳар бир юрак, ҳар бир давр уни янгилашда ҳаётдек узлуксиз давом этаверади. “Мұхаббат бир сүз, мазмуни – дунё” бўлиб қолаверади.

Шуниси дикқатга сазоворки, севишигандарнинг ҳаммаси истеъоддли бўладилар, илҳомлари жўш уриб, мұхаббат деган ҳақиқатнинг янги қирраларини кашф этишда тўхтамайдилар, покликка, гўзалликка, илмга, санъатга ўраб янги-янги таърифларини воқе қиласкерадилар, мұхаббатнинг хилини ва тарихини бойитаверадилар.

Шундай ошиклар борки, улар юзлаб аёллар билан яшаган бўлсалар-да, уларнинг биронтаси билан ҳам баҳтли бўла олмаганлар. Кўпчилик биладиган Дон Жуан ҳаёти бунинг исботидир.

Казанов деган қаҳрамон эса барча аёлларнинг шайдоси бўлган. Ўлганидан сўнг ҳам қабри ёнидан ёш жувон ўтса, қабрининг панжараси симлари букилиб, жувонни этагидан тортармиш... Тиригига ҳам, ўлигига ҳам аёлга мұхаббати бир муддат ҳам сўнмаганмиш...

Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Данте ва Беатриче, Пушкин ва Наталья, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ойбек ва Зарифа, Одил Ёқубов ва Марям кабиларнинг бир умр (тақдир)ли мұхаббатлари – гўзал ва садоқатли мұхаббатлари борлигини ҳам биламиш...

Ҳа, мұхаббат – баҳор янглиғ, гуллар янглиғ, қалблар янглиғ турфа хил...

Жуманики эса ҳеч кимникига ўхшамайди, унинг тушунчасига, ақидасига, қашфига хос. Мұхаббат унинг ҳаётида шоҳона ўринда туради, аёл эса унинг жон малҳамидир.

Аёлларга нисбатан кўнгилчан одам. Бирорта аёлнинг кўнглини қолдиришдан кўра, ўзининг бутун борлиғидан воз кечишга доимо тайёр туради. Аёлни, айниқса, ҳали чиройини йўқотмаган, ёшроғини кўрса, дарров эҳтиросга берилади. Илҳом билан дилини ёради, аёлнинг мактобини келтириб, у ҳеч кимдан эшифтмаган сўзларни топиб, мулойимлик билан сингдира бошлайди, уни – музқаймоқни нафаси билан иллитгандек, исита бошлайди.

Аёл “Бир нафаслик “муҳаббат”, бошга келтирап оғат” мақолининг мағзини чаққан бўлса, Жуманинг хушторлигидан воз кечади. Агарда унинг ишқи тўрига илашса, Жуманинг бутун салоҳияти унга қаратилади: эъзозлар, совғалар, ҳурмату иззатларнинг чеки бўлмайди... Озгина вақт ўтгач, бу ҳислар муайян даражада сусая бошлайди. Жума излаган нарсасини топа олмагач, топганига ёлчимагач, янгисини излаш, топиш, кўлга киритишга ҳаракатини бошлайди... Дарвоқе, аёлларга хос фазилатларнинг барчаси бир аёлда бўлмаслиги аён. Ҳар бир аёлнинг ўзига хос нури, ҳиди, мазаси... борлиги ҳақиқат. Унинг ҳамма истак ва талабларини бир аёл қондира олмаслиги ҳам турган гап. Лекин у буни тан олишни истамайди, ҳаммасини топишга бел боғлаган шекилли, излашда ҳамон бардавом. Бу унинг жонига тегмайди, юраги уриб турар экан, у факат нафисини истайди, “тополмаганимни шу аёлдан топсан керак”, деган тушунчаси гулга кира бошлайди... Қалбида яна баҳор ҳукмронлиги – катта туйғуга айланади. Бу туйғу шунчалик құдратлики, унинг ақлу хаёлини, жисму жонини әгаллади, қалбига озиқ бўлади, илҳомини гуллатади, маънавий ва ақлий қобилиягини шиддат билан ишлатади. Чарчаши, ҳоришни йўқотиб, йигитликдаги кучини уйғотади, гўё.

Бу ҳолат уни ёшартиради, модага мос чиройли кийинтиради, юриш-туришларига янгича рух ато этади, қариликни узоқлаштиради. “Очлик ош танламас, ошиқлик ёш танламас” деганларидек, у барча аёллардан гўзаллик топаверади, шириң туйғулардан ажралишни истамайди. Аёлни санъатга менгзаб, ундан узлуксиз завқ олаверади...

Жума Ҳамро ошиқ бўлган, майл қўйган аёлларни инсон сифатида жудаям ардоклайди. Ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдан чарчамайди. Бирортасининг қусури ҳақида гапирмайди. Бир нечтасига бирдан дуч келса, барчалари билан илҳоми жўшиб муносабатга киришаверади, бирини биридан устун ҳам, кам ҳам

кўрмайди. Шу хислати туфайли кўп аёлларнинг кўнгилларини аврайди, аёллар буни билиб-бilmасликка оладилар, ҳаваслари топган Жумани валламатлиги учун кечираверадилар.

Унинг ҳаёти, гўзалликка бахшида умри излаган маъносини топиш жараённида: “Аёлни севиш ҳам ибодатdir, факат уни Аллоҳ ризолиги учун севсанг”. Ҳа, шунда лойқаланган сув тинийди, шаффофлангач, бутун дунёнинг моҳияту маъносини битта аёл, севимли аёл тимсолида бус-бутун ва гўзал қилиб кўрсатади. Иншооллоҳ, уни кўриш Жумага насиб қilsin! Шунда унинг қалби покланиб, чирой очиб, гўзалликка бахшида умрини ибодатга сазовор этади.

\* \* \*

### Ошиқлик

Наврўз тантаналарини якунлаш арафасида савол-жавобларга ҳам навбат келибди. Талабалардан бири шундай савол берибди:

– Хурматли устоз Жума Ҳамроевич! Ёшингиз етмишга яқинлашациятти. Лекин жудаям ёш кўринасиз, бунинг сири нимада?

Жума Ҳамро ҳозиржавоблик билан дебди:

– Ошиқликда. Сиз ҳам ёшларга чин дилдан ошиқ бўлсангиз, келажакда менга ўхшаб қаримайсиз!

Ҳа, “Олимлик ҳам – ошиқлик”дир, талабаларни чин кўнгилдан севмасдан яхши дарс бериш мушкулдир.

### Ижодий таъсир

21-март 2013 йил Жума Ҳамро ва мен эрталаб Омон ака билан учрашдик. Бир-биримизни Наврўз билан табриклаб, яхши ният ва тилаклар айтдик.

Мен бир неча вақтдан буён хотинининг қон босимидан озорланиб юрган Омон акага “Янгамизнинг ҳам қон босимлари илоҳим Наврўзда йўқолиб кетсин. Соғ-омон бўлсинлар”, – дедим.

Омон ака:

– Айтганингиз келсин. Янгангиз ҳам, бошқалари ҳам омон бўлишсин! -дея ҳазиллашдилар.

Бундай жавобдан лол қолган Жума Ҳамро:

– Ана, акангизнинг ниятини қаранг. Кимлигини билдингиз-а! -дея қочирим қилди.

Омон ака эса топиб ва жиддий тарзда якун қилдилар:

— Ахир, Жума Ҳамро билан узоқ йиллар ҳамроҳ бўлгандан кейин, бошқача гапирсак, Жуманинг таъсири йўқ дейишади-да!..

## ЗАВҚ БЕРУВЧИ ОДАТЛАР

*Жон – танга меҳмон,  
Инсон – инсонга.*

**Халқ мақоли**

Жума Ҳамронинг ўзигагина хос ва мос одатлари кўп. Уларнинг баъзилари Сизнинг муҳокамангизга ҳавола:

Телефон (сотка)дами ёки кўришганингиздами Жума узоқ сўрашади: “Акажон яхшимисиз? Янгам яхшимилар? Болачақалар омонми? Кайфиятингиз шоҳонами? Янгам: “Фақат уйда ўтираверасизми? Фақат ишлайверасизми? Сизнинг ака-уқангиз йўқми? Чой-пойга чақирмайдими” - дея айтмадиларми? Бугун бир кўнгил ёzsак-чи!..” Бундай ўнлаб саволларга ўранган сўрашиш самимий ва чин кўнгилдан эканини билганингиздан сўнг, сизда ҳам жилмайиш, самимийлик уйғонади. Таклифга рози бўлганингизни билмай қоласиз.

\* \* \*

— Йил давомида келадиган жума кунлари унинг туғилган куни ҳисобланади. Ҳар ҳафтада туғилган кунни дўсту биродарлар даврасида нишонламаса, кўнгли жойига тушмайди.

\* \* \*

— Ўзи спиртли ичимлик ичмайди, лекин ароқ-винонинг янгисини, тозасини бехато топади. Спиртли ичимликлар шишиасини рўмлчаси билангина ушлайди. Лекин зеҳн солсангиз вақти келганида бир ҳидлаб кўради, бу ҳид унга чамамда бир йиллик завқни беради.

\* \* \*

— Тўлдирилган пиёлалар Жума томон уриштириш учун узатилса, у чой солинган пиёласини юқорига кўтариб, “ишораи чақ-чақ”, дейди... Завқи келса “Шоҳона ўтириш бўлди”, – дея хулоса қиласди.

2013.

## УМР ВАРАҚЛАРИ

Яхшилик қылсанг яшир,  
Яхшилик күрсанг ошир.  
**Мақол**

Самарқанд давлат университетидаги ўкув-тарбиявий ва илмий соҳаларнинг асосий қисмини фан номзодлари, доцентлар ташкил қилади. Педагоглик ва олимликни уйгуналаштирган бу плеяданинг намунавий ва яратувчан меҳнати таҳсинларга лойикдир.

Ана шулардан бири – олий даргоҳда 50 йилдан ортиқроқ самарали меҳнат қилаётган тарих фанлари номзоди, доцент Холмўмин Мамараҳимовдир. Домла шу пайтгача тарихнинг минг-минг саҳифаларини титкилаб, ўтган авлоду аждодларнинг умрларини сарҳисоб қилиб, даҳоларнинг ҳаётидан сабоқлар топиб талабаларга тарих фанини ўқитиш жараёнида намунали таълим-тарбия бермоқдалар, ардоқли устоз-мураббий сифатида умргузаронлик қилмоқдалар.

Холмўмин Мамараҳимов 1938 йилда Бахмалда дехкон оиласида туғилади. Етти йиллик ўрта мактабни (1953 йил) тугатгач, Жиззах шаҳридаги педбилим юртига ўқишига киради. Имтиёзли диплом эгасига Самарқанд давлат университетида (1957 йил) ўқишига йўлланма берилади. Университетнинг тарих факультетини (1962 йил) битиргач, “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида лаборант вазифасида ишлай бошлади. Кейинчалик Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўқитувчилик қилади. Самарқанд давлат педагогика институти ректори Орифжон Икромовнинг таклифига розилик билдириб, шу даргоҳда катта ўқитувчи лавозимида иш бошлади. Ректор берган ваъдасига амал қилиб, Олий таълим вазирлигининг рухсати билан Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети аспирантурасига ўрин олиб беради. “Шу йили СамДУнинг “КПСС тарихи” кафедраси аспиранти (1970-1973 йиллар) бўлдим ва уч йилдан кейин номзодлик диссертациясини (1975 йил) химоя қилдим. Бунинг учун мен Орифжон ака Икромовдан умрбод миннатдорман”, - дея эътироф қилади Холмўмин ака.

Холмўмин ака умрининг энг авж нуқталари, чарчамасдан ўқиш ва ўқитиш бўйича тажрибалар тўплаш даври, етук педагог ва раҳбар бўлиб етишиш палласи Педагогика институти билан

боглиқдир. У Педагогика институтида (1976-1979 йиллар) касаба ўюшмасининг раиси, (1979-1982 йиллар) доцент, мактабгача тарбия педагогикиси ва психологияси факультети декани, (1985-1992-йиллар) “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг мудири ва бир муддат институтнинг маънавий ишлари проректори (1992 йил) лавозимларида фаолият кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, Педагогика институти ва Холмўмин ака ўртасидаги таълимтарбия мактаби иккаласининг ҳам ривожига, юксалишига, камолот сайин қадам ташлашига олиб келади. Бири иккинчисига, иккинчиси биринчисига қувват бўлди, саодат бўлди.

Педагогика институтининг СамДУ билан бирлаштирилиши (1992 йил) сабабли, Холмўмин Мамараҳимов университетнинг Тарих кафедрасида доцент бўлиб хозиргача ишлаб келмокда. Шу йиллар давомида номзодлик диссертацияси монография бўлиб чиқди. Ўзбекистон тарихи бўйича ўқув кўлланмалар, услубий тавсиялар, электрон дарслклар, илмий-оммабоп мақолалар эълон қилинди, уларнинг кўлами 100 босма табоқдан ошиб кетди. “Ўзбекистон ҳалқ таълими аълочиси” нишонига сазовор бўлди.

Ушбу сиқик сархисобдан ҳам кўринаяптики, Холмўмин аканинг тақдирида олий таълим педагоги касби ҳал қилувчиидир. Бу касбнинг яратувчанлик, инсонийлик, олимлик, мураббийлик каби уруғ қирралари Холмўмин акада мужассам топгандан куонасан, киши.

Холмўмин аканинг фаолият қирралари ва ибратли фазилатлари, умрининг 70 йиллиги нишонланаётганлигига, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, тарих фанлари доктори, профессор Мавлон Жўракулов томонидан топиб айтилган ва шарҳланган эди: “Замонамизнинг етук педагоги ва олими бўлиб етишган Холмўминни самимилиги ва камтарлиги безаб туради... Ғурури баланд ва талабчан мураббий... Билимдон ва маҳоратли педагог мақомидаги олим... яхши нотик... фикри тиник, бағри кенг, кенг феълли, очик кўнгилли, садоқатли ва дилкаш инсон”<sup>1</sup>.

Ҳа, ҳақ сўзлар. У кишининг фаолиятида доимо ўз мавқенини билган одамнинг оқиљлиги, фаоллиги нур сочиб туради. Феъл-

<sup>1</sup> Қаранг: Самарқанд тарихи: кеча ва бугун. СамДУ нашри, Самарқанд, 2008 й., 5-10 бетлар

атворларида жанжал, адовату хусумат, инсофсизлик, такаббурлик кўрмайсиз, балки ҳакни ва адолатни ёқлаш, эзгулик ва яхшиликни рўёбга чиқариш, мушкул муаммоларни ибратли ечимини топишга интилиш, одамларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш – кучли жиҳатлар эканига амин бўласиз.

Яна кучли фазилатлардан бири – кўрган яхшилигини унутмаслигидир. Бу яхшиликнинг ҳақини қайтариш лозимлигини чукур англаган ҳолда, садоқат кўрсатиб умргузаронлик килишидир. Самарқанд шаҳар партия ташкилотининг котиби Муса Назаровга (жойлари жаннатда бўлсин!), ака-ука Икромовларга, дўсти Аминжон Бакаевга, устоз Мавлон Жўрақуловларга бўлган меҳрли ва қадрдонлик муносабатлари бунга жонли далиллар.

Холмўмин аканинг бугун ҳам “антенна”си жудаям кучли. Кўпчиликдан олдин оламда, мамлакатда, вилоятда, университетда юз берган энг сўнгги янгиликларни биладилар. Суҳбатлашиш жараёнида бу маълумотларни сизга салгина сирли қилиб узатадиларки, бу соҳада у кишига тенг бошқа суҳбатдошни топа олмайсиз. Уста устозга қойил қоласиз, “Хабар – шамолдан тез”лигига ишонасиз.

Мана шу фазилатларнинг барчасига эришган, шулар орқали оиласда, СамДУда, Самарқандда обрў-эътибор топган, сабр-тоқат билан педагогик ва илм машақатини, лаззатини, ҳаловатини ўз шогирдларига ўргатаётган Холмўмин акага донолик ва баркамоллик устуворлигини истаймиз.

Боболаримиздан Шайх Шиблий: “Тўрт минг ҳадис ўқидим, тўрт юзини ёд туширдим, шундан тўрттасига амал қилдим ва мақсадимга етдим”, деб иқрор бўлган эканлар. Демак, илм ва уни ўргатиш – бепоён уммон, унинг чек-чегараси йўқ, лекин ўрганганд илмга амал қилиш, уни ўзлиги билан бойитиш – бир умрнинг мазмунига ҳазрати инсоннинг кўзмунчоққа айланишига етарлидир.

2013.

## МУНДАРИЖА

<b>Ҳамиша мададкор азизим.....</b>	<b>3</b>
<b>Улуг мураббий.....</b>	<b>8</b>
<b>“Воҳиди даврон...” .....</b>	<b>14</b>
<b>Эзгулик ва ҳаракатта чорловчи мерос.....</b>	<b>31</b>
<b>Яхшининг шарофати... .....</b>	<b>51</b>
<b>Зуқко ва севимли устоз.....</b>	<b>59</b>
<b>Таржимашунослигимиз Хизири.....</b>	<b>71</b>
<b>“Билим – акл сиймосидир”.....</b>	<b>74</b>
<b>Қалб ҳарорати беназир домлам.....</b>	<b>77</b>
<b>“Ковланмаган чўғ кул остида қолиб кетади”.....</b>	<b>81</b>
<b>Яхши инсон эди.....</b>	<b>86</b>
<b>Сўзамол ва ҳозиржавоб домла.....</b>	<b>88</b>
<b>Бухоронинг қорачиги.....</b>	<b>92</b>
<b>Самарқанд шоирларининг сардори.....</b>	<b>96</b>
<b>Махмуд Диёрий .....</b>	<b>105</b>
<b>“Обод қилган обод бўлади”.....</b>	<b>113</b>
<b>Сўз қадри – умр қадри .....</b>	<b>118</b>
<b>Шарафларга лойик одам.....</b>	<b>120</b>
<b>Тулпор қалб.....</b>	<b>122</b>
<b>Қассоб акам – шоир акам! .....</b>	<b>124</b>
<b>Янгамуллом олами.....</b>	<b>134</b>
 <b>Иккинчи фасл</b>	
<b>Халқни деган бўлар...</b>	
<b>Ота .....</b>	<b>143</b>
 <b>Учинчи фасл</b>	
<b>Яхшилик нур келтирас</b>	
<b>Йирик санъаткор: Ибратли умр китоби .....</b>	<b>165</b>
<b>Меҳнату машаққат раҳбари .....</b>	<b>169</b>
<b>Қалбидা ёғдуси бор...</b>	<b>174</b>
<b>Орзуси ушалган инсон .....</b>	<b>179</b>
<b>Давлатманд дўст.....</b>	<b>183</b>
<b>Гўзалликка бахшида умр.....</b>	<b>190</b>
<b>Умр варақлари .....</b>	<b>204</b>

*бозор.*  
*Агадий-бадиий нашр*

**Ҳотам Умуроғ**

# **ЁРУҒ ВА ЁНИҚ ҚАЛБЛАР**

*Муҳаррир:*  
**Лукмон Бўриҳон**

*Техник муҳаррир:*  
**Файзулло Азизов**

*Мусаҳдид:*  
**Нодира Эгамқулова**

«Муҳаррир» нашриёти  
Лицензия: АI № 230. 2012 йил 16 ноябрь

Теришга 2013 йил 11 сентябрда берилди.

Босишга 2013 йил 08 ноябрда рухсат этилди.

Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ . «Virtec Times» гарнитурасида  
офсет босма усулида оғсет қоғозида босилди.

13 шарт. б.т. 10,5 ҳисоб нашр. таб.

Адади 500 нусха. 149-сон булортма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.  
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй  
E-mail: Muhatir@list.ru